ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУРБОННИЁЗОВ Р.

ГЕОГРАФИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ



УРГАНЧ — 2001.

«География ўқитиш методикаси» курси География бакалавр ва магистратура йўналишлари бўйича таълим олаётган талабалар ва магистрантлар учун мўлжалланган бўлиб, унда шу фаннинг асосий мавзулари қисқача баён қилинган.

Масъул муҳаррирлар:

СОЛИЕВ А. профессор, География фанлари доктори,
ЭШЧАНОВ Р. доцент. УрДУ Табиатшунослик факультети декани.

Тақризчилар:

САГАТОВ А. доцент. Ўзбекистон Миллий Университети.
МАТСАИДОВА С. УрДУ география кафедраси ўқитувчиси.

Республика таълим маркази география бўлимининг 17.IV.2001 йил ва Ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат Университети илмий кенгашининг 11 январь 2001 йилдаги мажлис қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилди.

ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ МЕТОДИКАСИДАН МАЪРУЗА МАВЗУЛАРИ РЕЖАСИ

56-соат Маъруза
26-соат Амалий иш

№	МАВЗУЛАР НОМИ	соат	бет
1.	КИРИШ	2	5
2.	География ўқитиш методикаси фан сифатида	2	6
3.	География таълими методикасининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги	2	10
4.	География таълимида илмий тадқиқот ишларини уюштириш	2	12
5.	Ўзбекистонда мактаб географиясининг тарихи ва шаклланиши	—	24
	Октябр тўнтаришигача бўлган давр	2	24
6.	Октябр тўнтаришидан мустақиллик давригача Ўзбекистонда география ўқитишнинг аҳволи	2	38
7.	Мустақиллик йилларида география таълими	2	46
8.	География таълимининг мақсади	2	51
9.	Мактаб географияси мазмуни	2	62
10.	Хорижда география таълими	2	65
11.	География таълими методлари таснифи	2	76
12.	География таълимининг оғзаки методлари	4	83
13.	География таълими жараёни қисмлари	2	98
14.	География тушунчаларини шакллантириш	2	100
15.	География таълимида амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш	2	105
16.	География таълимида ўқувчилар дунёқарашини шакллантириш	2	110
17.	География таълимида карта ва глобус	4	116
18.	География дарслиги билан ишлаш	2	
19.	Таълимда дарсликнинг аҳамияти	2	132
20.	Ўқувчилар билимини текширишнинг шакл ва усуллари	2	149
21.	География таълимида ўқув экскурсиялари	2	162
22.	Мактабда география дарси. Дарсларни режалаштириш	2	170
23.	География дарсларининг турлари ва уларнинг тузилиши	2	179
24.	География дарслари таҳлили	2	186
25.	География таълимида синфдан ташқари ишлар	2	189
26.	География таълимида географик маданиятни шакллантириш муаммолари	2	202
27.	Адабиётлар рўйхати		211

ГЕОГРАФИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИДАН АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУЛАРИ

№	МАЪРУЗА МАВЗУЛАРИ	СОАТИ	САНА
1.	Ўзбекистонда география таълими-	2	
2.	География ўқитиш методикасида илмий тадқиқот ишлари	2	
3.	География таълимининг мазмуни: мақсади, вазифалари	2	
4.	Географик тушунчалар шакллантириш методикаси.	2	
5.	Оғзаки методлар классификацияси	2	
6.	Репродуктив ва муаммоли методлар	2	
7.	География дарслиги билан ишлаш.	2	
8.	Глобус ва картада машқлар бажариш	2	
9.	Кўргазмали қуроллар билан ишлаш методлари.	2	
10.	Дарс беришни машқ қилиш	2	
11.	Географик кўникмалар шакллантириш	2	
12.	География хонаси ва унда бажариладиган ишлар	2	
13.	География майдончасида бажариладиган ишлар	2	

КИРИШ

Жамият тараққиётини ҳар томонлама етук ўқитувчиларсиз тасаввур этиш қийин. Малакали педагог мутахассислар тайёрлаш эса кўп жиҳатдан уларнинг методик тайёргарлигига боғлиқ. Айниқса ҳозирги мураккаб ахборотларни, географик ҳодиса ва сабаб оқибатларини, табиий ва иқтисодий география тушунчаларини ўқувчилар онгига етказиш ва шакллантириш ниҳоятда мураккаб жараён ҳисобланади. Мактаб дастури ўқувчиларга фақат географияга оид билим бериш билан чекланмайди, балки уларда зарур кўникма ва малака ҳосил қилишни ҳам ўз зиммасига олади.

Ҳар бир ўқувчи дарсда олган кўникма ва малакалар асосида билимларни мустақил эгаллаши зарур бўлади. Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ умумий ўрта таълимнинг барча бўғинларида ўқувчиларнинг мунтазам билим олиши, уларда билим олиш эҳтиёжини ривожлантиришни, ўқувчиларда меҳнат кўникмалари, мустақил ижодий фикрлаш, касб танлашга ва атроф-муҳитга онгли муносабатни ҳосил қилишни, миллий ва умумбашарий қадриятларини ҳурмат қилишни, ўз ватанига, халқига садоқат, меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш вазифалари белгиланди.

Бу вазифаларни бажаришда география таълими алоҳида салмоқга эга. Айниқса, табиий ва иқтисодий география курсларини ўқитиш борасида миллий дастурда қўйилган вазифаларни бажариш чексиз имкониятларга эга эканлигини тажрибалар исботламоқда.

Буларнинг барчаси география ўқитувчисидан педагогик фаолиятдаги ютуқ-камчиликларини таҳлил қила олишни, ўз иш тажрибасини таҳлил қилиб, умумлаштира билишни, бошқа ўқитувчиларни тажрибасини умумлаштириш ва самарали шакллар, методлардан ўз ишида оқилона фойдаланишни талаб қилади. География таълими методикаси педагогика фанининг таркибий қисмидир. У мактабда география ўқитишнинг мақсад ва вазифаларини, умумий географик билимлар мазмунини, ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш ғояларини илгари суради ва ишлаб чиқади. Қўлингиздаги ушбу қўлланма, мактабда география таълимининг мазмуни ва мақсади, амалда синалган ва исботланган ўқитиш методлари шакллари ва воситаларини, география ўқитишнинг турли қирраларини тадбиқ қилади.

Қўлланма бир-бири билан боғлиқ бўлган назарий ва амалий қисмлардан иборат бўлиб, университетлар ва педагогика олий билим юртлари ўқув режасини таркибий қисми ҳисобланади.

ГЕОГРАФИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ФАН СИФАТИДА ГЕОГРАФИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ МАЗМУНИ ВАЗИФАСИ ВА МУАММОЛАРИ

РЕЖА:

1. Малакали география—ўқувчилар тайёрлашда география ўқитиш методикасининг ўрни ва роли.
2. Фанни ўқитишнинг мақсади
3. География ўқитиш методикаси мазмуни, муаммолари.
4. География ўқитиш методикасининг вазифалари.
5. География ўқитиш методикасининг тарбиявий қисмлари.
6. География ўқитиш методикасининг ҳозирги кундаги ривожланиши.

География ўқитиш методикаси педагогика фанлари тизимига киради. География методикасининг асосини мактаб географияси, хусусан табиий ва иқтисодий география ҳамда улар билан алоқада бўлган картография, геология, иқтисод, биология, аҳолишунослик ва бошқа кўплаб фанлар ҳисобланади. Таълим-тарбиянинг умумий қонуниятларини дидактика таҳлил қилади. Бошқача қилиб айтганда, дидактиканинг моҳияти таълим-тарбия жараёни ҳисобланади. У аниқ фанлар учун таълим ва тарбия жараёни билан шуғулланмайди. Демак география ўқитиш методикаси илмий педагогик фан бўлиб, у ўқитувчиларга географиядан пухта билим бериш, уларни ҳар томонлама етук дунёқарашга эга бўлган кишилар қилиб тарбиялаш ва ўқитиладиган география фанининг мақсадини, таълим вазифалари, мазмуни, методларини ҳамда география ўқитишнинг энг муҳим воситаларини белгилаб беради. География ўқитиш методикасининг асосий фан сифатида университетлар ва бошқа олий ўқув юртлари география факультетларининг ўқув режасига киритилиши ва уни ўрганишда кўзда тутилган мақсад, бўлажак ўқитучвиларни мактабда география ўқитишнинг илмий асослари билан қуроллантиришдан иборат. **Билиш назарияси география ўқитиш методикасининг методологик асосини ташкил қ илади. География ўқитиш методикаси тадқиқ қиладиган методологик ва назарий муаммоларга илмий тадқиқот методлари ва предмети, чет элларда ва Ўзбекистонда география таълими, география ва унинг алоҳида курслари бўйича ўқитиш мазмуни, мақсади ва вазифалари, географик билимларни эгаллашда таълим билан тарбиянинг бирлиги,**

ўқувчилар географик билим ва кўникма малакалари ва дунёқарашини шакллантириш, география таълими жараёнининг умумий қонуниятлари киради.

География ўқитиш жараёнининг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

—географияни ўқитиш мақсади;
—география таълимининг мазмуни;
—географияни ўқитиш методлари;
—географияни ўқитиш ва ўрганишни ташкил этиш;
—ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва билим имкониятлари;
—география таълимининг натижалари ва х. к.

Юқоридаги таркибий қисмлар ўртасидаги мустаҳкам алоқа мавжуд. Масалан: ўрганиладиган мавзунинг мақсади, таълим-тарбия вазифалари мазмунига мос келадиган таълим шакллари, ўқитиш методлари ҳамда воситаларидан мақсадга мувофиқ тарзда фойдалана билишни тақозо қилади. География таълими методикасининг назарий методологик масалалари кўпгина методист-географ олимлар А. Е. Бибик, А. В. Даринский, Т. П. Герасимова, М. К. Ковалевская, И. С. Матрусов, Л. М. Панчешникова, М. В. Рижаков, О. А. Мўминов, Ҳ. Ҳ. Ҳасанов, П. Г. Мусаев ва бошқаларнинг асарларида ўз ифодасини топган. География таълими методикаси фани умумий методика, методиканинг назарий масалалари, табиий географияни ўқитиш методикаси ва иқтисодий география ўқитиш методикаси каби қисмлардан иборат. Ўз навбатида уларнинг ҳар бири хусусий методикалар (мактаб география курсларини алоҳида-алоҳида ўрганиш методикаларини) ўз ичига олади. Умумий методика мактаб география курслари учун ўқитиш қонуниятларини яъни ўқитишнинг мазмунини, ташкил этилишини, таълим методлари, таълим воситалари, синфдан ташқари ишлар ва бошқаларни ўрганади. А. В. Даринский **умумий методикани география дидактикаси деб айтган эди.** Хусусий методика мактаб география курсларининг мақсади, мазмуни, таркиби, географик билим, кўникма малакалар шакллантириш, ҳар бир курс бўйича ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва ҳоказолар билан шуғулланади.

География таълим методикаси:

—мактаб географиясининг таълимий ва тарбиявий мақсадлари;
– география таълимининг мазмуни;
—география ўқитишнинг шакл ва методлари;
—таълим жараёнида география ўқитиш воситалари (дастурлар, дарсликлар, атлас карталар, ўқувчи ва ўқитувчилар учун илмий методик қўлланмалар ва бошқаларни яратиш);

—ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштиришлари;

—таълим жараёнида фикрлашнинг ривожланиши ва ҳ. к. билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилади.

А. М. Панчешникова таъбири билан айтганда, география таълими методикаси фани қуйидаги муаммоларни: **—Ўқитиш мақсади, (географияни нима учун ўқиймиз?) география таълими мазмуни (нимани ўқитамиз?), география таълими воситаларини (нималар ёрдамида ўрганамиз?), ўқитишнинг шакл ва методларини (қандай ўқитамиз?) тадқиқ қилади.** Бундан ташқари географияга оид билимларни эгаллаш жараёни, ўқувчиларнинг ақлий ривожланиши, ўқувчиларни тарбиялаш каби муаммоларни ҳам ўрганади. Шундай қилиб, география таълими методикаси фани мазмунан бой ва хилма-хилдир. География фанининг мазмуни мактабда уни ўқитиш ва ўқувчиларнинг ўрганиш фаолияти орқали уларнинг онгига, тарбиясига ҳамда камол топишига ёрдам беради.

География ўқитиш методикасининг вазифалари қуйидагилардан иборат: Мактаб география курсларининг синфлар бўйича мақсади, мазмуни ва аҳамиятини белгилаш, улар мазмунини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда география фанидаги асосий гоя, факт, тушунча ва қонуниятларни ажратиб олиш;

—ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзлаштиришга имкон берадиган таълим йўлларини аниқлаш;

—географияга оид маълумотлар асосида ўқувчиларда воқеа ва ҳодисаларга нисбатан дунёқарашни шакллантириш ва ўқувчиларни миллий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўлларини кўрсатиб бериш;

—ўқувчиларга амалий кўникма ва малакаларни сингдириш имкониятларини аниқлаш;

—таълим жараёнидан ўқувчилар фаолиятини оширадиган ва мустақиллигини таъминлайдиган самарали методларни аниқлаш;

—география фанининг умумий ва политехника таълими тизимидаги, ўқувчиларга меҳнат, касб, экологик, иқтисодий, аҳлоқий, эстетик тарбия бериш вазифаларини очиб бериш;

—таълимни ташкил этиш турларини ва унинг самарадорлигини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

—синалган ўқитиш методларини такомиллаштириш;

—дарслик ва бошқа ўқув қўлланмаларига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш. Уларни жаҳон стандартлари даражасига етказиш йўлларини излаш;

—курслар бўйича ўқувчиларнинг ёшига мос келадиган ўқув қуролларига бўлган талабларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш методикасини яратиш;

—ўқувчиларни ўлкашунослик ва синфдан ташқари ишларини мазмуни турлари ва методикаси билан таништириш;

—географияга оид оммабоп адабиётларни яратиш;

Хулоса қилиб айтганда география методикаси вазифаларини 3 гуруҳга ажратиш мумкин.

1. География методикаси ўқувчига географиядан қандай билимлар беришини аниқлаши;

2. Ҳар бир курсда бериладиган билим, кўникма малакаларини шакллантириш йўлларини;

3. Таълим жараёнини уюштириш шаклларини аниқлаши. Ҳар бир шаклга мос метод, ўқув жиҳозлари, синфдан ташқари ишларини белгилаши.

4. Ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштириш, уларнинг тарбияланиши, таълим жараёнида фикрлаш қобилиятлари ривожлантириши мақсадга мувофиқ.

ЕТАКЧИ ТУШУНЧАЛАР

Малакали ўқитувчи, Таркиб, География таълими, ГУМ вазифаси, География таълими мазмуни, Методика, Назария, Методология, Амалиёт, Билим, Мақсад, Фан, Таълим шакли, Тушунча. Таълим мазмуни. Ўқитиш мақсади. Ўқитиш методлари..

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ

1. География ўқитиш методикаси фанининг мазмуни, вазифаси нима?

2. Қандай фанлар педагогика фанлари тизимини ташкил этади?

3. География ўқитиш методикаси қандай муаммоларни тадқиқ этади?

4. Умумий ва хусусий методика деганда нимани тушунасиз?

5. География таълими жараёнининг таркибий қисмларига нималар киради?

АДАБИЁТЛАР

1. Методика обучения географии в средней школе. Под. Ред. И. С. Матрусова М, Просвешение 1985.

2. Методика обучения географии в средней школе. Под. Ред. Л. М. Панчешниковой М. Просвещение 1983.

3. Н. Н. Баранский, Методика преподования экономической географии. М. Учпедгиз. 1960,
4. Ўзбекистон Республикасининг Таълим Ҳақидаги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т 1999.

ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ МЕТОДИКАСИНИНГ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН АЛОҚАДОРЛИГИ

РЕЖА:

1. География ўқитиш методикаси учун фанлараро алоқаларнинг аҳамияти.
2. География ўқитиш методикасининг педагогика фанлари билан алоқадорлиги.
3. География ўқитиш методикасининг география фанлари билан алоқадорлиги.
4. Педагогик-психологик тадқиқотлар ва география таълими.

География таълими методикаси география фани билан узвий боғлиқдир. География фани география методикаси учун асос бўлиб хизмат қилади. География фанлари билан алоқадорлик, мактаб географияси мазмунини шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Мактаб географияси мазмуни узлуксиз такомиллашиб боради. Шу туфайли ҳам кейинги йилларда мактаб география курсларида табиий, ҳудудий ишлаб чиқариш комплекслари, бозор иқтисоди каби тушунчаларнинг киритилиши, табиий шароит ва ресурслардан оқилона фойдаланиш заруриятини туғдиради. Ўқувчиларнинг ТТК ва бозор иқтисодига оид тушунчалар ҳақида пухта билимга эга бўлиши уларга муҳит ва иқтисодий тарбия элементларини сингдириш имкониятларини ҳам вужудга келтиради. География ўқитиш методикаси картография, геология, атроф-муҳит ва бошқа фанлар билан мустаҳкам алоқага эга. Ҳозирги кунда энг муҳим муаммоларидан бири география дарсларида жамият билан табиат, инсон билан табиат ўртасидаги мураккаб алоқадорликни ўрганиш асосий масала ҳисобланади. География ва унга яқин бўлган фанлар мактабда ўқитиш методлари воситаларини танлашда ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Буни география таълими методикасига картографик, статистик, кузатиш, таққослаш методларининг киритилиши ва ишлатилишидан билса бўлади. Чунончи, мактаб географияси курсларини картасиз, кўргазмали қуроллар-сиз, техника воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўқитиш методикаси география фанининг баъзи бир текшириш методларидан фойдаланар экан, ўқувчиларнинг билимларини яхшироқ ўзлаштиришларини ва уларни география фанининг баъзи тадқиқот методлари билан таништиришни кўзда тутади.

География таълим методикаси, педагогика фани тармоқларига кирувчи дидактика, психология фанлари билан ҳам чамбарчас боғлиқ. География методикаси дидактиканинг асосий қоидаларини география ўқитиш жараёнига тадбиқ этишда унинг мазмунига хос хусусиятларни ҳам эътиборга олади. Дидактика география ўқитиш жараёнининг таркибий қисмлари ўртасидаги қонуний ва муносабатларни ойдинлаштиради ва шу асосда ўқитишнинг мақсади, мазмуни, методлари ҳамда ўқитиш жараёнини жиҳозлашга доир талабларни белгилаб беради. Демак, дидактика барча фанлар учун таълимнинг умумий қонуниятлари ва назарияларини яратса, методика дидактиканинг фанларни ўқитиш ҳақидаги умумий назариясини маълум бир ўқув фани, яъни географияни ўқитиш жараёнига тадбиқ этиш билан уни янада аниқлаштиради ва тўлдиради. Демак, дидактика ва география ўқитиш методикаси фанлари бир-бирларини тўлдиради. Методика тўплаган материаллар дидактикага назарий таҳлил учун манба бўлиши мумкин. Масалан: ўқувчиларнинг географик билим кўникма малакаларини баҳолаш, географик тасаввур, тушунча, ғоялар тизимини шакллантириш ва бошқалар дидактика томонидан атрофлича ўрганилиши методика учун муваффақият гарови бўлиши мумкин.

География ўқитишда ўқувчиларнинг ёши, билими, фикрлаш қобилияти ва умуман руҳий фаолиятини эътиборга олмасдан туриб, уларнинг ўқув фаолиятига самарали таъсир этиб бўлмайди. Шу туфайли география методикаси психология фани билан чамбарчас боғлиқдир. Психология фанининг ҳозирги босқичдаги тараққиёти мактабда фанларни ўқитиш жараёнини илмий асосда ҳар томонлама чуқур тадқиқ этиш ва уни ўқитишни янада такомиллаштириш учун зарур. имкониятларни яратиб беради. География ўқитиш методикаси ҳам география ўқитиш жараёнини ўрганишда психология фанига таянади.

Психология ўқувчилардаги руҳий фаолиятнинг умумий қонуниятларини ўрганса, методика эса, ўқувчиларнинг руҳий фаолиятини, уларнинг география объекти ва ҳодисаларини ўзлаштиришлари билан боғлиқ бўлган томонларнигина тадқиқ қилади. Методика билан психологиянинг энг муҳим боғлиқ томони шундаки, бунда география ўқитишнинг мазмуни ва методлари билан руҳий фаолият орқали эришиладиган натижалар ўртасидаги қонуниятли боғланишлар тадқиқ қилинади.

Турли географик объектларнинг картадаги жойлашишини фазовий тасаввурларсиз эгаллаб бўлмайди. Бунда албатта психология фани билимларига таянилади. Демак, география таълими методикасини ўқитишда яхши натижаларга эришиш учун ўқувчилар-

нинг география материалини пухта ўзлаштириши билан ўқувчиларнинг руҳий фаолияти ўртасидаги қонуниятли боғланишларни ҳам ўрганади, ўқувчиларга таълим-тарбия беришда психология фанига таянади ва психология текшириш методларидан ҳам фойдаланиш йўлларини кўрсатиб беради. Шундай қилиб, география ўқитиш методикаси педагогика фанининг мустақил тармоғи бўлиб у ўзининг мустақил текшириш предметига эга. У бошқа фанларга таянган ҳолда мазмунан бойиб, такомиллашиб боради.

ЕТАКЧИ ТУШУНЧАЛАР

Дидактика, География фанлари тармоқлари, Психология, Аҳоли географияси, Педагогика, Фазовий тасаввур, Географик тушунча, Тушунча, Билим, Кўникма, Назарий таҳлил, ТТК.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. География таълими методикасининг дидактика фанлари билан алоқадорлиги нималарда ўз аксини топади?
2. География таълими методикаси фани нима учун география фанлари тизимига кирмасдан, педагогика фанлари тизимига киради?
3. География таълими методикасининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги тархини чизинг.
4. Дидактика билан география таълими методикаси алоқадорлигига мисоллар келтиринг.

АДАБИЁТЛАР

1. Н. Н. Баранский Методика преподований географии М. 1990.
2. Н. С. Матрусов Методика Обучение географии М. 1984.
3. О. Мўминов География таълими методикаси. Тошкент 1984 й.
Р. Қурбонниёзов География таълими методикаси. Тошкент 1993 й.

ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИДА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИ УЮШТИРИШ.

Р Е Ж А:

1. География таълими методикасида илмий тадқиқот уюштиришнинг аҳамияти
2. География ўқитувчиси илмий тадқиқотлар олиб боришда етакчи экани

3. Экспериментал-эмпирик методлар.
4. Сўровномалар уюштириш.
5. Педагогик эксперимент уюштириш босқичлари.
6. Эксперимент натижаларини умумлаштириш.

География ўқитиш методикаси билан география фани узвий боғликдир. География ўқитишнинг мазмуни, ўқувчиларга географик объектлар ҳодисалар, воқеалар ва уларнинг сабабларини тушунтиришдан иборат. Шу жиҳатдан олганда ўқувчиларнинг юқоридагиларни ўрганиш, уларни билиш йўллари қандайдир тадқиқотга ўхшаб кетади. Ўқувчилар географияни ўрганишда олимлар томонидан илмий жиҳатдан текширилган ва таҳлил қилинган фактлар ҳамда илмий хулосаларга асосланиш билан бирга, баъзан география манбаларини ўрганиш асосида географик воқеа ва ҳодисалардан умумий ҳодисалар чиқаришда фойдаланиш мумкин. Бироқ ўқувчиларнинг географияни ўрганиши илмий текширишдан бир мунча фарқ қилади. Ўқитиш жараёнида ўқувчилар география фанининг баъзи тадқиқот методлари билан танишадилар.

География ўқитувчиси, ўқитиш методикасига оид бўлган илмий тадқиқот ишларини олиб бориш учун зарур кўникмаларга эга бўлиши керак. Афсуски, барча география ўқитувчилари ҳам бу борада етарли тасаввурга эга эмаслар. География таълими методикаси бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб бориш учун қуйидагиларга эътибор бериш керак:

1. География ўқитувчисида ўз иш тажрибасига танқидий нуқтаи назардан ёндошиш хислати мавжуд бўлиши.
2. Бошқа ўқитувчиларнинг, айниқса, илгор география ўқитувчиларининг иш тажрибасини мустақил ўрганиши.
3. Ўз билимини тинмай ошириб, география таълими бўйича илмий методик ва тадқиқот ишларга оид адабиётлар билан танишиб бориши.
4. Педагогика, психология, дидактика фанларидан энг муҳим илмий тадқиқот ишлари билан танишиш.

География таълими методикаси бўйича илмий тадқиқотлар уюштиришда бошқа фанлар қатори материалистик диалектика методологиясига амал қилинади. Чунки тадқиқот методлари хилма-хил бўлиши билан бирга илмий билиш методологияси эса фақат биттагинадир. География таълими методикаси бўйича диалектик материализм (билишнинг умумий методи) асосида илмий тадқиқот ишларини олиб боришда экспериментал-эмпирик ва назарий методларига таянилади. Экспериментал-эмпирик метод, тадқиқотнинг илк босқичларида, яъни тадқиқот муаммолари бўйича фактлар йиғиш жараёнида кенг қўлланилади. Бу метод айниқса ху-

лосаларни қайта текшириш ва аниқлашда қўл келади. Эмпирик метод ўз навбатида мактаблар тажрибасини ўрганиш ва эксперимент методларига таянган ҳолда амалга оширилади. География таълими методикаси фани дастлабки ривожланиши даврида эксперимент-эмпирик методни кўпроқ қўллади. Кейинги йилларда назарий методлар асосидаги илмий тадқиқотлар анча ривожланди.

Хусусан: билимларни дидактик жиҳатидан таҳлил қилиш орқали ўқув предметини яратиш, ўқув материалини мантиқан таҳлил қилиш, ўқув материалидаги географик, иқтисодий, экологик тушунчаларнинг таҳлили шулар жумласига киради. Айниқса, ўқитувчи фаолияти билан ўқувчи фаолияти ўртасидаги боғлиқлик масалалари, дарс мақсади билан мазмуни, таълим методлари билан таълим воситалари, билимларни эгаллаш жараёни билан тарбия орасидаги алоқаларни тадқиқ қилиш назария методларни негизини ташкил қилади. Ҳозирги кунда география ўқитувчилари ўз ишларига танқидий ёндошиши орқали ҳам илмий ишларни бошлаши мумкин. Бундай ишлар дарсларни режалаштириш жараёнидан бошланиши керак.

Ўқитувчи ҳар бир дарснинг вазифасини, мақсадини, мазмунини қандай метод ва воситалар қўлланишини, ўқувчиларнинг фаолияти нималардан ташкил топишини олдиндан аниқлаб олиш керак. Энг муҳими дарслар ўртасидаги алоқадорлик ва боғлиқлигининг нималарда акс этиши дарслар режаларида акс этган бўлиши лозим. Дарсларда география таълими методикаси бўйича илмий тадқиқот масалалари А. Е. Бибик, М. Л. Панчешникова, И. В. Душина, П. Мусаев ишларида атрофлича умумлаштирилган. Тадқиқот методларини танлаш қўйилган мақсад ва вазифаларга боғлиқ. Энг аввало, қўйилган услубий муаммо долзарблигининг мақсад ва вазифаларини белгилаш учун махсус адабиётларни назарий жиҳатдан таҳлил қилиш зарур. Агар билим, кўникма, малакаларни шакллантиришнинг самарали метод ва воситаларини изламоқчи бўлсак, аввало ўқув жараёнини тузилишидан бошламоқ керак. Буни эксперимент асосида ўқитиш, сўровнома ёрдамида ўқувчи ва ўқитувчилар билан суҳбатлар тарзида уюштириш мумкин. Тадқиқот методи ичида назария методи етакчи ўринни эгаллайди. У ўз навбатида бир қанча методларни: хусусан адабиётлар таҳлили, статистик-математик, тарихий, таққослаш ва бошқаларни ўз ичига олади.

География таълими методикаси бўйича тадқиқот олиб борувчилар, энг аввало география, фалсафа, дидактика, педагогика, психология, мантиқ, билиш назарияси фанларини чуқур ўрганиб чиқиши керак.

Улардан тадқиқот учун, таққослаш, қиёслашга оид бўлган маълумотлар тўпланади. Услубий тадқиқотларда статистик-математик методларнинг роли катта. Бунда тажриба ўтказилаётган синфлар ва мактаблардаги иш натижаларини эътиборга олиш кенг қўлланилади. Олинган миқдорий кўрсаткичларга таяниб у ёки бу методнинг, воситаларнинг қанчалик самара беришлигини аниқлаш имконияти туғилади. Статистик, математик методнинг энг муҳим хусусиятларидан бири шуки, унинг ёрдамида педагогика, услубий ҳодисалар ўртасидаги қонуниятларни очиш имкониятлари яратилади. Масалан, тажриба сифатида қўлланилаётган таълим методи ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларига, билиш фаолиятига фаоллиги қай даражада таъсир қилишини ўрганишга ёрдам беради.

География ўқитишда тарихийлик методининг ҳам ўрни бор. Унинг мазмуни шундаки, вақт ўтиши билан у ёки бу метод ҳамда воситанинг ўзгариши ва ривожланишига тарихий нуқтаи назардан ёндошиб хулосалар чиқарилади. Масалан: тадқиқ этилаётган муаммонинг бундан 30 йил олдинги ҳолатини ҳозирги кундаги метод билан қиёслаб таниқидий нуқтаи назардан ёндошиш тарихийлик методнинг негизини ташкил қилади. Таққослаш методи ҳам тадқиқот ишларида кенг қўлланилади. Айниқса, илгор тажрибаларни қиёслаш, чет элларда география ўқитишда қўлланилаётган методларни бизнинг ватанимизда қўлланилаётган методлар билан таққослаш самарали натижалар беради. Экспериментал-эмпирик тадқиқот методларига таълим жараёнини кузатиш, педагогик фаолиятини ўрганиш ва умумлаштириш, сўровнома ўтказиш ҳамда педагогик эксперимент киради. Бу методлар мавжуд ўқув дастурларини такомиллаштиришда, ўқитувчиларни илмий услубий савиясини оширишда катта роль ўйнайди. География ўқитиш борасидаги илмий ишларда одатда бир неча тадқиқот методлари биргаликда қўлланилади. Айтайлик, ўқитувчиларнинг билими, кўникмалари ҳақида маълумотлар тўпланаётган бўлсин бу ерда кузатиш, сўровнома ўтказиш, ўқувчилар билан суҳбат, мактаб ҳужжатларини ўрганиш каби бошқа бир неча методлардан унумли фойдаланиш зарур бўлади. Кузатиш илмий тадқиқот методлари ичида энг кенг тарқалган методлардан биридир. Кузатиш ҳар бир тадқиқотчи учун ниҳоятда зарур.

Ўқитувчининг маҳорати, муваффақияти кўп жиҳатдан кузатувчанликка боғлиқ. Кузатувга киришишдан олдин унинг дастурини тузиб чиқиш керак. Кузатиш мақсади пухта ва аниқ бўлиши талаб этилади. География таълимида кузатиш объектлари сифатида ўқув иш методлари, ўқувчиларнинг амалий ва мустақил ишлари, ҳамда таълим воситаларини қўллаш ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Географик тасаввур ва тушунчаларнинг шаклланиш жараёни ҳам тиш зарур. Кузатиш дастуридан намуна келтирамиз.

1. а) ўқув жараёнида мавзулар мазмунига ўзгаришлар кири тилганми янги материаллар, тушунчаларни бошқача тарзда ўрганиш, иккинчи даражали материалларни чиқариб ташлаш;

б) янги материални ўрганишда хатоликлар, ноаниқликлар мавжудми, методлар тўғри қўлланилдими, улар нималарда ўз аксини топган;

в) ўқитувчи ўз режалаштиришда, ҳамда дарс жараёнида стакчи тушунчаларни бўрттириб кўрсата оладими;

г) ўқув материаллар қандай методлар ёрдамида кўриб чиқилди, уларнинг ҳар бирига тахминан неча фоиз вақт сарфланди;

2. а) Якунловчи амалий ишларнинг барчаси ўтказиладими;

б) қайси амалий ишлар ўтқазилмади, нима учун;

в) ҳар бир якунловчи амалий иш учун қанча вақт сарфланди;

г) якунловчи амалий ишларни бажаришда ўқитувчи ва ўқувчилар қандай қийинчиликларга учрадилар, бу қийинчиликлар нималардан иборат?

д) ўқитувчи дастурдаги амалий ишлар мазмунига ва уюштириш шаклига ўзгартириш киритадими, уларни нима билан исботлайди.

е) дастурдаги бошқа амалий ишларга ўқитувчиларнинг муносабати (уларни қандай шаклда ўтказади, якка тартибда, ёппасига, синфда, уйда, баҳолайдими қайсиларини ўтказмайди, сабаби) дарснинг қанча қисми (фоизи) уни бажаришга кетади.

3. а) дастурда кўрсатилган фанлараро боғлиқлик уюштирилади ми:

(б) фанлараро боғлиқлик қандай уюштирилади:

(ўқитувчининг бошқа фанларга муносабати ижобиями, синфда ёки уйда топшириқлар бажариш тарзидами, биология, физика, химё дарсликларидан фойдаланиш ва ҳ. к. лар)

г) қайси мавзуда қандай фанлар билан боғлиқлик ёритилмади;

дарснинг қанча қисми (фоизи) фанлар боғлиқларига сарфланди.

д) ўқитувчи фанлараро боғлиқлик мазмунига қандай тўлдириш ва ўзгартишлар киритди; улар нималарда акс этади.

География таълими бўйича илмий тадқиқот ишларида сўровнома методи ҳам кенг қўлланилади. Сўровномалар илмий тадқиқотлар мазмунига мувофиқ ўқитувчи, методистлар, ўқувчилар учун алоҳида тузилади. Бундан мақсад бирор услубий муаммо бўйича маълумот тўплашдир. Масалан: Табиий география бўйича таълим методларини янада такомиллаштириш мақсадидаги сўровномаларда география ўқитувчиларига қуйидаги саволлар берилади.

1. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил қилишда қандай методлардан фойдаланасиз:

а) Янги материални ўтишда;

б) билимларни текширишда.

2. Дарсингизда қандай методлар етакчи.

3. Дарсингизда 6-7-8 синф ўқувчиларининг ишларидаги фарқ нималарда акс этди?

а) Карта бўйича.

б) Дарслик бўйича.

в) Ўқув картиналари, жадваллари бўйича.

г) Экран қўлланмалардан фойдаланиш бўйича (ҳар бир синф учун алоҳида).

4. Ўқувчилар қобилиятини қандай метод ва воситалар ёрдамида оширилади.

5. Ўқувчиларнинг билиш фаолияти қандай таҳлил этилади.

а) билимларни тайёр ҳолда берасизми?

б) материалларнинг фақат бир қисмини тушунтирасизми?

в) барча материални ўқувчилар мустақил ўрганадиларми (мисоллар билан ҳ. к.)

Ўқувчилар орасида ҳам сўровномалар ўтказилади, қуйида ўқувчиларнинг синфда бажаришлари учун мўлжаллаб тузилган сўровномадан келтирамиз. Сўровномалрдан олинган натижалар республика ёки вилоят мактабларида ҳар хил натижа берди, ўрганилаётган педагогик ҳодиса ёки воқеалик тўғри қўйилганлигини кўрсатади. Чунки ҳар бир мактаб турлича шароитларда жойлашган.

ЎҚУВЧИЛАР УЧУН СЎРОВНОМА

Дарсда янги материал қай методда ўрганилганда яхши тушунасиз ва эслаб қоласиз.

(+ ишорасини материални яхши тушуна олганингизда, — ишорасини эса ўқув материалини яхши тушуна олмаганингизда қўйинг).

1. Материални фақат оғзаки баён қилганда.

2. Ўқитувчи топшириғига кўра мустақил иш бажарганда.

3. Ўқитувчи суҳбати ёрдамида (ўқитувчи саволи ҳамда ўқувчилар жавобини умумлаштириш туфайли хулосалар чиқарилсин).

4. Ўқитувчи материалини фақат тайёр ҳолда берганида (яъни ҳамма нарсани ўзи тушунтиради).

5. Айрим топшириқларни ўқитувчи топшириғи асосида карта, дарслик, диафильмдан мустақил олганда.

6. Синфдошларнинг маъруза ва ахборотларини тинглаганда ўқитувчи доскага расмлар чизиб баён қилганда, ҳамда картиналарни таҳлил қилганда.

7. Атлас ва дарсликлардаги карталар билан мустақил ишлаганда.

8. Кинофильм, диафильм, диапозитивлар билан ишлаганда.

9. Синфда дарслик билан шуғулланганда.

10. Ўқитувчи раҳбарлигида амалий ишлар бажарилганда.

11. Ўз билимларига таянган ҳолда янги материални мустақил ўрганганда.

12. Турли методларни биргаликда қўллаш натижасида ва ҳ. к.

Эслатма: Юқорида кўрсатилган методлардан ташқари яна қайси методлар қўлланилганда янги материални пухта тушунасиз.

География таълими методикаси бўйича олиб бориладиган тадқиқотларда педагогик эксперимент кенг қўлланилади. Бу метод кузатиш методининг мантиқий давомидир. Эксперимент янги педагогик тажрибани яратишга йўналтирилган бўлиб, у қуйидаги ҳолатларида қўлланилади.

1. Тадқиқотчи синаб кўрмоқчи бўлган материал ўқувчилар ёшига ва билим савиясига мос келиши ёки келмаслиги аниқланади.

2. Мактаб география курсларидаги бирор мавзуни ўрганишда тавсия этилган янги методлар ва кўргазмали қўлланмаларни биргаликда қўлланишнинг самарасини аниқлаш зарурати туғилганда ва ҳ. қ. Бошқача қилиб айтганда, бу метод таълим ва тарбия жараёнини илмий нуқтаи назардан, тажрибалар ёрдамида синаб кўриш зарурияти туғилганда қўлланиладиган методдир.

Экспериментнинг муваффақиятли ўтиши, унинг мақсади, қанчалик пухта режалаштирилганлигига, тадқиқот фаразига, янгиликни ўзида қанчалик мужассамлаштирганига боғлиқ. Тадқиқотларда ўртага ташланган фараз ўз ичига ўқувчилар томонидан эгалланиши лозим бўлган билим ва кўникмаларни, ҳамда ўша билим ва кўникмаларни пухта ўзлаштиришга ёрдам берувчи метод воситаларини ҳам ўз ичига олиши керак. Педагогик эксперимент хилма-хил тарзда қўйилиши мумкин. Уни белгиларига кўра қуйдаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Вақтга нисбатан: узоқ ва қисқа муддатли.
2. Ўрганилаётган ҳодисалар таркибига кўра: оддий ва мураккаб.
3. Ташкил этиш жараёнига кўра:

а) лабораторияда алоҳида ўқувчилар гуруҳи билан ўтказиш;
б) табиий (бутун синф бўйича ёки бир неча мактабнинг турли синфлари билан);
в) комплекс тарзда (лаборатория шароити ва табиий экспериментлар ўз ичига олган ҳолда).

Эксперимент уюштиришнинг муҳим шартларидан яна бири, фаразга (гипотеза) мувофиқ ўқув услубий (ўқув матнлари, топшириқлар, тарқатма, дидактик) материаллар яратишдан иборат. Эксперимент уюштиришнинг энг кенг тарқалган методларидан бири **экспериментал** ва **назорат** синфлар ташкил қилиш ҳисобланади. Экспериментал синфларда ўқув материали тадқиқотчи тавсия этган янги методлар ёрдамида уюштирилади. Назорат синфларида дарс анъанавий усулда олиб борилади. Эксперимент ва назорат синфларда ўқувчилар сони, уларнинг билим савияси ўқувчиларнинг методик маҳорати деярли бир хил бўлиши керак. Акс ҳолда экспериментдан кўзланган натижага эришиш қийин.. **Эксперимент назарий ғояларининг қатъчалик тўғри ёки нотўғрч эканглнинни исботлашдан иборатдир.** Демак, эксперимент, шундай тадқиқот методики, унда педагогик жараённинг объектив қонуний алоқалари тадқиқ қилинади.

Барча методикага оид фанлар қатори география таълим методикаси тараққиётини ҳам экспериментларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Одатда назария ва эмпирик тадқиқот биргаликда қўлланилади. Чунки тадқиқот жараёнида қўлланиладиган барча методлар таҳлил, синтез, индукция, дедукция, умумлаштириш, абстракция каби мантиқий воситалар ёрдамида амалга оширилади.

Услубий тадқиқ жараёни бир неча босқичлардан иборат бўлади. Улар проф. Л. М. Панчешникова тадқиқотларида ёритилган бўлиб, қуйидагилардан иборат. Булар муаммонинг қўйилиши, тадқиқот асосий объектини танлаш тадқиқотнинг мақсад вазифаларини белгилаш, иш фаразини илгари суриш, кузатиш ва экспериментал ишлар тадқиқот босқичларининг асосини ташкил қилади. Тадқиқот якунида олинган маълумот ва билимлар умумлаштирилади ва тадқиқот натижалари тажриба, текширувлардан ўтказилади. Л. М. Панчешникова услубий тадқиқотни қуйидаги босқичларда ташкил қилишни тавсия этади.

№	Босқичлар	Мисоллар
	Тадқиқотнинг бош муаммоси	Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси (адабиётларни ва маъ таб географияси дарсларид дарслик билан иш тажрибала-рини ўрганиш)ни белги:лаш ме-тодлари (9-синф).
	Фаразни илгари суриш	Ўқувчилар билим ва кўникма ларининг сифати юқори бўлади Агар: а) улар дарслик тузилиши ва услубий йўналиши билан та-ниш бўлса; б) турли методлар-ни қўллаш йўл-йўриғини ўзлаш-тирган бўлса; в) дарслик, янги материални ўрганиш жараёнида билимларни текшириш ва умум-лаштиришда кенг қўлланилса; г) дарсда Дарсликдаги матн, рақамли материаллар, карта-лар, расмлар, саволлар ва топшириқлар билан мунтазам ишласа.
	Асосий муаммо ва фаразни текшириш учун тадқиқот ва-зифаларини аниқлаш	Ишнинг самарали методларини аниқлаш, матн билани ишлаш, кар-та ва расмлар билан ишлаш, дарс-ликдаги савол ва топшириқлар билан ишлаш
	Тадқиқот методларини танлаш	Дарсда кузатиш эксперимент орқали дарсликни услубий жи-ҳатдан қандай тузилган экан-лигини таҳлил қилиш
	Дидактик материаллар	Дарсларни режалаштириш, мус-тақил ишлар учун дидактик материаллар, ўқувчиларнинг амалий ишларини бажаришлари учун кўрсатмалар тайёрлаш.

Экспериментни уюштириш	Экспериментал синфларда дарслик билан мунтазам равишда ишлаш, назорат синфларда эса дарсликдан анъанавий методда фойдаланилади.
Тадқиқот ҳулосаларининг натижаларини кўриш	Ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларга қандай таъсир қилиши, дарслик билан ишлашда қандай методлар энг самарали эканлиги ҳақида фикр юритилади.
Олинган натижаларнинг Амалий аҳамиятини белгилаш	Тадқиқот натижалари география ўқитувчилари учун дарслик билан ишлашда услубий кўрсатма ва тавсиялар белгилаш билан якунланади.

Демак география таълими бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқотлар бир неча босқичдан: муаммонинг қўйилиши, тадқиқот объекти ва соҳани танлаш, тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини белгилаш, иш фаразини олға суриш ва уни ўз шахсий тажрибаси ҳамда илғор педагогик тажрибалар ёрдамида ўрганиш, кузатиш ва эксперимент ташкил этиш кабилардан иборат бўлади. Илмий тадқиқот олинган натижаларга асосланган ҳолда, назарий ғояларни илгари суриш ва уларни амалда синаш билан якунланади. География таълими методикаси бўйича илмий тадқиқот ишларини ривожлантиришга машҳур географ ва методист Н. Н. Баранский катта ҳисса қўшди. У география ўқитиш борасида фақат экспериментлар уюштириш орқали илмий асосланган натижаларга эришиш мумкинлигини исботлади, ҳозирги кунда бундай методдан кенг фойдаланмоқда. Услубий тадқиқотларда мактаблар тажрибасини ўрганишга алоҳида эътибор берилаяпти, олинган натижалар таълим жараёнида мукаммал синовлардан ўтмоқда. Тадқиқотлардан олинган якунлар ўқувчилар билими, кўникмаси, малакаларини қанчалик сифатли бўлиши билан баҳоланади.

Олинган миқдор кўрсаткичларини **тўлиқ эмас, қониқарсиз** ва **мутлақо жавоб йўқ** кабиларда изоҳлаш мумкин.

Аммо, айрим ҳолларда бундай кўрсаткичлар билан билимларни

қанчалик сифатли эгаллаганлигини аниқлаб бўлмайди. Шунин учун кўп тадқиқотларида экспериментал ва назорат синфлард билимларнинг эгалланиши махсус таҳлил қилинади. Бунда билишнинг қайси соҳаси пухта, қайсиниси қийинчилик билан ўзлаш тирилиши маълум бўлади. Қуйида «Қишлоқ хўжалиги» тушунчасини шакллантиришда ушбу билимнинг таҳлилини назорат ва эксперимент синфлар мисолида ўқувчиларнинг қанчалик пухта эгалланганлигини билдирамиз.

№	САВОЛЛАР	БИЛИМ СОҲАЛАРИ	Эксперимент назорат
	Қишлоқ хўжалиги ўсимлик ва ҳайвонот хом-ашёнинг қайта ишловчи ва етиштирувчи соҳа.	95%	35%
	Қишлоқ хўжалиги экинлари ва ҳайвонлари ўзига хос хусусиятга эга, улар маҳсулотлари бир-биридан фарқланади.	93%	55%
	Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги кўпроқ географик муҳитга боғлиқлиги.	85%	55%
	Тупроқ тугмайдиган манба.	95%	60%
	Қишлоқ хўжалиги тараққиётининг илмий техника билан алоқадорлиги.	92%	60%
	Қишлоқдаги халқ турмуши қишлоқ хўжалик маҳсулотларига қўйиладиган баҳога боғлиқлиги.	93%	50%
	Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш.	90%	56%

Юқоридаги методда синалиши мумкин бўлган билимлар атрофлича таҳлил қилиниб, хулосалар чиқарилади. Бунда тадқиқот олиб борувчи, билимни ёки кўникмани эгаллашда нималарга

эътибор қаратиши, уларнинг ўқувчилар томонидан бўш ёки пухта ўзлаштирилишининг сабабларини аниқлашнинг имкониятига эга бўлади. Кейинги вақтларда бу метод матн методи тарзида география таълими бўйича олиб бориладиган тадқиқотларда ҳам атрофлича қўлланилмоқда. Бунинг ёрдамида алоҳида, маълум гуруҳ бутун синф ўқувчиларининг билим сифатини, таққослаш, хулоса чиқариш мумкин. Ҳозирги вақтда география ўқитиш борасида йирик илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Илмий ишлар йўналиши кўп қиррали бўлиб, алоҳида кишилар ва йирик жамоалар томонидан амалга оширилмоқда. Айниқса, Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти география лабораториясида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Бу ерда миллий мактабда география ўқитиш қандай бўлиши кераклиги хусусида ҳам талайгина тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

ЕТАКЧИ ТУШУНЧАЛАР

Илмий тадқиқот, Фараз, Эксперимент, Кузатиш, Эмпирик, Тарихийлик, Сўровнома, Таҳлил методи, Тадқиқот босқичлари, Экспериментал-эмпирик, Лаборатория методи, Статистик. Индуктив. Дедуктив методлар.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. География таълими методикасининг тадқиқот методларини таърифланг.
2. География таълими бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш учун ўқитувчи қандай кўникмаларга эга бўлиши керак.
3. Экспериментал-эмпирик методнинг моҳияти нимадан иборат?
4. География таълимида кузатиш методи нима сабабдан етакчи тадқиқот методларидан саналади?
5. Педагогик эксперимент нима?
6. Эксперимент ва назорат синфлар қандай белгиларга кўра фарқланади?
7. Методик тадқиқот жараёни қандай босқичлардан иборат?

АДАБИЁТЛАР:

1. А. Е. Бибик. Наично-исследовательская Работа учителя. Ж География в школе. 1971 г. 4 с.
2. Л. М. Панчешникова. Методика о бучения географии в средней школе М. Просвешение 1983.
3. Методика обучения географии в средне школе под. ред. И. С. Матрусова. М. Просвешение 1984 г.
4. Р. Қурбонниёзов География таълими методикаси. Тошкент. 1993 й.

ЎЗБЕКИСТОНДА МАКТАБ ГЕОГРАФИЯСИНИНГ ТАРИХИ ВА ШАКЛЛАНИШИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕОГРАФИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

ОКТЯБРЬ ТЎНТАРИШИГАЧА БЎЛГАН ДАВР

Р Е Ж А:

1. Қадимий Туркистонда география фани.
2. Қадимги Римда география.
3. Ал-Хоразмий ва Ал-Беруний ларнинг география фани соҳасидаги тадқиқотлари.
4. Европа мамлакатларида география ўқитиш тарихидан.

Ўтмишда Туркистон ҳудудида Муҳаммад ал Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур каби жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган забардаст олимлар етишиб чиққан. География фанининг ўлкадаги илк куртаклари ўша олимларнинг асарларида намоён бўлган. Аммо улар қолдирган географик мерослардан яқин-яқинларгача тўла баҳраманд бўла олмадик.

География ўқитиш методикаси фани узоқ шаклланиш тарихига эга. Чунки бу фан бевосита географик билимларнинг шаклланиши билан боғлиқ. Мабодо география мавжуд бўлмаганда эди, бу фан ҳам умуман шаклланмаган бўлур эди дейишимизга асос бор. География билимлари ижтимоий жамоа тузумидан бошқа формацияларда шаклланди ва ривожланди. Тош даврида ҳам ибтидоий одамлар ўзлари яшаб турган уйлари атрофини ўрганиши зарур бўлган. Чунки, улар яшаши учун озиқ-овқат ва бошқа моддий бойликларни фақат атроф-муҳитдан йиғиб-териб олишган. Географияни жуда қадим замонларда кундалик халқ эҳтиёжлари оқибатида пайдо бўлган десак хато қилмаймиз.

Географик билимлар мукаммаллаша борган сари ўз саёҳатларини, хотираларини, юришларини оддий чизмаларда акс эттирган ва шу тариқа географик картанинг яратилишида асос бўлувчи факт ва маълумотларни тўплаганлар. Қадимги Рим, Миср, Ўрта Осиё каби давлат ва ҳудудларда билимлар бирмунча тараққий этган. 1-марта география деган номни қўллаган грек олими Эротасфен 2 томли «География» деган асарни ёзган.

Шу туфайли ҳам уни «Географиянинг отаси» деб бежиз айтишмайди. Машҳур географ тарихчи Стробон ҳам 17 томли «География» номли асарини ёзган. Унда мамлакатшунослик ҳақи-

даги билимлар яққол акс этган. Энг муҳими антик давр олимларнинг Ер тўғрисидаги тасаввурларини умумлаштириб берган.

Қадимги дунёнинг (милоддан аввал 2 аср) машҳур астроном ва географларидан бири Птоломей ҳам география фанига салмоқли ҳисса қўшган. У 8 китобдан иборат «География» номли асарини яратган. Айниқса Птоломей тузган карталар бирмунча мукаммал бўлган. Унинг карталаридан бир неча юз йиллар фойдаланиб келинган.

Айниқса, Ўрта Осиёдан етишиб чиққан Муҳаммад Ал-Хоразмий ва Ал-Беруний ларнинг география соҳасидаги тадқиқотлари диққатга сазовордир.

АЛ-ХОРАЗМИЙ ВА АЛ-БЕРУНИЙЛАРНИНГ ГЕОГРАФИЯ СОҲАСИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАРИ.

Тарихчилар Хоразм маданиятини эрамиздан 2 минг йил илгари вужудга келган деб таъкидлайдилар. Буни Хоразм ҳудудида ўтказилган археологик қазилмалар ҳам тасдиқламоқда. Хоразм иқтисодиёти қадим замонлардаёқ юқори даражада тараққий этган. Бунга эрамизнинг 1-минг йиллигида ёзилган жуда катта каналлар тармоғи далолат беради. Мураккаб сунъий суғориш бошқа шарқ мамлакатларидек қумлар билан ўралган. Хоразм деҳқончилигининг ҳам асоси бўлиб, у хоразмликларга қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда катта ютуқларга эришиш имконини берган эди. Буни қадимда Хоразм қурилиш техникаси ирригация иншоотлари ва қалъалари тасдиқлайди.

Хоразм жуда қадим замонлардан бери Хитой, Ҳиндистон, Яқин Шарқ, Кавказ, Европа давлатлари билан яқиндан савдо иқтисодий алоқада бўлиб келган. Хоразм савдогарлари уддабурон, эпчил бўлганлар. Улар мўйна, балиқ, мевалар билан жуда катта савдолар қилар эдилар. XII—XIII асрларда Қўҳна Урганч Хоразмнинг энг йирик маданий савдо шаҳари бўлган. Шаҳарда моҳир усталар, тикувчилар, кулоллар, ҳар хил косиблар яшаганлар.

Хоразмда иқтисоднинг тараққий этиши ўз навбатида фан, санъат, маданиятнинг муваффақиятли ривожланиши учун кенг имкониятлар яратди. Хоразмда ёзув ҳам жуда қадимдан мавжуд бўлган. Тупроққалъа саройи ҳаробаларидан топилган терига ва ёғочга ёзилган ёзув ва ҳужжатларнинг топилиши бунинг мисолидир. Географик билимлар жуда қадимдан ривожлана бошлаган. Мураккаб ирригация иншоотлари қуриш, қалъалар бунёд

этиш, ҳисоб-китобларни бажара олиш ерларнинг паст-баландликларини аниқ билишни тақоза этар эди. Буларни бажариш географик билимларсиз мумкин эмас эди. Хоразмнинг қум чўллари оралиғида жойлашганлиги уларни узоқ-узоқларда жойлашган давлатлар билан савдо-сотиқ ишларини ҳам яхши билишни тақоза қиларди. Суғориладиган деҳқончиликни амалга ошириш ва уни ривожлантириш учун календарлар тузиш зарур бўлган.

Мана буларнинг барчаси Хоразмда геодезия, география, астрономия фанларининг жуда қадимдан пайдо бўлганлигини тақоза этади. Ҳатто Хоразмда II асрга оид бўлган календарларнинг топилиши ва уларнинг мавжудлигини Беруний ўз асарларида ёзиб қолдирган. VIII асрдаги араб истилолари Хоразмда фан ва маданиятнинг тараққиётини ўнлаб йиллар орқага суриб ташлади. IX асрга келиб араб халифалиги бир неча давлатларга бўлиниб кетади. Шу даврдан бошлаб Хоразмда фан яна тараққий эта бошлади.

Худди шу даврларда машҳур олимлардан бири математик, географ, астроном Муҳаммад Хоразмий оламга келди. Берунийнинг улуғ замондоши ва ҳамдиёри машҳур математик, астроном, географ Хоразмий ўрта яқин шарқ мамлакатлари географияси ривожланишида янги давр очган I аср муаллифи эди. Унинг бу рисоласи «Ер манзаралари» китоби деб аталиб тахминан 836—847 йилларда ёзилади. У ўзидан олдин ўтган олимларнинг, шу жумладан Птоломейнинг ҳам географик асарларини қайта ишлаш асосида бу асарни яратган эди.

Хоразмий асарларида жуда кўп жойларнинг географик шароитини кўрсатувчи жадвални тавсия этади. Бундан ташқари ўз асарларида тоғлар жадвалини, денгизлар, ороллар ва дарёларни тасвирини келтиради. Хоразмий бунда ер юзасининг кишилар истиқомат қиладиган қисмларини ўша даврда қабул қилинган етти иқлим кенглик зоналарига бўлиш принципига амал қилади.

Ал Хоразмий иқлимларни кенглик даражасига қараб бўлишдагина катта оригиналлик кўрсатиб қолмасдан, шу билан бирга ўз асарида келтирилган карталар билан машҳур географ эканлигини ҳам исботлайди. X асрларда Хоразмда савдо, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик янада ривожланади. Обод шаҳарлар сони кўпаяди. Унинг пойтахти Урганч фан ва маданиятнинг йирик марказига айланади. Тахминан 1010 йилда Хоразм шохи Маъмун-2 саройида илмий тўгарак ташкил этилади. У «Маъмун академияси» номи билан машҳурдир. «Маъмун академияси» ўрта Осиёдаги олимларни маълум давргача бирлаштириб туради. 1017 йилда

бу академия ўз фаолиятини тугатади. Бунинг асосий сабаби Хоразм Махмуд Газнавий томонидан қўшиб олинади. У Хоразмда ижод қилаётган барча олимларни Газнага чақириб олади. Маъмун академиясининг буюк олимларидан бири Абу Райҳон Беруний эди. У 1973 йилда Жанубий Хоразмнинг маркази ҳисобланган Киет (Кот) шаҳрида туғилди.

Ўрта асрнинг машҳур олими астроном ва математик Абу Наср Ибн Ироқ унинг устози эди. 995 йилда Кот шаҳри Маъмун-1 томонидан забт этилади. Беруний ўз ватанини тарк этишга мажбур бўлади. У дастлаб Каспий бўйидаги Журжон шаҳрида, кейин Рай (Теҳрон) шаҳарларида истиқомат қилади. Беруний Журжонда «Осари Боқия» (Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар) номли ўлмас асарини яратади. Асарда юнонлар, эронийлар, араблар, суғдиёнлар, хоразмликларнинг календарь системаларини муфассал ёритади ва уларни қиёслайди. Асар «Кун ва тун экаплиги ҳақида сўз», «Ой ва йилларнинг моҳияти», «Ойнинг манзиллари ҳақида сўз», деган боблардан иборат.

Берунийнинг «Ҳиндистон тарихи» асарининг катта қисми Астрономияга бағишланади. Яъни унинг 41 боби астрономик билимлардан иборат. У 1995 йилда дунёда биринчи бўлиб ер шари шакли глобусини ясайди. Лекин у ясаган асбоб бизгача етиб келмаган ва унинг қисмлари сақланмаган. Ватандошимиз Берунийнинг глобус яратганига ҳам 1000 йил тўлди. Беруний яратган асарларнинг аксариятида географик билимлар кенг ўрин эгаллайди. Бу Берунийнинг география фанида ўтмишдошларининг ютукларини тўла эгаллаганлигини кўрсатиб қолмасдан унга жуда кўп янгиликлар қўшганлигидан далолат беради.

Берунийнинг «Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар» асосида географик билимлар кенг ўрин эгаллайди.

Асарнинг айрим боблари кенглик ва узоқликларга, жойларни иқлимига қараб билиш ва ҳоказоларга бағишланади.

Берунийнинг ер сатҳида денгизларнинг тақсимланиши тўғрисидаги назарияси унинг дунёқараши ниҳоятда кенг эканлигини кўрсатади. У ўзининг бу асарида ўзидан олдин ўтган географларнинг маълумотларини ўзи тўплаган маълумотлар билан тўлдиради. Беруний ўзининг географик тадқиқотларида ўша замон сайёҳлари, савдогарлари, кузатувчиларидан, хабарларидан ҳам фойдаланган.

Айниқса, бу борада минераллар, тоғ жинслари, вилоятларнинг узоқлиги, кенгликларини аниқлашда савдогар ва сайёҳлардан эшитган материаллардан унумли қўлланилган.

Айниқса бу борада минераллар, тоғ жинслари, вилоятларнинг узоқлиги, кенглигини аниқлашда савдогар ва сайёҳлардан эшитган материаллардан унумли қўлланган.

У баъзи савдогарлардан олинган маълумотларнинг нотўғри эканлигини ёзиб қолдирган. Адабиётлардан яхши хабарлар ва сайёҳлар билан яқин алоқа бўлиш туфайли у Болтиқ бўйлари, Оқ денгиз, Шарқий Европа каби узоқ ва кам ўрганилган минтақалар ҳақида ҳам тузукгина тасаввурга эга эди.

Беруний экваторнинг жанубидаги ҳудудлар ҳам маълум эди. Бу тўғрида у «бизда ёз бўлган пайтда у ерда қиш бўлади» деб ёзади. У Шимолий ҳудудлар ҳақида ҳам маълумот берган.

XII аср сайёҳи в а географи Якутнинг айтишича, у бир куни Маҳмуд Ғазнавийга узоқ жойдан элчи келганини, элчи қуёшнинг ҳамма вақт кўриниб туришини, у ерда тун бўлмаслигини, қуёшни кузатиш мумкинлигини ҳикоя қилиб беради. Шуни эшитган Маҳмуд Ғазнавий газабланиб келган кишини дидан қайтганликда айблайди. Шунда Беруний уни ҳимоя қилиб, у айтаётган нарса тўғри эканлигини фактлар билан исботлаб тушунтиради. Шундан кейингина элчининг айтганларига Маҳмуд Ғазнавий ишониб у билан яхши муомала қила б ошлабди. Берунийнинг «Ерда денгизларнинг тақсимланиш назарияси» ўрта аср географлари ўртасида муносиб ўрин эгаллаган эди. Ўша давр географлари ҳам денгизлар тақсимланиши ҳақида кўп фикрлар йтганлар, аммо ўз даври учун нисбатан мукаммал ва пухталиги билан Беруний назарияси эканлигини 200 йил кейин яшаган араб географи Ёкут алоҳида уқтирган эди. «Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар»дан ташқари Беруний тасвирий географиянинг масалалари билан ҳам ўзининг бошқа асарларида ҳам кўпроқ тўхтайди.

Бу асарларнинг деярли кўпчилиги бизгача етиб келмаган. Жумладан унинг машҳур «Иқлимларнинг бўлиниши» асари фақат номидангина маълум. Аллома ўзининг «Ҳиндистон» асарида географияга онд жуда бой мерос қолдирган. У бу асарида океан, унинг соҳиллари, давлатларнинг катта-кичиклиги ҳақида қимматли маълумотлар ёзиб қолдирган. Асарда Ҳиндистон дарёлари алоҳида боб қилиб берилган. Унда ҳинд дарёларининг бошланиши, режими ҳақида ҳам анчагина географик маълумотлар қолдирган. Беруний бу асарида ҳиндларнин г география соҳасидаги мавжуд билимларини ҳам умумлаштиришга ҳаракат қилади.

Берунийнинг бизнинг замонамизгача етиб келган географик асарларида энг муҳими «Турар жойлар орасидаги масофаларнинг текширин учун жойларнинг оҳирги чегараларини аниқлаш ҳақида» деб

аталади. Бу асар 1025 йилда ёзилган. Беруний асарида ер юзининг одамлар яшайдиган қисмини иқлимга бўлади. Айниқса, узоқ вилоятлар ҳақида жуда кўп маълумотлар қолдиради. У бу асарида еттинчи иқлимнинг Қарши томонидаги мамлакатлар аҳолиси иқлими ҳақида сўз юритади. Бу ердаги одамлар қишда чаналарда, чангиларда юришини изоҳлаб шундай деб ёзади. «Кишилар у ерга валакушалар» чаналар билан келадилар, уларга озиқ-овқатлар тортиб қорлар устидан юриб борадилар, ёки уларни итлар тортадилар. Иккинчи юриш воситасини суякдан ясайдилар ва оёқларига боғлаб қисқа вақт ичида узоқ масофаларни босиб ўтадилар» (лижа) дейди.

Беруний «Ал қонун ва Ал Маъсуд» асарида географияга оид маълумотларни келтиради. У бу асарида Ҳиндистон, Ўрта Осиёнинг,, Хитой, Тибет билан бўлган чегараларни у ерда яшовчи аҳолини таърифлайди. Метеорология ва иқлимшунослик фани ўрганаётган кўпгина масалаларни ҳам Берунийнинг қатор асарларида учратиш мумкин. Алломанинг ғарбий қитъанинг мавжудлиги ҳақида башорати алоҳида диққатга сазовордир. Унинг бу айтганларига асосланиб Берунийнинг Америка қитъасини кашфиётчиси дея олишимизга бемалол асос бор. Беруний географиянинг математик масалалари билан ҳам жуда мукаммал шуғулланади. У бу соҳа бўйича 10 лаб рисолалар ёзади. Афсус, уларнинг аксарияти бизгача етиб келмаган. Берунийнинг математик география бўйича энг қизиқарли масалаларидан бири географик объектларнинг кенглик ва узоқликларнинг аниқлаш методини ишлаб чиқиш такомиллаштириш эди. Географик координаталарни аниқлаш методлари Берунийгача ҳам мавжуд эди.

Бу борада грек олимлари ҳам йирик тадқиқотлар олиб борадилар ва яхши натижаларга эришадилар. Беруний ва бошқа Ўрта Осиё олимлари грек олимлари қолдирган меросни ҳар томонлама кенгайтирадилар ва такомиллаштирадилар.

Беруний ўз замондошлари ва ўзидан олдин ўтган олимларнинг географик кенглик ва узоқликларни аниқлашдаги турли методларини бир-бирига таққослайди. Уларнинг аниқлик даражасини белгилайди. Бошқаларнинг бу борадаги ишларига танқидий ёндашиб, уларга ўз фикрини ёзиб қолдирган. Масалан: Ибн Сино Журжонининг узоқлик ва кенглигини аниқлашда хатога йўл қўйилганлигини Беруний шундай деб ёзади. «Абу Али ўзининг ниҳоятда ақлли ва зийрак бўлишига қарамай астрономик жадвалларни қўллашда анча заиф эди» деди.

У Ибн Сино томонидан олинган натижаларнинг аниқ бўлмаганининг сабабини кўрсатиб, агар Ибн Сино ўз замондошларининг янглиш ўлчовларига суянмай, масофаларни ўзи аниқроқ белгилаганида эди, унинг ўлчовлари тўғри бўлар эди деб ёзади.

Беруний бутун умри давомида доимий кузатувчилар билан банд бўлди. У бу кузатувлардан ўз олдига турли объектларнинг географик координаталарини аниқлашни мақсад қилиб қўяди. Беруний асарларида Ўрта Осиёнинг қатор шаҳарлари ҳақида уларнинг географик шароитлари тўғрисида бой маълумотлар мавжуд.

Хусусан, «Ҳиндистон» тарихий асарида қуйидаги шаҳарларнинг географик координаталарини ёзиб қолдиради.

Лахор —34° 10′; Ғазна—33′ 35′; Қобул—33° 47′;

Дунпур — 34° 20′; Пуршавар— 24° 44′; Жилом — 33° 20′;

«Ал-Қонун» Ал-Маъсуд» асарида ҳам ер юзидаги кўпгина географик объектларнинг кенглик, узунликларини ва уларнинг жадвалларини келтиради. Берунийнинг кузатишлари ва ўлчаш ишлари жуда аниқлик билан бажарилган. Хусусан географик координаталари борасидаги ишлари ҳозирги замондагидан жуда оз фарқ қилади. Аммо унинг бу борадаги ўлчаш натижалари ўрта аср олимлари натижаларидан бир мунча аниқлиги билан ажралиб туради. Бу борада Берунийни тарихда биринчи бўлиб кўпгина географик кенглик ва узоқликларини 15° 0 гача аниқликда ҳисоблади.

Беруний ўз тадқиқотларида грек олими Птоломей асарларида сайёҳ ва савдогарлар материалларидан фойдаланганликларини эътироф этади. Аммо уларнинг аксариятларидан таққослаш мақсадида фойдаланилади, ўзи кўпроқ кузатувлар олиб боради.

Бу Берунийга жойларнинг кенглик ва узоқликларини аниқлашда янги оригинал методлар ишлаб чиқаришга имкон яратади. Тадқиқотчилар ва олимлар кенгликни аниқлаш учун XV асрда Тихо Брагэ қўллаган метод ва формулалар Беруний томонидан яратилганлигини унинг «Ал-Қонун Ал-Маъсуд» асарида батафсил ёритилганини эътироф қилади.

Беруний Бухоро шаҳрининг кенглигини 39° 20′ деб ўлчайди. Бухоронинг ҳозирги аниқлик билан ўлчанган кенглиги 39° 20′ яъни хатолик 26 минутга тенг. Бошқа объектлар ва пунктлар ҳақидаги маълумотлар ҳам худди шундай хатоликлар билан фарқ қилади.

Беруний геодезия соҳасида ҳам тинчмсиз изланишлар олиб боради. У ернинг ўлчамларини билиш билан кўп қизиққан. Маълумки, Ҳиндистон ва грек олимлари ернинг шар шаклида эканлигини билар эдилар ва бу борада ернинг ўлчамлари бўйича турли хил

натижаларга эришадилар. Грек олимларидан Эратосфен эрамиздан II аср илгари ернинг айланасини 250 000 стадий, Птоломей эрамиздан II аср илгари 100 000 стадия деб ҳисоблаганлар. IX асрда Боғдод астрономлари бу борада дастлабки ўлчаш ишларини бажарадилар. Улар ер меридиани ёйининг бир даражасини ўлчайдилар.

Беруний ҳам ер айланаси узунлигини бир марта ўлчайди. У ўзининг «Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар» асарида шундай деб ёзади. «Ерни ўлчаш ҳақида қарама-қаршилик чиқиши турган гап, чунки бунга ўхшаган илмий масалалар кишиларнинг узоқ тажриба ва кузатишларига асосланган бўлса керак. Барча халқлар бу масалада ҳар хил ўлчов бирликларида баён қиладилар ва булар уларнинг мамлакатларида қўлланилмоқда. Масалан, греклар стадияларда, ҳиндлар йаханларда кўрсатадилар. Уларнинг асарлари араб тилига таржима қилинганда, уларнинг ҳақиқий бирлик ўлчам катталиги номаълум б ўлиб қолади».

Беруний ер катталигини бир неча бор ўлчаб кўради. Текширин ишларининг кўп қисмини Ҳиндистонда олиб боради ва бу борада янги метод ишлаб чиқади. Бу метод «Ер ўлчэми тоғ тепасидан кўринадиган пастлик гаризонтни кузатиш йўли билан аниқлаш ҳақида» асарида баён этилган. Афсус асар бизгача етиб келмаган. Ер айланаси узунлигини ўлчаш учун қандай жой танлагани ҳақида у шундай деб ёзади: «Бу мақсад учун мен Ҳиндистонда кенг текислик устидаги баланд тоғни танладим, текисликни сатҳи денгиз сатҳидан ҳам текисроқ эди».

Беруний ер сатҳи ҳажмини ҳисоблаб, Меридиан ёйи узунлигини 1 градуси 111,6 км (111,1 ҳозирги) тенг эканлигини ўлчайди. Тўғри, Беруний ўз ўлчаш ишларини «Фарсанг бирлиги» билан бажаради. Берунийнинг бу методлари кейинги даврларда унутилиб кетди. Фақат Европада XVI асрда унинг ўлчаш ишлари қайтадан кашф этилди.

Беруний ўзининг «Буржлар ва мамлакатлар проекцияси» ҳақида деган асарида картографик проекциялар ҳақида ҳам қатор тадқиқотлар қилади. Ҳозирги замон олимлари унинг баъзи проекцияларини ҳозир ҳам амалий аҳамиятини йўқотмаганини таъкидлайдилар. Аллома биология, минералогия соҳаларида ҳам буюк кашфиётлар қилади ва ўлмас асарлар ёзиб қолдиради.

У 1048 йилда ёзиб тамомлаган «Қимматбаҳо тошларни билиб олиш бўйича маълумотлар» китоби унинг минерология соҳасига оид энг буюк ва энг сўнгги асари саналади. Асарнинг арабча матни 1937 йилда Ҳиндистонда нашр этилди. Бу китоб 2 қисмдан

иборат бўлиб, 1. Минералларга, 2. Металларга бағишланган. Беруний минералогия ва физика фанлари тарихида биринчи бўлиб минералларнинг солиштирма оғирлигини аниқ ўлчайди ва бу борада махсус асбоб ҳам ясаган.

Олим аниқлаган солиштирма оғирликлар ҳозирги замон фани қўлланаётган маълумотлардан деярли фарқ қилмайди.

Беруний Ўрта Осиё фойдали қазилмалари ҳақида ҳам муҳим тадқиқотлар қилади. У Фарғонада асфальт, нефть ва бошқа жинслар, Зарафшон дарёсининг бошланиши қисмида эса темир симоб олиш технологиясига ҳам тўхталади.

Беруний гидрология соҳасида ҳам ишлар олиб боради. У Амударё ўзанининг ўзгариши Орол денгизининг пайдо бўлиши назарияларини яратиш бўйича ҳам шуғулланади. Унинг қадимий суғориладиган районларнинг режими, булоқларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги тадқиқотлари география фани соҳасидаги эришган катта ютуқлардир.

Беруний табиатшунослик фани соҳасида 150 дан ортиқ асарлар ёзди. «Сайдана», «Минерология», «Ҳиндистон», «Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар», «Геодезия», «Маъсудий қонуни» каби асарлари алоҳида қимматга лойиқ. Беруний илмий меросини ўрганиш ҳали тугагани йўқ. Бу авлодларимиз учун ҳам очилмаган қўриқдир. У ўзининг янги тадқиқотчиларини кутмоқда.

Беруний ижодий фолиятини ўрганишда кўзга кўринган йирик олимлар В. Э. Бартольд, М. Ю. Крачковский, М. Қ. Қори-Ниёзий, Ҳ. Ҳ. Ҳасанов, Х. М. Абдуллаев, И. М. Мўминов, С. П. ХТолстовланрианг химатлаи таҳсинга лойиқ. Беруний қизиққан соҳа ҳаддан ташқари кенг бўлган. Аммо унинг кўпгина асарлари бизгача етиб келмаган. Ўрта аср ёзувчиларидан бири XII аср араб сайёҳи географ Екут Берунийнинг астрономия, логика, фалсафага доир асарларнинг рўйхатини кўрганини, бу рўйхат жуда майда ёзилган, 60 бетдан иборат эканини айтади. Шуни айтиш керакки, ҳозирги вақтгача Беруний асарларининг маълум қисмигина аниқланган бўлиб улар қисман таржима қилинган ва ўрганилган холос.

Ўзбекистон ҳудудида ўтган «Буюк ипак» йўли нафақат савдо ва маданий алоқаларни кенгайтиришда, балки географик билимларни ҳам тўплашда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўрта аср араб ёзувидаги, географ ва тарихчилари Туркистон ҳудуди географиясига доир кўпгина географик маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Айниқса, Истахрий, Баута, Ибн Руста, Ибн Ҳар-

дорбек, Ибн Хавкал ва бошқа кўпгина сайёҳларнинг ёзиб қолдирган ишларида географик маълумотлар анчагина учрайди.

Айниқса, географияга оид қимматли маълумотлар Маҳмуд Қашғорий (XI аср)нинг «Девону луғат турк» (турк тили лугати) асарида кўплаб учрайди. У нафақат тил балки география билан чуқур шуғулланган. Қашғорий Римдан Хитойгача бўлган ҳудудлардаги тиллар, мамлакатлар, шаҳарлар, чўллар, тоғлар, дарёлар, кўллар ва бошқа объектларни номлари билан қизиққан. Ёзилмай қолган географик номларга изоҳ бериб ўтган. У ўз асарига дунё картасини ҳам илова этган. Қашғорийнинг бу картаси ўша даврнинг энг мукаммал картаси ҳисобланган. Асар ва карта Буюк ипак йўлидаги ҳудудларда савдо-сотиқ ишларини авж олдиришда кўп йиллар хизмат қилган.

Ҳозирги кунда «Буюк ипак йўли»ни қайта тиклашдаги ҳаракатлар, туркий халқларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришдаги уринишлар, «Девони лугат турк» асари аҳамиятини янада оширади.

Улуғбекнинг ҳам география фанини ривожлантиришда салмоқли ҳиссаси бор: Самарқанд расадхонасида олиб борган кузатиш ва илмий ишлари Зижи Кўрагоний жадвалида акс этади.

Асарда 200 дан ортиқ жойларнинг географир координаталарини мукаммал кўрсатиб берган. Расадхоналар ер шари глобуси тузилиб, унда иқлим чегаралари, тоғлар, чўллар, денгизлар, дарёлар белгилаб қўйилган.

Буюк аллома З. М. Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида Туркистон, Афгонистон, Ҳиндистоннинг табиий, ижтимоий-иқтисодий географиясига оид 1000 дан ортиқ географик жой номлари баён этилган. Асарга бир неча хилма-хил карталар илова қилинган. «Бобурнома» асари қимматли географик асар бўлиб, ҳозирга қадар у ўзининг аҳамиятини йўқотгани йўқ. Туркистондан етишиб чиққан Ибн Сино, Аҳмад Фарғонийлар ҳам география соҳасида қимматли маълумотлар қолдирганлар. Айниқса, Фарғонийнинг дарёлар режимини ўрганишдаги хизматлари беқиёсдир.

Қадимги географ ва сайёҳларнинг меросини ўрганиш ва бу борада хилосалар чиқариш мактаб география мазмунини белгилашда катта аҳамиятга эга. Ўлкамизда бобокалонларимизнинг географик тадқиқотлари география таълими методикасини шаклланиши ва ривожланишида муҳим омил ҳисобланади.

Географик билимлар ҳар томонлама кенгайиб ва тараққий этиб тасвирловчи фандан ҳозирги кундаги мукаммал фундаментал фан даражасига етди.

Аммо мактабларда фан сифатида ўқитиладиган география предмети ўз «отаси» тараққиётидан бирмунча бошқачароқ бўлган.

Мактаб географияси умумтаълим мактабларининг ўқув режаларига бошқа предметлардан кейинроқ киритилган. Мактаб географияси бўйича кенг миқёсда XVI аср охири XVII аср бошларида чинакам илмий географик асарлар вужудга келган. Айниқса, голланд географи Бернхард Варен (1662—1650), (Варениус ҳам дейишган) «Умумий география» китоби билан шуҳрат қозонди. Китобда ер билимларига оид географик билимлар анча мукаммал берилган эди. Мактаб географиясини фан сифатида пайдо бўлишини XVII аср охиридан десак хато қилмаймиз. Фақат шу даврдан бошлаб география ўқув предметлари сафидан ўрин ола бошлади. Ҳатто буюк географик кашфиётлардан кейин ҳам мактабларда география деярли ўқитилмади.

Биринчи география дарсликлари қаторига М. Неандер (1525—1595) китобларини айтса бўлади. Унинг асарларида мамлакатнинг ўтмиши қизиқарли равишда баён этилади. Лекин унда тарихий маълумотлар (билимлар) кўпроқ берилган. Унинг фикрича мамлакатшунослигининг мазмуни ҳар бир мамлакатдаги қизиқарли нарса ва воқеаларни айтиб беришдан иборат бўлиши керак деб ҳисоблайди. Қисқаси унинг мамлакатларни тасвирлаши кўпроқ саргузаштлар билан боғлиқ бўлган.

Машҳур чех педагоги Ян Амос Коменскийни (1592—1670) ўқитиш методикаларининг асосчиси дейиш мумкин. Коменский ўзининг «Улуғ дидактика» номли асарида географиянинг мазмуни ва ўқитиш методлари ҳақида яхшигина ғоя ва фикрларни илгари суради.

У географияни қуйи мактаблардан то академияларгача (олий маълумот олиш) бўлган барча бўғинларда ўқитилиши шарт деб чиқади. Коменский боланинг бешиги ва онаси турган уй унинг географик маълумот олувчи манбаи бўлиши керак деб ҳисоблайди. У таълимда синф дарс тизимини биринчи бўлиб қўллайди.

У география ўқитишни оддийдан мураккабга, яқиндан-узоққа, хусусийдан-умумийга принципи асосида ўқитиш ва режалаштиришни тавсия қилади. Ўқитишда кўргазмали, айниқса расм ва карталардан фойдаланиш зарурлигини қайта-қайта уқтиради.

У кўргазмалардан иборат расмлар тўплами тузади. Улардан фойдаланиш зарурлигини қайта-қайта уқтиради.

У кўргазмалардан иборат расмлар тўплами тузади. Улардан фойдаланишнинг дастлабки методикасини ҳам яратади. Ўша даврда ундан география ўқитишда ҳам унумли фойдаланилади. Дарс-

ларда газета материалларидан фойдаланишга катта эътибор беради. Швейцариялик педагог Генрих Пестолоцци (1746—1827) нинг педагогика ва дидактика асарлари география ўқитиш билан боғлиқ бўлган кўпгина масалаларга тўхталади. Унинг мактабида география анча маълумотларга бой қилиб ўқитилади. Аммо унинг янгиликлари географияда янги давр оча олмади.

XVIII асрда Петр I даврида география мактабларининг ўқув предметлари қаторидан ўрин олади. Аммо бу даврдаги география дарсликлари талабга жавоб бермас эди. Аввало уларнинг ҳажми жуда катта 400—650 бетни ташкил қилган. Китоб тили анча оғир бўлиб унда хорижий атамалар кўп учраган.

Россияда география таълим методикасини ривожлантиришда атоқли педагог К. Д. Ушинский географияни мактабдаги асосий предметларидан бири бўлиши керак деган ғояни илгари суради. У географияни ўрганишни ўз жойини, яъни ўлкасини ўрганишдан бошлашни тавсия этади. Умуман олганда Туркистонда география таълимининг тараққиёти ва ривожланишни бевосита Россия мактабларида география ўқитиш билан боғлиқ десак хато қилмаймиз.

XVII—XIX асрларида Туркистон ҳудудидаги мактабларида география деярли ўқитилмасди. Мадрасаларда энг оддий (элементар) географик билимлар эди. Лекин уларнинг аксарияти нотўғри тасаввурлардан иборат эди. XIX асрнинг 60-йилларида Россиянинг Туркистонни босиб олиши қисман бўлса ҳам география ўқитишга таъсир кўрсатмасдан қолмади. 1866 йилда Тошкентда бошланғич маълумот берувчи биринчи рус мактаби очилди. 1877 йилда Тошкентда биринчи гимназия фаолият кўрсата бошлади. XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб маҳаллий аҳоли фарзандлари учун махсус рус-тузем мактаблари очилади. Ўзбекистонда 1-рус тузем мактаби 1884 йилда Тошкентда, кейинчалик Хива, Бухорода ҳам очилди. 1873 йилдан бошлаб «Турркистон» вилояти» газетаси нашр этила бошланди. Бу газета географиянинг фан сифатида ўқитилишида ва географик билимларни тарқалишида янги даврни бошлаб берди. Газеталарда эълон қилинган мақолаларда кўплаб географик маълумотлар берилар эди. XIX асрнинг 90-йилларига келиб ўзбек тилида география ўқув қўлланмалари ташкил этила бошланди. Немис профессори Геккелнинг мақолалари асосида «Ер хусусида илмдан олинган сўзлар» номли илк ўзбек тилидаги биринчи география қўлланмаси нашрдан чиқади. Аввал у «Туркистон вилояти» газетасининг 1889 йилги сонида эълон қилинади. 1901 йилда эса китоб тарзида

чоп этилади. Бу китобда ер шакли, кеча ва кундуз, ҳаво, ёғинлар, иқлим ҳақидаги маълумотлар берилган эди. XX аср бошларида М. В. Лавровнинг «Туркистон ўлкаси географияси ва тарихи» номли рисоласи ҳам ўлкада география ўқитишда жуда аҳамиятли бўлди. XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ижод этган Хожи Юсуф Хайъатий маданият арбоби, сайёҳ ва географ бўлган. У 1880 йилда глобус ясайди. У ясаган глобуснинг айланаси 160 см масштаби 1 смда 250 км бўлган. Бу глобус ҳозирги кунда Самарқанд музейларидан бирида сақланмоқда. Тошкентда 1900 йилда дастлабки «янги метод» мактаби очилди. Бу мактабларда маҳаллий аҳолидан етишиб чиққан жадидларнинг таъсири кучли бўлган. Унда болалар синфларга бўлиниб парталарда ўтириб дарсларда ўтилган машғулотлари дарс жадвали асосида амалга оширилган. «Янги метод» мактабларида география ўқитила бошланади. 1905 йилда янги метод мактаблари учун ўзбек тилида география дарслиги ва биринчи географик карта («Туркистон ва унга ёндошган мамлакатлар картаси» ҳам нашр этилади. Беҳбудийнинг «Қисқача умумий география» (1902 й.) «Аҳоли географиясига кириш» (1909 й.), Ф. Каримийнинг «География» (1914 й.) Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғлининг «Ер юзи» (1915 й.) номли китоблари чоп қилинди. Нашр қилинган география дарсликлари ўқитувчилар ўртасида муҳокама қилинар эди. Энг яхши география китоблари дастур тарзида қабул қилиниб, ўқитишга тавсия қилинган эди. А. Мунаввар Қорининг «Ер юзи» китобларининг биринчи нашри Туркистон география ўқитувчилари ўртасида муҳокама қилиниб, ўқитишга тавсия қилинар эди. Ушбу китоб «Янги метод» мактаблари учун ёзилган бўлиб то 1928 йилгача дарслик сифатида қўлланиб келган. Ўша даврда бундай географик дарсликлари ва ўқув қўлланмаларнинг пайдо бўлиши ўзбек халқининг географик билимларига нисбатан эҳтиёжи ортаётганлигидан ва маҳаллий кадрлардан ҳам географ мутахассислик етишиб чиқаётганлигидан дарак бераётган эди.

Ўша даврдаги Туркистон ҳудудидан етишиб чиққан илм-маърифат намояндалари А. Донish, Фурқат, Хожи Юсуф Ҳайъатий Ниёзий, Ч. Аълоний ҳам мактабларда географиянинг сифатли ўқитишга салмоқли ҳисса қўшадилар. А. Донish астрономия ва географик соҳалари бўйича ҳам илмли одам бўлган. У жаҳолатга қулоқ қоқмаслик учун дунёвий билимларни эгаллашга қўйидагича даъват этади. «Биз дунёни гуллатиб-яшнатиш учун, ер ости бойликларини излаб топиш учун ернинг ҳамма қитъаларини ва аҳолисини билиш учун туғилганмиз». Ҳ. Ҳакимзода Ниёзий ҳам 1901 йилда Бухорнинг Ҳожибек Гузарида камбағалларнинг фар-

зандлари учун мактаб очади. Унинг бу мактабида география ҳам ўқитилади. Дарс беришда янги методлардан фойдаланилади. Ҳамза мактаби ҳам география таълими ривожланишида муҳим ўрин эгаллади.

Ажойиб маърифатпарвар ва педагог А. Авлоний ҳам ўзи очган мактабларда дунёвий фанлар қатори география ўқитишига катта эътибор берди. У «География» номли китоб ҳам ёзади. Октябрь тўнтаришидан олдинги мактабларда географияни предмет сифатида ўқитишда тошкентлик педагог Собир Раҳимовнинг ҳам хизматлари катта.

У 1910—1914 йилда Тошкентнинг Тахтапул маҳалласида мактаб очади. Мактабда ўзи географиядан дарс беради. Октябрь тўнтаришн арафасида Туркистонда география таълимига эътибор бирмунча кучая боради. Бу пайтдаги мактаб географиясида ер ҳақидаги билимлар, қитъалар, давлатлар, Россия ҳақидаги ҳақидаги маълумотлар кўпроқ берилади.

Бу билимлар синфларга тақсимланиб ўрганилганлиги диққатга сазовордир. Ўша вақт мактаб географиясида географик номлар кўпроқ ўрганилган, аммо объект ва ҳодисалар ўртасидаги сабаб алоқадорлик, қонуниятлар эса заиф очиб берилган ёки умуман ўргатилмаган. Бу даврдаги мактабларда билим, кўникма ва малакалар ҳажмини ифодаловчи ҳужжатлар география дастури ва география таълими ҳақида муайян кўрсатмалар берувчи методик қўлланмалар дарслик бўлмаган оғзаки баён, суҳбат методлари география таълимида етакчи бўлган. География фақат тасвирловчи фан сифатида намоён бўлган.

2. ЕТАКЧИ ТУШУНЧАЛАР

Географик билимлар, шаклланиш босқичлари. Птоломей географияси, Аристотель ғоялари, Страбон, Эратосфен, Шарқ географияси, Хоразм географияси, Беруний глобуси, ««Ҳиндистон тарихи асослари», Геодезия қадимий ўлчов бирликлари, Ибн Синонинг географик ғоялари, Ал-Хоразмий ва Берунийнинг географик ғоялари.

ОКТЯБРЬ ТЎНТАРИШИДАН МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИГАЧА ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕОГРАФИЯ ЎҚИТИШ АҲВОЛИ

РЕЖА:

1. Ўзбекистонда 1918—1934 йилларда география ўқитиш аҳволи.
2. Ўзбекистонда 1934—1955 йилларда География таълими.
3. 1956—1966 йилларда География таълими.
4. 1967—1990 йилларда География таълими.

Ўзбекистон мактабларида география таълимини, (дарсликлар ва дастурлари мазмунини, ўқитиш методлари, ўқув моддий базаси, кадрлар тайёрлаш ва бошқа хусусиятларга кўра) 4 та босқичга ажратиш мумкин.

1-босқич 1918—1934 йилларни ўз ичига олади. Бу давр ўзбек —совет мактабларида география ўқитишни йўлга қўйиш босқичи ҳисобланади. Бу босқичда янги типдаги мактаблар билан эски типдаги совет мактаби географиясига асос солинди. Янги дастурлар асосида (1922—1923 йилларда) ўқитишнинг «комплекс дастурлари» ишлаб чиқилди. Бу турли вариантларда бўлиб, бир неча марта ўзгарди ва 10 йил мобайнида қўлланилди. Географик материаллар комплекс мавзулар орасига сингиб кетди. Географияни ўрганиш жуда паст савияда олиб борилди. Комплекс дастурларнинг узоқ ҳукмронлиги мактаб географияси учун оғир давр бўлди. 1925—1926 йилларда мактабларнинг юқори синфида география дастурлардан умуман чиқариб ташланди. География, табиёт, физика, ижтимоий фанлари таркибида ўрганилди. Картани ўрганиш ниҳоятда заиф бўлди. Юқоридаги фанлар географияни ўқитиш вазифаларини мутлақо бажара олмадилар. Комплекс метод аслида предметсиз ўқитиш йўли эди.

2-босқич 1934—1955 йилларни ўз ичига олади. Ўзбек мактабларида география ўқитишнинг муайян бир тартибга тушиш босқичи. Бу даврда ягона дастур асосида муайян дарсликлар яратилди. Ўқувчи ва ўқитувчилар учун ўқув қўлланмалари кўпроқ нашр этила бошланди. Ўзбек тилида методик қўлланмалар вужудга кела бошлади. Мактаб географиясига ҳисса қўша оладиган методистлар, география ўқитувчилари етиш ib чиқа бошлади. Кўплаб методик китоблар ўзбек тилига ўгирилди.

3-босқич 1956—1966 йиллар. Бу даврни мактаб географиясини турмуш билан боғлаш босқичи деса бўлади. Бу даврда мактаб географияси бўйича илмий тадқиқот ишлара олиб борилди. Ўқитиш-

шинг самарали хиллари тобора кенгроқ жорий қилина бошланди. Маҳаллий аҳолидан миллий кадрлар, йирик географ ва методистлар етишиб чиқди. Ўқувчи ва ўқитувчилар учун илмий оммабоп ва методик адабиётлар таржима қилинди. Географик атама ва номлар маълум бир тузумга туша борди.

4-босқич 1967—1990 йиллар. Бу даврда таълим соҳасида турли ўзгаришлар пайдо бўлди. Ўқув кўргазмали қўлланмалар чоп қилинди. Таълимни ислоҳ қилиш борасида бир қатор тадбир ва ўзгаришлар амалга оширилди. Муайян дарсликлар тизими ва янги ўқув карталари пайдо бўлди. Ўлкашуносликка эътибор бирмунча кучайди. Аммо Ўзбекистон географиясини ўрганиш бўйича соатлар ҳажми 20% дан ошмади.

Октябрь тўнтаришидан кейин совет мактабини ислоҳ қилишдан бошланди. Дастлаб махсус қарорлар асосида 9 йиллик ягона меҳнат мактаблари ташкил этилди. Бу мактаб икки босқичдан иборат эди. Биринчи босқич 1—5 синфлар, 2-босқич 6—9 синфлардан иборат. Бундай мактабда география таълими мақсад ва мазмун жиҳатдан ўзгарди.

1918—1922 йилларда географияда намунавий дастурлар пайдо бўлди. Бунда айрим ландшафтларнинг хусусиятларини ўрганишга кўпроқ эътибор берилди. Ўша даврлар «ландшафт дастурлари» билан машҳурдир. Масалан «Овчилар ландшафти», «Кўчманчилар ландшафти» ва ҳ. к.

Ландшафт дастурлари ўзини оқламади. 1921 йилда географ Д. Н. Анучин раҳбарлигида умумдавлат аҳамиятга эга бўлган география дастури лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унгача айрим ҳудудлар, ҳатто айрим мактаблар худди ландшафтлар дастурига ўхшаш бўлган дастурларни ўзлари тузар эдилар. Анучин дастури октябрь тўнтаришига қадар бўлган география таълимининг энг яхши томонларини қисман бўлса ҳам ўзида акс эттирган бўлиб, унда географияни ўқитиш синфлар бўйича тақсимланган эди.

Анучин дастурига мувофиқ 3-синфда ўз қишлоғи, шаҳари, губернияси ўрганилар эди. Бу тўрни мамлакатшунослик деб атади. ди. Ўқувчилар географик номлар, тушунчалар географияга оид расмлар билан таништирилар эди. 4-синфда мамлакатлар турли минтақаларнинг табиати, инсонлар ҳаётини акс эттирувчи расмлар намойиш қилинар эди. 5-синфда мамлакатшуносликга оид бўлган маълумотлар ва «қитъалар географияси ўрганилади. 6 ва 8-синфларда Россия географияси 8-синфда иқтисодий география, 9-синфда астрономия ва астроллогия ўрганилар эди. Мазкур дастур ўқувчиларнинг географияга оид билимларни оширищ-

да катта роль ўйнайди. Унда географияга ажратилган соатлар миқдори анча кўп эди. 1924 йилдан 1930 йилларда мактаб география таълими учун оғир йиллар бўлди. 1924 йилдан бошлаб мактаб географияси янги дастурлар асосида ишлашга ўтди, аммо бу дарсликлар бўйича, география бўйича алоҳида предметлар йўқ эди. Унда географиядан узуқ-юлуқ билим бериларди. 1—4 синфларда алоҳида география курслари ўрнини комплекс мавзулар эгаллади. Бу мавзулар мазмунига қисқача географик саволда маҳаллий табиат ва хўжалик билимлари берилар эди. 4-синфда Россия географияси ва бошқа фанлар географияси ўргатилар киритилар эди. Масалан 11-синфда йил фасллари, 2-синфда маҳаллий табиат ва хўжалик билимлари берилар эди. 4-синфда Россия географияси ва бошқа фанлар географияси ўргатилар эди.

Иккинчи босқич синфларида география, биология, тарих, жамиятшунослик фанлари таркибига сингиб кетган эди. Табиий география ва мамлакатшунослик ҳақидаги билимлар ночор аҳволга тушиб қолди. Хуллас комплекс дастурларнинг қабул қилиниши географияни мустақил фан сифатида барҳам топишига олиб келди. Фақат 1927 йилда аввал 1-босқич мактабларда, кейинроқ 2-босқич синфларда география фан сифатида қайта тиқланди. Ўзбекистонда 1920—1930 йиллар оралиғида география дарсликлари рус тилидан ўзбек тилига таржима қилинди. Г. И. Ивановнинг «Бошланғич жўғрофия» дарслиги география дарсликларининг тўнғичи эди. Бу дарслик 1927 йилда Н. Л. Корженевский ёрдамида П. Архенгельский томонидан ўзгартириб нашр қилинди. Г. И. Иванов, Г. Г. Ивановларнинг, Бахтиёров ва Макаров билан ҳамкорликда бирмунча ўзгартириб нашр қилинган «Жуғрофия ҳам ўлкани ўрганиш» дарслиги ҳам ўзбек тилидаги дастлабки дарсликлардан эди. Бу даврда Балашовнинг «Ўзбекистон ҳамда унга қўшни жумҳуриятлар ва вилоятлар» П. Архангельскийнинг «Жўғрофия» (ўлкани ўрганиш дарслиги), А. Обидовнинг «Ўзбекистон социалистик шўролар жумҳурият жўғрофияси) дарсликлари география таълимида катта аҳамиятга эга бўлди. А. Обидовнинг «Ўзбекистон жўғрофияси» дарслиги Ўзбекистон география таълимида ўз республикасини ўрганишда биринчи ҳақиқий асар ўзбек тилида дастлабки география методикаси пайдо бўлди. Унинг муаллифи Н. Леонов эди.

География методикаси суҳбатлар методида ёзилган бўлиб, у талай камчиликларга эга эди. Унда карталар билан ишлаш методлари ёритилмаган эди.

Ўзбекистон мактабларида география ўқитиш самарадорлигини оширишда 1925 йилдан бошлаб чоп этилаётган «Маориф ва ўқитувчи» журналининг роли катта бўлди. Жумладан, ушбу журналларнинг 1925 йил 5-6 сонларида «Жугрофиянинг фойдаси», «Лугат ва атамалар», «Самарқанд», «Мактабда ўлкани ўрганишнинг аҳамияти», «Муз даврининг охирларида Европада қандай ирқлар яшадилар», «Саҳрои кабир» ва бошқа ўнлаб географияга оид мақолалар эълон қилинади. Бу журнал география ўқитувчиларига илмий ва методик жиҳатдан яқиндан ёрдам берган. 1931 йил 4 июлдан «Маданий инқилоб» (кейинчалик «Ўқитувчилар газетаси», ҳозирда «Маърифат») газетаси чиқа бошлади. Бу газета география ўқитувчиларининг ҳақиқий ёрдамчиси бўлади. Унда юзлаб илмий, услубий мақолалар эълон қилинади.

География таълимида кадрлар етиштириш масаласи секин-аста йўлга қўйилди. 1927 йилда Самарқанд олий педагогика институти очилди. 1930 йиллар охирларига келиб олий маълумотли география ўқитувчилари етишиб чиқа бошлади. Булар Н. Ибадов, Г. Назаров, И. Мирзабоев, А. Аҳроров ва бошқалар эди. 1930 йилларнинг ўрталарида Тошкент, Бухоро, Самарқанд, кейинчалик Нукус, Урганч, Қўқон, Андижон шаҳарларида педагогика институтлари очилди. Мактаб географиясининг тақдирини ҳал этишда мактаб географияси ва илмий географиясининг тақдирига катта ВКП(б) нинг 1931 йил 5 сентябрь ва 1932 йил 25 август қарори таъсир этди. Географияни бошқа методлар таркибида ўрганишга қатъий хотима берди. Географияни бошқа предметлар орасида тенг ҳуқуқли бўлишига имкон яратди. Географиянинг алоҳида фан эканлигини исботлаб берди.

Педагогика институтларида география ўқитувчиларини махсус тайёрлаш масаласини ҳам ҳал этади. География дастурини, картани, табиий география асосларини билиш капиталистик мамлакатларини ўрганиш зарурлиги масалалари қарорда алоҳида ўқитилади. Ўзбекистонда мактаб географияси тақдирини ҳал қилишда ВКП(б) нинг 1934 йил 15 май қарори алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Қарорда бошланғич ва ўрта мактабларда география ўқитишнинг сифатсизлиги, картларнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги, мавзуларнинг қуруқлиги, дарсликларнинг рақамлар билан тўлалиги, айниқса мактабни битириб чиқаётган ўқувчиларнинг географиядан билимларининг саёз ва сифатсизлиги танқид остига олинади. Қарор географияни қандай ўқитиш тўғрисида ҳар бир синфда география фанларини ўқитишда айрим кўрсатмалар берди.

Бу қарорга мувофиқ география таълими 3 бўғинга бўлиб ўқитила бошланди. (бошланғич етти йиллик, ўрта). Географиядан ҳафталик соатлар бирмунча кўпайди. Бу қарор ўқувчилар ёшини эътиборга олган ҳолда кўргазмали ва қизиқарли баён қилишни талаб қилади. 1934—1935 ўқув йилидан бошлаб янги дастурларга ўтилди.

Бу дастурларга асосан янги дарсликлар, илмий оммабоп адабиётлар, атлас карталар, ўқитувчилар учун ўқув методик қўлланмаларни яратишга киришилди. 1934 йилги қарордан кейин «География в школе» журналининг чиқа бошлаши нафақат Россияда, балки Ўзбекистонда ҳам география таълимини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Илғор ўқитувчиларда олий ва ўқув юртлари ўқитувчилари географиядан дарслик ва бошқа қўлланмалар яратишга жалб этилди. Дарсларда ўқувчиларнинг мустақил ва амалий ишларига эътибор кучайди. 1935 йилда Ўрта Осиё университетиад география—геология факультети ташкил этилди. 1935—1940 йиллар мобайнида Ўзбекистонда педагогика институтларининг аксариятида география мутахассислиги очилди. 1943 йилгача Республикада 10 га яқин ўқитувчилар институти очилади. Уларда география ўқитувчилари эҳтиёжларини эътиборга олиб, уларга методик ёрдамларини кучайтириш мақсадида ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари, улар базасида эса география кабинетлари (кафедралари) ташкил этилади.

География таълими ҳар томонлама ривожланишида буюк иқтисодий-географ Н. Н. Баранскийнинг хизматлари катта. У муаллифлик қилган иқтисодий география дарслиги 20 йил мобайнида мунтазам ривожланишда нашр этилиб турилди. Н. Н. Баранский «ўқитувчи—таълим жараёнида марказий фигура» деб қайта-қайта таъкидлаган. У география таълимида етакчи ўринни карта ва кўрсатмалилик эгаллаши зарур деб «Карта—географиянинг иккинчи тилидир», «Карта—географиянинг альфаси ва омегаси», «Биргина карта бир неча варақ матннинг ўрнига ўтади» деган ўлмас фикр ва ғояларини ўртага ташлайди. Н. Н. Баранский Собиқ Иттифоқ миқёсида география ўқитувчилари тайёрлаш ишига улкан ҳисса қўшган буюк шахсдир.

2-жаҳон уруши ҳам географчия таълимига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Кўпгина география ўқитувчилари фронтга жўнаб кетдилар. Олий ўқув юртларида мутахарссислар тайёрлаш издан чиқди. Ўқув қўлланмалар умуман етишмай қолди.

Урушдан кейинги йилларда маориф соҳасида талайгина ютуқлар қўлга киритила бошланди. Дастлаб 4 йиллик, кейин 7 ва 8 йиллик (мажбурий) тўлиқ ўрта таълимга босқичма-босқич ўти-

лиши, таълим мазмунини тубдан қайта қуришга ёрдам берди.

Бу даврда география ўқитувчилари диққати кўпроқ ўқув жараёнини амалиёт билан боғлашга қаратилди. География таълимини ҳаёт билан боғлаш борасида табиий шароитнинг халқ хўжалигидаги аҳамиятига катта эътибор берилди. Ўз ўлкаси географиясини ўрганиш ва ўз жойининг картасини чизиш, об-ҳавони кузатиш, ўз жойидаги барча табиий комплекс компонентларини ўрганиш географияни турмуш билан боғлашга қаратилди.

Мактабни тугатиш билан боғлаш ҳақидаги қарор асосида ўқувчиларнинг мустақил ишларига катта эътибор берилди. Ўзбекистон географиясини ўрганишга бир мунча эътибор кучайди. 1953—1954 ўқув йилларидан бошлаб амалий машғулотларни уюштириш мажбурий тарзда, мактаб география дастурларига киритилди. Ўқувчилар дунёқарашини шакллантиришга, меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашга эътибор кучайди. 1958 йил 24 декабрда Олий Советнинг мактаб ҳақидаги қонуни географиянинг такомиллашувида катта аҳамиятга эга бўлди. Бу қонун бошқа фанлар қатори география таълимини ишлаб чиқариш меҳнати билан яқинлаштиришга эътиборини кучайтирди.

География таълимида ўз ўлкасини чуқурроқ ўрганишга бўлган талаб ошди. Ўзбекистонда география таълимини такомиллаштиришда бир қанча илмий масканлар ва олий ўқув юртлари қатори Педагогика фанлари илмий текшириш институтидаги география лабораториясининг хизматлари катта бўлди. Бу институт география лабораториясида П. Мусаев раҳбарлигидаги методист географ олимлар мактабда география ўқитишни такомиллаштириш бўйича қатор изланишлар олиб борди. П. Мусаев ўша мустамлака йилларда ҳам ҳадиксирамасдан миллий мактаб муаммолари бўйича гоят дадил фикрларини илгари сурди.

1960 йилдан бошлаб география таълими методикасига оид махсус қўлланма ва дарсликлар нашр этила бошланди. Ўша даврларда Ўзбекистонда география фанини такомиллаштиришда А. Обидов, О. Сандрасулов, Ҳ. Ҳасанов, Н. Долимов, З. Акрамов, О. Мўминов, М. Набиханов, И. Мирзабоев ва бошқаларнинг хизматлари катта бўлди. Умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртлари учун географик адабиётлар, дарслик ва методик қўлланмаларни таржима қилиш кенг тус олди. Бунда Ҳ. Ҳасанов, П. Султанов, М. Қорнев, П. Ғуломов, Р. Раҳимбековлар унумли меҳнат қилдилар. Жумладан, Н. Ф. Куразовнинг «География ўқитиш методикаси» (1962), П. Будановнинг «Табиий география методикаси» (1950), А. В. Даринскийнинг «География ўқитиш методика-

си) (1964), Н. Долимовнинг «Ўзбекистон табиий географияси» янги дарслик бўлиб чиқади. 1960 йиллардан бошлаб Ўзбекистонда география таълими методикасининг турли йўналишлари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. О. Мўминов «Ўзбекистон мактабларида табиий география ўқитиш масалалари» (1967) Т. Абдуллаева «Табиий география ўқитишда ўлкашунослик материалларидан фойдаланиш (1967), М. Набихонов «СССР географиясида бадиий кўрсатмали воситаларининг роли ва қўлланиши» (1969), П. Мусаев «Ўзбекистон иқтисодий географиясининг ўқитиш хусусиятлари» (1968), М. Жўрабоев «Ўзбекистон мактабларида география ўқитишда предметлараро алоқаларни жорий этиш» (1969, М. Асанов «Топографиядан амалий машғулотлар уюштириш» (1970), М. Юнусова «География таълимида натурал қўлланмалардан фойдаланиш» (1985), Р. Қурбонниёзов «Географиядан факультатив машғулотларда ўқувчиларни меҳнатга йўналтириш» (1986) мавзулари бўйича номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар. Ўрта ва Олий мактабларда География ўқитиш методикасини ривожлантиришда Ҳ. Ҳасановнинг хизматлари катта бўлди. Профессор Ҳасанов ўқувчилар ва география ўқитувчилари учун ўнлаб илмий мақолалар, илмий оммабоп адабиётларни ўқувчилар диққатига ҳавола этди ва нашр эттирди.

Булар: «География терминлари луғати» (1964), «Сайёҳ географлар» (1965), «Ер тили» (1967), «Махмуд Қошғарий» (1965), «Географик номлар имлоси (1962) ва бошқа бунга мисолдир. Ҳ. Ҳасанов география методикасига оид ишларида ўқувчи ва талабаларнинг мустақил ишлари, методлари, билимларни назорат қилишнинг ўзига хос томонларини ишлаб чиқди, ривожлантирди, такомиллаштирди.

1960—1970 йиллар оралиғида география ўқитиш методикасига оид ўнлаб ўқув қўлланмалари чоп этилди ва таржима қилинди: Булар: М. Қориевнинг «Ўрта Осий табиий географияси» (1964, 1968 йилларда). О. Мўминов, Е. Бельская 2-3-синфлар учун «Табиатшунослик», М. Қориев, Н. Долимов, О. Мўминов «Ўзбекистон табиий географияси» (7-синфлар), З. Акрамов, П. Мусаев «Ўзбекистон иқтисодий географияси» (8-синфлар), М. Набиханов, Э. Сафаров, Г. Асановларнинг «Ўзбекистон ижтимоий ва иқтисодий географияси» (олий ўқув юртлари), П. Мусаев «Ўзбекистон ССР иқтисодий географиясинри ўқитиш» (1977), О. Мўминов «География таълими методикаси» (1978), П. Мусаев, Р. Қурбониёзовнинг «Географик ўйинлар» (1978—1990), Н. Абдуғаниев

«География дарсларида таълимнинг техникаларидан фойдаланиш» (1990) каби ўнлаб дарслик ўқув ва методик қўлланмаси чоп қилинди ва география ўқитувчилари, талабаларга ҳавола этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу даврларда география методикасининг эришган ютуқлари бевосита ўқитувчилари амалиёти билан мунтазам боғланган эди. Бу аввало география таълими методлари бўйича маҳаллий шароитни эътиборга оладиган назарияларнинг пайдо бўлди. Бу назариялар асосан—«География в школа», «Совет мактаби» журнали, «Ўзбекистон география жамияти» тўпламларида ўз аксини топди.

Республикамизда атлас карталар, контур карталар, дарслик ва ўқув қўлланмаларининг нашр этилиши, юқоридагиларни тасдиқлаши мумкин. Энг муҳими дастурларда мавзуларни ўрганишда «Ўз ўлкасини» ўрганишга эътибор кучайди. Бу ўз навбатида дидактикаларига унчалик жавоб бермади. Уларда ўқувчиларда зарур қонуниятига анча мос келар эди ва ўқувчиларга касб, меҳнат, иқтисодий тарбияларни беришда катта аҳамиятга эга бўлди. Аммо, шуни таъкидлаш керакки, чоп этилган методик адабиётларнинг кўпчилиги чуқур изланишларсиз, тадқиқот ўюштирмасдан, экспериментларсиз нашр этилиши ҳоллари бўлди. Экспериментал тадқиқотлар орқали нашр этилган ишлар савияси ҳам ҳаёт талабларига унчалик жавоб бермади. Улардар ўқувчиларда зарур кўникма ва малакаларини шакллантириш жараёнлари мавжуд эди.

Ўзбекистонда 1969—1970 ўқув йилида географиядан янги дастурлар жорий этилди. У 1980—81 ўқув йилигача амал қилди. Бу дастур бир мунча такомиллаштирилди. Ҳар бир география курси учун зарур амалий ишлар қатъий қилиб қўйилди. Биринчи марта дастурда мавзулар бўйича фанлараро алоқалар, ўқувчилар билими ва бажара олиши зарур бўлган билимлар алоҳида кўрсатилди.

Умумтаълим мактабларни такомиллаштириш ва ривожлантиришда мактабни ислоҳ қилишга тайёргарлик ишлари кўриб чиқилди. Ислоҳ география таълими мазмунига ҳам таъсир қилмасдан қолмади. Мактаб географияси курслари таркибида ҳам баъзи ўзгаришлар пайдо бўлди. Таълимнинг 112-йиллик тизимга ўтиш билан географияни ўқитишда ҳам меҳнат таълими касб

Собиқ СССР тугатилиши арафасида мактабни қайта ислоҳ қилиш учун анча курашлар ва ҳаракатлар бўлди. Лекин улар-

нинг барчаси муваффақиятсиз тугади ва ўзини оқламади. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш география таълимида туб ўзгаришларга олиб келди.

ЕТАКЧИ ТУШУНЧАЛАР

Ўқув моддий база, 9-йиллик меҳнат мактаби. Комплекс дастурлар, Намунавий дастур. Комплекс мавзулар. Ландшафт дастурлар, Комплекс метод. 1-босқич, 2-босқич мактаблар. Предметсиз ўқитиш, Ўрта таълим, ўқув қўлланма, дарслик, диссертациялар.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон энциклопедияси 1996.
2. Педагогик энциклопедияси 1980.
3. Ўзбекистон педагоглари антологияси 1995.
4. Қурбонниёзов Р. География таълими методикаси. Тошкент 1993.
5. «Маърифат», (Совет мактаби») журналлари.
6. «География в школе» журналлари,

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ

Р Е Ж А:

1. Мустақиллик йилларида халқ таълими соҳасидаги туб ислоҳотлар.
2. 1992 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун.
3. Умумий таълим мактабларида география таълими.
4. Академик лицейларда география таълими.
5. Коллежларда география таълими.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришгач республика хўжалигининг барча соҳаларида бўлганидек таълимда ҳам туб ислоҳатлар даври бошланди.

1992 йилда илк бор Ўзбекистон республикасининг «Таълим тўғрисида»ги янги қонуни қабул қилинди. Унинг 3-моддасида «Таълим дастурларини танлашда ягона ва табақалаштирилган катимизда география таълимида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлёндашув зарурлиги таъкидланган. Бу қонунга асосан мамлади. Янги мазмундаги ўқув дастурлар ва режалари ишлаб чиқилди. Дастурлар асосида дарсликлар, ўқув қўлланмалари, методик адабиётлари яратишга киришилди. СССР табиий ва иқ-

тисодий географиясини мукаммал ўрганиш ўрнига ўз республикаларини, шу соҳадаги географияларини атрофлича ўрганишга эътибор қаратилди. Таълим муассасаларини илмий мактаб учун зарур бўлган дидактик воситалар билан таъминлашга, ўқув муассасаларини аттестация ва аккредитациядан ўтказиш тизими киритилди ва амалга оширилди. Аста-секин миллий таълим тизими шакллана бошлади. Методист олим Н. Мусаев раҳбарлигида география ўқитишга оид миллий таълим концепцияси ишлаб чиқилди. Миллий мактабларда география ўқитиш мазмунан ва деярлик ўзгарди. Хорижий мамлакатлар билан таълим соҳаси бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилди. Улардан илгор педагогик технология танқидий нуқтаи назарда кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда ташкил қилинган «Устоз» жамгармаси орқали кўпгина географлар хорижий мамлакатларда бўлиб уларнинг тажрибаларини ўрганиб қайтдилар ва ҳ. к. Амалга оширилган тадбирлар туфайли мамлакатимизнинг ўзига хос миллий таълим тизими шаклланиб, унинг моддий базаси мустаҳкамланиб борди.

Мамлакатимизда янги турдаги ўқув муассасалари, лицейлар, гимназиялар, коллежлар ташкил қилинди. Уларда таълим тизими деярлик янгидан уюштирилди. Ўқувчиларни табақалаб ўқитиш жорий этилди. Аммо бу тадбирларнинг барчаси мафкурага содиқ ходимларни тайёрлашга даъват этилган собиқ таълим тизимини янгилаш борасидаги дастлабки қадамлар эди.

Эндиликда мамлакатимизда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқ мақсад, мазмун, вазифалар, бошқариш, ташкил этиш ва халқимизнинг миллий-маданий анъаналарига мос келадиган ҳамда демографик ва бошқа меҳнатларга айнан тўғри келадиган тамоман янгича «таълимий хизмат»ни шакллантиришга киритилди. Бундай таълимий хизматнинг методологик негизини президент И. А. Каримов томонидан илгари сурилган «Жамият мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат қилсин» деган ғоя ётади. Унинг педагогик асосини эса ҳар бир шахснинг қобилияти ва истеъдодини ривожлантириши, такомиллаштириши орқали жамиятнинг қуйидаги таълимга бўлган эҳтиёжини қондириш ташкил қилади. Ана шундай консептуал ғоялар асосида фаолият кўрсатувчи мактабни, шахс ва жамиятни ривожлантиришга, таълимнинг миллий ва минтақавий хусусиятларни эътиборга олиб демократия ҳамда инсонпарварлик тамойиллари асосида бошқаришга ундайдиган механизм сифатида бошқа фанлар қатори география таълимида ҳам таянч ўқув тизими вужудга келди.

Бу механизм жамиятнинг география таълимига бўлган ижтимоий буюртмаси, давлат талаби билан боланинг шахсий имконияти майли ўртасидаги тафовутни мувозанатловчи воситадир. Юоқридаги ғоя ва фикрлар ҳамда концепциялар асосида мамлакатимизда география таълимининг мазмуни ва тузилиши қуйидаги тизимда барпо этилди.

УМУМ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА

5-синф «Табиёт» (1999—2000 ўқув йилидан бошлаб бошланғич табиий география.

6-синф «Материклар ва океанлар табиий географияси».

7-синф «Туркистон табиий географияси» (1-ярмида), 7-синф «Ўзбекистон табиий географияси» (2-ярмида).

8-синф «Ўзбекистон иқтисодий географияси».

9-синф «Жаҳоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси».

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА

1-курс Экология асослари.

2-курс Амалий география.

3-курс Иқтисодий география.

КОЛЛЕЖЛАРДА иқтисодий география асослари ўқитиш тарзида белгиланди.

Мустақиллик йилларда география таълими мазмуни ва мақсади ўзгариш муносабати билан дастлабки пайтларда география ўқитувчилари талайгина қийинчиликларга дуч еклдилар. Булар аввало ўқув қўлланмалари ва воситаларининг етишмаслиги, билим беришда фақат ўқитувчининг етакчилик қилиши, ўқувчиларнинг эса оддий иштирокчи бўлиши ҳукм сурди.

Аксарият ўқувчиларнинг эгаллаган билимларини амалда қўлдай олмасликлари маълум бўлиб қолди. Ўқйтувчилар ўз иш фаолиятларида муаммоли методлардан, компьютер техникасидан фойдаланишни билмадилар.

Ўтиш давридаги мактаб дарсликлари жаҳон стандартлари талабларига жавоб бермасдан қолди.

Мирзо Улуғбек номидаги ТошДУ География факультети олимлари томонидан олий ўқув юртлари учун ишлаб чиқарилган дастурлари ҳозирги давр талабларига бирмунча жавоб бериши билан аҳамиятли туради. Аммо ўрта мактаблар учун ишлаб чиқилган ўқув дастурлари олий таълимда акс этган билимлар

тизимидан бирмунча ажралиб қолган. Айниқса «Бошлангич табиий география», «Материклар ва океанлар географияси», «Туркистон табиий географияси», «Ўзбекистон иқтисодий географияси» курслари талаблар даражасида эмаслиги тажрибаларда аён бўлди. Бу муаммони ҳал этиш учун республикамиздаги бутун география олимлари, методистлари фаоллик этишлари зарур бўлади. Шу туфайли уларни замон талаблари даражасида ёзиш учун тажрибали олимлар таклиф этилди.

Мустақиллик йилларида ўнлаб илмий-оммабоп, ўқув-методик адабиётлар яратилди ва географик мазмундаги адабиётларни ёзишга киришилди.

5-синфда «Табиёт» курси П. Ғуломов, А. Мусаев, А. Баҳромов муаллифлигида чоп этилди.

6-синф учун «Бошланғич табиий география» ва «Материклар ва океанлар табиий географияси» П. Мусаев, А. Баҳромов, Р. Қурбонниёзов, Маҳаммадиева муаллифлигида чоп қилиндр.

7-синф учун «Туркистон табиий географияси» П. Ғуломов, Х. Ваҳобов, А. Ҳасанов, «Ўзбекистон табиий географияси» эса А. Мўминов, П. Баратов, М. Маматқулов, Р. Раҳимбековлар муаллифликларида ўқувчилар диққатига ҳавола этилди.

8-синф учун «Ўзбекистон иқтисодий географияси» (З. М. Акрамов. П. Мусаев) дарслиги деярлик қайта ишланди.

9-синфларда ўқитиладиган «Жаҳоннинг иқтисодий географияси» дастури билан дарслиги ўртасида номувофиқликлар мавжуд. Чунки, бу дарслик Россия учун ёзилган дарсликларнинг айнан таржимаси ҳисобланади. Дастурда мавжуд бўлган кўпгина билим ва мавзулар дарсликда йўқ.

Ҳолбуки, ўқувчилар дунёнинг турли регионларида жойлашган мамлакатларни, уларнинг аҳолиси, хўжалиги ва бошқа хусусиятларни Ўзбекистон билан таққослаш имкониятларига эга бўлишлари мақсадга мувофиқ.

Шу туфайли бу дарсликни жаҳон стандартлари даражасида яратиш олимларимиз олдида турган энг муҳим муаммолардан биридир.

География дарсликларидан ташқари ўқувчи ва ўқитувчилар учун ўнлаб методик адабиётлар чоп этилди: Булар Р. Қурбонниёзовнинг «География таълими методикаси» (1993), Р. Қурбонниёзов, Ҳолиқовларнинг олий ўқув юртларига кирувчилар учун «География» маълумотномаси (1993), Р. Қурбонниёзов «Ўзбекистон географияси», (қизиқарли савол ва топшириқлар (1997), Р. Қурбонниёзов «Умумий табиий география» (1999), П. Баратов «Ўзбекистон табиий географияси» (1996), Т. Асамов, М. Набихонов, Сафаров «Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси»,

П. Ғуломов, «Инсон ва табиат» (1992) ва бошқалар томонидан кўплаб адабиётлар география ўқитувчиларига ҳавола этилди. Юқорилардан ташқари географиядан тестлар бўйича ўнлаб муаллифлар томонидан методик қўлланмалар чоп этилди.

Аксарият вилоятларнинг табиий ва иқтисодий географиялари яратилди Булар Фарғона (Абдуғаниев), Сурхондарё (А. Рўзиев), Бухоро (И Назаров), Хоразм (Р. Қурбонниёзов) муаллифликларида амалга оширилди.

Илмий ва методик адабиётларнинг чоп этилиши география таълими методикаси бўйича чуқур тадқиқотларнинг амалга оширилиши ҳамда таълимнинг бирмунча такомиллашуви туфайли география ўқитишни ташкил қилиш борасида талайгина янгилик вужудга келишига сабаб бўлди. Ўқитиш жараёнида баҳолаш тартибларининг ўзига хос шакллари, услублари яратилди. География таълимида ўқувчилар билимини текширишнинг рейтинг тизими жадаллик билан жорий этила бошланди. Бу тизим орқали ўқувчиларнинг назарий, амалий билимларини текшириш учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Рейтинг тизими ўқувчиларнинг мустақил ишларини мукаммал баҳолаш имкониятларини яратди. Мактаб таълими жараёнида рейтинг тизими билан бир қаторда тест методида назорат қилиш ҳам кириб келди.

Бу метод ўқитувчининг вақтини тежаш, ўқувчилар билимини серқирра баҳолаш имконини яратди.

Шу жиҳатдан олганда тест синовларига бағишланган методик адабиётлар, жумладан ахборотномаларнинг нашр этилиши айни муддао бўлди.

1992 йилдан республикамизнинг барча олий ўқув юртларида кириш имтиҳонларининг тест методида амалга ошира бошланиши ҳам катта самарали натижаларга олиб келди.

Мустақиллик йилларида талайгина ўқув воситалари яратилди. Маълумки, географияни картасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, умумий ўрта таълим мактабларида картасиз дарсларни олиб бориш мумкин эмас. Республикамизда ўқув карталарини Ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамасдан, Ўрта Осиё ва ташкил этиш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилди. Қозогистоннинг табиий, Ўзбекистон республикасининг табиий, иқтисодий, иқлим, экологик аҳоли зичлиги, дунёнинг сиёсий, маъмурий ва бошқа карталарини нашр этиш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилди.

1999 йилда Президент фармойиши билан Ўзбекистон география атласи чоп қилинди.

7-8-9-синфлар учун атлас ва контурли карталар нашр этилди. Аммо дунёнинг турли мазмундаги карталари, глобуслар ва бошқа кўргазмали қўлланмалари нашр этишда суст кашликка йўл қўйилди. География фани бўйича таълим воситаларини яратишда тажрибалардан унумли фойдаланишимиз мақсадга мувофиқ.

Хорижий илғор мамлакатларда карталар ва бошқа дидактик материалларни дискетга киритиб, ўқув дискетларини яратиш йўлга қўйилган. Буни бизнинг республикада ҳам амалга ошириш учун кулай имкониятлар мавжуд. Чунки аксарият мактабларда компьютерли ўқув хоналари мавжуд. Аммо ўқув кинофильмларни тайёрлашда, нашр этишга уларнинг илмий жиҳатдан тўғри ва мукаммаллигига, методик жиҳатдан пухта ишланганлигига, ўқувчиларнинг тарбияси ва маънавий қиёфасига мос бўлишига эътибор бериш зарур.

Юқори савиядаги география дарсликлари, ўқув методик адабиётларини, атлас карталар, таълим воситаларини яратиш учун мунтазам равишда танловлар эълон қилиб туриш мақсадга мувофиқ.

ЕТАКЧИ ТУШУНЧАЛАР

Таълим қонуни, ўқув дастурлари, педагогик технология, «Устоз» жамғармаси, «Умид» фонди, «Кадрлар тайёрлаш» миллий дастури. Жамият мафкураси. Амалий география. Экология асослари. Ўзбекистон табиий-иқтисодий географиялари, узлуксиз таълим, географик атлас дарс самарадорлиги, тарбия турлари, академик лицей, коллеж.

АДАБИЁТЛАР

1. «Ўзбекистон Республикаси таълими қонуни», 1992.
2. «Кадрлар тайёрлаш» миллий дастури. 1998.
3. Қурбонниёзов. «География ўқитиш методикаси» қўлёзмалари. (матнлар).
4. Ўзбек энциклопедияси. 1978.

ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИНИНГ МАҚСАДИ ВА МАЗМУНИ. ЎРТА МАКТАБДА ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИНИНГ МАҚСАДИ

Р Е Ж А:

1. Ўқитиш мақсадларини аниқлашнинг ўрни ва роли.
2. Г. Т. М. да таълимий мақсадлар таснифи.

3. Таълимий мақсад нима?
4. Тарбиявий мақсад нима?
5. Мактаб географияси мақсади ва мазмуни.
6. Ҳар бир география курсининг таркиби ва тузилиши.
7. Мактаб географияси мазмунининг вақт ўқитиш билан ўзгариши.

Ўқитиш мақсадларини аниқлаш дидактика ва география ўқитиш методикасининг энг муҳим муаммосидир. Ўқитиш мақсади география *Кима учун* ўқитилади, деган савол билан чамбарчас боғлиқ. Ўқитиш мақсади мактаб географиясининг мазмунини, тузилишини, ўқитиш методлари ва йўналишини белгилашда катта аҳамиятга эга. Дастлаб барча фанлар учун ўқитиш мақсадларини аниқлашда дидактик тадқиқотлар амалга оширилди. Таълим ҳақидаги ва кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги қонунларда ўқитиш мақсадини аниқ белгилашга катта эътибор берилган. Ўқитиш мақсадини аниқлашда жамиятнинг хусусиятлари, қизиқиши албатта эътиборга олинади, яъни ўқувчилар жамият учун курашадиган ва қайғурадиган бўлиши керак. Мактаб ўз ўқувчиларини меҳнатни севадиган, ватанпарвар, замонавий фан, техника, технологияга оид кўникма ва малакаларга эга қилиб тарбиялаши зарур. География инсон ҳаётида катта аҳамиятга эга. Унинг табиий бойликларимизни, чет мамлакатлар билан қиёслаш иқтисодий, ижтимоий-сиёсий илмий географик муносабатларимизни аниқлашда аҳамияти катта.

Умумгеографик таълимга ўқувчилар тарбияси ва ривожланишига таъсир қилиши нуқтаи-назардан қараш керак. Ҳозирги замон ишлаб чиқариш тармоқлари — йирик саноат, транспорт, агросаноат комплекслари тармоқларидан иборат, улар табиат комплекси ва унинг компонентларга кескин таъсир қилиб қолмасдан, балки атроф-муҳитнинг ифлосланишига, табиатдаги экологик алоқаларнинг бузилишига олиб келади. Айниқса ҳозирги кунда Орол фожиаси давом этаётган бир вақтда ва унинг бойликларига оқилона ёндошиш муаммолари кўндаланг бўлиб туради. Географиянинг асосий вазифаси жамият билан табиат ўртасидаги мураккаб алоқадорликни очиб беришдан иборат.

Бу алоқадорликни чуқур илмий тадқиқотлар ўтказиш орқали амалга ошириш мумкин. Бунда қуйидагиларни эътиборга олиш керак: а) жамият ишлаб чиқариш фаолиятининг атроф-муҳитга таъсирини ўрганиш ва бу ўрганишлар оқибатларини олдиндан айтиш учун илмий жиҳатдан асослаш; б) табиий ресурсларни излаш, уларга иқтисодий жиҳатдан баҳо бериш ва самарали

фойдаланиш; в) табиий ресурслар билан атроф-муҳитни қўриқлаш ўртасидаги алоқадорликни очиш; г) ҳозирги замон илмий техника инқилобига таяниб, инсон яшаши учун қулай бўлган муҳитни қўриқлаш йўлларини излаш. Иқтисодий география ишлаб чиқаришнинг географик жойлашишини ўрганади. Уни ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатларини биргаликда тадқиқ қилади. Унинг тадқиқот предметига саноатни, қишлоқ хўжалигини, транспортни ижтимоий, табиий, иқтисодий омилларни эътиборга олган ҳолда жойлашиш қонуният ва қоидаларни ўрганиш киради. Буларнинг барчаси ишлаб чиқаришни ҳудудий жойлашиши, меҳнат манбалари, табиий шароит ва бойликларни биргаликда ўрганишни тақозо қилади, иқтисодий география ижтимоий масалалар билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Иқтисодий география иқтисодий районлаштириш, иқтисодий район, ТИЧКлар, иқтисодий географик ўрин, ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг умумий масалалари, аҳоли жойлашиши ва бошқа масалаларини ҳам тадқиқ қилади. Айниқса «Инсон ва атроф-муҳит» муаммосининг жамият олдида кўндаланг бўлиб турини, иқтисодий география олдига талай вазифаларни қўяди. Ҳар бир география ўқитувчиси география таълими ва унинг алоҳида курслари мақсадларини билиш шарт. Агар ўқитувчи буни билмаса, йирик мавзулар ва алоҳида дарсликларининг мақсадини тўғри аниқлай олмайди.

География деярлик барча синфларда ўқитилганлиги туфайли унинг мақсади ҳам кўп қирралидир. География таълими мақсадларини уч гуруҳга ажратиш мумкин. — 19—

1. Таълимий мақсадлар:

—ўқувчиларга табиий, иқтисодий, картография ва бошқа география фанларининг асосларини ўргатиш. Табиатни қўриқлаш ва ундан оқилона фойдаланишнинг табиий-илмий ва техника иқтисодий томонларининг ~~табиий-илмий ва техника иқтисодий томонларининг~~ очилиши, токи бу жамият ҳаёти ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун имкон яратсин:

—ўқувчиларни иқтисодий, экологик, таълим билан қуроллантириш;

—ўқувчиларда географик маданиятни шакллантириш, уларни карталар, маълумотномалар билан ишлай олиш, кундалик матбуот материалларини ўқишда географик билимларини қўллай олиш. Ўқувчиларни география ва унга алоқадор бўлган фанлар соҳасида ўз билимларини ошириш қобилиятларини шакллантириш;

—ўз республикасининг табиий ва иқтисодий географиясига оид бўлган билимларни чуқур билиш.

—ўқувчиларда табиатга, хўжаликка, табиат билан хўжалик ўртасидаги алоқаларга нисбатан тўғри илмий дунёқарашни шакллантириш.

—ўқувчиларда ватанпарварлик, илмий гурур хислатларни шакллантириш.

—ўқувчиларнинг турли мамлакатларнинг хўжалик юритиш методлари, табиий бойликларидан унумли фойдаланиш, аҳолини иш билан таъминлаш каби масалалар моҳиятини очиб бериш.

—замонавий фан ва техника тараққиёти даврида ўқувчиларнинг меҳнат тарбияси, касб танлаши, умуман ҳаётда ўз ўрнини топишга кўмаклашиш.

—ўз мамлакати иқтисодиёти ютуқлари билан гурурланиш, ўзини яшаб турган жамиятнинг ҳақиқий эгаси деб ҳис қилиши каби хислатларни шакллантириш.

3. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини ривожлантириш.

—ўқувчиларда кузатувчанлик, фикрлаш, эсда сақлаб қолиши нутқ каби хусусиятларни шакллантириш ва ривожлантириш.

—ўқувчиларни кучи етадиган даражада географик муаммоларни ечишга ўргатиш. География нарса ва ҳодисаларга нисбатан атрофлича ёндошиш, ўз фикр ва мулоҳазаларини бевосита картага боғлай олиш қобилиятларини ривожлантиришга кўмаклашиш.

Таълим мақсади география фани мазмуни билан чамбарчас боғлиқ. Демак, таълим мақсадини юқори поғонага кўтариш учун, география таълими ва илмий жиҳатдан ривожланишда бўлиши керак. **Таълим мақсадлари аниқ илмий-сиёсий йўналишга эга бўлиши билан бирга у ҳаёт билан узвий, экологик, иқтисодий касбий, нафосат, билимларни ҳам мужассамлаштирган бўлиши керак.** География таълими мақсадлари дастурлар, дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, таълим воситалар ва бевосита таълимни ташкил этиш шакллари билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Вақт ўтиши билан мактабларда география ўқитиш мақсадлари тез суратларда ўзгармоқда. Келажакда бундай ўзгаришлар янада кучаяди. Илмий-техника тараққиётининг ривожланиши география фанининг сифат ўзгаришларга ҳам таъсир кўрсатади.

Ҳар 10—15 йилда таълимда ислоҳотларнинг амалга оширилиши география ўқитиш жараёнига ҳам таъсир қилмасдан қолмайди. Натижада география бўйича ўқув дастурлари, ўқув режалари тубдан ўзгаришларга сабаб бўлади. Демак география фани мазмунининг ўзгариши география ўқитиш мақсадларига ҳам таъсир қилмасдан қолмайди. Мактаб географияси мақсадларини аниқла-

масдан туриб, география ўқитишни амалга ошириш талай қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бундай қийинчиликлар қуйидагиларда, намоён бўлиши мумкин:

1. Мақсадларсиз дастурлар тузиш анча мушкул бўлиб қолади;
2. Мақсадни аниқ белгиламасдан туриб, услубларни аниқлаб бўлмайди
3. География ўқитиш мақсадларини аниқламасдан, ўқувчилар билимини текширишнинг самарали йўлларини яратиш қийинлашади ва ҳ. к;
4. География таълимининг келажакдаги (20—25 йил ичида) мазмунан қандай бўлишини аниқламасдан туриб, ўқув предметининг таълимий ва тарбиявий мақсадларни аниқлашни қийинлаштиради;

Демак, география ўқитишдаги мақсадни белгиламасдан туриб, география ўқитишнинг аҳамиятини белгилаб бўлмайди ва ҳ.к.

Бундан 100 йил олдин география таълимида асосан карта ва онда-сондагина ҳар хил расмлардан фойдаланилган. Эллигинчи йилларнинг бошларига келиб эса, дарсларда аэрофотосурат, телевидение, кинофильмлардан фойдаланиш имконияти пайдо бўлди. —21—

Бугунга келиб география ўқитишда хилма-хил таълим воситалари пайдо бўлдики, булар география ўқитиш мақсадларига ҳам таъсир қилмасдан қолмади. ЭҲМ дан тортиб космик суратларигача, компьютердан тортиб—хилма-хил кўргазмали қўлланмаларгача география ўқитиш мазмунини бойитди.

Бугунги талаба ва ўқувчи ривожланган ва тараққий этган маданий муҳитда яшамоқда, уларни ўраб олган муҳит бундан 20—30, ҳатто 50 йил олдингига қараганда кескин фарқ қилади.

Мактаб ўқитувчиси, дарслик ва бошқа ўқув қўлланмалари ягона билим информациялари бўлмасдан қолди.

Билим олишда мактабдан ташқари хилма-хил манбалар, газета ва журналлар, радио, телевидения, видеофильмлар пайдо бўлдики, улар ўқувчиларнинг дунёқарашини шакллантиришда катта таъсир кўрсатмоқда.

Ўқувчиларга таъсир қилаётган бу маълумотлар аксарияти тасодифан бўлиб, улар билимини маълум йўналишда ва изчилликда олиб боришга ёрдам бериши анча қийин. Бу маълумотлар ўқувчиларнинг объектни, воқеаликни тўғри англаб олишларига қанчалик тўғри таъсир қилиши аниқ эмас. Асосий вазифа уларни бу маълумотларга нисбатан ёндошиб олиши, фактлар би-

лан фикрлар ўртасида қандай боғлиқлик борлигини ажрата олишга ўргатиш, уларда илмий дунёқарашни шакллантиришдан иборат.

Бизни ўраб турган дунё (олам) ҳақида, турли муҳитларда яшаб турган ўқувчилар ўзига хос қарашларга эга. Юз миллионлаб ўқувчилар, умуман денгиз ва океанларни, чўлларни, тоғларни бевосита кўриш, идрок қилиш имкониятидан маҳрум. Уларнинг айримлари катта бўлиб, вояга етгандагина уларни саёҳатлар орқалигина, кўришлари мумкин. Аммо оддий кўриш орқали уларни тушуна оладиган даражада билиш имкониятларига эга бўла олмайдилар.

Шу туфайли ҳам ўқувчиларнинг дунё ҳақидаги билимларида, бу борада тушунчалар таркиб топтиришда хилма-хил таълим услублари, воситалардан фойдаланишга тўғри келади.

Географик билимлар нафақат география балки ўқувчилар келгусида қандай касбларни эгаллашларидан қатъий назар, дунёқарашлар такомиллашуви учун ниҳоятда зарур. Агар ҳар бир инсон учун ўқиб олиш, ёзиш, ҳисоблай олиш қанчалик зарур бўлса, уларнинг маданиятли кишилари бўлиб етишишлари учун географик билимлар ҳам шунчалик зарур. Умуман, ҳар бир ўқувчининг келажакдаги шахсини белгилашда географик билимларнинг роли чексизлигини ҳаётни ўзи исботламоқда.

Ҳозирги даврда географик билимлар мазмуни ва ундаги ўзгаришлар ниҳоятда тезлик билан ўзгармоқда.

Бундан бир аср олдин Африка, Австралия, Жанубий Америка жуда кам ўрганилган бўлиб, уларнинг ўсимлик, ҳайвонот дунёси, рельефи, хусусиятлари ҳақида маълумотлар жуда кам эди. Фақат кейинги йиллардагина уларнинг ландшафти, аҳолисининг жойлашиши, табиий ресурслар картаси каби маълумотлар космик тадқиқотлар туфайли аниқланди. Ҳозирги географиянинг асосий вазифаси янги ерларни кашф қилиш, тоғ тизмаларига ном бериш, чўққиларни забт қилиш, мамлакат ва халқларни таърифлашдан иборат эмас, балки жамият билан табиат ўртасида бўладиган воқеаларни, аҳолининг тез суратлар билан кўпайиш оқибатлари, ИТИ ўртасидаги боғлиқлик муаммоларини ҳал қилишдан иборат. Демак, географик билимлар орқали қуйидаги вазифалар ҳал қилиниши керак.

Биринчидан ўқувчиларга ҳозирги кундаги вазиятни, кундалик турмушни, бундан 20—30 йил олдинги вазият билан қиёслаш ва хулосалар чиқаришга ўргатиш. Иккинчидан ҳозирги географик билимлар Ер шари ва унинг айрим регионларидаги факт ва воқеаларни таърифлаш эмас, балки улардан у ёки бу ҳудуд

хўжалигини режалаштиришда фойдаланишдан, иқтисодий қолоқликни тугатишни бартараф қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини ошириш йўлларини излаш ва ҳоказоларда қўллашдан иборат.

География билимлар бу муаммоларни ҳал қилишда фаол рол ўйнаши керак. Бу фан ўқувчиларни келгусидаги ҳаётга, ишлаб чиқариш жараёнларини тўғри тушунишга тайёрлашдан иборат бўлибгина қолмасдан, балки ишлаб чиқариш жараёнида қўллаш бўлган иқтисодий билимларни ҳам ўрганишга ёрдам берилишига эришмоқ керак. Шу туфайли ҳам таълимни ишлаб чиқаришнинг бевосита узвий қисми деб қараш лозим. География таълимида юқоридаги жараёнларни амалга ошириш қуйидаги йўналишларда олиб борилиши мақсадга мувофиқ:

1. Ҳар бир география курсининг таркиби ва мазмунини ~~мазмунини~~ аниқлаш;

Бунда мактаб жойлашган ҳудуд хусусиятларини ҳисобга олиш.

2. Ҳар бир географик объект ва ҳодисанинг ўрни ва жойлашишини таҳлил қила олиш. География таҳлил орқалигина нарса ва ҳодисаларнинг табиий ва антропоген хусусиятлари аниқланади. Уларнинг жойлашиши фақат статистик маълумотлардан иборат бўлибгина қолмасдан, балки доимий ривожланишда бўлишлиги туфайли ҳам географик таҳлил динамик йўналишга эга бўлиши зарур;

3. Атроф-муҳитни таҳлил қилиш. Яхлит ҳудуд бир қанча воқеа ва ҳодисани ўзида мужассамлаштирган бўлади. Объектлар ўртасидаги боғлиқликни англаш жойни, у ёки бу ишлаб чиқаришнинг ривожланишида катта роль ўйнайди. Инсонлар ва ҳайвонлар бу жойда ягона экосистеманинг битта қисми сифатида мавжуд бўлади.

Инсон ўзи яшаб турган муҳитга доимий таъсир қилиб туради. Бу таъсир турли кўринишда ерларни ўзлаштириш, саноат ва шаҳарлар, транспорт тармоқлар қурилишларида намоён бўлиши мумкин. Табиий ва антропоген омилларнинг ўзаро таъсири оқибатларида маданий ландшафтларнинг шаклланиши инсоннинг атроф-муҳитга таъсири оқибати натижаси деб қараш мумкин;

4. Географик ҳудудни ўрганишни ташкил қилиш. Фермер ўз еридан бозор иқтисодини эътиборга олган ҳолда фойдаланишга ҳаракат қилади. Унинг ердан фойдаланиш ферманинг шаҳардан ва аҳоли пунктлардан узоқ яқинлигига боғлиқ бўлади. Ҳар қандай туман ва ҳудуднинг ердан фойдаланиши унинг ихтисослиги билан боғлиқ бўлади. Бу ўз навбатида ҳар бир ҳудуд жойлашган маданий ландшафт хусусиятидан келиб чиқади. Умуман барча туманларнинг ҳудуди инфраструктуралар хусусиятлари билан белгилана-

ди. (Булар темир йўллар, автойўллар, электр линиялар, сув йўллари, канализация тармоқлари ва ҳ.к.)

5. Географиянинг Ер ва ижтимоий фан эканлиги хусусияти унинг табиий ва иқтисодий география предметларини мактабларда ўқитишни тақоза қилади. Географиянинг бундай мазмунга эга бўлиши келажакда географ мутахассисларини тайёрлашда хилма-хил фанлардан хабардор бўлишини тақозо қилади. Ҳар бир маданиятли инсон табиий ва иқтисодий географиянинг энг оддий (элементар) билимлари билан қуролланган бўлишлари керак.

6. География ҳар бир регион, туман, ҳудудининг бир-биридан қайси хусусиятлари билан фарқланишини ўргатишни ўз олдига вазифа қилиб қўйиши керак Чунки нарса ва ҳодисаларга умумий таъриф бериш орқали уларга хос бўлган ички қонуниятларини билиб олиш анча мураккаб ҳисобланади.

Демак география таълими мақсадлари вақт ўтиши билан ўзгаришда ва такомиллашувда бўлади.

География таълими мақсадларини якуний натижаси сифатида географик билимларни шакллантириш деб қараш мумкин,

Мактабда география таълимини (билимларини) 2 қисмга бўлиб ўрганилади. Булар:

1. Бевосита география фанида шакллантириладиган билимлар.
2. Географияга яқин ва алоқадор бўлган фанлардаги умумгеографик билимлар.

Географик фанида шакллантириладиган билимлар ўз мазмунига кўра хилма-хил бўлиб, бундай билимларнинг аксарияти кузатувлар натижасида шаклланади, уларни кузатувчилар дала шароитида, харита ёрдамида, расмлар ёрдамида ҳам тўплаши ва амалга ошириш мумкин. Шу туфайли бу билимларни ўрганиш кўп жиҳатдан маълумотларни, факт ва таҳлил қилиш билан боғлиқ.

Географик билимларни бевосита ўқувчини ўраб турган муҳит мисолида ўрганишни ташкил қилиш ҳам мумкин.

Аммо бу конкрет муҳит иқтисодчи, рассом, геолог, тарихчи; шоир учун умумийдир. Улар бу манзарага қизиқишлари нуқтаи назардан ёндошадилар.

Масалан: шаҳарни ўрганишни иқтисодчи, тарихчи, ўз қарашлари ва режаси асосида амалга оширса, географ бошқача методда ўрганади. Шаҳарни ўрганишдаги бундай ёндошишлик битта объектни турли хил йўллар билан ўрганиш мумкинлигини, уларни ўрганишда албатта географик билимлар иштирок қилишларини, бундай

билимлар ҳар қандай касбдаги кишилар ва касблар учун зарурлигини ўқувчилар англаб етадилар.

География билимлар туфайли ўқувчиларда хилма-хил кўникмалар шаклланади ва ҳ. к.

Ўқувчилар географияни ўрганар экан у ёки бу ҳодисани келтириб чиқарадиган сабабларнинг мураккаб эканлигини билиб оладилар. Бу мураккаблик хилма-хил омиллар туфайли шаклланганлигини англайдилар.

Барча ҳудудий комплекслар, регионлардаги табиий хусусиятлар табиий ва антропоген омилларнинг ўзаро таъсири туфайли вужудга келади.

Антропоген омиллар турли кўринишларда, хусусан сиёсий, тарихий, иқтисодий, психология мазмуни касб қилган ҳолда бўлиши мумкин.

Ҳудудларни кўп қиррали таҳлил қилиш орқали ўқувчилар табиатдаги бирон нарса ва ҳодиса сабабсиз мавжуд бўлмаслиги ва шаклланмаслигини англаб етадилар.

Географияни ўрганиш ўқувчилар ўзи яшаб турган ташқи муҳитни ва ундан узоқдаги хилма-хил муҳитларни билиб оладилар.

Энг муҳими ўқувчилар ўзи яшаб турган муҳитнинг қандай муаммоларга эга эканлигини, кишилар бу муаммоларни ечишда қандай ютуқлар ва камчиликларга дуч келаётганларини англаб етишлари керак.

Хусусан, ҳар бир ҳудуд ўзига хос иқлим, тупроқ, аҳоли ресурсларига эга. Бу эса уларни ўрганишда ўзига хос бўлган услубларни қўллашни тақозо қилади.

Ўқувчиларда география фани ёрдамида хилма-хил ижобий қобилиятлар ҳам шаклланиши мумкин.

Аэро ва космик суратлар ёрдамида ер шарининг турли қисмларидаги ландшафтларни таҳлил қилиш орқали фақат инсонларгина бундай мўъжизаларни яратиш мумкинлигини англаб етадилар. Жануби-Шарқий Осиё тоғларидаги террасаларда бепоён шолизорларнинг мавжудлигини нима билан исбот қилиш мумкин?

Шимолий Америка прерияларидаги бепоён ғаллазорлар, Япония, Америка, Ғарбий Европа, Шарқий Хитойда аҳоли энг зич жойланган районлардаги урбанизация аҳволи ва ҳоказаларнинг барчаси инсон фаолиятининг натижаси деб қараш мумкин.

Бундай воқеа ва ҳодисаларни ўрганишда ва ечишда география фани ҳам иштирок қилади.

Географлар давлатлар ва халқлар ўртасида содир бўлаётган мураккаб алоқалар ва муносабатларни ўрганишда ҳам иштирок қи-

ладилар. У ёки бу ҳудудда яшаётган, ишлаётган инсонлар фаолиятини географик жиҳатдан таҳлил қилмасдан, хусусан уларнинг ресурсларга ва озиқ-овқатлрга эҳтиёжини аниқламасдан туриб бирон жойни ўзлаштириб бўлмайди. Инсонлар эҳтиёжини қуйидаги йўналишларда ўргатиш яхши натижа беради.

1. Иқтисодий эҳтиёж, районнинг минерал, қишлоқ хўжалик, саноат, рекрацион ресурсларини ўрганиш.

Уларни ўрганишда кам ҳаражат қилиб кўпроқ фойда олиш назарда тутилади. Натижада бу ҳудудда кўримсиз ландшафтлар вужудга келади, маиший хизматнинг тартибсиз амалга оширилиши туфайли, аҳолининг жойлашишида; коммуникацияларнинг бетартиб ривожланиш ҳоллари рўй беради.

2. Ижтимоий эҳтиёжлар ҳудудда капитални тақсимлашда тенглик асосида ривожлантириш.

Ҳудуднинг бир қисми ривожланиб иккинчи қисми ривожланмасдан қолмаслигига эришиш.

3. Экологик эҳтиёжлар. Инсоннинг табиатга нотўғри таъсир этилиши оқибатларининг олдини олиш ёшларда доимий равишда экологик маданият элементларини шакллантириб беришдан иборат.

Барчанинг экологик қоидаларини ҳурмат қилишни таъминлашга ҳаракат қилиш.

4. Фазовий эҳтиёжлар.

Ҳудудни ўзлаштиришнинг барча томонларига тааллуқли, завод, фабрика, шаҳар, йўллар қурилиши мўлжалланса; албатта уни жойлаштиришнинг қулайлигини эътиборга олмасдан, балки ўша қурилган объектларнинг табиий ландшафти таъсири, ижтимоий ва экологик оқибатлар ва бошқалар эътиборга олиниши керак.

Демак, географик билимлар мазмунан хилма-хил ва бой бўлиб инсон фаолиятининг турли соҳаларида қўлланилади. Сайёрамизда яшовчи ҳар бир инсон географик билимларсиз ўзини маълумотли ва мустақил фуқаро сифатида ҳал қилиши қийин. Инсон яшаб турган атроф муҳити гўзаллигини ҳис қилибгина қолмасдан унда бўлаётган хилма-хил сабаб-оқибатлар моҳиятини тушуниши ва англаб етиши керак. Ҳар бир фуқаро ўзи яшаётган шаҳар, қишлоқда мўлжалга олишни билиши, унинг географиясини пухта билиши мақсадга мувофиқ.

Ландшафтни вужудга келтирган омилларни билиши ва уларни баҳолай олиши, маданий ландшафтларнинг тасодифан вужудга келмаганлигини, унинг турли-туман сабабларининг оқибатлари эканлигини англаши, бунда ижтимоий ва иқтисодий маданий жараёнларнинг ролини билиш зарур.

Фуқаронинг табиат уни ажаблантирган воқеа ва ҳодисаларнинг қисқача моҳиятини англаши:

Масалан: Ер қимирлашлар, шамоллар, ёғинлар ва бошқа ҳодисаларнинг бўлиш сабабларини билиши керак. Улар геологик билимларни қанчалик пухта билсалар уларнинг жамият ва атроф-муҳит олдига жавобгарлиги шунчалик юқори бўлади.

География кўпгина муаммоларга сергак қарашда уларни ечишнинг конструктив йўлларини топишда аҳамияти катта.

Бу фан инсонларнинг саводхонлик даражасини таъминлашда кенг ва чексиз имкониятларга эга.

Инсон билан атроф-муҳитнинг ўзаро боғлиқлиги минг йиллардан буён давом қилмоқда. Бу боғлиқликни оқилона юритиш фақат географик билимлар пухта эгаллангандагина амалга оширилади. Демак, юқоридагиларнинг аксарияти, география таълими мақсадларида акс этиши давр талабидир.

ЕТАКЧИ ТУШУНЧАЛАР

Дидактика. Методист олимлар. Ўқитиш мақсади. 3 босқичли таълим, Таълим шакли. Узлуксиз таълим. Таълимий мақсад. Таълим стандарти. Тарбиявий мақсад. Лицей. Географик маданият. Гимназия. География муаммо. Билимларини синаш. Курс таркиби. Эвристик метод. Курс мазмуни. Географик билим. Географик тушунча. Географик кўникма. Жамиятнинг билимга эҳтиёжи. География фанлари тизими. Иқтисодий эҳтиёж. Ижтимоий эҳтиёж. Экологик эҳтиёж. Фазовий эҳтиёж.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ўқитиш мақсади деганда нимани тушунасиз?
2. Табиий ва иқтисодий географиянинг ўқитиш мақсадлари нималардан иборат?
3. Географиянинг таълимий мақсадларини айтинг?
4. Географиянинг тарбиявий мақсадларини айтинг?
5. Географияда билиш фаолиятини ривожлантириш деганда нимани тушунасиз?
6. Географик эҳтиёжлар нима?

АДАБИЁТЛАР

1. Герасимова Т. П. И. др. Формирование мировоззрения учащихся средней школы в процессе обучения географии». М. Педагогика 1982.

2. «Дидактика средней школы» (под. ред. М. Н. Скаткина. М. Просвещение 1982.
3. «Методика обучения географии в средней школе» И. С. Матрусова таҳрири остида М. Просвещение 1985.
4. Максаковский В. П. Научные основы школьной географии М. Просвещение 1982.
5. Қурбонниёзов Р. География таълими методикаси Тошкент «Университет» 1992.

МАКТАБ ГЕОГРАФИЯСИ МАЗМУНИ

География дастлаб пайдо бўлган фанлардан биридир. Унинг асосий вазифаси ўша даврлардан бошлаб бирор мамлакат ҳудудидаги ва бутун ер шаридаги табиат, аҳоли ва хўжаликни ўрганишдан иборат бўлган. Ҳозирги кунда географик тадқиқотлар натижалари, табиий ресурслар, қишлоқ хўжалиги учун ерлар очишда, саноат корхоналари, аҳоли турар жойлари, инфрастрактура тармоқларини оқилона жойлаштиришда кенг қўлланилмоқда.

Ҳозирги замон мактаб географиясининг асосий мазмуни 60-йилларнинг охирларида шакллантирилди. Унга қадар мактабларимизда 30-йилларда ишлаб чиқилган дастурлар асосида таълим-тарбия ишлари олиб борилди.

60-йиллардан бошлаб табиий география фанида чуқур ўзгаришлар рўй берди, янги-янги табиий бойликлар очилиши, қуруқлик ва дунё океандаги фундаментал тадқиқотлар ўтказиш мактаб географияси мазмунига ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. География ҳудудлар ва мамлакатларни тасвирловчи фан бўлиб қолмасдан, балки бевосита амалий тадқиқотлар олиб борувчи фундаментал фанга айланди. Ўзбекистон иқтисодий географияси мазмунидаги туб ўзгаришлар мамлакатимиз мустақилликка эришиши иқтисодий ва ижтимоий географияга бўлинади. Табиий география географик қобиқнинг воқеа ва ҳодисаларини ҳамда унда содир бўладиган ўзгаришларни, ишлаб чиқариш, хўжалик ва аҳолининг жойлашиш қонуниятларини ўрганади.

Табиий ва иқтисодий география ўз навбатида бир қанча фанларга бўлиниб кетади. Табиий ҳудудий мужассамаларни (комплекслар) ташкил этган қисмларни ўрганиш табиий географиянинг (геоморфология, иқлимшунослик, гидрология, океанология, тупроқшунослик ва ҳ. к.) қатор махсус тармоқларига тўғри келади. Бу фанлар умумий ер билими ва минтақа табиий географияси би-

лан чамбарчас боғлиқ. Иқтисодий география ўз навбатида икки та асосий қисмга бўлинади: умумий иқтисодий география (бутун ер шарида аҳолининг ва хўжаликнинг жойлашиши таркибини ўрганади) ва минтақа иқтисодий географияси (алоҳида мамлакатлар ва ҳудудлар мисолида аҳоли ва ишлаб чиқаришнинг жойлашишини ўрганади). Иқтисодий география бир неча тармоқ фанларга — саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, шаҳарлар, қишлоқлар географияси каби ўнлаб тармоқларга ҳам бўлинади. География фанлари тизимига, табиий ва иқтисодий географияга деярли бир хил алоқадор бўлган мамлакатшунослик ва картография фанлари ҳам киради. Мактаб географияси география фанининг тўплаган билимларини ўқувчиларга етказишда қуйидагиларга амал қилиш керак.

1. Ўқувчилар ёшига мос келадиган ва улар ўзлаштира оладиган даражадаги билимларни бериш.

2. Ўқувчиларга тўла шаклланган ва ҳаётда энг кўп қўлланиладиган билимларни бериш.

Мактаб географиясининг ҳозирги шаклдаги мазмунини белгилашда Н. Н. Баранский, А. С. Барков, А. А. Борзов, А. А. Половинкин, И. А. Витвер, С. В. Чефранов, П. Т. Терехов, В. Г. Эрдели, Ҳ. Ҳ. Ҳасанов, З. М. Акрамов, О. А. Мўминов, П. Г. Мусаев, П. Ғуломов ва бошқаларнинг хизматлари катта. Илмий техника тараққиёти ва география фанининг кўпроқ амалий фан бўлиши мактаб географияси мазмунини сифат жиҳатдан ўзгаришига ёрдам бермоқда. 50-йиллардан бошлаб мактаб дастурлари мазмунига амалий ишлар тизимига эга. Амалий ишларни уюштиришнинг мажбурийлиги таълимни ҳаёт билан яқинлаштиради.

Мактаб географиясининг мазмуни ҳозирги замон география фани тараққиёти билан белгиланади, яъни география фани қанчалик ривожланса, мактаб географияси ҳам унга боғлиқ ҳолда шунчалик ривожланишда бўлади. География таълими жараёнида ўқувчилар асосий географик тушунчалар ва қонуниятлар тизимини эгаллашлари керак. Таълим жараёнида географик объектлар ва ҳодисалар сабаб-оқибат нуқтаи назаридан ёритилиши лозим. Ўқувчилар табиий география асосларини билиш учун геоморфология, иқлимшунослик, океанология, қуруқлик гидрологияси, тупроқшунослик, геология, геофизика, геохимия ва бошқа фанлардаги маълумотларни киритиш керак. Айниқса, ҳозирги кунда табиий география мазмунига табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уни қўриқлаш, инсон билан табиат ўртасида кетаётган жараёнлар ҳақидаги билимлар кенг ўрин олиши керак. Иқтисодий географияни ўрганиш ўқувчиларга иқтисодий географик ўрин, табиий шароит ва бойликларга иқтисодий жиҳатдан баҳо бериш, территория

ишлаб чиқариш комплекси, географик меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари, иқтисодий районлар, агросаноат комплекси, шаҳарлар, қишлоқлар каби тушунча ва категориялар ҳақида билимлар берилиши лозим. Айниқса ўқувчилар аҳоли жойлашиши ва меҳнат ресурслари, ҳудудий меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг муҳим қонуниятлари ва территориал ишлаб чиқариш комплексларининг вужудга келиши қонунлари, бозор иқтисоди муносабатлари билан боғлиқ бўлган ўнлаб тушунчаларни пухта эгаллашлари керак. Мактаб географияси мазмунининг илмий жиҳатдан бойиши, ўқувчиларни илмий тадқиқот методлари билан ҳам қуроллантириши тақозо этади. Барча фанлар қатори географиянинг ҳам энг асосий методи кузатишдир.

Географик объект ва ҳодисаларни узоқ вақт жараёнида кузатиш, шу объектлар ҳақида батафсил ва атрофлича билимлар олиш имконияти яратилди. Қисқа муддатли кузатишлар (мактаб географияй майдончасида; экскурсиялар)да кенг тарқалган, бирон йўналиш бўйича вақт ва замонда кузатув олиб боришда, яхши натижаларга эришиш мумкин. Бунда рельеф геологик тузилиш, ўсимликлар,, тупроқлар ҳақида маълумотлар тўплаш мумкин. Мактаб шароитида йўналиш бўйича кузатишлар, экскурсиялар олиб борилади. География таълимида кузатишлардан ташқари география ҳодисаларини ўлчаш методлари ҳам кенг қўлланилади. Бу методларнинг бир неча турлари мавжуд. Масалан: кўз билан чамалаб ўлчаш,, қуёш радиациясини ўлчаш, геодезик ўлчаш ва ҳоказолар.

Ўлчаш методи орқали географик объект ва ҳодисаларга миқдорий тасвир бериш ва уларнинг турлича хусусиятларини билиб олиш имкониятига тушунилади. Ландшафт ва иқтисодий кузатишлар жараёнида статистик маълумотлар тўпланади, улар иқтисодий ва иқтисодий-географик умумлаштиришда кенг қўлланилади. Юқоридаги методлар табиий ва дала шароитида ҳам қўлланилади. Улардан география таълимида тақкослаб дарс ўтишда ҳам фойдаланилади. География тадқиқотлари ичида энг янги методлардан бири аэрокосмик методлари ҳисобланади. Айниқса, ҳозирги кунда материкларнинг тектоник тузилишларини, муҳим фойдали қазилма конларини аниқлаш, сайёрамиз об-ҳавоси ва иқлимини, дунё океанидаги ўзгаришлар ва бошқаларни бу методсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Демак 8—9 синф география курсларида бу методлар натижаларидан дарсларда кенг фойдаланилади. География таълимида лаборатория методидан ҳам унумли фойдаланиш мумкин. Тог жинслари, фойдали қазилмалар, тупроқлар, сувларнинг намуналари география курсларидаги амалий ишларни уюштиришда жуда қўл келади.

География ўқитишда ер ҳақидаги умумий белгиларни беришда энг кўп қўлланиладиган методлардан бири географик объектларнинг моделларини қўллаш ҳисобланади. Моделларнинг энг асосий турларига: глобус, карталар ва статистик материаллар киради. Картографик тадқиқот методлари география таълимида бирмунча кам қўлланилади, бунинг асосий сабаби бу метод ўқувчилардан жуда юқори даражада тайёргарлик талаб қилади.

2. ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР.

1. География нима учун илгари «тасвирловчи» фан дейилган?
2. Амалий география деганда нимани тушунасиз?
3. География фанлари тизимининг схемасини чизинг?
4. География билимлари мазмунини танлашда қандай мезонларга асосланилади?
5. Мактаб географияси мазмунини илмий жиҳатдан асослашда қандай тадқиқот методлари қўлланилади?

АДАБИЁТЛАР

1. Методика обучения географии в средней школе» пед. ред. И. С. Матрусова. М: Просвещение 1985.
2. Мактаб география дастури Т. 1997 й.
3. Мактаб география дарсликлари 1998—2000 й.
4. «Таълим ҳақидаги қонун» Т. 1997 й.

ХОРИЖДА ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ

РЕЖА:

1. География таълимида халқаро стандартлар.
2. Ривожланган капиталистик мамлакатларда география таълими.
3. 3 босқичли тизимдаги мактабларда география ўқитиш.
4. География таълимида интеграция (бирикма).
5. География таълимининг назарий ва амалий томонлари яққол ифодаланган мамлакатлар таснифи.
6. Ривожланган мамлакатлрда таълим, билим синаш турлари.
7. АҚШ, Германия, Францияда география таълими.
8. Ривожланаётган мамлакатларда география ўқитиш шакллари.

Таълимдаги самарадорлик мезони унинг халқаро стандартлар талабларига жавоб бериши билан белгиланади. Бунинг учун жаҳон педагогикасидаги, хусусан, география таълимидаги ўзига хос жи-

ҳатларни кенг ўқитувчилар оммасига етказиш катта аҳамиятга эга.

Айниқса, ривожланган капиталистик мамлакатлардаги таълим тизимини атрофлича таҳлил қилиш, мамлакатимизда халқ маорифини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқишда чексиз имкониятлар яратади. Кейинги ўн йилликларда халқаро миқёсда педагогика фани катта ютуқларга эришди. Аҳолининг саводхонлик даражаси бирмунча ошди. География ўқитувчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими анча юқори поғонага кўтарилди. Ҳозирги кунда география таълими жаҳоннинг кўпгина мамлакатларда 3 та йўналишда олиб борилмоқда:

1. Барча ўқувчилар учун ягона ўқув режаси ва дастури асосида; (Шарқий Европа ва МДҲ давлатларида.)
2. Бир неча асосий фанлар қаторида айрим курсларни факультатив тарзда ўрганиш; (АҚШ, Буюк Британия, Канада, Европанинг кўпчилик мамлакатларида).

Барча ўқувчилар ўрганиши мажбурий бўлган фанлар қаторида қўшимча факультатив машғулотлар (Филиппин, Франция, Германия, Япония ва кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда) юқоридаги мамлакатларнинг кўпчилигидаги географик билимлар мазмуни ва таълим жараёни бир-биридан кескин фарқ қилади. Турли мамлакатларда таълимнинг бундай ташкил қилинишига асосий сабаб ижтимоий, иқтисодий, маданий, диний ва бошқа хусусиятларнинг таъсиридир.

Биринчи гуруҳга кирувчи мамлакатларда география таълими асосан табиий ва иқтисодий география курсларидан ташкил топган. Шаҳар ва қишлоқ жойлардаги барча мактабларда ягона ўқув режаси асосида ўтказилади. Иккинчи гуруҳ мамлакатларида география билимлари махсус фанлар тарзида эмас, балки интеграция (бирикма) тарзида бўлиб, бошқа фанлар, курслар таркибига қўшилиб кетган. Бунда географияни чуқур ўрганишни хоҳловчилар махсус факультатив машғулотлар орқалигина ўз билимларини оширишлари мумкин. Шу туфайли ҳам бу гуруҳдаги давлатларда география таълими бўйича ягона давлат режаси йўқ, ҳар бир ўқитувчи мактаб жойлашган шароит нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ўқув дастурини тузиш мумкин. Масалан: АҚШда 1700 дан ортиқ мактаб округлари мавжуд бўлиб, уларнинг барчасида ўзига хос бўлган география таълими мавжуд ва бир-бирига ўхшамайдиган дастурлар бўйича иш юритилади.

3-гуруҳ мамлакатларда география мажбурий ўрганиладиган фанлар қаторига кирмайди ва уни факультативлар орқали ўрганиш

асосий ўринни эгаллайди. Умуман олганда Европа ва Америкаининг ривожланган мамлакатларида барча ўқувчилар учун мажбурий бўлган фанлар қаторида, хилма-хил мураккабликдаги факультатив курслар турн кенг тарқалган. Жаҳон тажрибасида 3 босқичли таълим тизими асосий ҳисобланади, яъни бошланғич мактаб (1-4 синф), ўрта босқич (5-9 синф), юқори босқич (9-12 синф).

Кўпчилик давлатларда ҳар бир босқичдаги таълимда ўқиш йили ўзгариб туради. Бошланғич мактабда 6-9 ёш, ўрта босқичда 10-14 ёш, юқори синфда 14-16 ёшни ташкил қилади. Ҳар бир босқичда география таълими ўзига хос мақсадга эга. Масалан: биринчи босқич мактабда география таълимининг асосий мақсади (микромақсад) яқин атроф-муҳитни ўрганиш, моддий ва маънавий бойликларга нисбатан меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашдан иборат. Иккинчи босқичда (мезомақсад) ўз мамлакатининг хўжалик ҳаётини ўрганиш зарур касблар ҳақида маълумотлар олиш, таълимий кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат. Учинчи босқичдаги мактабларда (макро-мақсад) инсониятнинг глобал муаммоларини ва жаҳон хўжалигини ўрганишдан иборат. Жаҳон тажрибасида география ўқитишнинг аҳволи муҳим эмас. Шу туфайли уни ўқувчиларга ўргатиш бўйича икки фикр (йўналиш) тарафдорлари ҳам бор: Биринчи йуналиш тарафдорларининг фикри—ўқув режаларида географияни мустақил фан сифатида мунтазам ўтишни амалга ошириш бўлса, иккинчи йўналиш тарафдорлари географияни бошқа ўқув фанлари билан интеграция (бирикма) тарзида қўшиб ўтишни исботлаб беришга уринадилар.

Ўқув фанларини бириктириш борасида АҚШ жаҳонда етакчи бўлиб, 40—50 йиллардаги таълим ислоҳотида кўпгина фанлар қатори география мажбурий ўрганиладиган фанлар қаторидан чиқариб ташланди ва тарих, жамиятшунослик билан бирлаштиради. Географияни бундай ўқитиш ўқитувчиларга талай қийинчиликлар туғдиради. Натижада география таълимининг сифати жуда пасайиб, ўқувчилар зарур кўникма ва малакага эга бўлмай қоладилар. Масалан: Мичиган университетининг география факультетига ўқиш учун ариза берган 400 ўқувчининг ярми географияни фақат бошланғич мактабда ўрганганлиги маълум бўлди. Шу туфайли ҳам ҳозирги кунда АҚШда географияни мустақил фан сифатида тиклаш учун кураш кетаяпти. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида фанларни ўрганиш ихтиёрий бўлиб, ўқувчилар хоҳиш-истаклари остида амалга оширилади. Бу гуруҳга кирувчи мамлакатларда мажбурий фанлар сони 7--8 дан ошмайди. Масалан: Финляндия ва Швецияда

фин ва швед тили, иқтисод ва социология, биология, химия, инглиз тили, дин ва спорт мажбурий фан ҳисобланади.

Фин мактабларида 9 йиллик таълимдан кейин, синфсиз гимназиялар кенг тарқалган. Бундай гимназияларда таълим 2—4 йил давом қилади. Ўқувчилар тузган ўқув режалари курс раҳбарлари ва маъмурият томонидан тасдиқланади.

Гимназияда ўқув йили 6 даврга бўлинган. Ҳар бир давр 6 ҳафтадан иборат бўлиб, курслар 32 соатдан ташкил топади. Ҳар бир курсдан биттадан фан кунига 4—7 соат ўқийди. Спорт дарслари машғулотлардан кейин тушлик дам олишда ўтказилади. Ҳар давр якунида ўқувчилар билими баҳоланади. Агар ўқувчи қониқарсиз баҳо олса, шу курсни қайтадан танлайди. Деярли, кўпчилик мамлакатлар география таълими давлатнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тизими билан боғлиқ. Табиий ва иқтисодий географияни ўрганиш асос қилиб олинган. МДҲ ва Шарқий Европа мамлакатларида табиат ва хўжаликнинг ривожланиш қонуниятлари жамият билан табиат ўртсидаги муносабатлар, атроф-муҳит муаммолари география таълимининг асосини ташкил қилади. Аксарият ривожланган мамлакатларда география таълимининг мазмуни жиҳатидан юқори бўлиб, ўқувчиларда маълум кўпикмалар шакллантиришга қаратилган, бу давлатларда география таълими муаммоларини турли назария ва қонунларнинг категорияларини ўрганишга бағишланган бўлиб, ўқувчиларнинг ўзлаштиришида бирмунча қийинчиликлар тугдиради.

Ривожланган мамлакатлар география таълимида таълимнинг руҳий жабҳалари асосий ўринни эгаллайди. Ўқувчи руҳияти унинг билиш фаолиятини ўрганишга катта эътибор берилади. География таълимида турли матнлар, ўйинлар, имитация кенг қўлланилади. Улар ҳатто, таълим методлари сифатида ҳам қўлланилади.

Масалан: ўқувчи ўзини компания президенти сифатида фикрлайди, иш юритади, бирон муаммони ҳал қилади, ўзи хулосалар чиқаради. Умуман бундай таълимнинг асосий мақсади ўқувчиларни ижодий ҳаётга, яъни ишбилармонликка тайёрлашдан иборат. Турли мамлакатларнинг география ўқув дарсликлари ва қўлланмаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, уларда битта курсни ўқитиш учун бир неча қўлланма чиқарилади. Кўпчилик ҳолларда улар қизиқарли маълумотларга бой бўлиб, ахборот хусусиятига эга. Бундай қўлланмаларда матн 20—40% ни, тасвир 20% ни, статистика 20% ни, савол ва топшириқлар 20% ни ташкил этади. Китобларидаги тасвирлар ниҳоятда сифатли.

Қуйи синфлар қўлланмаларида эса деярли карта йўқ, улар ўрнини карта-схемалар эгаллаган. Матнда рақамли сонлар кўп учра-

майди, мавжудлари ҳам таққослаш характерига эга бўлиб, улар энг паст, энг кичик, энг баланд, энг узун, энг юқори каби тарзларда берилган. Мавзу ёки бўлимдан кейин қўйиладиган саволлар ва топшириқлар мавзу мазмунини тўлиқ ҳис эттирмаслиги ҳам мумкин. Қўйиладиган саволларнинг аксарияти, муаммоли топшириқлар, дискуссия саволлари, амалий ўйинлар тарзида берилган. Ўқувчилар учун чиқарилган география дарсликларида компьютерлар билан ишлаш учун махсус саволлар, қизиқарли топшириқлар, математик статистика методлари, турли ўйинлар, тестлар тарзида географик билимларни эгаллашга кенг ўрин берилган. Ўқувчилар уларни мустақил бажариш жараёнида тадқиқотчи ролини ўйнайдилар. География дарслиги ривожланган мамлакатлар география таълими методикасида энг етакчи ўринни эгаллайди. Англия география таълими методикасида ўзига хос хусусиятларга эга. Унинг кучли томонлари қуйидагилардан иборат.

Таълимнинг назарий томонларини кучайтириш, яъни унда ҳозирги замон географик тадқиқот методларини кўпроқ ўрганиш;

—География таълими жараёнида психологик-педагогик тадқиқотлар ўтказиш;

—Таълим жараёнида тадқиқот методларидан унумли фойдаланиш, ўқувчиларни гипотезалар (фаразлар) тузишга ўргатиш;

—Дарсликда турли мазмундаги экспериментлар уюштириш, яъни тасаввур, тушунча ва турли хил қарашларни шакллантириш методларига кенг ўрин берилган. Аммо методларни синаш, таълимни уюштириш шакллари анча заиф.

Капиталистик мамлакатлардаги география таълими кўп жиҳатдан ўша жамият ва давлат эҳтиёжлари билин боғлиқ бўлиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Масалан, Буюк Британия мактабларида географиядан имтиҳон билетларида ўқувчиларга қуйидаги мазмундаги саволларга жавоб ёзиши талаб этилган:

1. Ғарбий Европанинг транспорт географиясида сув ва қуруқлик йўлларининг (Британия, Норвегия, Швециядан ташқари) бир-бирига нисбатан аҳамиятини баҳоланг;

2. Табиий география ва инсонлар фаолияти билан боғлиқ бўлган қандай омиллар Франция ва Нидерландия қишлоқ хўжалиги географиясини ўрганишга ёрдам беради?

3. Шимолий-Ғарбий Европанинг исталган иккита йирик порти географиясини қиёсланг;

4. Дания иқлимининг қайси хусусиятлари сут чорвачилигининг ривожланишига ёки ривожланмаслигига сабабчи бўлади?

АҚШ мактабларида ўқувчилар билимини баҳолаш ҳам ўзига хос

хусусиятларга эга. Қуйидаги ана шу саволлардан намуналар келтирамиз: 1. Кўп вариантли саволдан керакли жавобни топиш (энг кенг тарқалган метод). Масалан: Англия импорт қиладиган нефтнинг асосий қисми қуйидаги давлатларнинг қайсиларидан келтирилади? А. Венесуэла. Б. АҚШ. В. Яқин шарқ давлатлари. Г, Шимолий денгиз ҳавзаси. Д. Жазоир. 2. Тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқланг: Мараньон, Мадейра, Риу-Негру дарёларининг қайсилари Бразилия территориясидан ташқарида бошланади? 3. Умумлаштиришга оид саволлар, Масалан; қуйидаги шаҳарларнинг рўпарасига шу шаҳарга хос бўлган қуйидаги саноат тармоқларини ёзинг. Химия саноати, тўқимачилик саноати, ички порт, совун ишлаб чиқариш, қанд саноати, нефтни қайта ишлаш ва ҳ. к.

Ливерпуль .....

Манчестер .....

Болтон .....

Порт .....

Уиднес .....

4. Сўзлари тушириб қолдирилган тарздаги саволлар; Масалан: Ҳудуд ер юзасининг қатта қисмлари..... даврда ҳосил бўлган муз қолдиқлари билан қопланган ва ҳокозо.

5. Иқтисодий ҳисоб-китоб талаб қиладиган тарздаги саволлар, масалан: фирма эгаси ишлаб чиқараётган саноат маҳсулотининг 60%ини мамлакат ичида, 40%ини эса чет эл фирмаларига сотиши керак. Саноат ва Савдо Министрлиги унга маҳсулот ишлаб чиқариш учун қуйидаги бешта ҳудуддан биттасига корхона қуришга рухсат берди, ҳар биттасида ер участкасининг баҳоси бир хил. Корхона қуриш учун қуйидаги жойларнинг қай бирини танлаган маъқул?

а) Мильфорд-Хейвен.
б) Лонди;
в) Саутгемптон;
г) Ливерпуль;
д) Глазго.

Дехқон оғир ривожланаётган ва ривожланган мамлакатларда экологик маълумотлар билан ўқувчиларни таништириш география дастурларида алоҳида ўринни эгаллаган.

Германия мактабларида география бўйича ягона дастур йўқ. Ҳар бир ўлка ўз дастур ва дарсликларига эга. Германияда турли мактаблар мавжуд бошланғич асосий (5-10 синфлар) ва гимназия (11-13). Биринчи гуруҳ мактаб барча учун мажбурий ҳисобланади. Ўқувчилар 10-синфни тугатганларидан кейин, хоҳловчилар ёки гимназия, ёки ҳунар-техника мактабларига, олий ўқув юртига кириш учун тайёргарлик кўрадилар.

Германия мактабларида, дастлабки географик билимлар билан танишиш 3-4 синфдан бошланади. Чунки бу синфларда Ватаншунослик фани ўрганилади. Бундан ташқари географик билимлар қисман биология ва тарих фанлари орқали ҳам берилади. Германия мактабларида география фан сифатида 5-синфдан бошлаб ўрганилади. Бу синфда асосан, ўлка географияси ўқитилади. Ватанга оид бўлган билимлар то 8-синфгача берилади. 5-8-синфларда географияга ҳафтада 2 соат вақт ажратилади. Бу синфларда Европа ва Европадан ташқари мамлакатлар географияси ўрганилади. Топография ва картография асослари бўйича ҳам билимлар берилади. Ўқитувчилар диққатига бир неча вариантдаги дарсликлар тавсия этилади. Булар қуйидаги кўринишларида акс этади. «Мамлакатлар ва халқлар», «Ер ва инсон», «Янги география», «Ер билими» ва ҳоказо. 9-10 синфларда география мустақил фан сифатида ўрганилмайди, деса ҳам бўлади. Айрим ерлардагина қизиқувчи ўқувчилар билан Европа ва Германия географияси чуқур ўрганилади. Бу курсларда мамлакатлар иқтисоди, сиёсий ва давлат тузумига оид билимлар етакчи ўринни эгаллайди. Кейинги пайтларда география, тарих, социология, иқтисод билимлари биргаликда бирлашган курслар орқали ўқитишга эътибор кучаймоқда. Гимназияда (11-13-синфлар) айрим жойлардагина география қисман, мустақил фан сифатида ўқитилади. Баъзи географик билимлар бирлашган курслар туркумидаги фанларда ҳам берилади. Юқори синфларда география фанларида комплекс муаммоларини ўрганишга кўпроқ эътибор берилади. Масалан: «Инсониятнинг кўпайиши», «Очарчилик муаммолари», «Транспорт муаммоси», «Саноат марказларида инсон ҳаёти», «Саноат экономикаси» ва ҳ. к.

Дарсларда ўқувчиларга бериладиган топшириқлар ҳам бирмунча мураккаб, дастурда ўқувчилар бажариши лозим бўлган топшириқлар тизими келтирилган, масалан:

1. Карта ва ўқувчидан олинган билимлар асосида у ёки бу ҳудудда қандай ишлаб чиқаришни жойлаштириш мумкин?

2. У ёки бу ҳудуднинг (сўровнома, кузатиш, статистик материаллар ва географик адабиётлар билан ишлаш методлари орқали)

табиатини қўриқлаш, табиий ресурсларидан фойдаланишдаги муаммоларни ва келажакдаги аҳволини ёритиш. Франция мактабларида география таълими бирмунча яхши йўлга қўйилган. География ўқитишдан мақсад ва вазифалари жуда аниқ белгилаб берилган. Германияда мактаб географияси ўқувчилардан қуйидаги хислатларни шакллантиришни ўз олдига вазифа қилиб қўйган: География тили билан танишиш, кузатиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, танқидий қараш, таққослаш, алоқаларни ўргатиш, ахборотларга нисбатан фаол қараш, инсонга нисбатан меҳр, фикрлаш ва фаолиятда мустақил бўлиш каби кўникмаларни ҳосил қилиш ва ҳ. к.

Францияда география дастури 2-босқичли мактабларга мўлжал, ланган, Шуниси қизиқки, Францияда синфлар тескари ҳисоб билан юритилади.

1-босқич мактаб 6, 5, 4, 3, (ўқувчилар ёши 11-14 гача), олий маълумот олишга тайёргарлик фақат лицейларда амалга оширилади.

2-босқич, 2-1 ва битирувчи (15-17 ёш) синфлардан иборат. География таълими 6-синфдан бошланади, бунда «Умумий география ва Африка материги ўрганилади. 5-синфда Америка, Оснё, Австралия, Антарктида, 4-синфда Европа (Франциядан ташқари), 3-синфда Франция географияси ўқитилади. Лицейда ўқишни давом эттириш 2-1 ва битирувчи синфларга тўғри келади.

2-синфда география дастури (6, 5, 4, 3,) синфларда олган билим ва кўникмалар билан чуқурлаштирилади. Асосий мақсад ўқувчиларни ҳужжатлар ва биринчи манбалар билан ишлашга ўргатиш иборат. Лицейнинг биринчи синфида Францияга географияси бўйича ўқувчилар 2-босқич мактабда олган билимлари мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади. Битирувчи синфларда тўртта йирик давлат—АҚШ, Россия, Хитой, Япония географияси чуқур ўрганилади. Франция мактабларида табиий ва иқтисодий география билимлари деярли бир хил берилади. Иқтисодий география бирликлари ишида айниқса, аҳоли географиясига оид маълумотлар алоҳида ўрганилади, ёки бирламчи (хом ашё), иккиламчи (қайта ишловчи), учламчи (маиший хизмат) тарзида ҳам ўрганишни кузатиш мумкин. Ривожланаётган мамлакатлар географияси ўрганилганда француз олимларнинг бу мамлакатлар учун кўрсатган гамхўрликлари бўртириб кўрсатилган. Масалан: Французлар ўз мустамлакаларига мустақиллик бергач, улар маданияти, табиатини яхшилаш, ишлаб чиқариш соҳаларини ўзлаштиришларига, янги йўллар қуриб беришларига ўқувчилар эътиборини алоҳида қаратадилар.

Франция географияси дарсликларининг устун томони шундаки, улар муаммоли қилиб ёзилган бўлиб, барча муаммолар «Инсон ва табиат» мавзусидан келиб чиқадиган матнлардан иборат.

Финляндия мактабларида ҳам география таълими ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, география ўқитилиши ривожланган капиталистик мамлакатлар ичида бир мунча юқори поғонада туради дейишга асос бор. Мамлакатларда таълим 2 босқичдан иборат: Биринчи босқич 9 йиллик мажбурий умумтаълим халқ мактаби, иккинчи босқич гимназиялардан иборат.

Биринчи босқич мактабда география таълими 3-синфдан бошланади ва тўққизинчи синфда тугайди. 3-4 синфларда ўз мамлакатини ва қўшни шимолий давлатларнинг табиати ва хўжалигига оид маълумотлар ҳақида маълумотлар берилади. 3-синфда ўлкашунослик асосида дарс ўтиш устун туради. Ўзи яшаб турган жойнинг картаси: Об-ҳаво ва иқлими, биргаликда ишланган рельеф карталарини намойиш қилади. 3-синфдаги география 4-синфда ҳам давом қилади ва ўқиш методлари бўйича деярли фарқ қилмайди. 5-синфда Европа мамлакатлари табиати, аҳолиси, маданияти, урф-одатлари, анъаналари, дини, аҳолисининг хўжалик фаолияти билан танишадилар. 6-7-8 синфларда Осиё, Африка, Австралия ва Океания, Америка ўрганилади. 8-синф якунида умумий география асослари бўйича билимлар берилади. 9-синфда Финляндия ва Шимолий мамлакатлар географияси қуйидаги режа асосида ўқувчиларга ҳавола этилади:

1—табиати, 2—иқтисодий, 3—аҳолиси, 4—табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ва табиатини қўриқлаш, 5—давлат тузуми, 2 босқич таълим гимназияларида ўқиш 3 йил бўлиб, табиий ва иқтисодий география бир-биридан кескин ажралмаган ҳолда ўрганилади. Гимназия дастурлари кўпроқ назарий билимлар бериш билан ажралиб туради. Бунда география фанининг ҳозирги даврдаги тараққиёти унинг бошқа фанлар билан муносабати, географиянинг ўқувчилар ақлий фаолиятини очиб беришдаги аҳамиятига кўпроқ эътибор берилади. Масалан:

1. Ер шари ҳаракатдаги тизимдир. Табиатдаги барча нарсалар бир-бири билан боғлиқ, инсон ҳаракатдаги тизимнинг бир қисми, эканлиги тарзидаги билимлар кўпроқ берилади;

2. Инсон ва уни ўраб турган муҳит инсоннинг муҳитга, муҳитнинг инсонга таъсири остида ўрганилади. Гимназиянинг биринчи йилида география мажбурий фан сифатида ўрганилади. Бошқа фанларда эса ўқувчилар хоҳишига кўра махсус курс сифатида ўрганиш мумкин. Финляндияда ўқув режалари тез-тез алмашиниб туради.

Венгрия мактабларида география таълими 7 йил давом қилади: 4 йил асосий (5—8 синф) ва 3 йил (9—10—11 гимназияда) дарс-

лар ҳафтада 2 соат, География таълими жараёнида 65 % вақт янги мавзуни баён қилишга, 3% экскурсияга, 29% амалий машғулотлар, умумлаштирувчи такрорлашга ажратилади.

Ривожланаётган мамлакатларда кейинги йилларда халқ маорифига катта эътибор берилмоқда. Масалан, Осиёнинг кўпгина мамлакатларида 1985 йилгача халқ таълими учун ажратилган маблағлар 20 баробардан ортиқ ўсди. Айниқса, Малайзия, Саудия Арабистони, Иордания, Сингапур, Жанубий Корея, Таиланд, Сурия, Ҳиндистон, Покистон каби мамлакатларда халқ маорифи ривожланиши анча юқори бўлди. Осиёдаги кўпчилик мамлакатларда болалар 5-7 ёшдан бошлаб мактабга бора бошлайдилар. Бангладеш, Бирма, Ливан, Покистон, Шри-Ланкада мактабга 5-ёшдан борадилар. Осиёдаги кўпчилик мамлакатларда мажбурий таълим 5 йилдан 10 йилгача, ўрта мактабда ўқишни давом эттириш эса 4 йилдан 8 йилгача.

География ўқув дастурлари кўпчилик давлатларда бир хил бўлиб, мамлакатнинг табиий ва иқтисодий географиясини ўрганишга бағишланган. Кўпчилик мамлакатлар мустамлака бўлган даврларда ўз географиясига нисбатан кўпроқ мустамлакачи давлат географиясини ўрганар эдилар. Ҳозирги кунда кўпчилик мамлакатларда мустамлакачилик анъаналари ўқитиш мазмуни ва методлари сақланиб ~~сақланиб~~ қолган.

Кейинги пайтларда, ривожланаётган мамлакатларда ўқув дастурлари, география дарсликлари мамлакат хўжалиги эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда тузилади ва яратилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, чет эл давлатлари география таълимида ўқитишда энг кўп қўлланиладиган методлар қуйидагилар ҳисобланади:

Эвристик метод—бунда эътибор ўқувчиларни кўпроқ мустақил билим олишга, кичик тадқиқотлар қилишга ўргатишдан иборат. Картиналар, турли хил ҳужжатлар, воситалар асосида муаммоли саволлар ўқувчилар диққатига ҳавола этилади. Бир-бирига боғланган саволлар асосида эвристик суҳбатлар ўтказиш кенг тарқалган. Ишлаб чиқариш жараёнини, экологик суҳбатлар ўтказиш кенг тарқалган. Ишлаб чиқариш жараёнини, экологик муаммолари турли ўйинлар асосида ўрганиш. Бунда ўқувчилар ўзларини турли компаниялар президенти, бизнесменлар ўрнига қўйиб «иш» бажарадилар. Бундай метод кўпроқ АҚШ, Буюк Британия, Янги Зеландия, Ғарбий Европа мамлакатларида кенг тарқалган. Тарқатма карточкалар методида турли чизги жадваллар, карталар ўқитувчилар диққатига турлича хатоликларга йўл қўйиб тузилади ва тарқатила-

ди, ўқувчилар йўл қўйилган ўша хатоликларни мустақил топиш-лари талаб қилинади. Турли хил мисол ва масалалар ечиш ҳам ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишларини ошириши туфайли, улардан кенг қўлланилади.

Ўқувчиларда ишбилармонлик, уддабуронлик хислатларини шакллантириш учун ҳам кўпроқ мисол ва масалалардан ечмасдан амалга ошмайди.

Матнлар, яъни жавоблар тўғри-нотўғри тарзда аралаштириб берилиши улардан тўғриларини рақамлар билан белгилаб ажратиш кенг тарқалган методлардан ҳисобланади.

Статистик манбалар билан ишлаш, картографик қўлланмалардан фойдаланиш, математик модуллаштириш кенг тарқалган ўқитиш методлари ҳисобланади. Айниқса дискуссия, ривожланган капитал листик мамлакатлар география таълимида кенг тарқалган.

ЕТАКЧИ ТУШУНЧАЛАР

Жаҳон педагогикаси, Тест методи. Факультатив машғулот. Тест турлари. Ўқув режалари. Сўровнома. Микромақсад, Мезомақсад, Мактабларда география. Макромақсад, Матнлар. Интеграция фанлари, Дискуссия, Гимназия, ўйин дарси, Имтиҳон, Турли мамлакатларда география ўқитиш ва ҳ. к.

ЎЗ-ЎЗИНИ СИНАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Жаҳон мамлакатларида география таълими қандай йўналишларда олиб борилмоқда?
2. АҚШ мактабларидаги география таълимини баён этинг?
3. Германия ва Франция мактабларидаги география таълимини қиёсловчи жадвал тузинг.
4. Ғарбий Европа мамлакатларида география таълимининг ўзига хос хусусиятларини ёритинг.
5. Ғарбий Европа мамлакатларида география таълимининг мақсади ва вазифаларини тушунтиринг.
6. Буюк Британия география таълими методи ҳақида нималар биласиз?
7. Ғарбий Европа мамлакатлардаги давлатларни жадвал тарзида акс эттиринг. Унда география ўқитишнинг синфлар бўйича қўйиб чиқишга ҳаракат қилинг.
8. Осиё мамлакатларида география таълимининг ўзига хос хусусиятларини ёритинг.
9. Чет элларда география таълимини Ўзбекистонда география ўқитиш билан қиёсланг.

АДАБИЁТЛАР

1. Г. Йўлдошев, «Хорижда таълим қандай?» Тошкент, «Ўқитувчи», 1997.
2. Р. Қурбонниёзов, «Хорижда география таълими» «Совет мактаби» 1991.
3. Р. Қурбонниёзов. Маъруза матнлари 2000.
4. Р. Қурбонниёзов. «География таълими методикаси». Тошкент 1993.
5. Новое исследовании в географии. Москва 1992.

ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ МЕТОДЛАРИ

ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ МЕТОДЛАРИ ТАСНИФИ

РЕЖА:

1. География таълимида методларининг ўрни ва роли.
2. Таълим методларига хос хусусиятлар.
3. Методларга қўйиладиган талаблар.
4. География таълими методлари таснифи.
5. Билим олиш манбаларига кўра методлар.
6. Оғзаки баён методлари.
7. Кўргазмали методлар.
8. Амалий методлар.
9. Лернер ва Скаткин методлари;
   а) Изоҳли-кўргазмали;
   б) Муаммоли;
   в) Репродуктив;
   г) Қисман изланувчан;
   д) Тадқиқот методлари.

Таълим жараёнида ўқувчилар муайян билимлар кўникма ва малакаларни эгаллайдилар. Дидактикада метод— деганда, ўқитувчи раҳбарлигида турли методлар воситасида ўқувчиларни билим, кўникма, малакалари билан қуроллантиришда ҳамда, уларнинг дунёқарашини шакллантириш тушунилади.

Ўқув материали мазмуни таълимнинг турли воситалари ёрдамида ва турли методлар билан ўзлаштирилади. Шу сабабли ҳар доим ўқитувчи олдида муваффақиятлироқ ва самаралироқ ўқитиш ва ўқишга ёрдам берадиган йўлларни танлаш муаммоси туради. Ўқув материалини ўрганишнинг турли шаклларини қидириш, дарснинг мақсадлари, вазифаларини англаб олишдан бошланади. Метод

сўзи грекча «методос» сўзидан олинган бўлиб айнан «тадқиқот» деган маъноии англатади.

Дидактика фани метод терминига таъриф бериш бўйича аниқ бир қоидани ҳали яратганича йўқ. Бу масала борасида турли таъриф ва қоидалар мавжуд. **Дидактика фанида таълим методи деганда ўқитувчи ва ўқувчининг таълим жараёнида биргаликдаги фаолияти тушунилади.** Бунда улар қўйилган мақсад учун биргаликда ҳаракат қиладилар. **Метод ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти турларини, таълим қандай кетмалигини, ўқитувчилар материални қай даражада тушунтириши, ўқувчи уни қандай ўзлаштириши кераклиги билан белгиланади. Методнинг алоҳида деталлари усул дейилади.**

Масалан, янги билимни ўзлаштиришда дарслик билан ишлаш бунга мисол бўлиши мумкин. Метод ва усул ўртасида доимий алоқа мавжуд. География асосларини пухта ўзлаштириш, ўқувчининг билим олиш қобилиятларини ривожлантириш ва уларни ҳаётга тайёрлаш маълум даражада таълим методларига боғлиқ.

Таълим методлари—ўқитувчи томонидан ўқувчилар фаолиятини белгилайдиган иш методлари бўлиб, ўқув материалини назарий ва амалий ўзлаштириш шаклидир.

Таълим методлари ўқувчиларга билим бериш, кўникма ва малакаларни эгаллаш билангина чекланиб қолмайди. Таълим методлари дейилганда, ўқувчиларнинг ижодий фаолиятларини шакллантирадиган, билимларни мустақил ўзлаштиришга ўргатадиган, ўлароқ илмий билимини асосланган тўғри дунёқараш ва эътиқодни тарбиялайдиган методларга тушунилади.

1. Методлар--ўқитувчи фаолияти йўл-йўриқлари бўлиб, ўқувчи-фаолиятини белгилашга ёрдам беради.

Таълим методлари учун 2 та асосий нарса хос:

2. Таълим методлари фақат билим, кўникма, малакаларни шакллантириш билангина чекланмасдан балки, ўқувчиларда ижодий фаолият, билимларни мустақил эгаллаш қобилиятини тарбиялашга ҳам ёрдам беради.

Таълим методлари ўқитишнинг умумий ва аниқ мақсадларига, ҳамда мактаб таълимининг мазмунига ҳам боғлиқ. Таълим методлари кўп ҳолларда ўқувчиларнинг руҳияти ёки хусусиятларини эътиборга олишни талаб қилади. Уни танлаш мактабнинг моддий-техника таъминотига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Чунки ўқитувчи таълим методини танлар экан, мактабда мавжуд бўлган техника-воситаларини карталарни, атласларни ва улардан фойдаланиш имкониятларини ҳисобга олади. Ўқитиш методлари педагогикада

мактаб жойлашган шароитга, ҳамда ўқитувчилар тажрибасида таркиб топган анъаналарга ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, ўқитувчи ўз ишига алоҳида тус бағишлайдиган муайян методлардан фойдаланишни афзал кўради. Илмий-техника жараёни шароитида анъанавий методларни такомиллаштиришга ва янги методларни излаб топишга тобора жиддий талаблар қўйилмоқда. Таълим методлари муаммоси энг асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. У қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

БИРИНЧИ ТАЛАБ методнинг тарбиявийлиги бунда ҳар қандай метод ўқувчиларнинг умумий ривожланишига, билимга қизиқишларини эътиқод, ҳис-туйғу қарашларига таъсир кўрсатади. Таълимнинг тарбиявий вазифасини амалга ошириш методнинг танланишига боғлиқ;

ИККИНЧИ ТАЛАБ методнинг илмийлиги дарс бериш ва таълимнинг ҳар қандай методи ўқув жараёнининг қонуниятлари билан белгиланади.

Метод илмий жиҳатдан қанчалик асосланган бўлса, шунчалик равшан ва аниқ бўлади. Энг муҳими шундаки, бирор метод ёрдамида қандай умумий ва аниқ вазифаларни ҳал этиш мумкинлигини, у қандай мазмунга мос келишини, фаолиятининг қандай турларини талаб қилишни ва уларни қандай ташкил этиш лозимлигини кўра билиш керак. Методнинг илмийлиги географик воқеа ва ҳодисаларни, қонуниятларини тўғри англанишини таъминлайди ва ўқувчиларни тўғри илмий тасаввурга олиб боради.

УЧИНЧИ ТАЛАБ—методнинг оммабоплиги. Бунда ўқувчилар ривожланишининг педагогик-руҳий имкониятлари эътиборга олинади. Агар метод ўқувчиларда мавҳум тафаккурни ҳам эътиборига олиб танланса, ўқувчи мураккаброқ материалини ҳам эгаллай олади ва жадал ривожланади. Демак, метод танланганда ўқувчи нималарни тушунтириш кераклиги ҳақида эмас, балки у нимани тушина олиши ҳақида ҳам ўйлаш керак.

ТЎРТИНЧИ ТАЛАБ—Таълим методининг самарадорлиги, унинг ўқув материалининг мустаҳкам эгаллашга қаратилганлигидир.

БЕШИНЧИ ТАЛАБ—Ўз иш фаолиятида илғор тажрибаларни қўллаш ва уни мунтазам ўрганиши. Назария ва амалиётда таълим методлари билан боғлиқ янгиликларни доимо ўрганиб бориш лозим. География ўқитиш методлари ҳақида сўз борар экан «Метод», «Усул» деган сўзлар ёнма-ён учрайди. Метод, усул бир-биридан баъзан фарқ қилмайди, бир хил маънода юритиб келинади. Масалан: карталарни солиштириш-таққослаш методи деб юритилади.

Бу нотўғри, чунки карталарни солиштириш метод эмас, у солиштириш усулидир холос. Ўзбек тилидаги мавжуд қўлланмаларда таққослаш ҳам, солиштириш ҳам бирдек—таққослаш деб ишлатилади. Бу чалкашликдир. Таққослаш—ўрганилаётган географик объектни илгари ўрганилган объект билан таққослаш туфайли ўзига хос хусусиятларини очиб беради. Масалан, Жанубий Америка чўлини Осиё чўли билан, Сирдарёни Енисей билан таққосланб, уларнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилади.

Таққослаш оғзаки баён методининг бир усулидир. Солиштириш—карталарни солиштириш ва таҳлил қилиш билан бир географик объектга хос бўлган объект ва ҳодисаларнинг сабабларини аниқлашдан иборат. Масалан: турли мазмундаги карталар солиштирилиб, таҳлил этилади. Солиштириш—картографик қўлланмалар билан ишлаш методининг бир усулидир. Метод усуллар йиғиндисидан иборат. Усул эса методнинг таркибий қисмидир. Географияга хос бўлган карта билан ишлаш методи бир неча усулларни ўз ичига олади.

Масалан: а) карта бўйлаб саёҳат; б) контур картага географик объектларни тушириш; в) карталарни солиштириш ва ҳ. к.

Баъзи усулларни бир неча метод таркибига киритиш ҳам мумкин. Демак, метод методга, метод эса ўз навбатида методга мумкин. Таниқли методист. **М. К. Ковалевская**: ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИНИ (дарслик карта билан ишлаш), БИЛИМНИНГ ОҒЗАКИ БАЁН ШАКЛЛАРИ (ҳикоя, суҳбат, тушунтириш, маъруза)ни. БИЛИШ МЕТОДЛАРИ (таққослаш, карталарни қиёслаш умумий хулосалар чиқариш)ни ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎҚУВ ФАОЛИЯТИ ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ (назарий билимларни эгаллаш, амалий иш методлари, мустақил иш методлари)ни методик методлар деб ҳисоблаган. Методлар турлича бўлиши мумкин. Масалан: таққослаш усули оғзаки баён, суҳбат, карта билан ишлаш методларида иштирок этиши ҳам мумкин. Демак, метод билан усул ўртасида узвий боғланиш бор.

Таълим методларининг таснифи шу тарзда келиб чиқадики, бу нарса ўқитувчига ўқувчиларнинг ўқув материалини эгаллаш шаклларидаги ўхшаш ва тафовут қиладиган муҳитларни чуқурроқ англаб олишда ҳамда ўз ўқитувчилик фаолиятини муваффақиятлироқ ташкил этишда ёрдам беради. Таълим методлари муаян белгиларига кўра гуруҳларга ажратилади.

Ҳозирги кунда таълим назарияси ва география таълимида қуйидаги тасниф кенг тарқалган:

1. БИЛИМ ОЛИШНИНГ АСОСИЙ МАНБАЛАРИГА КЎРА:

1. Оғзаки-баён (ҳикоя, тушунтириш, маъруза)
2. Суҳбат
3. Картографик қўлланмалар билан ишлаш
4. Кўрсатмали қўлланмалар билан ишлаш
5. Кузатиш ва тажрибалар
6. Рақамли материаллар билан ишлаш
7. Дарслик ва қўшимча адабиётлар билан ишлаш
8. Амалий методлар

12. ДИДАКТИК МАҚСАДЛАРГА КЎРА:

1. Янги материалларни ўрганиш
2. Билимларни мустаҳкамлаш
3. Билим, кўникма, малакаларни текшириш методлари

13. ХУЛОСА ЧИҚАРИШ ФАОЛИЯТИГА КЎРА:

1. Аналитик
2. Синтетик
3. Индуктив
4. Дедуктив методлар

Фикрлаш фаолияти ва билим олиш фаоллиги хусусияти бўйича И. Я. Лернер М. Н. Скаткин бўйича методлар таснифи қуйидагича:

1. Изоҳли кўргазмали метод
2. Репродуктив ёки олинган билимларни қайта тиклаш методи
3. Муаммоли баён
4. Қисман изланувчан метод
5. Тадқиқот методи

С. Г. Шаповаленко дидактик методларни 3 та гуруҳга ажратишни тавсия этади.

1. Оғзаки методлар
2. Кўргазмали методлар
3. Амалий методлар

Юқоридаги барча методларни шартли равишда икки: «Янги билим олиш методларига», ва «Олинган билимларни қайта тиклаш методларига» ажратиш ҳам мумкин. Ҳар бир таълим методи бир-бири билан боғлиқ бўлган таълимий ва тарбиявий томонлар билан бирлашиб туради.

Кўпчилик педагоглар таълимда фаол ва суст методларни ҳам ажратадилар. Бу унчалик тўғри йўл эмас. Чунки, барча методлар ҳам ўз ўрнида тўғри қўлланилса, ўқувчилар фаолиятини фаоллаштириши мумкин. Метод танлашда кўпгина томонларни эътиборга олиш зарур.

Ўқувчиларнинг билиш фаолияти кўпгина омилларга: Хусусан ўқув материалининг мураккаблиги, назарий билимлар ҳажми, синфнинг даражаси, ўқувчиларнинг мустақил ишларни қай даражада бажара олиш қобилияти ва ҳакозоларга боғлиқ. Айрим методлар ўқувчиларда эсда сақлаб қолишни, айримлари фикрлашни, баъзилари ҳис-ҳаяжонни ривожлантиради.

Ҳар бир метод ижобий ва салбий томонларга эга. Масалан, ҳикоя ва маъруза методларини қўллаш шу пайтда яхши натижа беради-ки, қачонки ўқувчиларда билим олишга иштиёқ кучли бўлса. Савол-жавоб методи билан дарс ўтиш ўқитувчилардан кўп вақт ва маҳорат талаб қилиши билан бирга ўқувчидан ҳам зарур билимлар бўлишини тақозо этади. Ёки муаммоли ҳамда тадқиқот методларини қўллаш, уни уюштириш учун ва кўп вақт ўқитувчилардан эса кучли билим талаб этади. Бирор методни танлаган пайтда албатта ўқувчиларнинг билиш фаолияти, ақлий, даражаси, таълим воситалари билан таъминланганлик аҳволи ҳам эътиборга олиниши керак.

Таълим методлари самарадорлигини ошириш ҳозирги шароитда долзарб вазифалардан биридир. Бир ёки бир неча методни афзал кўриш ёки билиш қийин. Бунга ҳар томонлама ёндошиш зарур. Таълимдаги муваффақиятни таълим методлари тизими таъминлайди. Методларнинг ҳар бири ўзига хос афзалликларга эга у ёки бу тушунчани ўқувчи онгида шакллантиришда ҳар бир методнинг ўзига хос ўрни бор.

Таълим методларида ўқитувчининг қиёфаси, унинг дунёқараши руҳий—педагогик, услубий ва махсус илмий тайёргарлиги акс этган бўлади. Худди ана шу омиллар таълим методлари самарадорлигини белгилайди. Муаян методга яхши тайёргарлик бўлган ўқитувчида шу методнинг ўзи салбий жиҳатларни ҳам намоён қилиши мумкин. Шу сабабли таълим методлари самарадорлигини ошириш учун ўқитувчининг тайёргарлик даражаси муҳим аҳамиятга эга. Методларни нотўғри танлаш ўқувчиларнинг билим ва кўникмалари суст эгаллашига сабаб бўлади. Демак таълимда универсал метод йўқ.

Шу туфайли ҳам ўқитувчи фақат биттагина методдан фойдаланиб дарс ўтмайди. Бундай бўлиши мумкин ҳам эмас. География таълимининг энг муҳим хусусияти шундан иборатки, ўқитувчи аксарият дарсларни ўқитишда оғзаки баён методларини (лекция, ҳикоя, суҳбат, савол-жавоб) карта билан уйғунлашган ҳолда қўллайди ва самарали натижаларга эришади. Ҳар бир билим кўникма, малака хилма-хил методларни қўллашни талаб қилади. Чунки у

ёки бу методни танлаш дарс мазмуни, мақсади, ўқувчиларнинг тайёргарлиги, ўқув жиҳозлари билан таъминланганлик каби кўплаб омилларга боғлиқ эканлигини ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда.

География таълимида карталарни, расмларни танлашда изчилликнинг бўлмаслиги ҳам билимларининг суст ўзлаштирилишига сабаб бўлади. Масалан, 7-синфда «Африка табиат зоналари» мавзусида ўқувчилар «Экваториал ўрмон», «Саванна», «Саҳро» каби тушунчаларни эгаллашлари керак. Бунда дастлаб ўқитувчи ўқувчиларда юқоридаги табиат комплексларининг тасвирини (кўринишн) ўқувчилар кўз олдида гавдалантириши кейин эса уни картадаги ўрни билан боғлаб уларда табиий ҳудудий комплекслар турли-туманлиги ҳақида ўқувчилар зарур билимга эга бўладилар.

Қуйидаги географик билим манбаларига кўра ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти асосида энг кўп қўлланиладиган география таълими методларини кўриб чиқамиз.

ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ МЕТОДЛАРИ

№	УМУМИЙ МЕТОДЛАР	ХУСУСИЙ МЕТОДЛАР
1	Оғзаки баён	Тушунтириш, ҳикоя, ўқитувчининг ўқиб бериши таққослаш савол-жавоб, суҳбат, маъруза
2	Картографик қўлланмалар билан ишлаш	Режа, топографик карта, умумгеографик карта, мавзули карта, контур карта, карта-схема, глобус билан ишлаш, Географик номларни ўрганиш, карта бўйлаб саёҳат, карта кўчириш, картограммалар тузиш ва ҳ. к.
3	Дарслик ва қўшимча адабиётлар билан ишлаш	Изоҳли ўқиш, мавзу режаси тузиш, дарслик матнини мустақил ўқиш, дарсликдаги машқ ва топшириқларни бажариш, дарсликдаги карта-схема, схема, расмлар билан ишлаш, вақтли матбуот янгиликларини ўқиш,

		хрестоматия маълумотлардан ўқиб бориш, бадиий-адабиётдан мавзуга оид парча ўқиш ва ҳ. к.
4	Кўргазмали қўлланмалар билан ишлаш	Расмлар билан ишлаш, техника воситалари билан ишлаш (диафильм, кинофильм, диапроекторлар), ҳажмли қўлланмалар билан ишлаш (глобус, модель, теллурий, макет, гербарий ва ҳоказо), график тасвирлар, схема, диаграмма, профил, турли чизмалар билан ишлаш, турли ҳисоб-китоблар қилиш ва ҳ. к.
5	Кузатиш	Объект ва ҳодисани бевосита кузатиш расмлар, диапозитивлар, кинофильмларни кузатиш, географик, астрономик, гидрологик, геоморфологик, фенологик кузатишлар Экскурсиялар ва тажрибалар.
6	Бирламчи манбалар	Давлат ҳужжатлари географик матнлар, газета, журналлар, бадиий адабиётлар билан ишлаш.

ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИНИНГ ОҒЗАКИ МЕТОДЛАРИ

Ўқитиш методлари таснифига асос қилиб олинган билим манбалари ичида ўқитувчининг жонли сўзи-нутқи асосий аҳамиятига эга бўлади. Жонли нутқ ўқувчи онгига тез етиб боради, уни маълум хулосаларга олиб келади, ўқитувчининг жонли нутқи пухта билим, кўникма ва малака манбаи бўлиши билан бирга, жуда катта тарбияловчи кучга ҳам эга. Ўқитувчи нутқидаги мантиқ, интонация, уруғнинг кучи, далилларнинг жонли ва ишонарли бўлиши ўқувчиларнинг онгига, ҳис-туйғуларига, кучли таъсир кўрсатади, уларни

фикрлашга ўргатади, маълум хулосаларга олиб келади. Жонли нутқ ўқувчиларнинг билим олишидаги бошқа манбалар, кўрсатмали қуроллар ва матнлар мазмунини тушуниш, улар устида мустақил ишлаш, фикр юритишга ҳам йўл очиб беради.

Ўқитувчи дарс жараёнида ўқув материалларини оғзаки баён қилиб бериш билан чегараланиб қолмасдан, ҳар хил кўрсатмали қуроллар (расмлар, иллюстрациялар, макетлар, техника воситалар) дан ҳам фойдаланади.

Ўқитувчининг оғзаки баёнини кенг маънода тушунмоқ керак. Жонли нутқ деганда таълимининг оғзаки методигина эмас, балки ўқитувчининг бутун дарс давомида жаранглаб турадиган сўзини, уйда бажариш учун берилган топшириқлар мазмунини ва уларни бажарини йўлларини изоҳлашга доир сўзини, семинарлар уюштиришдаги кириш сўзини, ўқувчиларга бериладиган турли йўл-йўриқларини, изоҳли баҳолаш ва бошқаларнинг тушуниши керак. Ўқитувчининг жонли сўзини ўқувчиларнинг ўқиб ўрганиши ва билим фаолиятини бошқаришни, унга раҳбарлик қилиш йўллари ва воситаларини ҳам ўзида мужассамлаштиради. Жонли нутқнинг бу имкониятларидан оқилона фойдаланиш ўқувчилар билимининг пухта ва мустаҳкам бўлишини таъминлайди, география ўқитишнинг таълимий вазифаларини муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради. Ўқитувчининг нутқи қуйидаги педагогик талабларга жавоб бериши керак.

1. Илмий ва ғоявий жиҳатдан тўғри бўлиши, танланган материал илмий жиҳатдан асосланган бўлишига
2. Билимларнинг мунтазам мантиқий тўғри бўлишини таъминлашга
3. Ўқувчилар учун тушунарли, билимларни пухта ўзлаштирилишини таъминлашга:
4. Нутқ образини қизиқарли бўлишига, ўқувчиларни ҳаяжонлантиришга;
5. Баён қилинаётган материални ўқувчилар ёзиб олишга эътибор бериш керак.

Ўқувчилар ўқитувчи баёнини ўзлаштиришда баъзан қийналадилар. Улар материални ҳоҳлаган вақтларида қайта-қайта ўқиб чиқишлари мумкин, аммо ўқитувчининг баёнини қайта эшита олмайдилар. Шунга кўра ўқувчиларнинг ўрганиши устидан ўқитувчининг назорати ва раҳбарлик қилиш, айниқса катта аҳамият касб қилади. Оғзаки баён бошқа методлар билан биргаликда қўшиб олиб борилиши керак. Акс ҳолда айниқса кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларида унинг кўп қўлланилиши салбий натижалар беради.

Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, 6-7 синфларда ҳикоя ёки тушунтириш 5-10 минутдан ошмаслиги керак. Юқори синфларда унга ажратиладиган вақт бир мунча оширилиши мумкин. Ўқувчиларнинг ўқитувчи баёнини эътибор ва қизиқиш билан ўрганишини қуйидаги йўллар билан ташкил этиш мумкин:

1. Ўқитувчи дарснинг вазифалари, мақсади ва баёнининг асосий ўринларини қисқача сўзлаб беради.

2. Ўқитувчи ўрганилаётган мавзунинг муҳим ёки қийинлигини айтиб, уни пухта тушуниб, билиб олиш учун нима қилиш кераклигини, айтайлик, баёнининг қайси қисмларига эътибор бериш кераклигини, қўшимча қандай материаллар (вақтли матбуот, илмий оммабоп, географик адабиётлар)ни ўқиб чиқиш зарурлиги ва бошқаларни уқтириб ўтади.

3. Ўқитувчи баёни албатта география картаси, статистик материаллар, графиклар диаграммалар контур карта, натурал қўлланмалар дарслик билан боғланган бўлиши керак. Айниқса география ўқитишда оғзаки нутқни карта билан боғлаш ниҳоятда салмоқли ўринга эга. Ўқитувчининг оғзаки нутқ услуби, ўқувчилар баёнини пухта ўрганиши ва уларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришда муҳим ўрин тутади. Ўқитувчи баёнидаги интонация ва уруғнинг кучи, пауза, географик жумлаларнинг ихчам ва мантиқан тўғри ифода қилиниши, нутқнинг равон, соф образли ва таъсирчан бўлиши, табиат халқларга оид ҳикматли сўзлар ҳамда афоризмлардан ўринли фойдаланиш айниқса муҳимдир. Демак, география ўқитувчиси дидактик ва педагогик талаблар асосида ҳамда география фанининг мазмуни ва вазифаларига мос равишда материалларни аниқ ва кўргазмали қилиб сўзлаб, тушунтириб бера олиши керак. Ҳар бир ўқитувчи бу санъатни эгаллаши зарур. Оғзаки баён методини пухта эгаллаш учун нутқни ўстириш устида изланиш аниқ, равон, таъсирли ва образли сўзлаш устида тинмай ишлаш, машқ қилиш керак. Тўғри, турли ўқитувчилар нутқидаги эркинлик ва бадийлик бир хил эмас. Энг муҳими география ўқитувчиси ўз фанини, карталарни яхши билса, уларни бир-бирларига боғлай олса кўзланган мақсадга албатта эришади. Энг аҳамиятлиси эса ўқитувчи дарс ўтиш олдидан, дарсни сўзлаб бериш методларини пухта ўйлаб қўйган бўлса, оғзаки баён методларини самарадорлиги янада ошади. География фани учун хос бўлган энг муҳим хусусиятлардан бири шуки, ўқитувчи ўзи кўрган, билган, бошидан кечирган, ҳодиса воқеаларни эркин гапира олиши дарсни қи-

зиқарли бўлишини таъминлайди. Ўқитувчи китобга, қоғозга қараб гапириши, оғзаки баён, методини аҳамиятини пасайтиради.

Аммо айрим рақамли материалларни китоб ёки қоғозга қараб гапириши мумкин. Оғзаки баён методи ўз ичига ҳикоя, тушунтириш, лекция, суҳбат, ўқитувчининг ўқиб бериши китоб билан ишлаш, статистик материаллар билан ишлаш кабиларни олади. Методик адабиётларда оғзаки баён методларини афзал ва заиф томонлари етарлича очиб берилмаган.

География методикаси олдида турган муҳим вазифаларидан бири оғзаки баён пайтида ўқувчиларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик қилиш, бу методни бошқа методлар билан биргаликда фойдаланиш муаммоларини ечиш кўндаланг бўлиб турибди. Айниқса, оғзаки баён пайтида ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш ва бошқалар география таълими методикасидаги муҳим муаммолардан ҳисобланади.

ҲИКОЯ— ўқув материалини баён қилиш шакли бўлиб, асосан тасвирлаш характерига эга. Ҳикояда лекцияга қараганда ўқитувчи ўқувчилар билан кўпроқ мулоқатда бўлади. Ҳикоя ёрдамида ўқувчилар билан савол-жавоб қилиб бўлмайдиган мавзуларда ўқитишда бу метод кенг қўлланилади. Масалан, вулканларни, ер қимирлашлар, оқимлар, кашфиётлар, экваториал ўрмонлар ва бошқаларда бу методнинг афзаллиги ёрқин сезилади.

Ҳикоя объект ва ҳодисаларни, табиат ва жамиятдаги халқлар ҳаётидаги ҳодисалар, воқеаларнинг нутқда ифодаланишидир.

Ўқитувчи бирон нарсани тасвирлаш орқали унга хос бўлган белгиларни ажратади ва шу билан уларда тушунча ва тасаввурлар ҳосил қилади. Ҳикоя ўқувчиларда материални ўзлаштиришни енгиллаштиради. Ҳикоянинг таълим тарбиявий аҳамияти фактларни тўғри танланишга боғлиқ. Баъзан ўқитувчи асосий билимларни ўзлаштирилиши қийинлаштирадиган бир қатор қўшимча, иккинчи даражали маълумотларни баён қилади. Айрим ҳолларда ўқувчи экскурсияда олган таассуротларини айтаётганда асосий нарсани ажрата олмасдан, кўрган нарсаларнинг ҳаммаси ҳақида гапиравераді.

Маълумотлар, фактлар, воқеалар, мисоллар битта умумий мавзу, ягона вазифага бирлаштирилиб шу вазифа изчил ва мунтазам тарзда олиб борилса, ҳикоя ижобий натижа беради ва осон ўзлаштиришга ёрдам беради.

Ҳикоя мазмуни ўқувчининг шахсий тажрибаси билан, маҳаллий табиат билан боғланиши уни мароқли қилади, кечинма ва ҳиссиётларни вужудга келтиради. Ўқитувчи конкрет вазиятни ва ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини эътиборга олиб, бевосита дарс мазмунига мос келадиган ҳикояларни танлаши керак. Энг муҳими ҳикоя аниқ тузилишига эга бўлиши, яъни унинг бошланиши, воқеаларнинг ривожланиши кульминацион нуқтаси, хотима қисми бўлиши керак.

Агар ўқитувчи ҳикоя методини олдиндан танламаса ҳикоя қизиқарсиз чиқади. Мактаб географиясида ҳикоянинг қуйидаги икки тури кенг қўлланилади:

1. Ўрганилаётган курсда фактик билимлар тизимини баён қилишдан иборат бўлган ҳикоялар. Буларга саёҳатчилар, материклар ва океанлар ҳақида, Ўзбекистон географиясида кишиларнинг хўжалиги, турмуши, маданияти ҳақидаги ҳикоялар киради.

2. Тасвирий ҳикоялар ёки картина-ҳикоялар. Бу турдаги ҳикоянинг асосий мақсади географик объект ва ҳодисалар ҳақида ўқувчиларда аниқ тасаввурлар ҳосил қилишдан иборат.

Биринчи турдаги ҳикоялар материални ўрганишда асосий метод сифатида қўлланилса, иллюстратив ҳикоялар бошқа методларни тўлдирувчи қўшимча материал сифатида ишлатилади.

Кўпчилик ҳолларда ҳар икки турдаги ҳикоялар битта ҳикояни баён қилишда ҳам қўлланилиши мумкин. Тасвирли ҳикоя мазмунини бадиий ва илмий-оммабоп адабиётлар, ўқитувчининг саёҳат, ва кинофильмлардан олган шахсий кечинмалари ташкил қилади. Тасвирли ҳикоя географик талабларга жавоб бериши билан бирга объект ва ҳодисалар дарс мазммуни билан уйғунлашган ҳам бўлиши лозим. География таълимида карта, расмлар асосидаги ҳикоялар ҳам кенг қўлланилади.

Ҳикояда объектнинг умумий белгиларидан асосий белгилар ажратиб кўрсатилиши яхши натижалар беради. Масалан, Материклар географиясида ўқитувчи Узоқ Шарқ табиий районидаги жанубий ўрмонларни ҳикоя қилмоқчи дейлик. Ўқувчиларда бу ўрмонлар ҳақида яхши тасаввур ҳосил қилиш учун бу ўрмонларнинг асосий ўсимлик турларини ва уларнинг жойлашиши ҳақида гапириш керак. Кейин ўқитувчи бу ўрмонларга хос бўлган умумий белгиларни ажратади. (қалинлик, кўп яруслик, кейин шу ўрмонларгагина хос бўлган ўсимликларни таърифлайди. Масалан, Манжурия ёнғоғини тасвирлаб унинг барглари катталигини, барглари асосан шохлари учида бўлишлигини, меваси қалин этли қобиқ билан ўралишини ҳикоя қилади.

Ҳикоядан дарснинг турли босқичларида фойдаланилади. Ҳикоя ўшимча билимларни хабар қилиш воситаси ҳам бўлиши мумкин. Ъаъзан ҳикоя дарсда мустақил ўрин ҳам эгаллаши мумкин, унинг урли босқичларида тушунтириш жараёнига ҳам киритиш мумкин. Ҳикоя дарснинг бошида янги материални ўзлаштиришга тайёр- айди, охирида қўлланилса ўрганилган материални умумлаштира- и ва дарсга хотима ясайди.

Ҳикояга юқори синфларда 20-25 минут, қуйи синфларда 5 ми- утдан 15 минутгача вақт ажратиш мумкин. Ҳикоянинг салбий омонлари ҳам бор. Ҳикоя пайтида ўқувчилар фақат диққат билан ингловчи бўлиб, фаол ишга жалб қилинмайдилар. Ҳикоя анчага етса ҳам улар диққати асосида ва оқибатда унинг таъсири камая- и. Ўқитувчи ҳикоя вақтида ўқувчи ёшига мос келадиган, дарс азмунига тўғри келувчи материаллар тўплаши керак. Ҳикояда ортиқча фактлар, рақамлар, узук-юлуқ тасвирлар бўлмаслиги ке- рак. Ўқитувчи фақат ўзи билган нарсаларни гапирмасдан, балки авзуга оид бўлган материалларни ҳикоя қилмоғи зарур. Ҳикоя жуда соддалаштириб юбормаслиги, унда тушунчалар, атамалар албатта акс этиши керак. Қисқаси ҳикоя географик шаклланишида муҳим омил бўлиши мақсадга мувофиқ. Ҳикоя пайтида айрим авҳум нарсалар, рақамлар, доскага ёзиб борилиши керак. Ҳикоя давомида ўқитувчи назорат саволлар бериб бориши материалнинг пухта ўзлаштирилишини таъминлашга ёрдам беради.

ТУШУНТИРИШ—назарий ўқув материалини эгаллаш шакли бўлиб, ўқувчиларга географик жараён ва қонуниятларини кенгроқ очиб бериши лозим бўлганда қўлланилади. Тушунтиришда мулоҳа- за қилиш шакллари таҳлил ва сентез, кузатиш ва хулосаларни таҳ- лил қилиш, индукция (аниқ маълумотлар асосида хулоса чиқариш) дедукция (илгари ўрганилган умумий ҳодисалар асосида маълум қ ида, таърифини шакллантириш) кенг қўлланилди.

Ш ининг шакли, катталиги географик кенглик ва узоқлик, ернинг ў ўқ ва йиллик ҳаракати, градус тури, тоғларнинг пайдо бўли- ш, б ғ, пассат, муссон, циклон, антициклон, фронтлар, геологик ҳ ад ар, иқтисодий қонуниятлар ишлаб чиқаришни жойлаштири- ш ларини ўрганишда тушунтириш методидан кенг фой- дал ла ди.

Материклар ва океанлар географиясида Шарқий Осиё мавзуси- ни ўтишда муссон ва муссон типидаги иқлимни қуйидагича тушун- тириш мумкин. Маълумки, Шарқий Осиё энг катта океан билан туташ жойда жойлашган, шу туфайли Шарқий Осиё иқлими бево- сита қуруқлик ва сув устида турлича ҳарорат, босим вужудга ке-

лиши билан белгиланади. Буни доскада қуйидаги таянч режа асосида тушунтириш мақсадга мувофиқ.

1. Ёзда қуруқлик ва океан устида ҳаво ҳарорати қандай тақсимланади? Қишдачи?

2. Ёзда қуруқлик ва океан устида ҳаво босими қандай тақсимланади? Қишдачи?

3. Агар бизга ҳаво босими тақсимланиши маълум бўлса, шамол йўналишини аниқласак бўладими?

Юқоридаги саволлар асосида муссоннинг мавсумий характерга эканлиги ўқувчиларга тушунтирилади. Тажрибали ўқитувчилар тушунтириш моментларини олдидан белгилайдилар. Бу моментларнинг ҳар бири пухта тайёргарликни талаб қилади. Назарий ва амалий материални пухта, изчил баён қилиш, пухта ўйланган тушунтиришлар ва қўшимчалар, тушунтиришни илмий билимларни эгаллашнинг таъсирчан методига айлантиради. Мамлакатлар, иқтисодий зоналар ихтисослашуви, иқтисодий ҳудудлар иқтисоди тушунтирилаётганда ўқитувчи аввало далилларга асосланган маълумотларни йиғади. Масалан, бирон мамлакат саноати тушунтирилганда унга доир бўлган саволлар аниқланади. (Саноат тизимини, асосий тармоқлари, саноат марказлари, хом ашё билан таъминлаш; кейин айтиш лозим бўлган маълумотларни йиғади ва шу мамлакат саноатининг ўсиши; қийинчиликлари, муаммолари ҳақидаги маълумотларни тўплайди. Тушунтириш бандлардан иборат бўлиши керак. Масалан, Ўзбекистон географиясида, Ўзбекистон саноатини қуйидаги режа асосида ёритиш мумкин:

1. Ўзбекистон саноатини Япония, Исроил, саноатига нисбатан бирмунча заифлиги сабаблари.

2. Ўзбекистон саноатини ҳозирги даврда ривожлантириш вазифалари

3. Асосий саноат тармоқларининг ривожланиши

4. Саноатнинг жойлашиши ва асосий саноат районлари

Ўқитувчи ҳар бир саволга жавобларни фактларга таянган ҳолда бериши керак. Қуйи синфларда тушунтиришда суҳбат ва ҳикоя элементлари ҳам қисман иштирок қилди. Юқори синфларга ўтиш билан тушунтиришда ҳикоя элементлари деярли учрамайди.

Тушунтириш жараёнида ўқувчилар томонидан жавоб реакциясини бўлишини кўзда тутиш керак. Ўқитувчи қисқача муаммоли саволлар беришни, қийин жойларни қандай тушунганликларини сўраш, ақлий ёки амалий ишларни бажаришга ундаши мумкин в ҳ. к. Икки томонлама алоқа тушунтиришни такомиллаштиришг ёрдам беради.

СУҲБАТ—таълим методи сифатида ўқув материалини эгаллашнинг савол-жавоб шаклидир. Бунда асосий ўринни ўқитувчи саволи ва ўқувчи жавоби эгаллайди. Баъзи ҳолларда (жуда сийрак) ўқувчи саволи ва ўқитувчи жавоби ҳам учрайди. Суҳбат жараёнида ўқувчилар тушунмаганликларини ўқитувчидан сўрашлари мумкин. Баъзилар суҳбат методини савол-жавоб методи билан чалкаштирадилар. Айни пайтда уларнинг ҳар иккиси деярли мазмунан бир хил методдир.

Бу методнинг бош талаби—мукаммал ўйланган саволлар ва ўқувчилар қайтариши мумкин бўлган жавобларининг пухта тизимидир. Савол аниқ бўлиши, яъни ўқувчилар суҳбат нима устида бораётганини ҳамиша тушунишлари керак. Ўқитувчи суҳбат пайтида ўқувчилар фикрини ўрганиладиган географик объект ва ҳодисаларининг асосий белгиларига йўналтиради ва уларнинг билиш фаолиятларини бошқариб боради. Мавзу эълон қилингандан кейин саволлар ўртага ташланади, суҳбат мантиқий қисмларга бўлинади, ўқитувчи ўқувчилар жавобини тинглайди, уларнинг жавобидаги хатоларини тузатади ва тўлдиради. Шундан сўнг ўқувчиларни якун ясашга ундайди. Ўқувчиларга саволларни тўғри беришга ўргатиш керак. Саволларни тўғри тузиш ва беришнинг ўзи санъат эканлигини доимо уқтириш лозим. Савол берилаётганда ўқувчилар қайтарадиган жавоблар турлича бўлишини назарда тутиш керак. Буни билган ўқитувчи олдиндан бир қатор ёрдамчи, тузатувчи саволларни тайёрлаб қўяди.

Суҳбат ҳамиша саволлар тизимидир. Унда ҳамма нарса ўзаро боғлиқ ва асосий ғояга бўйсундирилгандир. Савол шакл жиҳатидан аниқ ва равшан бўлиши керак. Тушуниш қийин бўлган атамаларни, мураккаб иборалар ни киритиш, саволларни такрорлайвериш ярамайди. Суҳбат жараёнида турли хил кўрсатмали қуроллардан фойдаланилади, бу ўқувчилар фаоллигини оширишга ёрдам беради. Суҳбатни уюштириш анча мураккаб вазифа бўлиб, ўқитувчидан педагогик маҳорат талаб қилади. Суҳбат методининг яна энг муҳим афзаллиги шундаки, бу методда янги материални ўрганиш билан бир вақтда ўқувчилар билимини аниқлаш мумкин бўлади.

Суҳбат ўқувчиларни турли билим манбалари карта, глобус, гербарийлар, коллекциялар билан ишлашга ўргатади. Суҳбат методини мураккаб мавзуларини ўрганишда қўллаш қийин, чунки ўқувчиларда бу борада таянч билим кам. Энг муҳими суҳбатнинг яхши чиқиши учун ўқувчиларда таянч билимларга таяниши мақсадга мувофиқ.

Савол-жавоб (суҳбат) саволлари мазмунан қуйидаги турларга бўлинади.

1. Аниқ ва тўғри маълумотларни ўзлаштиришга оид саволлар? Масалан, Ўзбекистондаги энг баланд чўққи неча метр? У қайси тоғда жойлашган? Глобусни ким кашф этган? Жамолунгма чўққисини биринчи кашф қилган сайёҳни айтинг? ва ҳ. к.

2. Картани билиш ва ўқиб олишга оид саволлар. Масалан, Тошкентдан Шимолий ва Жанубий қутбгача масофаларини даража ва км ҳисобида қанчалигини айтинг. Адир зонасини режа асосида таърифланг ва ҳ. к.

3. Карталардаги объектларни таърифлай олиш тарзидаги саволлар? Масалан: Самарқанд ва Тошкент шаҳарлари географик ўрнини қиёсланг.

4. Сабаб—алоқадорлик қонуниятларини ўзлаштиришга қаратилган тарздаги савол-жавоблар. Масалан: Нима сабабдан ёш тоғларда силсилалар кўп бўлади? Чўкинди фойдали қазилмалар нима сабабдан текисликларда кўп учрайди ва ҳ. к. Ҳар бир янги мавзуни ўтилидан олдин ўқувчиларга ҳавола этилиши мўлжалланган саволлар тайёрлаб қўйилиши керак. Айниқса ин фаолиятини энди бошлаётган ўқитувчилар бу қондага ниҳоятда амал қилишлари зарур.

Чунки дарс ва суҳбат жараёнида бундай мазмундаги саволларни бевосита тузиш ва ўқувчилар диққатига ҳавола қилиш анча мураккаб масаладир. Қўйиладиган саволлар мантиқига кўра суҳбат методи 2 турга бўлинади:

1. **Савол-жавоб суҳбати.** Бунда ўқитувчи саволлар қўяди, ўқувчилар эса унга қисқа жавоб қайтарадилар. Савол-жавоб орқали далил ва географик объектларнинг жойлашиши ҳақидаги билимлар аниқланади. Бу методда ўқувчиларнинг илгари олган билимлари такрорланади. Масалан, Европа билан Осиё, Евросиё билан Африка ўртасидаги чегаралар қаерлардан ўтади?

2. **Кенг кўламдаги эвристик суҳбат.** Бу методда ўқитувчи ўқувчиларнинг билиш фаолияти устидан назорат қилади. Улар диққати географик объект ва ҳодисаларнинг энг муҳим белгиларини аниқлашга ва мустақил хулосалар чиқаришга қаратилади. Саволлар шундай қўйилиши керакки, берилган жавоб асосий фикрни ифодаласи ва шу фикрни давом эттириши керак. Ёки қўйилган саволлар узуқ-юлуқ бўлмай биринчиси иккинчисини, иккинчиси эса учинчи саволни тўлдириши мақсадга мувофиқ. Савол-жавобларнинг кенг кўламда уюштирилиши ўқувчиларда фаол фикрлаш фаолия-

тини ривожлантиради. Қуйида Ўзбекистон иқлими мавзусида иқлим картаси асосида бир-бирини тўлдирувчи қуйидаги саволларни бериш ва унга жавоб талаб қилиш мумкин.

1. Ўзбекистоннинг Шимолий ва Жанубий қисмида ёзда ҳаво ҳарорати қандай?

2. Шу жойларда қиш ҳарорати қандай?

3. Ўзбекистон Шимолий ва Жанубий қисмларида ҳаво ҳароратини йиллик амплитудаси қандай?

4. Йиллик амплитуданинг бундай фарқланишига сабаб нима?

5. Ўзбекистон Шимоли ва Жанубида ёғинларнинг тақсимланиши қандай?

6. Ёғинларнинг бундай фарқланишига сабаб нима?

7. Совуқ кунлар Ўзбекистон Шимоли ва Жанубида қанча вақт давом қилади?

Кенг кўламдаги бундай суҳбатда асосан янги билимларни ўрганишда ва якуний такрорлашда қўлланилади. Суҳбатда бир неча тиндаги саволлар қўлланилади:

а) Ўқувчилардаги мавжуд билимларни аниқлаш саволлари;

б) Карта, кўргазмали қуроллар, статистик материаллар асосида янги билимларни эгаллашда қўлланиладиган саволлар;

в) Таққослаш орқали географик воқеа ва ҳодисаларнинг сабаб-оқибатларини билишга қаратилган саволлар ва ҳ. к;

География таълимида карта асосуда уюштириладиган суҳбат кенг қўлланилади. Суҳбат методини дидактик мақсадига кўра 3 хилга бўлиниши мумкин;

1. Тушунтириш ёки кириш суҳбати янги материални ўрганишда қўлланилади ва ўқувчилардаги мавжуд билимларга таянган ҳолда уюштирилади. Ўқувчилар объект ва ҳодисалар ўртасидаги алоқаларни мустақил аниқлашдан иборат бўлган вазифаларни бажаради. Ўқувчиларга карта ва бошқа кўрсатмали воситалар асосида саволлар берилади. Савол воситасида янги материал эски материаллар билан боғланади. Масалан, Африка иқлимини ўтишда ўқувчилар 4-синфда эгаллаган тушунчаси эсга солиниб, иқлимга таъсир қилувчи омиллар аниқланади.

2. Назорат суҳбати—ўқувчилар экскурсия ва кезишлардан (поход) кейин географик материални ёки синфда сўзлаб берилганларни қанчалик тўғри ўзлаштирганликларини ҳамда билим, кўникма ва малакаларни қандай эгаллаганликларини аниқлашда қўлланилади.

3. Умумлаштирувчи суҳбат. Бу турдаги суҳбатни уюшти-

ришдан асосий мақсад ўқувчиларни хулоса чиқаришга ўргатишдан иборат. Бунда ўқувчиларнинг географик таассуроти ва билимлари тартибга солинади. Якунловчи суҳбат йирик мавзулар, қисмлар, билимлар ўтиб бўлингандан кейин қўлланилади. Суҳбат турлари ўқувчиларнинг тайёргарлигига қараб ўзгариб туриши ҳам мумкин. География таълимининг дастлабки босқичларида суҳбат оддий, кам сонли ва қисқа жавоб талаб қилувчи саволлардан иборат бўлади. Ўқувчиларнинг фикрлаш қобилияти ривожланиши ва мустақиллиги ошиши билан суҳбат метод сифатида такомиллашади. География ўқитишда суҳбатнинг яхши чиқиши учун қуйидагиларга эътибор бериш керак.

1. Савол шакл жиҳатидан аниқ ва равшан бўлиши керак. У бутун синфга тушунарли бўлиши учун жумлалар аниқ тузилиши лозим. Қийин атамалар мураккаб ибораларни киритиш ярамайди. Берилган савол муайян жавоб талаб қилиши керак. Масалан, ўрмонда ўсимликлардан нималарни кўрдингиз деб эмас, балки сиз ўрмонда қандай дарахт турларини учратдингиз, деб қўйилиши мақсадга мувофиқ. Қўйилган саволга бутун синфнинг бирданига жавоб берилишига йўл қўймаслик керак. Бундан қутилиш учун саволлар ўқувчиларга якка-якка берилиш ҳам мақсадга мувофиқ. Шунинг учун уларни ўйлашга фикрлашга мажбурлайдиган саволлар қўйилса ҳамма ўқувчилар қўйилган саволга бирданига жавоб бераолмайдилар ва х. к.

2. Ўқувчилар жавоблари ҳам фикр жиҳатдан равшан бўлиш керак. Жавоб муайян режа асосида бўлиши лозим. Энг муҳими, қандай воситалардан фойдаланиб, нимани исботлаётганлиги ёки тушунтираётганлигини англаши зарур.

3. Қўшалоқ савол беришдан сақланиш керак. Масалан, сиз тенисликда оқадиган дарёларни биласизми ва улар қай жиҳатдан тоғ дарёларидан фарқ қилади?

Бундай саволлар ўқувчи диққатини бўлади. Саволлар қисқа бўлса, шундан қўшалоқ савол бериши мумкин. Масалан, Ўзбекистонлик сайёҳлардан кимлар ва қандай қилиб Жомолунгма чўққисини забт қилди?

4. Саволларга кераксиз, ортиқча сўз ва жумлалар киритмаслик лозим. Масалан: энди кўрайликчи, ким жавоб берар экан, «демак», «яъни», сўзларини керагидан ортиқча ишлатмаслик зарур.

5. Жавоби англашилиб турадиган саволлар бермаслик керак. Масалан: Кузатувчи юқорига кўтарилган сари уфқ чизиғи кенгаядими? Бу саволни кузатувчи юқорига кўтарилганда уфқ қай ҳолда ўзгаради? шаклида ҳавола қилган ва тузган маъқул.

6. Ғоят мураккаб ва ғоят узун жавоб беришни талаб қиладиган оғир саволлар тузмаслик зарур.

7. Ҳа ёки йўқ деб жавоб қайтариш талаб қилинадиган савол бўлмаслиги керак. Масалан: Амударё Оролга қўйиладими? Волга Каспийга қўйиладими? ва ҳ. к.

8. Ҳар хил жавоб берилиши мумкин бўлган ноаниқ саволлар беришдан қочиш керак. Масалан: Сел пайтида нима бўлади? Туман бўлганда нималар бўлади? ва ҳ. к.

9. Муҳокама (дискуссия) талаб этадиган саволлар пухта ўйлаб ўртага ташланиши керак. Масалан: Орол кўли яна ўз ҳолига қайтиши мумкинми? ёки Орол бутунлай қуриса нима бўлади? ва ҳ. к.

10. Саволлар маъноли, грамматик жиҳатдан тўғри, содда тилда, тушунарли қилиб ифода этилиши керак. Саволлар ўқувчидан ўйлаб кўриш, муҳокама қилишни талаб этадиган қилиб тузилиши зарур. Саволларни тузиш учун кўп вақт кетишлиги бу методнинг камчилиги ҳисобланади. Суҳбат методи асосида ўрганиладиган мавзунинг бир неча қисмга бўлиб ўрганилиши оқибатида ўқувчиларнинг хотирасида унинг бир бутунлиги йўқолиши мумкин. Бироқ бу камчиликни якунловчи суҳбатда бартараф қилиш мумкин. Билимларни эгаллаш шакли сифатида суҳбат ўқув жараёнида турли ўринни эгаллаши мумкин: дарс бошида тайёргарлик ва янги материални ўзлаштириш, уйга берилган вазифани текшириш, эътиборни тўплаш воситаси бўлиши, тушунтириш жараёнида янги материални ўрганилган билимлар билан боғлаш, дарс якунида ўрганиладиган қоидалар ва таърифларни мустаҳкамлаш методи сифатида, якун сифатида фойдаланиш мумкин. Суҳбат бошқа методлар билан боғланган бўлиб, уларни тўлдириб туради. Материални эгаллашнинг ҳар қандай шаклларида қисқача суҳбатлардан фойдаланилади.

ЛЕКЦИЯ, (МАЪРУЗА)

Лекция деганда мавзуни равон, илмий ва изчиллик асосида баён этилишига тушунилади.

Лекция 30-40 минут давом қилади. Қолган вақтда ўқитувчи маслаҳати ва уйга вазифа эгаллайди. Бу методларни бошқа методлар билан уйғунлаштирилиб олиб борилса унинг самараси юқори бўлишлиги тажрибаларда исботланган.

Лекция ўқувчилардан ўқитувчининг бир оз узун нутқини эшитилишини талаб қилади. Шу туфайли ундан юқори синфларда кўпроқ фойдаланилади. Маъруза деганда олий ўқув юртидаги толибларга 80 минутда, мактаб ўқувчиларга эса 30-40 минут вақтда ўқитиладиганини фарқ қилиш керак.

Маъруза ўқитувчидан катта тайёргарлик талаб қилади. У бир вақтнинг ўзида таълим шакли бўлиш билан бирга ўқитишни оғзаки баён қилиш учун ҳам мўлжалланади.

География таълимида маъруза қилиш дарсларида, дастурнинг йирик бобларини ўтганда, ўрганилаётган материалда назарий билимлар кўпроқ бўлса, кенг қўлланилади.

Маърузани ўқитувчидан ташқари илмий ходимлар, иқтисодчилар, журналистлар ва бошқа мутахассислар ҳам олиб боришлари мумкин.

Маърузага тайёрланишда қуйидаги режа асосида иш кўриш мақсадга мувофиқ:

1. Мавзуни танлаш ва маъруза мақсадини аниқлаш
2. Танланган мавзу бўйича дарслик ва қўшимча адабиётлардан материалларни ўрганиш
3. Маърузанинг режа-кўчирмасини тайёрлаш, унда маъруза вазифалари, жиҳозлари, ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти, уй вазифаси белгиланиши керак. Илғор ўқитувчилар тажрибалари шуни кўрсатаяптики, маърузани қуйидаги ҳолларда кўпроқ қўллаш самарали натижалар беради:

1. Олдинги материал билан оз миқдорда боғлиқ бўлган ёки умуман боғлиқ бўлмаган янги материални ўтишда.
2. Ўтилган ўқув материалининг турли бўлимларини умумлаштиришда
3. Ўрганилган қонуниятларнинг амалий қўлланилиш тўғрисидаги ўқувчиларга маълумотлар берилганда.
4. Фанлараро алоқалар зарур бўлган мавзулар ўрганилаётганда.
5. Муаммоли дарсларни ўтказишда. Олий мактаб лекцияси конкрет материал устида атрофлича назарий муҳокама юритиш илмий асосда чуқур таҳлил қилиш ва умумлаштиришдан иборат. Лекция материаллари таҳлили умумлаштиришлар суҳбат шаклида эмас, монолог шаклида бўлади. Таҳлил қилиш, умумлаштириш, тартибга солиш ва муҳокама юритиш маъруза методининг энг муҳим томонларини ташкил этади. Олий мактаб лекцияси ўзининг ана шу хусусиятлари билан ажраладис Мактаб лекцияси—фақат ажратилган вақтнинг кўп ёки озлиги билан эмас, балки ўзининг мазмуни, ўқитилиши ва ўрганишнинг методлари жиҳатидан ҳам олий мактаблардаги лекциялардан фарқ қилади. Унинг аҳамияти шундаки, ўқувчиларни тинчлашга, асосий нарсаларни ажрата билишга ва кўчирма олишга ҳам ўргатади.

Лекция учун назарий билимлар кўпроқ мужассамланган мавзу танлаш керак. Бундан ташқари танланган материал ўзида қизиқар-

ли фактларни мужассамлаштирган бўлиши керак. Ўқитувчи лекция мавзуси билан бирга уни баён қилиш режасини ҳам эълон қилади. Режа доскага ёзиб қўйилса, яна ҳам яхши ҳар бир бандга алоҳида тўхташ керак.

Мактаб лекциясида суҳбатнинг айрим кўринишлари ҳам қўлланилади. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш, уларнинг диққатини лекцияни муҳим томонларига жалб қилиш мақсадида саволлар берилиб борилади. Мактаб лекцияси баён қилинган материал юзасидан якуний суҳбат билан тугайди. Мактаб лекциясида ўқувчилар ёзиб улгуриши учун секин ўқилади. Лекциядаги рақамли материаллар, айрим тушунчалар, атамалар, тахтага ёзиб борилиши янада яхши. Ўқувчиларни лекция режасини мустақил тушунишга ўргатиш керак. Ўқувчилар тузган режалар баҳолаб борилса, самарали натижалар бериши мумкин.

Лекцияни 2 методда ташкил қилиш мумкин: Ўқитувчи лекцияси олим ёки мутахассис лекцияси, тажрибалар шуни кўрсатадики, мутахассис ёки олим ўқиган лекция ўқувчиларда катта қизиқиш уйготади. Лекция жараёнида техника воситалари, турли кўргазмали қуроллардан ҳам фойдаланиш керак.

Иқтисодий география курсларида иқтисодий зоналар, жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географиясида ривожланган мамлакатлар. Осиёдаги ривожланаётган мамлакатлар, Африка мамлакатлари, жаҳон иқтисодий муносабатлари каби жуда кўп мавзуларда лекция методини қўллаш мумкин. Лекцияни синов-семинар тизими билан қўшиб олиб бориш мақсадга мувофиқ. Лекцияда ўқувчиларнинг мустақил ишларига ҳам эътибор бериш лозим. Мактаб лекцияси қуйидаги дидактик талабларга жавоб бериши керак:

1. Лекция илмий жиҳатдан мукаммал бўлиши лозим.

2. Лекция дарслик мазмунига қараганда кенг, уни кўп жиҳатдан ойдинлаштирадиган бўлиши керак. Лекция мазмуни дарслик мазмунидан қисқа ёки айнан шу мазмундан иборат бўлиб қолса, уни ўқувчилар деярли тингламай қўйишлари мумкин.

3. Лекция мазмунан кўргазмали бўлиши керак.

4. Лекция ўқувчиларни фикрлашга, воқеа ва ҳодисаларни таҳлил қилишга, умумлаштиришга ўргатиши керак.

5. Лекциянинг ўқувчиларга етиб бориши учун ўқитувчи ўзининг нутқи устида кўп ишлаши лозим.

6. Саволлар лекция якунида берилиши мақсадга мувофиқ.

ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА ЎҚИТУВЧИНИНГ ЎҚИБ БЕРИШИ

Мавзуни оғзаки баён қилиш ва суҳбат жараёнида ўқитувчи томонидан ўқиб берилиши ҳам кенг қўлланилади. Одатда география

хрестоматиясидаги мақолалар, дарсликларнинг баъзи жойлари, дарс мавзусига оид газета ва журналлардан олинган парчалар ўқилади. Ўқиб беришдан асосий мақсад қуйидагича:

1. Ўқитиш методини тез-тез ўзгартириб туриш.
2. Дарсни таълим-тарбия жараёнини фаоллаштириш.
3. Дарсда ўтилаётган мавзу ўқитувчи ўз сўзлари билан айтиб бера олмайдиган даражада бўлса.

4. Матн бадиий жиҳатдан бой бўлса. Дарсда ўқиб бериш 10-15 минутдан ошмаслиги керак. Ўқиб бериладиган материал дарс материалларини тўлдириши зарур. Дарсликдаги материални ўқувчининг ўзи ҳам ўқиб олади. Демак дарсликда йўқ бўлган қизиқарли материаллар ўқиб берилса фаол иштирок қиладилар. Ўқиш жараёнида объектлар картадан кўрсатиб борилиши лозим. Айрим атамаларга изоҳ ҳам берилиб борилса янада яхши бўлади. Ўқувчиларни энг муҳим жойларни ёзиб боришларига аҳамият бериш керак. Ўқиб берилган материаллар ўқувчилардан сўраб борилса ва уларга қисқача режалар туздирилса дарс самарадорлиги ошади.

Синфда ўқиб бериш учун материалларни қаердан олиш мумкин. Бунинг учун ўқитувчи систематик равишда бадиий адабиётлар, махсус географик китоблар, журналлар ва газеталарни йиғиб бориши керак. Булар:

а) мавзуга оид бадиий матнлар (А. Навоий, Бобур, А. Қодирий, Ойбек, Ҳ. Олимжон, О. Матчон, А. Орипов ва бошқалар);

б) сайёҳлар ҳам дарс мавзусига оид бўлган жараёнларни ўз кўзи билан кўрган кишиларни тасвирий нақолаларни;

в) шу мавзуга доир илмий-оммабоп китоблар ва мақолаларнинг айниқса қизиқарли жойлари;

д) дарс мавзуга оид журнал ва газета янгиликлари «Фан ва турмуш», «Сирли Олам» ва бошқаларда кўп материаллар берилмоқда.

Ўқиш учун белгиланган барча материаллар ўқитувчи томонидан текширилиб чиқилиши дастурдаги материални ўзлаштириш учун унга қандай ёрдам бериш мумкинлиги олдиндан ўйлаб ва белгилаб олиниши керак. Матн дарснинг қайси босқичида ўқиб берилиши мумкин. Бу масалада андоза бўлмаслиги керак. Ўқитувчи шароитига кўра, мавзуни тушунтиришнинг мантиқий давомини ҳисобга олиб мувофиқ вақтда ўқиб берса бўлади. Ўқилган матннинг мазмуни дарснинг шу стадиясидаги материаллар билан чамбарчас бўлишига доимо эътибор берилиши керак.

ЕТАКЧИ ТУШУНЧАЛАР

Метод, Умумий методлар, Методика, Хусусий методлар, Методология, Нутқ маданияти, Метод, Суҳбат, Таққослаш методи, Савол-жавоб, Қиёслаш методи, Лекция (маъруза), Назорат суҳбати, Кузатиш, Қўшалоқ савол, Картографик метод, Умумлаштирувчи суҳбат, Суст (пассив) метод, лекция талаблари, мактаб лекцияси, олим лекцияси.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Метод билан билим ўртасида қандай алоқадорлик мавжуд?
2. Дидактика методлари таснифи билан географик таълим методлари ўртасида қандай ўхшашликлар бор? Фикрингизни исботланг.
3. Таълим методлари қандай педагогик, дидактик талабларга жавоб бериш керак?
4. Лернер. И, Скаткин М. лар яратган методлар таснифини қайси хусусиятлари сизга ёқади? Фикрингизни исботланг.
5. География таълими методлари таснифини схематик тарзда акс эттиринг.
6. Географияда билим манбаларига кўра таълим методларини тасвирланг.
7. Хусусий методлар билан умумий методларни тавсифланг.

АДАБИЁТЛАР

1. Баранский Н. Н. Дидактика М. Педагогика 1983
2. Методика обучения географии в средней школе М. 1984
3. Қурбонниёзов Р. география таълими методикаси Тошкент 1993
4. Мўминов О. География таълими методикасига Тошкент 1987
5. География в школе журналлари 1997-2001.

ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИ ҚИСМЛАРИ

РЕЖА:

1. Географик билимларнинг ўрни ва роли
2. Назарий ва эмпирик билимлар
3. Географик тушунчаларни шакллантириш
4. Индуктив ва Дедуктив шакллантириш босқичлари
5. Географик тушунчаларнинг турлари

Мактаб географияси мазмуни билимлар (тушунча, сабаб-оқибат алоқадорлиги, қонуниятлари, назарий, тасаввур, фактлар) кўник-

малар, малакалар, ҳамда дунёқараш ғояларини ўз ичига олади. Бундан ташқари таълим мазмунида ўқувчиларнинг ижодий фаолият тажрибалар ҳам катта роль ўйнайди.

Билим кўникмаларнинг табиат ва жамият ҳодисалари ҳақида ҳосил қилган тўғри маълумотлардир. **Билим ижтимоий меҳнат ва тафаккур маҳсули бўлиб, мавжуд оламнинг объектив, қонуний алоқаларини тил воситаси билан ифода қилади.** Билим билиш билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг натижаси ва таркибий қисмидир. Объект ва ҳодисалар ҳақидаги билимлар нисбий бўлиб, у мутлоқ эмас. У доимо ривожланиб чуқурлашиб боради. Чунки ҳар бир янги авлод ўзидан олдинги авлод билимларни ўзлаштиради, янги-янги ҳодисаларни чуқур ўрганиб, уни бойитади, олға силжитади. Билим кундалик тажриба илмий кузатиш, назариялари орқали тўпланади.

Билимлар икки гуруҳга ажратилади.

1. Назарий билимлар.
2. Эмпирик билимлар.

Назарий билимларга нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари ички алоқадорлиги ва муносабатлари киради. Илмий билимлар умумлашган билимлар бўлиб, ўз ичига назария қонуни, қонуният, сабаб-оқибатлар тушунчаларини олади.

Эмпирик билимлар объект ва ҳодисаларнинг ташқи хусусиятларига оид билимларни акс эттиради, буларга тасаввур ва фактлар киради. Мактаб географиясининг илмий даражасини олиши муносабати билан унинг мазмунида эмпирик билимларга нисбатан назарий билимлар ҳажми кўпаймоқда. География курсларининг барчасида асосий ўринни умумий тушунчалар эгаллайди. (рельеф шакллари, иқлим турлари иқтисодий ҳудудлар, ТИЧКлар, ТХМлар ,ва ҳ. к), ҳар бир география курсидаги мавзулар билимлар таркиби жиҳатдан анча мураккаб бўлиб, синфдан-синфга мураккаблашиб боради. Айниқса иқтисодий—география курсларида яққол намоён бўлган ҳар бир мавзуда ўплаб тушунчалар учрайди. Булар умумгеографик тушунчалар, фактларда, иқтисодий, экологик, тарихий статистик ва бошқалар тушунчалар тарзида бўлиши мумкин.

Демак, ўқув материали ҳажми ўқувчилар ўзлаштириши учун анча мураккаблик туғдиради. Шу туфайли билимларни пухта эгалланлик учун уларни аниқлаштириш, умумлаштириш индукция, дедукция ва таҳлилдан унумли фойдаланиш керак. Ҳар бир география ўқитувчиси билимларни эгаллаш жараёнини йўлларини пухта билиш лозим. Чизмага қаранг.

ГЕОГРАФИК ТУШУНЧАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Инсон воқеаликни билиш жараёнида нарсаларни бир-бири билан қиёслайди, уларни таққослайди, ўхшашлиги ва фарқларини аниқлайди: таҳлил ва синтез йўли билан нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини очади, фикран уларнинг белгиларини ажратади ва умумлаштиради. Натижада воқеаликдаги нарса ва ҳодисалар тўғрисида тушунча ҳосил бўлади.

Тушунча нарса ва ҳодисаларнинг умумий ва муҳим белгиларини акс эттирувчи фикрдир. Тушунчалар моҳияти жиҳатидан аниқ ва мавҳум тушунчаларга ажратилади. Бир бутун нарсага алоқадор тушунча аниқ тушунча дейилади.

Масалан, Австралия, Антарктида, Урал, Бриз, Пассат, ва ҳ. к. Моддий борлиқдаги нарсалардан фикран ажратиб олинган баъзи хусусият сифат, ҳолатларга, шунингдек нарсалар ўртасидаги ички мўносабатларга қонуниятларга қаратилган тушунчалар абстракт (Мавҳум) тушунча деб аталади. Масалан: кенглик, узунлик, баландлик, тоғлик, ихтисослик, бозор ва ҳ. к. Географик тушунчалар қўллаш жиҳатидан икки турга бўлинади.

1. Умумий тушунчалар
2. Якка тушунчалар

Умумий тушунчалар бир жинсда бўлган кўп нарса ва ҳодисаларни гавдалантиради. Умумий тушунчаларга алоҳида нарса ва ҳодисалар кирмасдан, балки бир хил ном билан аталувчи нарса ва ҳодисалар киради.

Масалан: дарё, иқлим, табиат зонаси, иқтисодий район ва ҳакозо. Умумий тушунчалар мазмуни таъриф бериш ва уларга хос бўлган белгиларни аниқлаш жараёнида келиб чиқади. Якка тушунчалар, якка объект ва ҳодиса ҳақидаги географик ном билан аталувчи тушунчадир. Масалан, Олтой тоғлари, Амударё, Помир, Марказий Осиё ҳудуди, Франция республикаси, Афғонистон ва ҳакозо.

Якка (минтақавий) тушунчалар ўзига хос йиғма тушунчалардан иборат бўлади. Масалан: «Осиё» якка тушунчаси ўз ичига жуда кўп якка тушунчаларни олади. «Осиё тоғлари», «Осиё иқлими», «Осиё дарёлари», «Осиё қўллари» ва ҳоказо. Якка тушунчалар мазмуни уларга географик таъриф бериш орқали очилади. Географик тушунчаларни шакллантириш узоқ ва мураккаб жараён.

Тушунчаларни эгаллаш унинг негизида янги тушунчаларни эгаллаш учун асос бўлиб хизмат қилади ва тушунчалар ўртасида тўғри алоқадорлик ўрнатишни таъминлайди.

Тушунчани эгаллаш деганда: унинг мазмунини, ҳамда у билан боғлиқ бўлган тасаввурларни эгаллаш тушунилади. География курсидаги ҳар бир тушунча ўқувчилар онгида турлича методлар, йўллар билан шакллантирилади. Буни ҳар бир нарса, воқеа, ҳодиса мазмунини белгилайди.

Географик тушунчаларни эгаллашнинг энг асосий томони шундаки, уларга таъриф бермай туриб уларни эгаллаб бўлмайди.

Тушунчаларни шакллантириш босқичлари ва йўллари

Тушунчани шакллантириш йўллари

ИНДУКТИВ	ДЕДУКТИВ
1. Географик объект ва ҳодисаларни кузатиш	Тушунчанинг таърифини бериш
2. Уларни таққослаш орқали тушунча белгиларини ажратиш	Тушунчага хос бўлган белгиларни ажратиш ва эгаллаш. Тушунча алоқадорлигини аниқлаш
3. Умумлаштириш	Машқлар орқали тушунча белгиларини мустаҳкамлаш
4. Тушунчага таъриф бериш бўйича бажариладиган ишлар	Янгича ўқув вазиятда тушунчани қўллаш.
5. Тушунча ҳақидаги билимни амалда қўллаш	

Юқоридагиларга эришиш учун ўқувчиларда билиш фаолиятини ташкил қилиш зарур. Ўқувчилардаги бу фаолиятини табиий иқтисодий билим манбаларига жумладан карта статистик маълумотлар, кузатиш натижаларга таянмасдан ташкил қилиб бўлмайди. Географик тушунчаларни эгаллашдаги иккинчи муҳим хусусият илмий тушунчаларнинг бир-бири билан боғланиб, тизим (система) ҳосил қилганлигидир. Масалан, мактаб табиий география курслари ер табиатга, географик қобиқлар таркиби ва ривожланишига оид бўлган ягона билимлар тизимига эга. Шу туфайли ҳам табиий географик тушунчалар мантиқан ва географик мазмун жиҳатдан бир-бири билан боғлиқ. Бунга мисол тариқасида «табиий ҳудудий комплекс», «географик қобиқ», «табиат қисмлари» ва бошқаларни келтириш мумкин. Географик тушунчаларни шакллантириш узоқ муддат талаб қиладиган жараён бўлиб, бир неча курс давомида ўқитилади. Масалан, экология тушунчаси шаклланиш бунга мисол

бўлади. У қуйи синфлардан бошланиб, юқори синфларгача давом қилади. География тушунчаларни шакллантириш жараёни бошқарилиши хусусиятига эга бўлиб, уни ўқитувчи амалга оширади. Ўқитувчи дарслик ва дастурлар асосида тушунчаларни ажратади, уларни эгаллаш, мустаҳкамлаш ва амалда қўллаш босқичларини белгилайди, ҳамда ўқувчиларнинг тушунча мазмунини қандай эгаллаш зарурлигини таъминлайди. География тушунчалар таълим жараёнида секин-аста ривожланади. Дарсда шу нарсага эътибор бериш керакки, умумий тушунчаларни шакллантириш якка тушунчаларга таянмасдан амалга ошмайди. Масалан, Ўзбекистон иқлими тушунчаси шу пайтда яхши шакллантириши мумкинки, қачонки ўқувчиларда иқлим ва иқлим ҳосил қилувчи омиллар ҳақида тушунчалар мавжуд бўлса. Қуйида Туркистон табиати тушунчасини шакллантириш жараёнини мисол тариқасида келтирамиз. Таҳлил ва мавҳумиятдан фойдаланиб ўқувчилар ҳаёлан Туркистонни қисмларга бўладилар. Туркистонни тоғли қисми ва уларнинг элементларини (рельфи, иқлими) билан танишиш ўқувчиларни Туркистоннинг табиати элементи белгилари алоқадорлигини билиб олишга ёрдам беради. Ўрта Осиё табиатининг рельфи, иқлими, ўсимликлари ва бошқа элементларни бошқа ҳудудлар билан қиёслаш орқали уларнинг ўзига хос бўлган умумий хусусиятларни ажратадилар. Кейинчалик эса дедуктив йўл билан табиат элементлари ҳақидаги умумий тушунчаларга таяниб улар ўртасидаги алоқадорлик ва боғлиқликни ажратадилар. Туркистон табиатини бошқа ҳудудлар табиати билан таққослаш орқали Туркистон табиий комплекси деган тўлиқ тушунчани эгаллайдилар.

География объектларни кўргазмали қуролларсиз ва картасиз ўрганиш уларга хос бўлган белгиларни ажратишни бирмунча қийинлаштиради. Карта ва кўргазмали қуроллар ўрганилаётган объектга доир муҳим белгиларни ўзида мужассамлаштирган бўлиши керак. Якка тушунчаларни шакллантириш учун ўқувчилар ҳаёлан шу объектни карта билан боғлаш олишлари керак. Шу тифайли ҳам карта якка тушунчаларни шакллантирувчи асосий манба ҳисобланади. Фақат карта орқалигина исталган географик объектнинг географик ўрнига хос бўлган белгиларни ажратиш ва шу ҳудуднинг ички хусусиятларини ажратиш имкониятлари туғилади.

Таққослаш географик тушунчаларни шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Ўқувчилар ўзларига таниш объектларни ўрганилаётган объектлар билан таққослаш орқали уларга хос бўлган белги ва хусусиятларни билиб оладилар. Масалан, Амударё ва Сирдарё ни таққослашда ҳар иккала дарёнинг шимолга оқишини, узунлиги

деярли тенглигини уларнинг баланд тоғлардан бошланишини, тўйинишини ҳамда деярли бир хил эканлигини аниқлайдилар. Объектлар элементларини оддий қиёслаш орқали ўқитувчи мураккаброқ таққослашга ўтадилар. Масалан, нима учун уларнинг шимолга оқиши сабабларини, ирмоқлари, Амударё сувининг нима сабабдан Сирдарёга нисбатан лойқа эканлигини, кемалар қатновидаги фарқи каби кўплаб хусусиятларини ажратадилар. Тушунча қуйидаги ҳолларда ўқувчилар томонидан эгалланган ҳисобланади.

1. Ўқувчи тушунчага таъриф бера олса (агар у умумий тушунча бўлса);

2. Тушунча мазмунига хос бўлган белгиларни ажрата олса, тушунча белгилари ўртасидаги алоқадорлик ва боғлиқликни фарқлай олса.

3. Ўрганилаётган географик объект ёки ҳодиса ҳақида ўқувчи образли тасаввурга эга бўлса.

4. Ўқув вазифаларини бажаришда тушунчани мустақил қўллай олса.

4. Тушунчанинг муваффақиятли ўзлаштирилиши учун ўқувчилар эътиборини тушунча белгиларини таҳлил қилишга қаратиш керак. Ишнинг бундай ташкил қилиниши ўқувчиларни объект ва ҳодисалардаги энг муҳим ва иккинчи даражали белгиларни ажратишлари уларни таққослашга ва гуруҳлашга ўргатади. Бунда экскурсиялар, жойда амалий ишлар уюштириш катта роль ўйнайди. Ўқувчиларнинг умумий тушунчаларини мустақил қўллай олиш учун репродуктив метод ва ижодий ва муаммоли топшириқларни (қисман ўзгарувчан ва тадқиқот методлар) бажаришга ўргатиш керак.

География таълимида билимларни амалда қўллаш ўзига хос хусусиятларга эга. Бу қуйидаги йўналишларда бўлиши мумкин.

1. Амалий топшириқларни, масалан, ер ости сувларининг ҳаракатини, чуқурлигини аниқлаш, дарёнинг сув сарфи, ўртача чуқурликни аниқлаш ва бошқаришларни.

2. География билимларини табиат ҳодисалари ва воқеаларини тушунтиришда (йил фаслларини алмашиши ёки сиёси) карталарни ўзгаришлари) ишлатиш мумкин.

3. Билимларнинг қўллаш илгари эгалланган билимларни ва янги билимларни эгаллаш жараёнида ҳам ишлатиш мумкин. Иқтисодий-географик тушунчаларни шакллантириш ҳам ўзига хос бўлиб, одатда у 3 та бўғиндан иборат бўлади.

1. Кириш. Ўқувчилар бу бўғинда дастлаб мамлакат ёки ҳудуд-

нинг бошқа мамлакатлар ва ҳудудлар ўртасида тутган ўрни, майдони ва аҳолиси, табиий бойликлари меҳнат манбалари билан таъминланиш, халқ хўжалигидаги ихтисосли тармоқларининг тутган ўрнига оид маълумотлар билан танишадилар.

2. Мамлакат ёки ҳудуднинг иқтисодий-географик таърифига эга бўлган қаторлари билан танишадилар. Шу бўғинда тўлиқ тушунчага эга бўладилар.

3. Мамлакат ёки районни бошқа район ва мамлакатларга қиёслаш орқали тушунчани амалда қўллашга эришади. Ҳар бир бўғин ҳар хил ишлашни талаб қилади.

ЕТАКЧИ ТУШУНЧАЛАР

Билим, билим мазмуни, назарий билим, эмпирик билим, географик тушунча, тушунча даражаси, умумий тушунча, якка тушунча, индуктив, дедуктив, таққослаш, тушунча белгилари, сабаб-оқибат, кўникма, малака.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Географик билим нима?
2. Назарий ва эмпирик билимларни қиёсланг?
3. Билимларни эгаллаш жараёни қандай қисмларни ўз ичига олади?
4. Географик тушунчаларнинг турларини ва уларни шакллантиришнинг асосий методларини айтинг?
5. Тушунчаларни индуктив ва дедуктив йўли нима? Мисоллар келтиринг?
6. Қандай ҳолатларда тушунча ўқувчи томонидан эгалланган ҳисобланади?

АДАБИЁТЛАР.

1. Дори. В. И. Ян. В. Формирование понятий при изучении курса географии материков М: Педагогика 1970.
2. Коринская В. А. Формирование понятий при изучении курса географии материков М: Педагогика 1979.
3. Шенев В. А. Приемы учебной работы учащихся в курсах физической географии М: Просвещения 1975.
4. Кабонова-Меллер Е. Н. Психология формирование знании и новыков школьников М: Просвещение 1962.
5. Скаткин М. П. Проблемы современной дидактики М: Просвещение 1984.

6. Қурбонниёзов Р. «География ўқитиш методикаси», «Университет» 1993

ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИДА АМАЛИЙ КУНИКМА ВА МАЛАКАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

РЕЖА:

1. География таълими методикасида амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш аҳамияти.
2. Географик кўникмаларни шакллантириш босқичлари.
3. Географик кўникма ва малакаларни шакллантиришда машқларни ўрни ва роли.
4. Табиий географик кўникмаларни шакллантириш.
5. Иқтисодий географик кўникмаларни шакллантирин.
6. Барча типдаги географик кўникмаларни шакллантиришда карталарнинг ўрни ва роли.

Географик кўникма ва малакаларни шакллантириш методикаси билим эгаллаш, кўникма ва малакани шаклланишлари билан чамбарчас боғлиқ. Ўқув ишлари услубиятини билиш кўникмаларини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Илғор география ўқитувчилар ва методистлар ўқувчилар амалий тайёргарлигига катта эътибор берадилар. Мактаб географиясида шакллантириладиган кўникмалар мазмун жиҳатдан эмас, балки бажариш мураккаблиги бўйича ҳам фарқ қилади. Масалан дунё томонларини аниқлаш оддий кўникма бўлса, топографик планни ўқиш ва уни тузиш эса мураккаб кўникма ҳисобланади. География таълими методикаси шакллантириладиган кўникма ва малакаларнинг таълим тарбиявий аҳамиятини тўлалигича очиб берган ва уларни ўқувчиларга етказиш методларини ҳам ишлаб чиққан. Фақат география таълмиига хос бўлган амалий кўникма ва малакаларга қуйидагилар киради: жойда мўлжал ола билиш, жой планини тушириш, топографик план ва турли мазмундаги географик карталарни ўқиш, табиатда ва ишлаб чиқаришда кузатиш, кузатиш материалларини ёзиб бориш ва қайта ишлаш, статистик иқтисодий материаллар билан ишлаш ва ҳ. к.

Ҳар бир географик кўникмани шакллантириш мураккаб ҳаракат тизимларини талаб қилади. Одатда кўникма ва малакалар бир пайтнинг ўзида шакллантирилади. Чунки амалий топшириқларни бажаришда уларнинг айримлари онгли равишда, баъзилари бевосита, аммо онг назорати остида бажарилади. Масалан топографик планни ўқиш кўникмаси ўз ичига йўналишларини аниқлаш, масш-

таб ёрдамида пландаги масофаларни ўлчаш топографик белгиларни ўқиш, жойда объектлар ўртасидаги алоқадорликни ўрнатиш кабиларни олади. Юқоридагилардан топографик белгиларни ишлатишни билишгина малака даражасини кўрсатади.

Об-ҳавони кузатиш кўникмаси деганда термометр, барометр, флюгер билан ишлаш кўз билан булутлар шакли ва турларини, об-ҳавонинг бошқа аломатларини аниқлаш тушинилади. Шулар ичида фақат об-ҳаво ҳароратини аниқлаш ва барометр билан ишлаш малака даражасигача кўтарилиш мумкин.

Географик кўникма ва малакалар кўп ҳолларда билим сифатини белгилайди. Тажрибалар шуни кўрсатаяптики, қаерда ўқувчиларда карта билан ишлаш кўникмаси шакллантирилса уларнинг жавоблари ҳам карта билан боғланган бўлади. Карта билан ишлаш кўникмасини эгаллай олмаган ўқувчилардаги билим қуруқ, ўқитувчи баёни ёки китобдан ўқиганларнинг такроридан иборат бўлиб қолади.

Географик карталарни ўқий олишга ўргатилган ўқувчилардаги ҳаракат яққол кўзга ташланиб туради. Аксарият ўқувчилар ва талабалар жавобларини кузатиш география бўйича олимпиадаларда иштирок қилган ўқувчиларни билимларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, улар картадан билим манбаи сифатидан фойдаланадилар, уларнинг берган жавоблари тўлиқ бўлиб, бирон ҳудуднинг табиий шароити ва хўжалиги карта асосида атрофлича очиб бера оладилар. Бошқа ўқувчиларга бу ҳислатлар хос эмас.

Кўникма ва малакалар келгусида амалий ҳаётга тайёрлашда ишлаб чиқаришдан табиатдан турли хил илмий оммабоп адабиётлардан карталардан билимларни мустақил эгаллашда муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчилар томошдан мазкур кўникмаларнинг эгалланишини енгиллаштиради, масалан, жойда уфқ томонларини аниқлаш кўникмаси, картада мўлжал олиш кўникмасини эгаллашга ёрдам беради. Ўқувчиларнинг кўникма ва малакаларига эга бўлиши ва улар дунёқарашини шакллантиришга ҳам ижобий таъсир қилади. Ўқувчилар кўникма ва малакаларни амалда қўллаш орқали географик қонуниятларнинг объективлигига ишонч ҳосил қиладилар.

География таълими методикасида географик кўникма ва малакаларни шакллантириш методлари тўла ишлаб чиқилмаган деса бўлади. Масалан, ўқувчиларнинг у ёки бу мавзудаги қайси ҳаракати кўникма даражасига, қайсиларини малака даражасига кўтариши мумкин? Ўқитувчи ўқувчиларга нисбатан қандай якка тартибда ёндошиши кераклиги масалалари география таълимида атрофлича ўрганилган. Энг муҳим ўқитувчи кўникма ҳосил қилиши-

даги ҳаракат методларини кўрсатибгина қолмасдан, балки ўқувчилар учун (кўникма эгаллаш учун) зарур топшириқларни ишлаб чиқиши керак.

Машқлар жараёнида оддий кўникмалар секин-аста малакага айланади. Амалий кўникма ва малакалар шакллантиришнинг методик шарт шароитлари ўзига хос хусусиятларга эга. Баъзи кўникма ва малакалар оз вақт ва кўп куч талаб қилса (гербарийлар йиғиш, компасдан, нивелирдан фойдаланиш ва ҳ. к.) баъзилари жуда мураккаб ҳаракат методларини ва кўп вақт талаб қилади. Масалан, географик картани ўқиш кўникмасини ҳосил қилиш кўникмасини шакллантириш қуйидаги мураккаб жараёнларни талаб қилади. Масалан: мўлжал олиш, градуслар ва километрлар ҳисобида аниқлаш, пунктлар, ҳудудлар ўртасида фазовий боғлиқликни қиёслаш, географик координаталарни аниқлаш, картада кўрсатилган объектлар ва ҳодисалар ўртасидаги сабаб-оқибатлар алоқадорлигини ўрнатиш, алоҳида объектлар (дарё, кўл, сув омбори, ботқоқлик)ни таърифлаш, кўрсатилган ҳудудни мамлакат, туман, шаҳарнинг табиий географик ва иқтисодий географик таърифини ёзиш ва ҳ. к.

Географик картани ўқиш кўникмаси секин аста ривожлантирилади, барча синфларда давом қилади (бошланғич синфда ҳам). Ўқувчилар карта билан ишлаш жараёнида турли мазмундаги (умумгеографик, иқлим, тупроқ, иқтисодий) карталарнинг шартли белгилари билан ҳам танишадилар ва кўникмалар ҳосил қиладилар.

Кўникма ва малакалар шаклланиши кўпгина сабабларга: ўқув жиҳозлари ва воситалари, ўқувчиларнинг шахсий хусусиятларига ҳам боғлиқ. Лекин, ўқитувчи асосий сабаб ҳисобланади. Ўқитувчи раҳбарлигининг мазмуни шундан иборатки, кўникма эгаллаш жараёнида у ўқувчилар ҳаракатини таҳлил қилади. Ушбу кўникма ва малакани эгаллаш учун қандай назарий билимлар зарурлигини аниқлайди. Кўникмани шакллантиришдаги муҳим омиллардан яна бири назарий материални амалда қўллаш вақти ва ўрни ҳисобланади. Масалан, маҳаллий канал, дарё режими (оқим тезлиги эни, чуқурлиги)ни ўлчаш. Ўзбекистон ички сувлари мавзусини ўрганишгунга қадар амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Чунки ўқувчилар буни механик тарзда ўзлаштириб, унинг моҳиятига тушунмасликлари ҳам мумкин. Демак, кўникмаларни шакллантириш бевосита мавзуни ўрганиш жараёнида бўлса унинг сифатли бўлишини таъминлайди. Кўникма ва малакаларни шакллантиришда бошқа фан ўқитувчилари билан ҳамкорлик қилиш ҳам яхши натижалар беради.

Ҳар бир курс дарсларини режалаштиришда шакллантирилиши лозим бўлган кўникма ва малакалар ўз аксини топиши, кўникма малакалар мақсади аниқ белгиланиши лозим. Шакллантириладиган кўникмаларни режалаштиришда унинг қаерда ўтказилишини аниқ белгилаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Дарсда шакллантирилаётган ҳар бир кўникманинг амалий аҳамияти унинг халқ хўжалигидаги роли аниқ очиб берилиши лозим. Шундагина ўқувчиларда уларни эгаллашга бўлган ҳавас қизиқиш ошади.

Амалий мазмундаги кўникмаларни шакллантирилиши олдидан ўқувчиларга у ёки бу асбоб билан ишлаш йўллари тушунтирилиши керак. Уларни таърифлаш режаси берилиши лозим. Кейинги пайтларда кўникма ва малакалар шакллантиришда ҳар бир объект ва ҳодисаларни ўрганиш режаси ишлаб чиқилган. Масалан, дарёни таърифлаш, иқлимни таърифлаш, табиат зонаси ва ТТКни таърифлаш, бирон мамлакат ёки ҳудудни таърифлаш ва ҳ. к. бунга мисол бўлади. Режанинг ҳар бир банди мазмуни жиҳатидан бойитилиши керак.

Ўқитувчи бу режалардан қай методда фойдаланишини ўқувчиларга доимо ўргатиб бориши керак. Ўқувчиларда кўникма ва малакалар ҳосил қилишда машқлар тизими катта аҳамият касб этади. Машқлар ёрдамида кўникма ҳосил қилишда ўқитувчи уларни бажариш йўлларини кўрсатади. Кейин ўқувчилар уларни мустақил равишда, яъни ўқитувчи раҳбарлигида бажарадилар. Масалан, масштаб бўйича дарсда бир неча машқларни бажариш мумкин. Бунга турли масштаб ёрдамида ҳар хил узунликдаги масофаларни ўлчаш мактабдан клубгача, почтагача уйгача бўлган масофаларни аниқлаш мисол бўла олади. Кўникма ва малакалар шакллантирилиши мазмунига кўра узоқ ва қисқа вақт талаб қилишини юқорида кўрган эдик.

Географик координаталарни аниқлашни ўрганиш узоқ вақт талаб қиладиган жараён бўлиб у аста-секин ўргатилиб мураккаблашиб боради. Географик нуқталарни аниқлашда осондан қийинга борувчи машқларни ўқувчилар диққатига ҳавола қилиш керак. Бунда дастлаб ўқувчиларни паралеллар ва меридианларни топишга кейинчалик узунликни аниқлашга ва уни картадан кўрсата олишга ундан кейин эса координаталарни топишга ўргатилади. Энг дастлабки машқлар аввал глобусда кейин ярим шарлар картасида бажарилиши керак. Ўқувчилар картада кўрсатган объектларнинг бир-бирига нисбатан неча градус шимолда ёки жанубда жойлашганлигини машқлар асосида бажарадилар.

Географик координаталар бўйича машқларни мунтазам бажариши кўникмаси секин-аста малакага айланиши мумкин. Юқори синфларга кўтарилган сари кўникма ва малакалар шакллантириши борасидаги машқлар тизими ҳам такомиллашиб боради. Бунда албатта қуйи синфларда эгалланган кўникма ва малакаларга таянилади. Юқори синфларда иқтисоди-географик карталарни ўқиш кўникмасини шакллантириш бирмунча қийин кечади. Иқтисодий карталарни ўқиш методлари табиий географик карталарга бирмунча ўхшаб кетади.

Бу ерда режа асосида таъриф бериш етакчи ролни ўйнайди. Масалан, саноат тармоқларига тавсиф бериш режаси, тармоқлар, шаҳарлар, давлатларга таъриф бериш режалари бунга мисол бўла олади.

Иқтисодий-географик карталарни ўқиш кўникмасини шакллантиришда ўқувчилар иқтисодий-географик ўрин тушунчасини қийинчилик билан эгаллайдилар. Бу борада бир неча машқларни мунтазам равишда бажариш картани ўқишни осонлаштиради.

Жамиятнинг сиёсий тузуми, табиий шароит, мамлакат ёки район иқтисодиётини белгилашда катта роль ўйнайди. Шу туфайли ҳам иқтисодий географиядан назарий тайёргарликсиз ўқувчилар у ёки бу объектнинг иқтисодий-географик тавсифини тузишда қийналадилар. Саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт тармоқлари жойлашишини тушунтира олмайдилар. Иқтисодий карталарни ўргатиш кўникмаси турли методлар орқали шакллантирилиши мумкин. Масалан, карта орқали шаҳарларга иқтисодий-географик таъриф берилганда ўқувчилар унинг хомашё ва тайёр маҳсулотлар олишдаги ва чиқаришдаги алоқаларини, келажакдаги ривожланишига оид маълумотларга олдиндан эга бўлиши керак. Аммо кўпчилик география ўқитувчилари бунга масъулиятсизлик билан қарайдилар. Карта асосида ўқувчиларнинг кўникма ва малакаларни шакллантириш учун бу ишни мунтазам равишда бажариш лозимлигига кам эътибор берадилар. Бунинг учун синф журналида муддати кўрсатилмасдан махсус графа очиб, унга карта билиш бўйича кўникма баҳолар қўйиб борилса янада самарали бўлади.

Картани ўқиш борасидаги кўникма ва малакаларни ўқувчиларда тўғри шакллантириш мактабни тугатгандан кейин ҳам уларнинг табиий, иқтисодий ва сиёсий карталардан қийналмай мўлжал ола билишини таъминлайди.

ЕТАКЧИ ТУШУНЧАЛАР

Географик билим, Географик кўникма, Географик малака, Кўникма таркиби, Кўникма шакллантириш босқичи, Кўникма ва ма

лака сифати, Табиий географик кўникмалар, Иқтисодий географик кўникмалар, режалар.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР.

1. Географик кўникмани шакллантириш босқичларини айтинг?
2. Географик кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг билимлар сифати билан қандай алоқадорлиги мавжуд. Жавобингизни исботланг.
3. Кўникмани малакага айлантириш жараёнини тасвирланг. Аниқ мисоллар келтиринг.
4. Ўқувчиларда географик картани ўқиш кўникмасини шакллантириш қандай жараёнларни ўз ичига олади?
5. Амалий мазмундаги кўникмалар деганда нимани тушунасиз?
6. Табиий ва иқтисодий география фанларига хос бўлган энг оддий кўникмаларга мисоллар келтиринг.
7. Иқтисодий—географик карталарни ўқиш кўникмасини шакллантириш қандай босқичларни ўз ичига олади.

АДАБИЁТЛАР

1. В. А. Шенев. Приемы учебной работы учащихся в курсах физической географии М. Просвещение 1979.
2. Кабанова—Меллер Е. Н. Учебные навыки и умственное развитие учащихся—География в школе 1971 № 3.
3. Контрольные задание и упражнения по географии (под. ред. Л. М. Панчишниковой) М. Просвещение 1982.
4. Л. М. Картель Табиий географиядан дидактик материаллар. Тошкент, Ўқитувчи 1991.

ЎҚУВЧИЛАРДА ГЕОГРАФИК ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАР ДУНЁҚАРАШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.

РЕЖА:

1. Дунёқараш шакллантиришни аҳамияти.
2. Табиий географик дунёқараш шакллантириш босқичлари.
3. Иқтисодий географик дунёқараш, шакллантириш.

Мактаб табиий география курслари ер юзаси табиати, унинг хилма-хил бўлиш сабаблари, табиий муҳит ва ресурсларининг инсон хўжалик фаолиятидаги масалаларини очиб беришда катта

роль ўйнайди. Мактаб табиий географиясида, ўқувчиларга ТХКни (табиий ҳудудий комплекс) илмий асослаб бериш вазифаси юклатилган. Шу туфайли ҳам табиий географиянинг етакчи тушунчаларини географик қобиқ, табиий комплекс, табиий бойликлар, табиий муҳит, инсон ва табиатнинг бир-бирига таъсири кабилар ташкил қилади. Ўқувчиларда ана шу тушунчаларга нисбатан тўғри илмий дунёқарашни шакллантириш табиий география дарсларида алоҳида ўрин эгаллаши керак. Айниқса географик қобиқ ва унинг қисмлари, инсоннинг хўжалик фаолияти билан табиат ўртасидаги алоқадорликни аниқ далил ва мисоллар ёрдамида очиб бериш лозим. Турли ҳудудлар мисолида аҳолининг табиатга таъсири нима учун бир-биридан фарқ қилишини ўқувчилар пухта эгаллашлари лозим. Ўқув материалининг мазмуни ўқувчиларда дунёқараш шакллантира оладиган даражада бўлиши керак. Табиий географик объект ва ҳодисаларнинг мактаб шароитида ўрганиш бир-бирига боғлиқ бўлган 3 йўналишда олиб борилиши мақсадга мувофиқ:

1. Географик қобиқ ва унинг қисмларининг мавжудлиги.
2. Объектнинг мавжудлик шакли ва макопда жойлашиши.
3. Вақт ўтиши билан объектларни ўзгариши.

Юқоридаги ғояларнинг ажратиш шартли бўлиб асосан «табиат ва инсон» ғоясини шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Фалсафа қонунлари шакл ва мазмун, миқдор ва сифат, моҳият ва ҳодиса, тасодиф ва зарурият, ҳақиқат ва эҳтимоллик мактаб табиий географиясида ҳам қўлланилади. Аммо сабаб ва оқибат, вақт ва макон, ҳаракат, алоҳидалик, умумийлик каби диалектика категориялари географияда бирмунча кенг қўлланилади.

Диаликтека қонунлари ғояларсиз географик қобиқ ва унинг қисмларини ўқувчилар онгига етказиш мумкин эмас. Шунинг учун дастлаб ўқувчиларга географик қобиқ тушунчасининг моҳиятини очиб бериш керак, яъни географик қобиқ: ер қобиқларининг бир-бири билан таъсир қиладиган бир бутун тизими эканлигини, географик қобиқ таркиби бир хил эмаслиги, шунинг билан бирга географик қобиқнинг умумий қонуниятлари унга таъсир қилиш, географик қобиқнинг ривожланиши, таркиб жиҳатдан мураккаблашиши, ички ва ташқи кучлар таъсирида, давр ўтиши натижасида ўзгариш каби белгилар ҳослиги ҳақида ўқувчиларда аниқ илмий дунёқарашни шакллантириш билан бирга уларда табиатдаги барча воқеа ҳодисалар бир-бирига боғлиқ эканлиги ғояларни шакллантиришга ёрдам беради. Географик қобиқнинг сифат хусусиятлари ва унинг қисмларини ўрганиш литосфера, гидросфера, атмосфера

ни ўрганишда янада конкретлашади. География қобиқ ҳақида ғояларни ўқувчилар онгида шакллантиришда таълим воситаларини қўлламасдан амалга ошириш қийин. Буларга табиий қўлланмалар (макетлар) расмлар, тоғ жинслари, қатламларнинг ётиши, литосфера қалинлиги атмосфера қатламлари дунё океанлари туби рельефи ва бошқалар кириши мумкин. География қобиқнинг жойлашиши, катталиги, сифати ҳақидаги маълумотларни тематик карталар (табиий, геологик, тупроқ, ўсимлик, иқлим ва ҳ. к.)

Картиналар фото суратлар ва бошқалардан олса бўлади. Маҳаллий табиатни бевосита кузатишнинг ҳам ўқувчиларда зарур тасаввурларини ҳосил қилишда аҳамияти катта. География қобиқни ташкил этган қисмларни ўрганишда ўқувчиларнинг бошқа фанларидан, масалан химия ва биология фанлари олган билимлари, хусусан фотосентез, ўсимлик ва ҳайвонларнинг микроорганизмлар таъсирида сув, аммиак ва ҳ. к. моддаларга парчаланиб кетиши каби масалаларни билишлари ҳам муҳимдир.

География қобиқнинг бир бутунлиги ғояси ернинг ягона табиий комплекс эканлиги ўқувчиларга аниқ мисоллар билан етказилиши лозим. Маълум ҳудудларни ўрганиш жараёнида ўқувчилар географик қобиқ компонентлари турли туман эканлигига ишонч ҳосил қиладилар. Табиий географияни ўрганиш якунида ўқувчилар табиий комплекс мазмуни ва моҳияти билан танишадилар, натижада ўқувчилар ТХК географик қобиқнинг бир қисми эканлигини аниқлайдилар. Бунда сув, ҳаво, тоғ жинслари, микроорганизмлар таъсирида ТХК қисмлари: рельеф, ҳаво массалари, сув, тупроқ қатлами, ўсимликлар, ҳаводан ташкил топади. Ҳар бир ТХК катталигидан қатъий назар умумий география қонуниятларига бўйсунади. Шу билан бир пайтда улар алоҳидаликга ҳам эга. ТХК мустақил бўлиши билан бирга, айни вақтда географик қобиқнинг бир қисми бўлиб, унга таъсир ҳам қилади. Мактаб табиий географиясида турлича катталикдан ТХКлар ўрганилади. Булар маҳаллий дарё қайири, сув айиргичдан бошлаб то материкларнинг йирик қисмигача бўлиши мумкин. Ўзбекистон табиий географиясида эса табиий ҳудудлар ва уларнинг айрим бўлаклари бунга мисол бўлиши мумкин.

Ўқувчилар ҳар бир ҳудудга хос бўлган белгиларнинг, шу белгиларни ҳосил бўлиш сабабларини билим олишлари керак. Юқоридагиларни ўрганиш жараёнида географик қобиқнинг жуда кўп ТХКларига бўлиниб кетишини билиб оладилар. Мактаблар тажрибаси шуни кўрсатяптики, ўқувчилар комплекс, қисм тушунчаларини яхши ўзлаштириши мумкин, аммо уларни вужудга келтирган сабаб оқибатларини эгаллашда қийналишлари аниқланди.

Шу туфайли ҳар бир ўқитувчи ўқитиш жараёнида бунга эътибор бериши керак. Масалан, ТХК компонентлари ўртасидаги алоқадорликни ўрганишда ўқувчилар диққатига қуйидаги боғлиқликни кўрсатиш яхши натижа бериши мумкин.

ИҚЛИМ ХУСУСИЯТЛАРИ САБАБИ

Иқлим минтақалари, иқлим типи географик кенглик, рельф (июль, январь, йиллик амплитуда, тог тизмаси, йўналиши ва ёғин миқдори ва режими), шамоллар, баландлиги ва ҳ. к.) денгиз йўналиши оқимлари ва ҳ. к.

ТХК компонентлари ўртасидаги алоқадорликни ўрганишда табиий географик профиллар билан ишлаш, табиат ҳодисаларини динамик намойиш қилувчи ҳаракатланувчи моделлар, кинолавҳалар намойиш қилиш катта аҳамиятга эга. Таълим жараёнини ташкил қилишда курслар ўртасидаги алоқадорликга ҳам эътибор бериш зарур. Масалан, табиий географиянинг бошланғич курсидаги асосий гоя литосфера, гидросфера, атмосфера, биосфера ўртасида мавжуд объектив алоқадорликни ва уларнинг бир-бири билан боғлиқлигини ўқувчи англаб олиши лозим. Ўқувчилар материклар ва океанлар географиясида эса географик қобиқнинг ривожланувчи тизим эканлиги, унинг зонал ва азонал табиий комплекслардан ташкил топиши, ҳар бир ТХК бутуннинг бир қисми эканлиги ва улар ўз хусусиятларга эга бўлиши ғоясини эгаллайдилар.

Ўзбекистон табиий географиясида унинг худуди географик қобиқнинг бир қисми эканлиги ғоясини эгаллайдилар. Табиат таркибий қисмларининг ўзаро алоқадорлиги туфайли зона ва азонал ТХКлар вужудга келишини ўқувчилар ўзи яшаб турган ўлкалар мисолида тушуниб оладилар. Ўқувчилар ер тарихини ўрганиш жараёнида табиат қисмлари ва комплекслари миқдор ва сифат жиҳатдан ўзгаришининг аниқ мисоллар асосида билиб оладилар.

Мактаб географиясининг муҳим методологик масалалардан бири инсоннинг хўжалик фаолияти билан табиат ўртасидаги алоқадорлигини очиб беришдан иборат. Мактаб географияси мазмунида қуйидаги энг муҳим географик қобиқ-бунда кишилик жамияти яшовчи муҳит ғояси етади. Инсоннинг яшаш шароити ва аҳолисининг хўжалик фаолиятини яхшилаш учун ана шу муҳим бойликларидан унумли фойдаланишда унга атрофлича ёндошиш лозимлигини ўқувчилар эгаллаши керак.

Инсон ва табиат ғояси инсон хўжалик фаолиятида табиатнинг аҳамиятини баҳолаш нуқтаи назардан келиб чиқиши лозим. Бунда

ўқувчилар инсон табиатига аралашмасдан ҳеч иложи йўқ деган хулосага келишлари керак, чунки табиат инсонга яшаш учун зарур бўлган барча нарсаларни: озиқ-овқат, қурилиш материаллари, саноат хом ашёсини, энергия ва ҳ. к. ларни беради.

Бундай ёндошиш табиий географиянинг бошланғич табиий географияси курсидан бошланади. Айниқса ўқувчилар яшаб турган жойлари мисолида ТХК қисмларига инсон қай даражада таъсир қилишини аниқ мисоллар асосида кўрадилар. Ўзбекистон табиий географияси курсида эса Республика ҳудудидаги ҳар бир ТХК мисолида инсоннинг табиий шароити ва бойликларига хўжалик жиҳатидан баҳо бериш билан танишадилар.

Ўқувчилар одатда табиат қисмлари (рельеф, ички сувлар, тупроқ ва ҳ. к.) инсон хўжалик фаолияти учун аҳамиятини ҳамда табиатни қўриқлаш борасидаги тадбирларни тўғри айтадилар. Аммо ўқувчилар табиат комплекси қисмлари ўртасидаги ниҳоятда мустаҳкам алоқадорлик мавжудлигини жуда заиф биладилар. Айниқса бу билимларни етарлича эгалламасдан, табиий қисмларга ўтказиш ёмон оқибатларга олиб келишини тасаввур қила олмайдилар. Табиий комплекснинг битта қисмига ўйланмасдан таъсир қилиш, унинг бошқа қисмларига ҳам салбий таъсир ўтказиш мумкинлигини етарлича англаб етмайдилар. Буни Орол фожеаси мисолида ўқувчилар онгига етказиш жуда фойдалидир. Амударё сувидан тежаб-тергаб фойдаланмаслик, пахта якка ҳокимлиги, Амударё қуйи минтақасида тупроқ таркибини бузди, Кўплаб гербицидларнинг қўлланилиши эса сувнинг заҳарланишига, ҳайволарнинг қирилишига олиб келди ва ҳ. к. Тўғри, бунга қисман мактаб географияси ва география ўқитувчилари ҳам айбдор. Чунки мактабни битириб чиқаётган ёшлар табиат билан инсон ўртасидаги мураккаб боғлиқликни, алоқадорлик ҳақида етарлича билим олмаяптилар. Ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш тинимсиз меҳнат ва мунтазамлик асосида иш олиб боришни талаб қилади. География таълимини шундай ташкил қилиш керакки, табиат ва хўжаликда содир бўладиган воқеа ва ҳодисалар боғлиқликда, алоқадорликда, доимий ўзгаришда ва ривожланишда эканлигини ҳар бир ўқувчи мустаҳкам эгаллашга эътибор бериши керак. География қобиқда бўлиб турадиган ҳодисаларни ўқувчилар мустаҳкам баҳолай олишга эришмоғимиз лозим. Демак мактаб географиясида ўқувчилар дунёқарашининг шаклланти[illegible] ғоялар қуйидагилардир:

1. Дунёнинг моддийлиги.
2. Диалектик муносабатлар (қарама-қаршилик, миқдор ва сифат ва ҳ. к.)

3. Ҳозирги замон хўжалиги ва табиатнинг бир бутунликда ривожланиши.

4. Табиий шароит ва ресурслардан оқилона фойдаланиш.

5. Халқ турмуши ва моддий фаровонлигини оширишни табиатга зарар етказмасдан амалга ошириш.

6. Ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштириш.

7. Табиий шароит ва ресурслардан оқилона фойдаланиш.

8. Халқаро иқтисодий уйғунлашув.

9. Ўзбекистоннинг дунёдаги барча мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатиши.

10. Хўжаликни жойлаштиришда табиатнинг аҳамияти ва унинг вақт ўтиши билан ўзгариши.

11. Географик муҳитнинг хўжаликни ривожлантириш ва жойлаштиришда етакчи эмаслиги.

12. Табиат ва хўжалик алоқадорлигида ижтимоий иқтисодий тузум.

13. Ўқувчиларга география дарсларида меҳнат тарбияси ва меҳнатга муҳаббат ҳислатларини шакллантириш.

14. Она ватанга, табиатга муҳаббат ва ҳ. к.

Демак юқоридагилардан шу нарса кўринадики, мактаб география мазмунида фалсафий, иқтисодий, экологик, сиёсий ва соф географик мазмундаги ғоялар бор. Уларни дарсларда бир-биридан ажратиш самарали натижалари бермаслигини тажрибалар кўп марта исботлаган.

Илмий техника тараққиётининг ривожланиши табиат билан жамият ўртасидаги мураккаб алоқадорлик келгусида география жараёнида янги ғояларни юзага келтириши мумкин. Ҳар бир дарс ўқувчилар дунёқарашини шакллантиришда чексиз имкониятга эга эканлигини барча география ўқитувчилари ҳис эта олишлари зарур.

ЕТАКЧИ ТУШУНЧАЛАР

Географик дунёқараш, географик қобиқ, объектнинг мавжудлик шакли, объект ва макон, объект ва вақт, диалектика қонунлари, предметлараро алоқалар, ТТК компонентлари, инсон ва табиат, табиат ва жамият муносабатлари, Геотизим, ўқувчи дунёқараши, фалсафий ғоя, экологик ғоя.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР.

1. Ўқувчилар дунёқарашини шакллантиришда география фанининг аҳамиятини ёритинг.

2. VI синф табиий география курсида асосий дунёқараш ғояларини нималардан иборат?

4. Табиий ва иқтисодий география курсларининг дунёқараш ғояларини таққосланг.

5. Географик билимларни яхши эгалламаслик қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Мисоллар келтиринг.

6. Табиат ва инсон ўртасидаги алоқадорлик ҳамда дунёқарашни шакллантириш ғояси ўртасида қандай боғлиқлик бор? Фикрингизни исботланг.

7. Ўқувчилар дунёқарашини шакллантиришда фанлараро алоқаларнинг аҳамиятини ёритинг.

АДАБИЁТЛАР

1. Т. П. Герасимова, М. К. Ковалевская, Формированние мировоззрения учащихся средней школы ва процессе обучения географии. М. Педагогика, 1982 г.

2. Н. П. Родзевич, Пашканг К. В. Охрана в преобразавание природы М. Просвещение 1979 г.

3. Методика обучения географии в средней школе Под. ред. Л. М. Пенчешниковой, М. Просвешение 1983 г.

4. Қурбонниёзов Р. Саъдуллаев А. Абиркулов. Иқтисодий экология асослари. Урганч 2000 йил.

ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИДА КАРТА ВА ГЛОБУС ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА КАРТАНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

РЕЖА:

1. География дарсларида картанинг ўрни, роли, аҳамияти.
2. Географик билим, кўникма ва малакаларни эгаллашда карта ва глобуснинг аҳамияти.
3. География таълимида қўлланиладиган карталарга тасниф.
4. Картани ўқиш ишларига тасниф.
5. Табиий карталарни ўқиш методикаси.
6. Иқтисодий карталарни ўқиш методикаси.
7. Глобус ва унинг турлари.
8. Глобус билан ишлаш методлари.
9. Географик номларни ўрганиш.
10. Номсиз ва соқов карталар билан ишлаш.

География таълимини картасиз тасаввур қилиш қийин. Карта

география фанидагина эмас, балки инсоннинг амалий фаолиятида ҳам чексиз аҳамиятга эга. Чунки бирон-бир географик тадқиқотни, инсон турмушини картасиз тасаввур қилиши қийин. Учувчи, қурувчи, геолог, тупроқшунос, эколог, агроном картасиз иш кўра алмайди. Таълим жараёнида карта таълимий ва тарбиявий вазифани бажаради. Ўқувчилар карта билан қуйи синфлардан таниша бошлайдилар. Карта объектлар жойлашган ўрнини кўрсатибгина қолмасдан, балки воқеа ва ҳодисаларни, улар ўртасидаги боғлиқликни билишга ҳам ёрдам беради. Мактабда қўлланиладиган карталар, ўқув география карталари дейилади. География карталари таълимда кўрсатмали қурол ва билим манбаи сифатида ишлатилади. **Картани билиш ва ундан фойдалана олиш деганда, ундан хилма-хил маълумотларни, хусусан, табиий ва иқтисодий географик маълумотларни ола билишга тушунилади.**

Картанинг энг муҳим хусусиятларидан бири бевосита кузатиш имкониятига эга бўлмаган ҳодисаларни моделлаштиришдан иборат. (об-ҳаво, иқлим геологик карталар ва ҳ. к.) География таълими методикаси нуқтаи назардан қараганда, карта ўқитиш воситаси сифатида 4 та вазифани бажаради:

1. Ўрганиш объекти бўлиб хизмат қилади.
2. Кўргазмали қурол бўлиб хизмат қилади.
3. Географик ҳодисаларни ўрганишда билим манбаи бўлиб хизмат қилади.
4. Карта география таълимида психологик-педагогик вазифани ҳам бажаради. Яъни унинг ёрдамида билимларни эгалланиши эсда қолиши ва маълум бир тизимга тушиши енгиллашади.

Юқоридаги 4 тур картани ўрганишда бир-бирини тўлдиради, мободо уларнинг биттаси бўлмаган тақдирда ҳам картографик билимларини тўла эгаллаш қийин. Картани ўрганиш объекти дейилганда унинг ёрдамида хилма-хил географик маълумотларни олишга тушунилади. Карта фақат ўрганиш объектигина бўлмай, балки картани тушунишдек педагогик мақсадга ҳам хизмат қилади.

КАРТАЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Билимларини ошириш учун ҳоҳлаган географик маълумотларни

География таълимида картографик билимлар ва кўникмаларни шакллантиришга қуйидаги йўллар билан эришилади:

1. Ўқувчиларга карта ер юзасининг модели эканлигини, картадаги ҳар бир белгининг маъносини тушуниш керак. Картага бирон бир белги мақсадсиз қўйилмайди.

2. Ўқувчиларни картадан кўргазмали қурол ва билим манбаи сифатида фойдаланишни ўргатиш, токи ўқувчилар картадан ўз бошлари билсинлар.

3. Карта ўқувчиларнинг ақлий фаолиятини ривожлантириши, уларда кузатувчанлик, фазовий тасаввур, мантиқий фикрлаш каби ҳислатларни тарбиялайди. География таълимида ўқувчилар қуйидаги картографик билимларни эгаллашлари керак.

1. Карта ва планда ер юзасини тасвирлаш ҳусусиятларини.
2. Картанинг шартли белгилари, географик объектлар ва ҳодисаларни карталарда тасвирлаш методларини.
3. Жойда картасиз мўлжал олиш методларини.
4. Режа ва карта асосида мўлжал олиш.
5. Карталарни масштабга кўра турларини ажрата олиш.
6. Карталарни ҳудудни қамраши ва мазмунига кўра турларини билиш.
7. Картадаги ҳатоликлар ва уларнинг сабабларини.
8. Профилл, график, картограмма, картадиаграммалар тузиш методлари ва ҳ. к. Ўқувчилар картографик билимларни амалда қўллай олишлари шарт. География ўқитувчисининг асосий вазифаси ўқувчиларда қуйидаги картографик кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

1. Жойда ва картада мўлжал ола билиш.
2. Картада ўлчаш ишларини бажара олиш.
3. Умумгеографик, тематик карталарни қиёслай олиш ва ўқий олиш.

4. Бир хил ва турли масштабдаги карталарни таққослай олиш.
5. Карта асосида географик объектларга, ҳудудларга, мамлакатларга, табиат зоналари ва табиий комплексларга таъриф ёза олиш.
6. Схема, картасхема, картограмма, картодиаграммаларни туза олиш ва ҳ. к. Картографик кўникма ва малакаларни шакллантиришни қуйидаги тизим асосида олиб бориш мақсадга мувофиқ:

а) бошланғич синфларда ва географиянинг биринчи дарсидан бошлаб, то мактабни битиргунга қадар географик картани ўқиш бўйича узлуксиз машғулотлар ўтказиш, ҳамда ундан мустақил равишда билимларни ола билиш:

б) дарс мақсадини аниқ тасаввур этиш, уни бевосита карта билан уйғунлаштириш ва унга эришиш йўлларини излаш.

в) муаммоли саволлар туғилганда, албатта, картага мурожаат этиш, эгалланган картографик билимлар ёрдамида мустақил хулосалар чиқара билиш.

Карта асосидаги асосий илмий билимлар ва энг оддий кўникмалар бошланғич табиий география курсининг «План ва карта» мавзусида берилади. Ушбу мавзуни таҳлил қилиш шу нарсани кўрсатадики, унинг асосида карта тузиш тушунчаси ётади. Ҳақиқатан ҳам картанинг қандай тузилганлигини билмасдан, ундан билим манбаи ва кўргазмали қурол сифатида фойдаланиш анча мушкул. Мавзунинг қолган тушунчалари (жойни расмда акс эттириш, аэросурат, космик сурат, режа, картада ва картасиз мўлжал олиш, масштаб шартли белгилар, мутлоқ ва нисбий баландлик, даража тури ва бошқалар) ёрдамчи ёки асосий тушунчага бўйсунади. Бундан ушбу тушунчаларни ўрганиш иккинчи даражали, демак хулосага келмаслик керак. Чунки, бу билимларсиз карта тузилишини ўрганиб бўлмайди. Карта тузилишини пухта билиш учун, энг аввало кўз билан чамалаб план олишни, нивилерлашни ҳар бир ўқувчи билиш лозим. Аммо кўпгина ўқитувчилар бунга етарлича эътибор бермайдилар.

Кўз билан чамалаб план олиш, нивелирлаш карта тузишдаги энг муҳим босқичлардан саналади. Чунки ҳар қандай оддий карта негизида жой плани ётади. Ўқувчилар оддий планларни мустақил тузишни ўрганмасдан туриб карта тузишни, карта масштабини, шартли белгиларни эгаллай олмайди. Жой планини тузиш—оддий карталарни тузишда асос бўлиб хизмат қилади. Бу ўқувчиларга карта тузиш ва карталарнинг мазмунига оид бўлган саволларни эгаллашга ёрдам беради.

Зарур географик билимларни эгаллаш учун, ўқувчиларда картографик образларни яъни тасаввур шакллантириш мақсадга мувофиқ. Картографик тасаввур картани ўқиш жараёнида шаклланади.

Карта ўқиш-картаграфик методнинг энг муҳим қисмларидан бири карта ўқишда, инсон кузатиш фаолиятида нарсалар ва ҳодисаларнинг тасаввури пайдо бўлади. Ўқувчиларнинг карта ўқишдаги хатоликларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, улар йўл қўядиган аксарият хатоликлар уларни кузатишни билмаслигидан келиб чиқади.

Ўқувчилар кузатиш жараёнида картадаги зарур белгиларга етарлича эътибор бера олмасликлари туфайли ҳам юқоридаги камчиликлар пайдо бўлади. Картани ўқиш мураккаб психологик жараён бўлиб, уни ўқишни иккита қисмга ажратиш мумкин. Биринчи қисм—картани тушунтириш аппаратини ўрганиш. Иккинчи қисм - картанинг мазмунини ўрганиш. Картани ўқиш деганда аввал идрок қилинган нарса ва ҳодисаларнинг тасвирини шартли белгилар асосида онгимизда акс эттилишига тушунилади.

Ўқувчилар ўз билимини, жойда ва баъзи ҳолларда расмларни кузатиш орқали ҳақиқий воқелик тасвирини ҳаёлларида акс эттирадилар.

Кўп йиллик кузатишлар ва илғор география ўқитувчилари тажрибалари шуни кўрсатадики, картани билишдаги энг тўғри йўл оддийдан мураккабга боришдир. Ўқувчи ўзи яшаб турган жойни шартли белгилар асосида тасвирланган планини қуриш, план мазмунини тушунишни енгиллаштиради. Шу туфайли ҳам ўқувчининг мустақил равишда оддий планларни тушира олиши унинг картани пухта эгаллашига олиб келади. Картани ўқишдаги энг муҳим хусусият уни диққат билан кўздан кечиришдан иборат, бу унинг сирларини билиб олишга ёрдам беради.

Картани ўқишни ўрганиш ва зарур кўникмалар ҳосил қилиш учун қуйидагиларга эътибор бериш керак:

1. Географик объектни ўрганиш режани мукаммал билиш.

2. Картадаги ҳар бир географик объект шартли белгисини ҳақиқатда қандай эканлигини тасаввур этиш.

3. Ўрганилаётган объектнинг образини ҳаёлан тиклай олиш ва ҳ. к.

Масалан: Калимантан (Борнео) ороли 6-синф ўқувчиси томонидан тахминан қуйидагича ўқилиши мумкин. Калимантан ороли 7° ш. к. ва 3° ш. к. ҳамда 109° ва 117° ш.к. узунликлар оралиғида жойлашган. Ёзда қуёш уфқдан жуда баландда бўлади, қишда эса салгина қия, қиш бўлмайди. Калимантан оролида денгиз шамоллари эсиб туради. Ёғин миқдори 2000 мм ва ундан ҳам юқори. Агар ўқувчи жавобида ҳақиқатан ҳам ушбу маълумотлар бўлса, у картадан мустақил фойдаланаяпти. Демак ўқувчи картани билиш учун қуйидагиларга эътибор бериши керак:

1. Географик объектнинг картадаги тасвирини аниқ эгаллаб олиши.

2. Ўрганилаётган объект ҳақида фазовий тасаввур бўлиши ҳатто картага қарамасдан унинг характерли хусусиятларини айта олиши.

3. Ушбу объектнинг картадаги бошқа объектлар билан алоқасини ўрната олиш керак. Ўрганилаётган объектнинг образларини ҳам тиклай олиш ва ҳ. к.

Картани ўрганишни схемалар билан қўшиб олиб бориш, яъни улардан унумли фойдаланиш картани ўқишни бирмунча енгиллаштиради. Масалан: Номир тоғ тугуни географик ўрнини картадан топишни осонлаштиради. Схемалар карта ўрнини боса олмайди, аммо уни тўлдиради, шу туфайли ҳам уларни ўрганишни бирга

қўшиб олиб бориш мақсадга мувофиқ. Картани билишдаги энг муҳим хусусиятлардан яна бири, картографик белгиларнинг нималар (ранг, чизиқлар, белгилар, сўзлар, рақамлар)ни акс эттиришини цухта билиш лозим. Фақат шундагина картани ўқий олишдан ташқари, балки уни тушуниш ҳам енгиллашади.

География таълимида аксарият ҳолларда зарур билимларнинг ҳаммасини ҳам картографик манбалардан олиб бўлмайди, уларни назарий манбалардан ҳам излашга тўғри келади. Масалан: турли типдаги карталарни таҳлил қилиш орқали Сурхондарё вилоятининг Ўзбекистон жанубида жойлашганлигини, у ерда Амударё, Сурхондарё каби дарёлар борлигини, Шарқда Тожикистон билан жанубда Афғонистон билан чегарадошлигини билиб олса бўлади. Аммо нима сабабдан Сурхондарё қуруқ субтропикда жойлашганлигини, цитрус мевалар ўсишини ва ҳакозолар кабиларни географиянн назарий билимларини эгалламасдан фақат карта орқали тушуниб бўлмайди. Картани тушуниш географик объект ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликни назарий билимлар билан боғлаб исботлай олишни ҳам ўз ичига олади. Демак, картани тушуниш картографик билимларни нэмоён бўлишидаги оддий шакл десак хато қилмаймиз.

Чунки картографик билимларни ўқувчилар узоқ машқлар орқалигина эгаллайдилар. Маълумки, фикрлаш жараёни мураккаб, қатор ақлий жараёнларни —таққослаш, таҳлил, синтез, хулоса чиқаришни ўз ичига олади. Бу жараёнларсиз картографик ва географик билимларни эгаллаш қийин. Карта—фақат билиш манбаигина бўлмай, балки муҳим кўргазмали қурол ҳамдир. Карта ўқувчиларни фаоллаштиришда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Карта билан ишлашда қуйидаги даражаларни ажратиш мақсадга мувофиқ: Биринчи даража—географияни ўрганишга киришгунча эгалланган картографик билимлар. Бу билимлар асосан табиатшунослик курсларида (3-4 синфларда) олинган бўлиб, улар табиий географик билимлар ҳисобланади. Бунда ўқувчилар объектларни ташқи белгиларига кўра ажратадилар. Масалан: Урганч аҳоли яшайдиган пункт, Помир тоғ ва ҳ. к.

Иккинчи даража—ўқувчилар ўзларидаги мавжуд географик билим ва тасаввурларини карта билан боғлаш олишис Географик объектларни жойлашишни бўйича ҳаётий фазовий тасаввурларга эга бўлиши алоҳида объектлар ва жойларга оддий таъриф ёки

олиш, дарёнинг бошланиши, қуйилиши, ҳавзаси тизимини кўрсата олиш керак.

Учинчи даража—картани билиш (тушуниш), ундан билим манбаи сифатида фойдалана олиш, энг муҳими ўқувчилар ўзларидаги географик билимларни карта билан уйғунлаштира олишни талаб қилинади. Ўқувчилар бу даражада картада эркин мўлжал ола билишлари, бирон ҳудудга ҳар томонлама таъриф бера олилари, объектларини таққослай олишлари, табиий ва иқтисодий хусусиятларини, сабаб-оқибатларини ажрата олишлари зарур. Ўқувчиларни картографик билим ва кўникмалар билан қуроллантиришда, хилма-хил картографик воситаларнинг аҳамияти катта.

КАРТАНИ ЎҚИШ МЕТОДИ

Картани ўқиш кўникмаси бирданига ҳосил бўлмайди. У астасекин узоқ машқлар туфайли чуқурлашади ва такомиллашади. Карта ўқишни мураккаблик даражасига кўра 3 та турга ажратилади.

1. Картани энг оддий ўқиш. Бунда объектнинг ташқи кўринишидаги хусусиятларига асосий эътибор берилади. Масалан, мана бу Австралия, Евроосиё, Помир тоғлари, Ўзбекистоннинг давлат чегаралари ва ҳ. к. Бу метод жуда оддий бўлиб у кўпроқ бошланғич синфларда қўлланилади. Бу методни худди алифбони ўрганиш билан қиёсласа бўлади. Аммо картани энг оддий методда ўқишни кўникма малакаларини шакллантирмасдан мураккабликга интилиб бўлмайди. Шу туфайли география ўқитувчиси картани ўқиш алифбосига қуйи синфларда замин яратилиши кераклигини доимо эсда сақлашлари керак.

2. Картани мураккаб ўқиш. Карта асосида объект ва предметларнинг хусусиятлари ҳақида хулосалар чиқара олиш. Ер юзида объектларнинг ўзаро жойлашиши ҳақида фазовий тасаввурлар ҳосил қилишдан иборат. Бу метод ҳам тинимсиз машқлар орқали амалга оширилади. Карта асосида турли объектларни таққослаш жараёнида у ёки бу объектларига хос бўлган хусусиятлари аниқланади. Масалан, карта асосида қуйидаги жадвални тўлдиринг.

Текисликлар	Геог. ўрни	Шимолдан Жанубга узунлиги км	Ғарбдан Шарққа узунлиги км	Ички сувлар	Фойдали қазилмалар	Иқлими	Табиат зоналари	Хулоса
Турон паст-текислиги								
Ғарбий Сибир паст-текислиги								

Картани ўқишнинг учинчи даражаси ўқувчилардан чуқур ақлий куч талаб қилади. Ўқувчи географик билимларга ва картадаги фактларга таяниб янги хулосаларга келади. Бунинг асосида эса қўшимча билимларга эга бўлади. Қисқаси ўқувчи картадан билим манбаи сифатида фойдалана оладилар.

ТАБИИЙ КАРТАЛАРНИ ЎҚИШ МЕТОДИКАСИ

V-VII синфларда табиий карталар жуда кенг қўлланилади. Улар ёрдамида ҳудуднинг географик ўрни, рельефи, иқлим ҳосил қилувчи омиллари, ички сувлари, геологияси, тектоникаси ва бошқа масалалар атрофлича ўрганилади. Табиий карталарни ўқиш методикаси хилма-хил бўлиб бундай карталарни ўқиш методлари жуда кам тадқиқ этилган. Айниқса Ўзбекистон, Туркистон табиий географияларининг мустақиллик шарофати туфайли дарслик янгидан яратилиши улар билан боғлиқ табиий карталар мазмуни ва ўқиш методларига ҳам таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Қуйида карталарни ўқишнинг айрим методик томонларига тўхталамиз.

ТАБИИЙ КАРТАЛАРДА ҲУДУДНИНГ ГЕОГРАФИК ЎРНИНИ ТАЪРИФЛАШ

География фани ўрганадиган ҳар қандай объектлар ер юзида аниқ ўзига хос ўринни эгаллаган объектлар бир-биридан географик ўрни жиҳатидан фарқ қилади. Ҳудуднинг географик ўрнини аниқламасдан, унинг бошқа хусусиятларини аниқлаб бўлмайди. Географик ўринни аниқлашга дарслик ва дастурда катта эътибор берилишига қарамасдан аксарият ўқувчилар уларни картага боглаб бил-

майдилар ва турли камчиликларга йўл қўядилар. Булар қуйидагилардан иборат.

а) География ўринга рельеф, иқлим ва табиатнинг бошқа томонлари ҳақидаги маълумотларнинг киритилишидир.

б) География ўринга карта асосида таъриф бериш, таълим мақсади сифатида аржатилмаганлигидан келиб чиқади.

в) География ўрнини ўрганишда ўқувчиларнинг карта бўйича бажарадиган амалий фаолиятлари асосий ролни эмас балки қўшимча ролни ўйнайди. Бунга заруpат даражасида эътибор билан қаралмаслиги туфайли ҳақоридаги нарса содир бўлади. Ҳатто ўқувчиларнинг уй вазифалари текширилганда ҳам уларнинг дарслик асосидаги жавоблари билан чегараланилади.

Ҳар қандай объект ва ҳудуднинг географик ўрнини карта асосида таърифлаш таълимининг энг асосий мақсади бўлгандагина ўқувчиларни картани ўқишни ўргатиш мумкин. Акс ҳолда бу тушунчанинг мазмунини очиб беришга унинг муҳим белгиларини билиб олишга имконият яратилмайди.

Материклар ва океанлар географиясида географик ўринни ўргатиш бошқа курсларга қараганда анча бой имкониятлар мавжуд. Қуйида материк географик ўрнини карта асосида тасвирлашда тубандаги режани тавсия қилиш мумкин.

1. Материк катталиги
2. Материкнинг экватор ва бош меридианга нисбатан жойлашиши.
3. Материкнинг чекка нуқталари ва координаталари.
4. Материкнинг тропиклар ва қутб доираларига нисбатан жойлашиши.
5. Материкнинг шимолдан жанубга ва ғарбдан Шарққа узунлиги км ва даража ҳисобида.
6. Материкни ўраб турган океанлар ва денгизлар.
7. Материкнинг бошқа материкларга нисбатан ҳолати, уларга узоқ яқинлиги.
8. Материкнинг бошқа материкларга нисбатан катталиги ёки кичиклиги.

Бу режа асосида карта бўйича қуйидаги савол-жавобни уюштириш мақсадга мувофиқ.

1. Ярим шарлар картасига диққат билан қаранг қайси материклар майдони Африкадан кичик ёки катта?
2. Африка Евроосиё материгидан қанча кичик?
3. Материкнинг қайси қисмидан экватор кесиб ўтган?
4. Материкнинг қайси қисмидан бош меридиан кесиб ўтган?

5. Шимолий ва Жанубий тропиклар материкнинг қайси қисмларидан кесиб ўтган?

6. 20° меридиан бўйлаб Африка материгининг шимолдан жанубга узунлигини аниқланг.

7. Материкнинг ғарбдан Шарққа узунлигини экватор бўйлаб топинг ва ҳ. к.

Тажрибалар ва тадқиқотлар шу нарсани кўрсатадики, ўқувчилар ҳар хил машқлар топшириқларни бажаришлари ва географик ўрнини карта асосида мустақил аниқлай олиши, бу кўникмани янгича шароитларда қўллай олишларига имкон яратилади. Натижада улар режадан фойдаланмасдан туриб ҳам географик ўриннинг тури томонларини очиб берадиган бўладилар.

Туркистон табиий географиясида географик ўрни тушунчасини ўргатиш методикаси бирмунча мураккаблашади. Шу туфайли бу тушунчани ўқувчилар диққатига жадвал тарзида мустақил тўлдириш тавсия этилади.

Туркистоннинг чекка нуқталарини картадан топинг	Ғарбий чегараларини аниқланг	Шимолий чегаралари қаерлардан ўтган?	Шарқий чегаралари қаерлардан ўтган?	Жанубий чегаралари қаерлардан ўтган?	Хулоса

Ўқувчилар Туркистон табиий географик ўрнига оид маълумотларни ушбу жадвалга тушириб бўлганларидан кейин уни ёзувсиз картада акс эттириши таклиф этилади.

Кейинчалик ўқувчиларда географик ўриннинг бошқа билимларни эгаллашига таъсири синаб кўрилади. Буни географик ўрин билан Туркистон табиати хусусиятлари ўртасидаги боғлиқлик мисолида бажарилиб ўқувчилар билан қуйидаги мазмунда карта асосида суҳбат уюштирилади.

1. Туркистон ўлкасининг океанлардан узоқда жойлашганлиги.

2. Унинг Евроосиё маркази қисмида жойлашганлиги.

3. Қишнинг анча совуқлиги. Иқлимнинг чекка шимол, ғарб, шарқ, жанубда бир-биридан анча фарқ қилиши.

4. Ўлка ёзининг ҳам турли қисмларида турлича эканлиги.

5. Нима сабабдан «берк ўлка» дейилиш сабаблари.

6. Ёнғинларнинг тақсимланишининг хилма-хиллиги.

7. Жануб ва шарқий қисмларида жойлашган тоғларнинг ўлка табиати шаклланишига таъсири.

8. Туркистон ўлкасида табиатнинг хилма-хил кўринишлари, барханлар, чакалакзорлар, обод воҳалар ва бошқалар мавжудлиги сабаблари карта билан боғланган ҳолда аниқланади. Суҳбат якунида ўқувчиларга карта маълумотлари ва суҳбат натижалари асосида Туркистон географик ўрнига мустақил режа тузиш топширилади ва ҳ. к.

ГЛОБУС БИЛАН ИШЛАШ

Глобус карта олдида талай қулайликларга эга. Унда объектлар, орасидаги масофалар тўғри акс эттирилган бўлади. Масштаб, бурчаклар, майдонлар ҳамма йўналишларда бир хил бўлади. Ана шу хусусиятларни эътиборга олиб, картани ўрганишнинг дастлабки босқичларида глобус билан картани ўрганишни бирга қўшиб олиб бориш лозим.

Глобуссиз ўқувчиларда кенг кўламли тасаввурлар ҳосил қилиш қийин. Қутб, экватор, параллеллар, меридиан, кенглик, узунлик, градус тури тушунчаларини глобуссиз ўқувчилар онггига етказиш анча мушкул. Глобус ёрдамида масофаларни аниқлаш борасида турли машқлар бажариш мумкин. Глобусдан ер шарида вулканларнинг жойлашиши, дунё океани ва унинг қисмлари, сув кўтарилиши ва қайтиши, Ернинг иссиқлик минтақалари каби кўплаб мавзуларни ўрганишда унумли фойдаланиш лозим.

Табиий география дарсларида қуйидаги билимларни глобуссиз ўрганиш қийин. Ернинг умумий кўриниши, Ернинг шар шаклидагини исботлаш, юқорига кўтарилган сари уфқнинг кенгайиши, тоғ тизимларининг баландлиги, Ер шари катталиги, Шимолий ва Жанубий, Ғарбий ва Шарқий ярим шарлар, градус тури, горизонт томонлари қуёш турларининг қиялиги ва тушиш бурчаги, тропиклар, қутб доираси, Ер шарининг иссиқлик минтақалари, Ернинг суткалик ва йиллик ҳаракати, Ер ўқининг орбита текислигига қиялиги, йил фасллари, глобусда, жойда картада мўлжал олиш, денгиз оқимлари, дунё бўйлаб саёҳатлар, ҳаво йўллари, масштаб, глобусда масофаларни аниқлаш, атмосфера, гидросфера, маҳаллий минтақа вақти, Ернинг ички тузилиши, глобусда материклаш жойлашиши ва ҳ. к.

Материклар ва океанлар курсида пассатлар, табиат зоналари, иқлим минтақаларини ҳам глобуссиз ўрганиш бирмунча қийин.

Юқори синфларда глобусдан доимий фойдаланилмасада. давлатларни ўрганишда аввало уни глобусдан кўрсатиб кейин картадан кўрсатиш яхши натижалар беради.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, глобусдан материклар ва океанлар географиясини ўрганишда жуда кам ишлатилади. Бу жуда катта хатодир. Глобус ер юзидаги бир-биридан узоқда жойлашган пунктлар орасидаги масофаларни аниқлашда ҳеч нарса билан алмашлаб бўлмайдиган воситадир. Глобуснинг аҳамияти бутун география таълими жараёнида сақланиб қолиши керак. Бунга риоя қилмайдиганлар катта хатоларга йўл қўядилар. Ер юзининг икки нуқтаси орасидаги энг қисқа масофа ортодрамия дейилади. Топиш учун глобус юзасига (2 та нуқта орасига) ип тортиб, шу ип бўлагини ўлчаш керак. Олинган узунликни (ипни) глобус масштабига кўпайтириш кифоя. Картада эса 2 нуқта орасидаги энг қисқа масофа тўғри чизиқ эмас. Балки эгри чизиқ бўлади.

Ортодрамияни глобусда аниқ масштаб билан ўлчанса, картада мураккаб формулалар билан ҳисоблаб топилиши амалга оширилади. Ортодрамияни глобусдан картага кўчириш бўйича машқлар бажарилса, ўқувчиларни картографик проекциялар тушунчаси билан таништириш имкониятига эга бўлинади. Бунинг учун глобусда ва картада бир хил ва турли хил нуқталар орасидаги масофаларни ўлчаб бир-бирига қиёсланади. Глобус билан картани таққослаш туфайли ўқувчилар глобусда ҳудуднинг масштаби, шакли, майдони бирдай тўғри тасвирланганлигини ўз кўзлари билан кўрадилар. География ўрин тушунчасини сайёравий нуқтаи назардан олиб қараганда глобуссиз ўқувчилар онгига етказиш қийин.

Ер шарида мамлакатларнинг бутун ер шарига ва денгиз йўлларига нисбатан ҳолатини ҳам глобуссиз ўқувчиларга тўлақонли етказиш амримаҳол. Айниқса иқлим ҳосил бўлиш омиллар, тупроқ-ўсимлик заҳираларининг ҳосил бўлиши жараёнларини географик ўрин билан боғлаб тушунтириш катта аҳамиятга эга. Буни глобуссиз амалга ошириб бўлмайди.

Шу туфайли ундан барча синфларда фойдаланиш география таълими самарадорлигини оширишда ниҳоятда фойдали. Контур (ёзувсиз) карталар билан ишлаш картани тушунишда ва зарур кўникмалар ҳосил қилишда ёзувсиз карталарнинг роли катта. Ёзувсиз картадан дарснинг турли босқичларида фойдаланиш мумкин. Ёзувсиз карта ўқувчиларда қуйидагиларни шакллантиришда катта аҳамиятга эга:

—эгалланган билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлашда.

—ўқувчиларда фазовий тасаввурлар такомиллаштиришда ҳосил қилишда.

—картографик шакл ва белгиларни эсда сақлаб қолишда.

—ўқувчиларда диққат, кузатувчанлик, фикрлаш фаоллиги назарий билимларни таҳлил қилиш, асосий билимларни ажрата олиш ҳислатларини тарбиялайди.

Контур картани тўлғазишда эсда сақлашнинг бир неча турлари қўлланилади. (эшитиш, кўриш, қўл билан тушириш) Контур картани ишлашга киришишдан олдин ўқувчилар йўриқлантириши лозим. Ишни аввало чегараларини, яриморол, қўлтиқлар кўк рангда, тог тизмаларининг йўналишлари жигарранг қаламда, дарёлар кўкда, аҳоли пунктлари (шунсоплар) қизил, шамоллар, юк йўналишлари, оқимлар стрелкалар билан берилади. Контур карталардан амалий ва назорат иш ишларда ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан:

а) шартли белгилар билан фойдали қазилмалар, саноат марказларини туширинг;

б) йирик саноат районларини туширинг;

в) шартли белгилар билан Қишлоқ хўжалигининг ихтисослигини ажратинг ва ҳ. к.

Контур карта асосида географик диктант ҳам ўтказиш мумкин. Масалан, йўғон чизиқда Қрим, Урал, Помир, Олтой, Ҳисор, Тяншань тог тизимларини туширинг, уларни карта чеккасида рақамлар билан ажратинг ёки ер шаридаги (йирик) 5 тадан яриморол, оролнинг номини ёзинг ва ҳ. к.

Контур карта асосида назорат иш уюштириш 10-15 минутдан ошмаслиги керак. Ўқитувчи ёвузсиз карталардан фойдаланишни 4 гуруҳга ажратиши мумкин.

1. Янги материални ўрганиш жараёнида.
2. Уй вазифаларини бажаришда.
3. Ўқувчилар билимини текшириш пайтида.
4. Назорат ишларини ўтказишда.

Ўқувчиларнинг энг яхши ишланган ёзувсиз карталарини синф, мактаб кўргазмаларида намойиш қилиш ўқувчиларнинг географияни, картани ўрганишга бўлган ҳавасларини оширади.

ГЕОГРАФИЯ НОМЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Картада объектларнинг жойлашишини ўқувчилар эслаб қолишлари анча мураккаб жараён. Бунинг учун хилма-хил методларни қўллашга тўғри келади. Одатда картадаги объектларни аввал ўқитувчи, кейинчалик ўқувчилар топадилар. Ўқитувчининг асосий вазифаси кўрсатилган объект номининг тўғри айтилиши ва эсда сақлаб қолишини таъминлаши керак.

Ўқитувчи объектларни қандай кўрсатиш ва уларни картадан қандай қилиб излаш кераклиги ҳақидаги йўл-йўриқларини айтиши мақсадга мувофиқ. Географик номларни ўқувчилар эслаб қолиши учун ўқитувчи объект номини тўғри талаффуз қилиб, уни доскага ёзади. Кейин шу объектга хос бўлган хусусиятларни яъни унинг шакли, катталиги, рангги, йўналишининг ва бошқа томонларини айтади. Имкони борича ўша объектларнинг картадаги шаклини рангли қоғозларда қирқиб кўрсатади ва бу шаклларни ўқувчиларга таниш бўлган фигуралар билан қиёслайди. Масалан, Апеннин ярим оролини—этикка, Шри-ланка оролини—туҳумга, Скандинавия ярим оролини—арслонга, Қора денгизни—ловия ўсимлиги донига ўхшатишади. Объектларни бундай ўхшатиш бир мунча аниқ ва тўғри бўлмаса ҳам, ўқувчилар уларни тезда эсда сақлаб қоладилар ва картадан тез топадилар. Эскирган карталарни картон қоғозларга ёпиштирилиб улардан географик объектларнинг шакларини қирқиб ясаб қўйилса ва улардан дарсни мустаҳкамлаш қисмида 3-5 минут давомида машқлар уюштириш мумкин. Бу методдан фойдаланиш ўқувчиларда объектларнинг шаклларини тўғри тасаввур қилишларига ёрдам беради. Дарсларда ўйин тарзида ҳар 2 ўқувчига ёки 2 командага 10 тадан ёки ундан кўп шакллар тарқатилиб мусобақалар уюштириш яхши натижалар беради. Ўқувчилар ўзларига тушган шаклларнинг қайси объектлар эканлигини уларнинг картадаги ўрнини, уларга оид бўлган бошқа маълумотларни айтиши талаб этилади. Масалан, ўқувчига Тасман ороли шакли тушди дейлик, ўқувчи уни картадан топиб, уни сайёҳ тадқиқотчи Абел Тасман томонидан нашр этилгани ва бошқа маълумотларни айтади.

Ўқувчилар билмайдиган бошқа маълумотларни ўқитувчи тўлдириши керак. Ҳар бир географик номнинг маъносини айтиш, шу объектларни нафақат эсда қолишини балки уларнинг картадаги ўрнини, яъни фазовий картографик тасаввур ҳосил бўлишига имкон яратилади. Картадан географик объектларни кўрсатишда ўзига хос дидактик қоидаларига бўйсуниш керак. Албатта объект кўрсаткич ёрдамида топилиши, гавда билан унинг бекитилмаслиги, кўрсаткич пунсонга тушиши (унинг ёнидаги ёзувга эмас), кўрсаткични контур чегараси бўйлаб юритиш зарурлиги ўқувчиларга доимо уқтириб борилиши зарур. Йўллар, дарёларни уларнинг йўналиши бўйлаб кўрсатилиши керак. Географик объектнинг яқинидаги бошқа объектлар ҳақидаги маълумотларга эга бўлишлик асосий объектнинг картадан тез топиш имкониятига эга бўлинади. Масалан, Сувайиш канали Африка билан Осиё қитъалари ўртасида

эканлигини ёки Ўрта денгизни Африка билан Европа оралиғида жойлашганини объектнинг картадан тез топилишига имконият яратади.

Картадан объектларни ўрнини тез эсда сақлаб қолишни жонлантиришда кўпчилик ўқитувчилар байроқчалар, шартли белгилар, иплар ва бошқа воситаларидан ҳам фойдаланадилар. Дарс давомида картадан излаётган объектларга юқоридаги воситаларни қўйиб борадилар.

География ўқитувчиси объектларни ўқувчилар томонидан механик ёдланиларига йўл қўймасликлари зарур. Бу эса картанинг формал эгалланишига олиб келади. Бу борада илгор тажрибали ўқитувчиларнинг иш фаолиятидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Айниқса ўқувчилар ер шарида жойлашган 230 дан ортиқ мамлакатни сиёсий картадаги ўрнини эсда сақлаб қолишига бир мунча қийналадилар. Бундай пайтда уларни ўрганишни енгиллаштирадиган методларни қўллаш ва излаш зарур. Масалан: ўқувчиларга давлатларни географик ўрнига кўра гуруҳлаш асосида қуйидаги жадвални тўлдириш топширилади.

Материкда жойлашган давлатлар	Оролларда жойлашган давлатлар	Ярим орол ларда жойлашган давлатлар	Денгизга чиқаолмайдиган давлатлар	Тинч океан бўйида жойлашган давлатлар	Болтиқ денгизи бўйида жойлашган давлатлар	Бошқа океанлар бўйида жойлашган давлатлар ва ҳ. к.

Қачонки ўқувчилар картадан давлатларни мустақил топиб жадвални тўлдириб борсалар ва бу борадаги узлуксиз машқлар албатта ўз натижаларини беради.

Ўқувчилар географик карталарни ўрганишда объект ва ҳодисаларнинг хусусиятларини схематик чизмада, расмларда ва бошқа белгиларда акс эттиришлари самарали натижалар беради. Ўқувчилар айниқса табиий ҳодисаларни асосий белги ва хусусиятларини доскага чизиб кўрсатилган схема ва расмлар воситасида пухта эгаллаб оладилар. Кейинги йилларда методик адабиётларда география дарсларида расм ва бошқа чизмалардан фойдаланиш бўйича кўпгина мақолалар эълон қилинди. Горст, грабен, узилма, плат-

форма, вулқон, ер ости сувлари, шаршара, остона, дельта, каби юзлаб объектларни фақат расм ва схемалар ёрдамида акс эттириш уларнинг ўзлаштирилишини осонлаштиради. Янги материални ўтиш жараёнда доскага карта схемаларини чизиб бориш ўқувчилар фаоллигини оширади. Карта схемаларнинг энг асосий билимлари акс этади. Карта схемаларини ёзувсиз картада чизиш вақтни тежаш имконияти туғилади. Уй вазифаларини тайёрлашда китоб билан ишлашда ҳам ўқувчиларнинг карта схемаларни чизиб келишига эътибор бериш керак. Ўқувчиларнинг карта билан ишлашга ўргатишда соқов карталарнинг роли катта.

СОҚОВ КАРТАЛАР ҳақиқий карталарнинг ўзи бўлиб, лекин уларда географик номлар берилмайди. Ўқувчилар номлари ёзилмаган тоғлар, текисликлар ва бошқа объектларни мустақил аниқлай олишлари керак. Аммо соқов карталар ҳозирги кунда карта фабрикалар томонидан ишлаб чиқарилмаяпти. Уларни ишлаб чиқишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

География ўқитишда НАВБАТЧИ КАРТАЛАР ҳам ўқувчиларнинг картографик билимларни такомиллаштиришда аҳамиятга чексиз. Навбатчи карталар деворий ўқув карталар ёрдамида амалга оширилади. Дунё ва Ўзбекистон сиёсий карталарида байроқчалар, қўйиш, иплар тортиш ва бошқа белгилар билан дунё ва мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган воқеа ҳодисаларни акс эттирилиб берилади. Ўқувчилар навбат билан мамлакатимиз ҳаёти ва дунёда бўлаётган муҳим ўзгаришларни қисқа тушунтириш матнлари билан навбатчи картанинг пастки қисмида ёритиб берадилар.

Навбатчи карталарнинг ҳар бир синфда бўлиши яхши натижалар беради. Ўқувчилар картографик билим кўникма ва малакаларни шакллантиришда карталар ёрдамида географик ўйинларни ташкил қилиш ҳам ўқувчиларнинг энг севиб қатнашадиган фаолиятларидан биридир. Бундай ўйинларнинг ўнлаб турлари П. Мусаев ва Р. Қурбонниёзовларнинг «Географик ўйинлар» ва Р. Қурбонниёзовнинг Ўзбекистон географиясидан қизиқарли савол ва топшириқлар китобларида берилган.

ТУШУНЧАЛАР

Карта, Картани ўқиш, Картографик тасаввур, Картани оддий ўқиш, Картани билиш, Картани мураккаб ўқиш, Картографик билим, Глобус, Картографик кўникма, Глобус турлари, Фазовий тасаввур, Контур карта, Умумгеографик карта, Соқов карта, Тематик карта, Навбатчи карта, Профил, Деворий карта, Резка, Картографик тушунча, План.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР.

1. Ўқув карталари қандай хусусиятларга кўра таснифланади.
2. Ўқувчиларнинг географик, картографик билимларига қўйиладиган талабларини айтинг?
3. Ўқувчиларда картографик кўникмалар ҳосил қилиш учун қандай жавоблар қўйилади?
4. Картани ўқиш деганда нимани тушунасиз?
5. Табиий география дарсларида қўлланиладиган карталар, мазмунига кўра қандай турларга бўлинади? Иқтисодий география дарсларидаги карталарчи?
6. Евросиё рельефини ва Ўзбекистон саноатини ўрганишда қандай карталар қўлланилади. Улар қандай турдаги карталарга киради?
7. Глобус ва контур карталар орқали ўқувчиларда қандай географик тушунчаларни шакллантириш мумкин? Ўзингиз ҳоҳлаган битта географик тушунчани шакллантириш методини беринг.

АДАБИЁТЛАР

1. Н. Н. Баранский Методика преподования экономической географии М. Учпедгиз 1960 й.
2. Г. Ю. Грюнберг Картографические понятия в школьной географии. М. Просвещение 1979 й.
3. М. Асамов Т. Мирзалиев Топография асослари ва картографиядан лабаротория машғулотлари Тошкент «Ўқитувчи» 1990 й.
4. Методика обучения географии в средней школе М. Просвещение 1998 й.
5. П. Мусаев, Р. Қурбонниёзов «География ўйинлар» Тошкент «Ўқитувчи» 1990 й.
6. Р. Қурбонниёзов «Ўзбекистон географияси» (қизиқарли савол ва топшириқлар) Тошкент «Ўқитувчи» 1998 й.

ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛИГИ БИЛАН ИШЛАШ ТАЪЛИМИДА ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ.

РЕЖА:

1. Таълимда дарсликнинг ўрни ва роли.
2. Собиқ СССР даври география дарсликлари таҳлили.
3. География дарсликлари яратишда қўйиладиган талаблар.
4. География дарслиги билан ишлаш методлари.
5. География дарслигидаги матн турлари.
6. География дарслигидаги савол ва топшириқлар билан ишлаш.
7. География дарслигидаги иллюстрациялар билан ишлаш.

Дарслик фан ютуқлари асосларини ўзида мужассамлаштирган

энг муҳим таълим воситаларидан бири ҳисобланади. Фан асослари барча ўқув предметларида илмий билимлар, билимлар тизими сифатида намоён бўлади. Илмий билимлар дарсликда **тушунча, қонуният, фараз, назария, қоидалар тарзида акс этади.** Барча билим тушунча, қонуниятлар ўқув предметига бир қанча фильтрлар орқали ўтади ва ўзига хос ишловни олгандан кейингина ўқув предметига киритилади. Бундай билимлар аввало таълим мақсадига ўқувчилар эҳтиёжига, замон талабларига жавоб бериши керак. Шу туфайли таълим мазмунини фақат экспертлар орқали танлаш мумкин эмаслигини ҳаёт исботлади.

Шу туфайли ҳам 1964-1966 йилларда таълим ислоҳотида олимлар тавсияси билан танланган таълим мазмуни ва шу асосда яратилган дарсликларни ҳаёт ва мактаб инкор этди. Бу ерда фан, ижодкорлар қизиқишига мос келмаганлиги оқибатида таълим ислоҳати амалга ошмасдан қолди. Ўқувчилар қизиқиши олдиндан ўрганилмаганлиги дарсликни ҳаётий экспериментдан ўтмаганлиги оқибатида бу салбий ҳолат рўй берди.

География дарсликларини яратишга қўйиладиган энг муҳим талаб у ҳаёт билан, ИТТ ютуқлари билан боғланган бўлиши кераклигидадир. Шу кунгача дарсликларда фаннинг қайси илмий билим ва саволларини олиш кераклилиги ҳақида биронта критерия (талаб) яратилгани йўқ. Бундай критерия география таълимида регионлар, ҳудудлар хусусиятидан келиб чиқади. Собиқ СССР даврида Ўзбекистон мактабларида СССР табиий географиясини ўрганишга 58 соат вақт сарфланиб Ўзбекистон табиий географиясига атиги 12 соат вақт ажратилган. Яъни ўқувчилар ўзга ўлкалар географиясини мукаммал ўрганиб ўз мамлакати географиясини жуда юзаки ўргандилар. Бу ерда дарсликлар яратилишида ҳудудлар, ИТТ критерия сифатида эътиборга олинмади.

Ўша даврда яратилган география дарсликлари фақат Россия ўқувчилари манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда яратилди десак ҳато қилмаймиз. Фан асослари дарсликда акс этган билимларни мантиқан тўғри берилиши ва ёритилиши илмий билиш методларига таяниши, қонуният, тушунча ва турли ғояларнинг табиат ва жамият қонунларига мос ва тўғри бўлиши мақсадга мувофиқ. Фан асосларининг дарсликда мантиқан изчил ва илмий бўлишида қуйидагиларга эътибор бериш керак.

1. Географик объект ва ҳодисани тадқиқ қилиш ва у ҳақда ҳар хил ахборотлар тўплаш.

2. Йиғилган ахборотларни маълум тизимга тушириш.

3. Қонуниятларни тушунтириб баён этиш, улар ўртасидаги сабаб алоқадорликни ўрнатиш.

4. Илмий маълумотларни ўқув қўлланмалар, мақолалар тарзида чоп қилиб туриш ва шу тарзда келажакда улардан дарсликлар яратишда фойдаланиш. Ўқув предмети мазмунида фан ютуқларини акс эттиришда қуйидагиларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ.

1. Материалларнинг муаммоли баён қилиниши.
2. Ўқувчиларни изланишга ўргатиш.
3. Сабаб оқибатлар алоқадорлиги тарзидаги материаллар бўлиши.
4. Материалнинг мантиқан изчил ёритилиши.
5. Кузатиш натижасидаги материалларнинг берилиши.
6. Қизиқарли материалларнинг бўлиши.
7. Дарслик матнининг мураккаб бўлмаслиги.
8. Зарур карталар, карта схемалар, чизмалар ва бошқа иллюстрациялар бўлиши.
9. Хорижий мамлакатлар тажрибаси мавжуд бўлиши.
10. Матнининг 45-50 % ҳар хил иллюстратив материаллардан иборат бўлиши дарсликнинг жаҳон стандартларида бўлишига имконият туғдиради.

ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛИГИ БИЛАН ИШЛАШ МЕТОДЛАРИ.

География дарслиги билан ишлаш методлари ниҳоятда хилмахил бўлиб улар қуйидагилардан иборат. 1. Матн билан ишлаш. 2. Савол ва топшириқлар билан ишлаш. 3. Дарсликдаги иллюстрациялар ва рақамли материаллар билан ишлаш.

Дарслик билан ишлашдаги энг муҳим хусусият унинг методик тузилиши ҳисобланади. Булар қуйидагилардан намоён бўлган. Аввало ҳар бир матн географик карталар билан узвий боғланганлиги географик атама ва номлар, рақамли кўрсаткичлар ва иллюстратив материалларнинг мавжудлиги билан ажралиб туради.

Географик матнлар билан ишлашда ўқитувчи дарсликдаги матн, карта, ўқитувчи жонли сўзи, иллюстрацияни уйғунлашган ҳолда қўллай олиши ҳисобланади.

География ўқитувчиси дарслик билан ишлашга киришишдан олдин аввало ўқувчиларнинг дарслик билан ишлашга тайёргарлигини аниқлашдан иборат. Ўқувчиларда бошланғич синфлардан ва бошқа предметларда шаклланган дарслик билан ишлашдаги кўникмаларидан ҳам фойдаланиши керак.

Дарслик билан ишлашда асосий ўринни дарслик матни билан ишлаш эгаллайди. Аввало география ўқитувчиси ўқувчини дарслик матнини ўқишга ўргатиш мақсадга мувофиқ. Буни қуйидагича амалга ошириш зарур.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг матн билан ишлаш жараёнига раҳбар-

лик қилади, ўқувчилар жавобларини тўлдиради, унга оид қизиқарли фактларни айтади. Расмларни таҳлил қилади. Ўқувчиларга матнни қандай ўқиш зарурлиги ҳақида кўрсатмалар бериб боради.

Матнни ўқишда албатта ўқувчининг изоҳлаб ва тушунтириб бериши самарали натижалар беради. Ўқувчиларнинг дарслик билан ишлаш методлари мураккаблашиб борган сари, улар қўйилган саволларга дарсликдан мустақил жавоб топа олишлари асосий ўринни эгаллаши зарур. Ўқитувчининг олдиндан тайёрланган топшириқлари асосида ўқувчиларнинг матн билан ишлашида қуйидаги методларни тавсия қилиш мумкин.

1. Матндаги тушунчани топа олиши ва унга таъриф бераолиш.
2. Қўйилган саволга дарслик матнидан аниқ жавобларни топа олиш.
3. Матндан мавҳум саволларга жавоб топа олишни ўргатиш.
4. Матнни таҳлил қилиш орқали қўйилган саволга жавоб топиш.
5. Хулосалар чиқара олиш у ёки бу ҳудуднинг табиий шароитини баҳолай олишлари матн билан ишлашдаги муҳим омиллардан бири саналади. Ўқувчиларнинг дарслик матни билан ишлашда мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантирилмаса кўзлайган мақсадга эришиб бўлмайди. Чунки ўқувчиларни мажбурлаб матн билан ишлашга ўргатиб бўлмайди. Уларни бунга онгли ва ижодий ёндошишга ўргатиш керак.

Ҳозирги кунда барча география дарсликлари ўқувчиларга у билан қандай ишлаш кераклиги ҳақидаги эслатмалар билан бошланади. Аммо улар етарлича эмас. География ўқитувчиси дарслик билан ишлашда қуйидагиларга эътибор бериши керак. Дарслик билан ишлашга киришишдан олдин дарслик номи, муаллифлар ҳақида айрим маълумотлар (агар ўқитувчи бу ҳақда маълумотга эга бўлса), дарсликнинг йирик мавзулари, мазмуни, иловалари, расмлари карталари билан ўқувчиларни таништиради ва улар билан қандай ишлаш зарурлиги ва йўлларини уқтиради.

География дарслиги билан ишлашга киришишдан олдин барча ўқувчиларда атлас карталар бўлишига эришиш зарур. Акс ҳолда кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Дарслик ёки ўқув қўлланма асосида ўрганилаётган матн қисмларга бўлиб, ўрганилиши уқтирилади. Ўқувчилар мустақил равишда ҳар бир қисмдаги атамалар номларини топади. Ўқитувчи уларни доскага, ўқувчилар эса дафтарларга ёзиб борадилар.

Дарслик матни билан ишлаш методлари хилма-хил бўлиб, ҳар бир метод ўзига хос хусусиятга эга. Булар, ичида дарслик матнини таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга. Матн мазмунини таҳлил

этишда унинг асосий компонентларини билиш зарур. Бу компонентлар қуйидагилардан иборат.

1. Умумгеографик тушунчалар таърифини аниқлаш.

2. Объектлар ва ҳодисларни таърифлаш. Бунда рельеф, иқлим, фойдали қазилмаларга оид бўлган биринчи ва иккинчи даражали томонларини ўргатиш, яъни асосий ва қўшимча билимларни аниқ кўрсатиш.

3. Воқеа ва ҳодисаларни келиб чиқиши ва ўзгаришига оид маълумотларни изоҳлаш.

4. Таърифловчи, изоҳловчи, аралаш матнларини аниқлаш ва ажрата олиш.

Ҳар бир матнлар тузилишига кўра қуйидагича фарқлаш мумкин.

МАТН ТУРЛАРИ	МИСОЛЛАР
1. Сабабдан оқибатларга	Ички кучлар. Уларнинг ер пўстлоғи тақсимланишидаги роли
2. Оқибатлардан сабабларга	Рельефнинг хилма-хиллиги
3. Бутундан қисмларга	Африка рельефидаги турли шаклларига
4. Фактлардан умумлашга	Иқлим кўрсаткичларидан иқлим минтақаларига ўтиш.

Матнлар мазмунига кўра қуйидаги турларда намоён бўлади.

Матнлар мазмунига кўра турлари	Мисоллар
1. Тасвирловчи	Дарёлар, кўллар, тоғлар ва ҳ. к.
2. Изоҳловчи	Тоғларнинг текисликларнинг ҳосил бўлиши
3. Аралаш	Рельеф, геологик тузилиш, фойдали қазилмалар

Дарслик матнлари билан ишлашнинг қуйидаги кенг тарқалган турлари бор. Булар; изоҳлаб ўқиш, танлаб ўқиш, режа тузиш, савол-жавоб, матнни гапириб бериш, сабаб-оқибатларни ўргатиш, матндаги асосий ғояни топиш, таққослаш ва бошқа методлардан иборат. Кўпчилик география ўқитувчилари дарслик матнлари билан ишлашда конспект олишга эътибор берадилар. Бу методни қуйи синфларда (VШ синфгача) қўллаш яхши натижалар беришлиги тажрибаларда исботланди.

Ўқувчиларни матн билан ишлашида тайёр режалардан фойдаланиб матнни ўрганиши яхши ва самарали натижалар беради. Матнларнинг табиат объектлари ва ҳодисаларини, уларнинг ўзгаришини образли қилиб ёритиши зарур. Матн мазмуни одатда муаммоли бўлиши керак. Матннинг ёритилиши жараёнида саволлар келтириши ўқувчиларни фикрлашга изланишга ундайди. Энг муҳими ўқувчилар ҳам саволлар келтирилиши ўқувчиларни фикрлашга изланишга ундайди. Бу орқали улар савол ва топшириқлар тузишга ўрганадилар. Ўқув материали мазмуни асосида савол қўя олишлик ёки уни ўқитувчиларга бераолишлик ўқувчиларда савол ва топшириқлар тузиш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради.

Саволлар тузиш пафақат дарслик матни асосида балки карталар ва бошқа иллюстратив материаллар асосида ҳам ташкил қилинса ўқувчиларда бу кўникма малака даражасига кўтарилишига имкон туғилади. Дарсда ўқувчилар томонидан мустақил тузилган савол ва топшириқлар синф ўқувчилари ўртасида муҳокама этилиши таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқ. Мавзу матни бўйича қўшимча саволлар тузиб келишни уйга вазифа қилиб бериш яхши натижалар беради.

Дарслик матни билан онгли ишлаш якунларидан бири, ўқувчининг у ёки бу методни мустақил бажара олиши унда географик фикрлаш, таҳлил, умумлаштириш, ҳислатларини шаклланганлигидан далолат беради.

«Қиёслаш географиянинг жонидир» деган эди буюк географ методист Н. Н. Баранский. Дарслик матни асосида объект ва ҳодисаларни қиёслаш орқали матндаги якка тушунчаларни шакллантириш имконияти туғилади. Қуйида Жанубий Америка ва Жанубий Шарқий Осиёдаги нам экваториал ўрмонларни қиёслаб тасвирлаш режасини келтирамиз. Ўқитувчи қиёслаш режасини ўқувчилар диққатига ҳавола қилади. Ўқувчилар эса дарслик матнидан ҳар иккала ҳудуднинг ўхшаш ва фарқ томонларини муста-

қил аниқлайдилар. Қиёслаш режаси тахминан қуйидагича бўлиши мумкин.

1. Ҳар иккала ҳудуддаги нам экваториал ўрмонларни жойлашиши ва улар эгаллаган майдон.
2. Иқлим шароитлари.
3. Ўрмондаги дарахтлар фарқи.
4. Ҳайвонот дунёси ҳаёт тарзи.
5. Қайси давлатлар ҳудудида жойлашган.
6. Аҳолиси ва улар машғулоти.

Бу ишни бажаришда ўқувчилар дарслик матни ва карталар бўйича мустақил ишлайдилар. Ишнинг қандай бажарилганлигини ўқитувчи назорат қилади, уларни баҳолайди. Юқори синфларда бундай қиёсий тавсифларни реферат тарзида якунласа ҳам бўлади.

Ҳар қандай мавзуни асосий мақсади ўқувчиларда географик тушунчаларни шакллантиришдан иборат. Ўқувчилар ҳар бир мавзудаги тушунчаларни гуруҳларга (умумий якка мавҳум) ажрата олишлари керак. Бошланғич табиий география курсининг «Океан ва унинг қисмлари» мавзусида тушунчаларни гуруҳлашни ўқувчилар қуйидаги тарзда бажаришлари мумкин.

МАВЗУНИНГ ГЕОГРАФИК ТУШУНЧАЛАРИ

УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР	ЯККА ТУШУНЧАЛАР	МАВҲУМ ТУШУНЧАЛАР
Материк, океан, денгиз, қўлтиқ, бўғоз, музлик, ички денгиз, чекка денгиз, орол, ярим орол ва ҳ. к.	Тинч океани, Атлантика океани, Арабистон денгизи, Япон денгизи, Мексика қўлтиғи, Фин қўлтиғи, Мадагаскар ороли, Мозамбик бўғози ва ҳ. к.	Чуқурлик Чуқурлик, даражаси, кенглик, узунлик ва ҳ. к.

Матнни таҳлил қилишда шу нарса маълум бўлдики ўртача ҳажмдаги ҳар бир мавзуда 35 га яқин тушунчалар мавжуд. Ўқувчилар тушунчаларни гуруҳлай олишни ўрганганларидан кейин, уларга хос белгиларни ажратишни эгаллайдилар. Белгиларни ажратиш ўқувчилардан мантиқий фикрлашни талаб қилади.

ДАРСЛИК МАТНИНИ КАРТАЛАР БИЛАН ҚИЁСЛАШ

Карта билан ишлаш дарсликдаги матнни пухта ўзлаштиришини таъминлашга ёрдам беради. Ўқувчилар карта ёрдамида мамлакатлар, алоҳида ҳудудларга комплекс тавсиф ёзишлари, дарсликдаги матн материаллари билан солиштириб кўриши, картада дарсликда берилган материалларни аниқлаб олишга имкон яратади. Қайси материалларнинг картада акс этмагани аниқ намоён бўлади. Ўқувчилар карта билан ишлаб бўлгач ўз натижаларини дарслик матни билан қиёслаб кўради ва ўз хатоларини мустақил аниқлайди. Улар дарслик картани ёки карта дарсликни қандай билимлар билан тўлдиришларини аниқлайдилар. Карта ва дарслик билим манбаи эканлигига ишонч ҳосил қиладилар. География фанининг карта ва дарсликсиз мавжуд бўлаолмаслигига иқрор бўладилар. Карта ва дарслик бир-бирини тўлдирувчи восита эканлигини амалда кўрадилар. Матн билан карталарни қиёсловчи объект ва ҳодисаларга дарёлар алоҳида регионларнинг иқлими, саноати, хўжалиги, аҳолиси хўжалик фаолияти кабиларни кўрсатиш мумкин. География дарслиги матни билан ишлаш методлари ичида ўқувчиларни нутқини ривожлантириш ҳамда уларни имло луғати яъни номлар билан ишлашга ўргатиш ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳар бир ўқувчи дарслик асосида изчил равишда географик номлар луғатини юритиб боришлари дарслик билан ишлашнинг аҳамиятини янада оширади. Демак ўқувчиларнинг дарслик матни билан ишлашдаги муваффақияти аввало унинг қандай ёзилганлигига ҳам боғлиқ.

Шу туфайли дарсликни ёзувчи муаллифлар унинг содда, аниқ, тушунарли тилда ёзилишларига эътибор беришлари зарур. География дарслиги йилдан йилга ўқувчилар нутқини, лугат бойлигини ошириб бориши керак. Янги атамалар дарсликда матнда бўрттириб кўрсатилиши уларнинг изоҳи иловаларда албатта берилиши мақсадга мувофиқ. Географик номлар ва атамалар географик тушунчаларни шакллантиришда катта аҳамиятга эга.

Илғор ўқитувчиларнинг тажрибалари шуни кўрсатадики, луғат тузишни изчил давом эттираётган ва уларни карта билан боғлаётган ўқувчилар географик карталарни пухта таҳлил қила оладилар ва дарслик билан мустақил ишлай оладилар. Ҳар бир география

ўқитувчиси (ўқувчилар ҳам) географиядан луғат китобларига эга бўлишлари зарур. Бу ўқувчиларда дарслик билан ишлаш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради.

ДАРСЛИКДАГИ САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Аксарият география ўқитувчилари дарсликдаги савол ва топшириқлар билан ишламайдилар. Ваҳоланки дарсликдаги савол ва топшириқлар ўқувчиларнинг дарслик матнини қанчалик ўзлаштирганлигини ва уларда географик кўникма ва малакаларнинг қай даражада шаклланганлигини аниқлашда катта аҳамиятга эга.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, аксарият география ўқитувчилари дарсликдаги савол ва топшириқлар билан ишлашга кам аҳамият берадилар. Кўпчилик ўқувчилар эса улар билан ишлаш методларини умуман билмайдилар. География дарсликларидаги савол ва топшириқларни мазмунига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин.

1. Географик қонуниятлар, сабаб-оқибатлар, тушунчаларни эгаллашга оид бўлган савол ва топшириқлар.

2. Аниқ географик объект, ҳодисаларни ўрганишга оид бўлган савол, топшириқлар (тоғлар, текисликлар, денгизлар, дарёлар, кўллар, ўсимликлар, ҳайвонлар, қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқлари ва бошқалар) .

3. Якка ва умумий тушунчаларни гуруҳларга ажратиш тарзидаги саволлар масалан тоғларнинг баландлигига кўра гуруҳларга ажратиши тарзидаги саволлар масалан, тоғларни баландлигига кўра гуруҳлаш дарёларни тўйиниш типига кўра ажратиш ва ҳ. к.

4. Географик объект ва ҳодисаларни белгилашга кўра топшириқлар: масалан қўй кўп боқиладиган районларни, қорамолчилик ривожланган ҳудудларни ажратиш ва ҳ. к.

5. Табиат ва иқтисодга оид сабаб оқибатлар алоқадорлигини ўрганишга оид саволлар масалан, иқтисодий географик ўрни билан мамлакат иқтисодиётининг алоқадорлиги ёки Қизилқум қолдиқ тоғларнинг мавжудлиги сабаблари ва ҳ. к.

6. Объект ва ҳодисаларнинг ўхшаш ва фарқларини ажратиш тарзидаги саволлар масалан, Сахрои Кабир билан Қизилқумни қиёслаш, Мадагаскар ороли билан Сахалин оролини қиёслаш ва ҳ. к.

7. Конкрет географик объект ва ҳодисаларга тегишли бўлган ҳусусиятларни ажратиш. Масалан: Мамлакат, иқтисодий район, шаҳар, табиий районга хос бўлган белгиларни ажрата олиш.

8. Географик ҳодисаларни тавсифлай олиш масалан: об-ҳавонинг кунлик, ҳафталик, ойлик ўзгаришларини жадвалда акс эттираолиш.

9. Объект ва ҳодисаларни тайёр жадвалларга тушираолиш масалан табиат зоналари, саноат тармоқлари ва ҳ. к.

10. Географик қонуниятлар ва сабаб-оқибатларни исботлай олиш масалан: нима сабабдан эски тоғлар фойдали қазилмаларга бой бўлиши, циклоннинг ўзгарувчан об-ҳаво ҳосил қилиши сабабларига оид.

11. Умумлаштирувчи топшириқ ва саволлар масалан табиий шароитни, мамлакатнинг у ёки бу ҳудудини иқтисодий жиҳатдан баҳолай олиш каби тарздаги топшириқлар ва ҳ. к.

12. Кузатиш ва тадқиқот ишларини ва талаб қиладиган саволлар, топшириқлар масалан: ичлаб чиқаришни, об-ҳавони фенологик ўзгаришларни кундаликда ёзиб бориш ва бу борада хулосалар қила олиш ва ҳ. к.

Мавзудаги савол ва топшириқларни бажариш ўқувчиларда хулосалар чиқариш ҳислатларини шакллантиришга ёрдам беради. Қуйи синф ўқувчилари хулосалар қилишга бирмунча қийналадилар. Шу туфайли қуйи синфлардан бошлаб бу ишга ўргатиш мақсадга мувофиқ. Дарслик асосида ўқувчиларни хулосалар қилишга ўргатиш тубандаги йўналишларида олиб борилиши мумкин.

1. Ҳар қандай матннинг хулоса билан якунланишини уқтириш. Хулосалар юқори синфларга чиқиши билан мураккаблашиб боради.

2. Матнни бўлак-бўлакларга бўлиб хулосалар чикаришга ўргатиш.

3. Мати бўйича режа туза олишлик хулоса қила олишликнинг дастлабки белгиси эканлиги тажрибаларда исботлаш.

ДАРСЛИК ИЛЛЮСТРАЦИЯЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ.

География таълимини кўргазмаларсиз тасаввур қилиш қийин. Дарсликдаги иллюстрация мавзуни тўлдирувчи ва унинг мазмунини бойитувчи таълим воситаларидан бири ҳисобланади. География дарсликларида иллюстрацияларнинг хилма-хил турлари мавжуд. Уларни мазмунан қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин.

1. Мати мазмунини такрорловчи иллюстрациялар

2. Матнни тўлдирувчи ва ойдинлаштирувчи иллюстрациялар

3. Матнни унинг баёнида йўқ бўлган материаллар билан бойитувчи иллюстрациялар, табиий объектлар, атроф муҳит, ичлаб чиқаришга оид бўлган билимларни тўлдириш ва бойитишда билим манбаи бўлиб хизмат қилади.

Дарслик иллюстрациялари муҳим кўргазмали қурол вазифасини ҳам ўтайди. Уни дарсда таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш, матн мавзусига оид алоқадорлик томонларини топишда катта аҳамиятга эга. IV-VI синф ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятлари

бирмунча суст. Шу туфайли дарсликдаги расмлар уларда қизиқиш ва фаоллика оширишга ёрдам беради. Ўқитувчининг асосий вазифаси ўқувчиларни расм ва бошқа кўргазмали қўлланмалар билан ишлаш методларини ўргатишдан иборат. Буни қуйидаги тартибда амалга ошириш мумкин (Барча иллюстрацияларни расм номи билан айтамиз).

1. Расмнинг мавзусини ўқиш
2. Уни бутунлигича ўрганиш
3. Расмни қисм-қисмларга бўлиб таҳлил қилиш
4. Расмда қисмлар ўртасидаги алоқадорликни ўрнатиш
5. Расм ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш
6. Расмга қараб хулосалар чиқариш

Масалан дарё системаси расмини қуйидагича таҳлил қилиш мумкин. Ўқувчилар диққатига қуйидаги саволлар ҳавола этилади.

1. Расмда дарё системасининг қайси элементларини кўриб турибсиз?

2. Дарёлар қаердан бошланади, уларни нима деб аталади?
3. Тоғлардаги қор ва музлар қандай пайдо бўлган?
4. Расмда сув айиргич деб нимага айтилади?
5. Дарёнинг ўнг ва чап ирмоқларини топинг.

6. Дарёнинг мансаби ва манбаи деб нимага айтилади? Уларни расмдан топинг.

7. Расмда текислик дарёси акс этганми ёки тоғ дарёси?
8. Расмдан тоғ чўққиси, ёнбағри этагини, кўрсатинг ва ҳ. к.

Ушбу расмни таҳлил қилиш ўқувчиларда нафақат расмлар билан ишлаш кўникмасини шакллантиради, балки «дарё системаси» тушунчасининг тўлақонли шаклланишига ҳам ёрдам беради.

Расм билан матннинг боғлиқлигини 4 та гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Матн материаллари расм материали билан тўлдиради.
2. Расм материаллари матндан олинган материаллар билан тўлдирилади.

3. Расм ва матн бир-бирини тўлдирмайди. Расмдаги материаллар бетараф бўлиб қолади.

4. Матн ва расмдаги материаллар бир-бири билан уйғунлашган бўлади. Матнни расмсиз, расмни матнсиз тасаввур қилиш қийин Бу кўпроқ текст карталарига боғлиқ.

Ўқувчиларни матн ва кўргазмани уйғунлашган ҳолда таҳлил қила олишларига ўргатиш керак.

Дарсликда айниқса иқтисодий география курсларида ишлаб чиқаришдаги алоқадорлик, саноат тармоқлари, мамлакат ичидаги алоқаларни акс эттирувчи схема, диаграмма ва графиклар мавжуд. Улар билан ишлашда ўқувчилар диққатини қуйидагиларга қаратиш мақсадга мувофиқ.

1. Схема, график, диаграмма мавзусини ўқинг.
2. Уларда нима тасвирланган?
3. Уларда қандай ўлчов бирликларидан фойдаланилган?
4. Графикнинг горизонтал йўналишида нима акс этган?
5. Графикнинг вертикал йўналишида нима акс этган?
6. Схема, график диаграмма нималарни қиёслаш мумкин?
7. Юқоридагилар бўйича хулосалар қилинг.

График схемалар билан ишлашда аввало ўқувчиларни улардаги белгилар мазмуни билан таништириш керак. Схема, графиклар билан ишлашда ўқитувчи раҳбарлиги албатта бўлиши шарт. Иллюстрациялар билан ишлашда ўқувчиларни дарслик матни мазмунидаги назарий билимларни эслашлари зарур. Шундагина дидактиканинг энг муҳим қонунияти назарияни амалиёт билан боғлаш имкониятига эга бўлинади.

География дарсликлари рақамли материалларга ҳам жуда бой. Булар тоғларнинг баландлиги, дарёлар узунлиги, мамлакатлар майдони, аҳолиси, аҳоли зичлиги, табиий ўсиш кўрсаткичлари, статистик, иқтисодий кўрсаткичлар, Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархи ва ҳ. к.

Дарсликдаги рақамли материаллар уларни ёдлаш учун эмас балки:

а) Ўқувчиларда географик объектларнинг ҳами, қўлами, катталиги ҳақида тасаввурлар ҳосил қилишда.

б) Статистик кўрсаткичлар асосида иқтисодий географик тавсифномалар ёзишда.

в) Унчалик мураккаб бўлмаган жадвалларни ўқиш асосида ўқувчиларда статистик кўникмалар шакллантиришда ёрдам беради ва жуда қўл келади.

География дарсликлари матнлари рақамли материаллар билан гўлдириб ташланмаслиги керак. Фақат уларда аниқ ва қиёсловчи

рақамлар берилиши мақсадга мувофиқ. Масалан, экватор узунлиги 40075 км, уни автомобиль, самолётда қанча вақтда босиб ўтиши мумкин ёки ўрганилаётган мамлакат аҳолиси, майдонини ўқувчиларга маълум бўлган рақамлар билан қиёслаш, ўқувчиларда энг муҳим рақамларни эслаб қолишни енгиллаштиради. Дарсдаги иллюстратив материалларни 5 та гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Объектнинг ташқи кўринишини акс эттирувчи иллюстрациялар
2. Объектнинг таркибини кўрсатувчи схемалар ва жадваллар.
3. Объектнинг жойлашишини кўрсатувчи иллюстрациялар карта ва карта схема, картограмма, картодиаграммалар
4. Динамик ўсишни кўрсатувчи графиклар, устунсимон диаграмма ва уларнинг бошқа турлари
5. Комплекс (аралаш) иллюстрациялар.

Ўқувчилар иллюстратив материаллар билан ишлашда уларнинг мустақил туза олишга ўргатиш катта аҳамиятга эга. Буни V-VI синфлардан бошлаш мақсадга мувофиқ. Даставвал оддий диаграммаларни тузишни ўргатиш ва математикадан олган билимлардан таянч билимлар сифатида қўллаш самарали натижалар беради: Масалан V-синфда Ернинг қанчаси сувлик ва қуруқликдан иборат эканлигини доиравий диаграммада акс эттиринг ёки VI-синфда экваторда ёғинларнинг тақсимланишини ойлар бўйича устунсимон диаграммаларда акс эттиринг. Бунда йиллик ёғин миқдори, унинг ойлар бўйича тақсимланиши ҳақидаги материалларни ўқувчиларга айтиш мақсадга мувофиқ. Айниқса ўқувчиларда рақамли кўрсаткичларни қиёсловчи жадвалларни мустақил тузаолиш кўникмаларини шакллантириш катта аҳамиятга эга.

Географиянинг барча курслари бундай имкониятларга жуда бой. Масалан, материклар ва океанлар географиясида материкларнинг ёки турли регионларнинг иқлимига оид ҳарорат, ёғин, дарёлар узунлиги, ҳавзалари катталиги, тоғлар узунлиги, баландлигига оид худди шу материаллар Туркистон, Ўзбекистон табиий география курсларида ҳам қиёсланиши мумкин. Иқтисодий география курсларида эса бундай имкониятлар чексиз. Регионлар, вилоятлар, иқтисодий районларни ўқувчилар қуйидаги кўрсаткичлар бўйича қиёслашлари мумкин.

Регионларни ресурслар ривожланиш, саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари, маҳсулотларни келтириш ва чиқариш бўйича, меҳнат унумдорлиги, таннархи ва ҳоказолар бўйича қиёслашлари мумкин. Уларни жадваллар тарзида акс эттириб қиёслаш катта аҳамиятга эга. Масалан, материклар географиясида ўқувчилар мустақил равишда қуйидаги қиёсловчи жадвалларни туза олишлари мумкин.

АФРИКА ИЧКИ СУВЛАРИ (ДАРЁЛАРИ)

ДАРЁЛАРИ	Неча метр баландан бошланади	Ҳавзаси майдони кв. км	Узунлиги км	Суви қачон тошади?	Суви қачон камаяди?	Хўжаликдаги Роли	Қандай юклар ташилади
НИЛ							
КОНГО							
ЗАМБЕЗИ							

ИҚТИСОДИЙ РАЙОНЛАР	Майдони	Аҳолиси	Табиий ресурслари	Темир йўллар Узунлиги	Саноат тармоқлари таркиби	Қишлоқ Хўжалиги тармоқлари	Аҳоли жон бошига маҳсулотлар ишлаб чиқариш
1. Қуйи Аму дарё							
2. Қашқадарё							
3. Тошкент Оҳангарон ва ҳ. к.							

Дарслик иллюстрациялари билан ишлашда энг асосий эътиборни улар билан мустақил ишлай олиш кўникмаларини шакллантиришга эътибор бермоқ керак. Уларни ўқиш методларини ўқувчилар эслатма сифатида дафтарларига (ушбу предметни ўрганишга киришишдан олдинроқ) ёзиб қўйишлари фойдадан ҳоли эмас. Бу эслатма тахминан қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Карта, расм, схема, график пастидаги ёзувни диққат билан ўқинг.

2. Мавзу матнида ушбу иллюстрациянинг тушунтирилиши ёки изоҳи берилганлиги.

3. Ушбу иллюстрацияда нималар акс эттирилган? Унда шартли белгилар борми?

4. Ундан фойдаланиб матн ҳақида гапиринг.

5. Жадвални устунлари бўйича ўқиб чиқинг.

6. Сизнингча расмлар, графиклар, жадвалнинг қандай камчиликлари бор? Сиз унга қандай қўшимчалар қўшган бўлар эдингиз?

7. Иллюстрациялар бўйича қисқача хулоса қилинг.

8. Математика ўқитувчингиздан рақамларни ихчамлаштириш, фоизларнинг сонини, график диаграмма тузиш бўйича маслаҳатлар олинг.

9. Дарслик матни бўйича сиз қандай расм, жадвал график ва бошқа янги қандай иллюстрациялар таклиф қилган бўлардингиз ва ҳ. к.

Илғор тажрибалар ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, дарслик матнидаги иллюстрациялар билан ишлашда ўқувчилар дастлабки пайтларда бир мунча қийналадилар. Дарсларда улар билан изчил ва мунтазам ишлаш яхши натижалар беради. Айниқса ўқувчиларни дарслик матни бўйича қўшимча иллюстрациялар тузишга, мавжудларини қиёслаб олишга ўргатиш мавзунинг тўлақонли эгалланишига ёрдам беради. Бу уларда дарслик билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш муҳим омил ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг дарслик билан ишлаш география таълими жараёнида билим манбаи бўлиб хизмат қилади. Китоб билан ишлаш кўникмаси бутун умр бўйича сакланиб қолади. География дарслиги билан ишлаш ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билимлар ҳажми ва меъёрини белгилайди ва ўқувчиларнинг билим олишга бўлган ҳаваслларини оширади. Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, дарслик билан ишлаш қуйидаги педагогик талабларга жавоб бериши керак.

1. Ҳар бир ўқувчида география китоби ва дафтари бўлиши керак.

2. Ўқитувчи ўқувчининг қандай мавзуни, қандай масала ва қоидани ўрганиши кераклиги ҳақида аниқ кўрсатмалар бериши лозим. (саҳифа ва параграфларни айтиш билан чекланмаслик керак).

3. Ўқувчилар матнда қандай материал (билим, тушунча)ни эсда сақлаб қолишни, ўқув жараёни қандай изчилликда бўлишини ва ҳоказоларни равшан тасаввур қилиш лозим.

4. Ўқувчилар китоб устида ишлаш жараёнида ҳамма нарсани эс-

лаб қолишга интилмасдан, балки энг асосий тушунчаларни билишга ҳаракат қилишлари керак.

5. Ўқитувчи ўқувчиларга ўрганилаётган материални режасини ва қисқача кўчирма тузишни ўргатиши керак.

6. Ўқувчиларга дарслик матни олдиндан ва матн якунида берилган савол ва топшириқларни бажариб бериш йўлларини ўргатиш керак.

7. Ўқувчиларни матн карталар, схемалар, диаграммаларни таҳлил қилиш ва қиёслашга доимий равишда ўргатиб бориш лозим.

Дарслик матни устида ишлашнинг муҳим элементларидан бири ўқувчиларни уйида ишлаш учун бериладиган вазифани ўргатишдир. Ўқувчилар бу вазифани муваффақиятли бажариш учун топширилган вазифани мазмунини ва уни бажариш йўлини яхши англаб олишлари шарт.

Бинобарин, ўқитувчи уй вазифасини бажаришда, унинг характерини белгилашда ўқувчиларнинг билим ва малакаларини эътиборга олиш, ҳар гал бериладиган вазифа олдингидан кўра мураккаб бўлиши ва шу билан уларнинг билимлари ва малакалари ошиб боришга хизмат қилиш лозим. Режа тузиш, шунга мувофиқ ҳикоя қилишга ўргатиш, матн юзасидан бериладиган саволларга жавоб топиш, жадвал, схема, диаграммалар туздириш ва бошқа хил график ишларни бажариш уй вазифасини ижодий ва мустақил бажариш намуналидир.

9. Ўқувчиларни дарслик матнидан зарур жойни топа билишга ўргатиш ҳам таълимнинг муҳим элементидир.

10. Ўқувчиларнинг фаол ақлий фаолиятининг муҳим усулларидан бири, уларнинг ўқитувчи баён қилган янги материалини ўзлаштиришда мавжуд билимларни ишга сола билишдир.

Ҳар бир дарсда ўқувчиларни мавжуд билимлардан фойдалана билишга ўргатиш зарур. Ўқувчилар олган билимларини эсдан чиқариб юбормасликлари учун вақти-вақти билан уларнинг эътибори дарслик матнига қаратилади. «Китобингизни фалон бетини очинг. Шу бетда Ўзбекистон табиат зоналари ҳақида нималар айтилганини кўздан кечиринг, китобингизнинг фалон бетини очинг, ана шу рақамни, диаграммани, жадвални эсланг» ва ҳ. к.)

Шундай қилиб, дарслик матни устидаги ишлар турли хил методлар ёрдамида, ўқитиш жараёнининг барча босқичларида материални ўзлаштириш, билимларни мустаҳкамлаш, ўзлаштириш даражасини текшириш пайтларида олиб бориладиган ишлар ўқитувчи баёнини мазмунан бойитади. Ўқувчиларнинг билишини фаоллаштиради ва дарслик матнини осон ва пухта ўзлаштиришга ёрдам беради, мустақил билим эгаллаш кўникмасини шакллантиради.

ЕТАКЧИ ТУШУНЧАЛАР.

Дарслик, Символ, Ўқув қўлланма, Топшириқ, Дарслик мазмуни, Иллюстрация, Дарслик таркиби, Расм, Матн, График, Матн мазмуни, Диаграмма, Матн компоненти, Статистик рақамлар, Асосий билимлар, География дафтари Қўшимча билимлар.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР.

1. География таълимида оғзаки методлар таснифини чизинг.
2. Ўқитувчининг оғзаки нутқи қандай дидактик талабларга жавоб бериши керак?
3. Ўқитувчи баёнида ўқувчиларни қизиқтириш учун қандай методлар қўлланилади?
4. Ҳикоя қандай географик объектларни тасвирлашда қўлланилади. Жавобингизни исботланг.
5. Географик тушунтириш нима? Унга қўйиладиган талабларни айтинг?
6. Суҳбат ва савол-жавоб методларининг ўхшаши ва фарқи томонларини қиёсловчи жадвал тузинг. Уларни бирон мавзу мисолида қўлланишини ёритинг.
7. Маъруза методини география таълимида тутган ўрнини ёритинг? Маърузага қўйиладиган дидактик талаблар нималардан иборат?
8. География дарслиги билан ишлашда қандай педагогик талабларга риоя қилиш керак?
9. Сизнингча замонавий география дарслиги қандай бўлиши лозим?

АДАБИЁТЛАР.

1. А. В. Даринский Методика преподования географии М. Просвещение 1975 г.
2. М. К. Ковалевская Методики обучение географии. География в школе, 1977 № 2.
3. Ю. К. Бабанский ҳозирги замон таълими мактабида ўқитиш методлари, Тошкент «Ўқитувчи» 1990 й.
4. П. Г. Мусаев Ўзбекистон иқтисодий географиясини ўқитиш. Тошкент «Ўқитувчи» 1979 й.
5. Методика обучения географии в средней школе под. ред. И. С. Матрусова, М. Просвещение 1985 й.
6. Г. П. Герасимова Методика и формы организации обучение география, М. Просвещение 1994 й.

7. О. А. Мўминов География таълими методикаси Тошкент «Ўқитувчи» 1982 й.
8. Л. М. Панчещникова Методика обучения географии М. 1998 й.

ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМИНИ ТЕКШИРИШНИНГ ШАКЛ ВА МЕТОДЛАРИ ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИДА ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМИНИ АНИҚЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ.

РЕЖА:

1. География таълимида ўқувчилар билимини аниқлашнинг аҳамияти.
2. Географик билим ва кўникмаларни текширишда қўйиладиган талаблар.
3. Географик билимларни текшириш турлари.
4. Оғзаки методда билимларни текшириш.
5. Езма методда текшириш.
6. Тест методда текшириш.
7. Карталар ёрдамида текшириш.
8. Назорат ва текширишнинг рейтинг тизими.

Кейинги пайтларда география таълимида ўқитишнинг замонавий метод ва шакллари кенг қўлланилмоқда. Чет эл тажрибаларидан унумли фойдаланиш бўйича ижодий изланишлар олиб борилмоқда. Илғор ўқитувчилар, методистлар дарснинг замонавий шаклларини такомиллаштириш борасида тадқиқотлар уюштирмоқдалар.

Дарснинг ҳар бир шакли ўқувчиларга маълум билим кўникмалар тизимини шакллантиришни асосий мақсад қилиб қўяди. Ҳар қандай шакл ўқувчиларда 1 та йўналиш бўйича билимлар системасини шакллантириши мақсадга мувофиқ.

1. Ўқувчиларни дунёвий билимлар билан қуроллантириш.
2. Географик кўникма ва малакалар шакллантириш.
3. Ўқувчиларда ижодий фаолият ҳислатларини шакллантириш.
4. Атроф-муҳитда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга бефарқ қарамасдан уларга бевосита ўзи қатнашаётгандек ҳис қила олиш қобилиятларини тарбиялаш ва ҳ. к.

Агар таълимда юқоридаги элементлардан бирортаси тушиб қолса, ёшлардай ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялаш қийин бўлади. Бу элементлар ўқувчиларда билим ва кўникмаларни шакллантиришда асосий ролни ўйнайди. Улар бир-бири билан объектив боғланган бўлиб, бири иккинчисига таянади ва тўлдириб туради. Масалан: билимни эгалламасдан туриб, кўникма ва малака ҳосил бўлмайди. Дарсда ўқувчининг ижодий фаолиятисиз ҳам билим ва кўникмаларни шакллантириш жараёни қийин кечади.

Ўқувчининг ижодий фаолияти эгалланган билимларнинг мустаҳкам ва чуқур билишини таъминлайди. Юқоридаги 4 та элемент бир-бирларининг ўрнини боса олмайди. Чунки таълим мазмунининг ҳар бир қисми ўзига хос йўл ва метод билан эгалланади. Бунда идрок, эсда сақлаш, таниш объектларни кўз олдига келтира олиш, жадвалларни тўлдира олиш, муаммоли мисол ва топшириқларни еча олиш каби ўзига хос бўлган методларни қўллаш ва танлашни талаб қилади.

Ўқувчи ижодкорлигисиз, унинг билим ва кўникмаларини эгаллаш жараёни қийин кечади, уларда билимга қизиқиш деярли мавжуд бўлмайди. Юқоридаги омилларни қўллаш жараёнида билим эгаллашнинг 3 та даражаси ҳосил бўлади.

1. Билим ва кўникмаларни онгли равишда идрок қилиш ва эсда сақлаб қолиш.

2. Билим ва кўникмани таниш вазиятларда қўллай олиш.

3. Эгалланган билим ва кўникмаларни амалда ижодий қўллай олиш. Билим эгаллаш методларининг ҳар бир элементини пухта эгаллаган ҳолдагина, уларнинг ҳар бирига мос таълим методларини қўллагандагина у пухта эгалланади.

Илк билим ва кўникмаларни эгаллаш жараёнини тушунтириш ва кўргазмаларини намойиш қилиш (репродуктив) методини қўллаш орқали шакллантирилади. Бунда етакчи ролни ўқитувчи эгаллайди ва у билимларни ўқувчига тайёр ҳолда етказади. Ўқувчига берилган билим ва кўникмани унинг қай ҳол ва даражада эгалланганлигини аниқлаш ўқитиш методикасининг энг долзарб масалаларидан бири саналади. Чунки ўқувчининг билиш фаолиятини назорат қилмасдан туриб, уларнинг берилган билим ва кўникмаларини қай даражада ўзлаштиргапини аниқлаб бўлмайди. География билим ва кўникмаларини текширишда қуйидаги талабларга риоя қилиш мақсадга мувофиқ.

1. География билим ва кўникмаларни текшириш изчил бўлиши керак.

2. Билим, кўникмаларни текширишда асосий мезон география дастури бўлиши лозим.

3. Билим, кўникма ва малакаларни текширишда оғзаки, ёзма, карта ва ҳар хил аралаш мазмунга эга бўлган методлар кенг қўлланиши зарур. Анъанага айланиб қолган доска олдига чиқариб сўрашга барҳам бериш.

4. Сўрашда компьютерлардан унумли фойдаланиш ва ҳ. к.

География ўқитишда ўқитувчиларга жуда қўл келадиган ва ёрдам берадиган қуйидаги текшириш методларидан кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

1. Билим ва кўникмаларни жорий методда текшириш. Ундан дарснинг ҳамма босқичларида фойдаланиш мумкин.

2. Тематик текшириш. Йирик мавзу, бобнинг ўзлаштиришини назорат қилинишини таъминлайди. Тематик текширишда ўрганилган материал бир мунча системалашади. Бу текшириш ўқувчиларни мантиқий фикрлашга, ўқув материалидаги муҳим жиддий боғланишларни, географик тасаввур ва тушунчаларнинг мустаҳкам эгалланишини таъминлайди.

3. Якуний текшириш чорак якунида ва йил охирида қўлланилади. Унинг асосий мақсади материалнинг қанчалик пухта ўзлаштирилишини таъминлайди.

География билим ва кўникмаларни текширини таълим жараёнининг энг мураккаб тури ҳисобланади. География билим ва кўникмаларни текшириши қуйидагича гуруҳлаш мумкин.

1. Оғзаки методда текшириш.
2. Ёзма методда текшириш.
3. Амалий ишлар орқали текшириш.
4. Ҳар хил географик ўйинлар орқали текширини.
5. Карталар орқали текшириш.
6. Тест методида текшириш.
7. Синовлар орқали текшириш.

Барча текшириш методлари якка ва ёппасига сўраш орқали уюштирилиши мумкин. Якка ва ёппасига сўрашда қўлланиладиган барча турдаги саволлар дарс режа конспектида олдиндан акс этган бўлиши керак. Билим ва кўникмаларни якка методда текширишда қўйиладиган саволлар кўпроқ умумий йўналишда бўлиши лозим. Масалан: Ўзбекистон иқлими мавзусида:

1. Республикамизнинг асосий иқлим ҳосил қилувчи омилларини айтинг?

2. Ўзбекистоннинг адир минтақасни таърифланг ва ҳ. к.

Бунда ўқитувчи ўқувчи жавобини тўлдириб боришига, хатоларни тўғирлашга имкон яратилиши керак. Бирон объектга оид бўлган саволларни турли мазмунда бериш уларнинг фикрлаш қобилиятларини ривожлантиради. Масалан: Сирдарё қандай тўйиниш типига мансуб ёки Сирдарё режимини таърифлачи ёки Сирдарёнинг қайси ойларда суви кўпаяди ёки камаяди ва ҳ. к.

Ўқувчиларни ўз синфдошларининг саволларини таҳлил қилишга албатта ундаш керак. География билимларни ёппасига, ёзма методда текширишда, уларда кўникма ва малакалар қай даражада шаклланганлиги нуқтаи назаридан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Ўқувчилар билимларини ёппасига ёзма методда текшириш мазмуни қуйидагича бўлиши мумкин.

1. Карта асосида у ёки бу объектга таъриф ёза олиш. Масалан: Туркистон, Зарафшон тоғига ёки Тошкент, Самарқанд шаҳрига таъриф ёза олиш.

2. Географик объектларни контур картага тушириш.

3. Географик номлар, атамаларига таъриф ёзи олиш.

4. Ҳар хил жадвални қиёслай олиш.

5. Картада ҳар хил ўлчаш ишларини бажариш. Масалан: Тошкентдан Шимолий ва Жанубий қутбгача масофани даража ва км. ҳисобида топиш ва ҳ. к.

6. Карта, дарслик ва бошқа манбалар асосида схема, жадваллар, диаграммалар, графиклар чиза олиш ва ҳ. к.

7. Статистик материалларни таҳлил қила олиш ва туза олиш. Биласиз бажариладиган ёзма ишлар бир хил мураккабликда, бир неча вариантда бўлиши мумкин.

Билим ва кўникмаларни текширишда ГЕОГРАФИК ДИКТАНТЛАР катта роль ўйнайди. Географик диктантлар ёзма бажарилади. Уни дарсда 10-15 минут вақт ичида ушлтириш мумкин. Диктантлар қуйи синфларда (V-VII синфлар) ушлтириш яхши натижалар беради. Диктант жавоблари фақат сўралган объектларга тааллуқли бўлиши зарур.

Географик диктантлар йирик мавзу ва боблар ўтиб бўлингандан кейин ушлтирилиши мақсадга мувофиқ. Масалан: Африка мавзуси ўтиб бўлингач қуйидаги диктантни ушлтириш мумкин.

1. Африканинг энг шимолий чекка нуқтаси.....
2. Африканинг энг жанубий чекка нуқтаси.....
3. Экватори 2 марта кесиб оқувчи дарё.....
4. Африкадаги энг узун дарё .....
5. Африкадаги энг катта кўл.....
6. Африкани ғарбий қисмидаги энг катта оқим .....
7. Африкадаги энг катта чўл.....
8. Африкадаги қўриқхоналар кўп учрайдиган зона .....
9. Африканинг энг баланд нуқтаси .....
10. Африкада ёғин кўп ёғадиган жой .....

ва ҳоказолар.

Географик билим ва кўникмаларни текширишда тарқатма материаллар катта аҳамиятга эга. Тарқатма материаллар қуйидаги турларда бўлиши мумкин. Якка ёзма текшириш учун тарқатма материаллар. Бунда ҳар бир дарсда 5-6 та ёзма саволлар тайёрланади. Ҳар қоғозда 2-3 та турли мураккабликдаги саволлар бўлади. Топшириқларни бажаришда карталардан фойдаланишга рухсат берилади.

Тарқатма материаллар асосида билим ва кўникмаларни текшириш 10-15 минутдан ошмаслиги керак. Барча тарқатма материаллар алоҳида конвертларда, рақамлар билан белгиланиб системали сақланиши керак. Ўз ишига ижобий ёндошувчи ўқитувчилар тарқатма материаллар мазмунини янада бойитиши мумкин.

Кейинги пайтларда билим ва кўникмаларни текширишда муаммоли савол ва топшириқлар кенг қўлланилмоқда. Муаммоли саволнинг асосий тояси ўқитувчини ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилган бўлади. Муаммоли савол албатта муаммоли вазият ҳосил қилиши, қўйилган муаммонинг ўқувчилар томонидан англаниши, муаммонинг қўйилиши фараз яратиш, фаразни текшириш, умумий хулоса каби босқичлардан иборат бўлиши керак.

Муаммоли саволнинг энг муҳим томони шуки, бунда ўқитувчи томонидан қўйилган савол ўқувчини ўйлашга фикрлашга йўналтириши керак. Саволни ечиш ўқувчида қийинчилик ҳосил қилиши, яъни улар қандайдир муаммоли вазиятга тушишлари керак. Акс ҳолда қўйилган савол ўқувчида қийинчилик ҳосил қилмаса ва унга осонликча жавоб топиб қўйса бундай топшириқлар муаммоли савол бўла олмайди. М: Ўзбекистонни энг балан нуқтасини айтинг? Савол муаммоли эмас? Ўқувчилар бу саволга тўғри жавобни бериб қўйиши мумкин ёки нима сабабдан ёзда Ўзбекистонга ёғин жуда кам ёғади? Бу савол мазмунан муаммоли, ўқувчилар бу саволга бирданига ва бир жавоб бера олмайди ва ҳ. к. уларда муаммоли вазият ҳосил бўлади.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ АСОСИДА ТЕКШИРИШ.

Барча фанлар қатори кейинги йилларда география таълимида ўқувчилар билимини текширишда тест саволлари асосидаги топшириқлар кенг қўлланилмоқда. Бу савол анъанавий методлардан фарқли ўлароқ, ўқувчи жавобларининг мутлоқ тўғри ёки объектив бўлишини таъминлаш билан бирга, билимларни компьютер орқали текшириш имконини ҳам беради. Қисқа вақт ичида бир йўла бутун синф ўқувчиларининг жавобларини текшириш имконияти туғилади. Яъни бу методда ўрганилган ҳамма масалаларнинг улар томонидан қандай ўюштирганликларини бир йўла аниқлаш мумкин. Оддий сўрашда эса буни имкони йўқ.

Тестнинг афзаллиги шундаки, ўқувчиларнинг қайси мавзуларни тўлиқ, қайси мавзуларини қисман, қайсиларини жуда заиф ўзлаш-

тирганини аниқлаш имконияти туғилади. География таълимида тестнинг ўзга яраша салбий томонлари ҳам бор. Ўқувчилар жавобини карта билан боғлаш имкони бўлмайди. Кўникмаларни эгаллаш даражасини тўлиқ ва аниқлаш имконияти йўқ бўлади, ўқувчи билан бевосита мулоқат бўлмайди ва ҳ. к.

Оғзаки ўтказиладиган имтиҳонларда ўқувчиларнинг нимани билгани, нимани билмаганлигини аниқлаб олиш имкони бўлса, тест эса бу имкониятдан маҳрум. Шу туфайли ҳам тестни билимларни эгаллаш манбаи деб эмас, балки ўқувчилар билимини текшириш методларидан бири деб қараш мақсадга мувофиқ.

Тест сўзи инглизча бўлиб «тест»—синов ёки тажриба маъносини билдиради. Таълим соҳасида қўлланиладиган тестлар шартли равишда педагогик билим тестлари деб аталади. Ўқувчиларнинг эгаллаган билимлари тестнинг «калити» ёрдамида текширилиб чиқилади. Тестлар маълум эҳтимоллик билан одамдаги мавжуд билим, кўникма, шахсий тавсияномалар ва ҳ. к. ривожланишнинг долзарб даражасини аниқлаш имкониятини беради.

Тестларнинг энг асосий мақсади ўқувчилар эгаллаган билим кўникма ва малакаларни аниқлашдан иборат. Таълим жараёнида тестларни тузиш қоидаларига риоя қилиш зарур.

—Тест фақат дастур асосида тузилиши.

—Тест саволлари «соддадан мураккабга» тамойилига асосланиб тузилиши зарур. Дастлаб осонроқ тестларни, кейинроқ мураккаброқ тестларни бажарилиши уларни психологик жиҳатдан ва вазифаларини муваффақиятли бажаришга тайёрлайди.

—Битта тестнинг ҳар бир саволи ўз ичига бир хил миқдордаги жавобларни олиши керак. Масалан: ҳар бир саволга фақат 3 та ёки 4 та муқобил жавоб кўрсатишлари керак. Битта тестнинг бир саволга 3 та жавоб, бошқа саволига 5 та муқобил жавоб кўрсатилмайди, чунки бунда тестнинг бир хиллик тамойили бузилади.

—Тест саволларига «ҳа» ёки «йўқ» деган жавоблар кўрсатилмайди, балки ҳар бир жавоб маълум бир фикрни ифодалаши керак.

—Тест жавобида фақат битта аниқ жавоб бўлиши керак. Битта саволга 2 та тўғри жавоб бўлмаслиги шарт.

Тестларни дидактик нуқтаи назардан қуйидаги турлари кенг тарқалган. Улардан таълим мазмуни йўналишига кўра фойдаланилади.

1. Оммавий стандарт тестлар. Бундай тестлар, муайян фан мутахассислари томонидан тузилади ва мактаб ўқувчилари учун тавсия этилади. Улар дастур асосида тузилади.

2. Расмий бўлмаган тестлар. Бу тестлар ҳар бир ўқтувчи томонидан тузилиш мумкин. Улар ҳар боб, мавзу ўтиб бўлингач қўлланилади.

3. Кўп жавобли тестлар. Бундай тестларда битта саволга 4-5 та жавоб бўлиши мумкин. Масалан: материк, 2 қитъа, 2 океан, 2 денгиз, 2 давлат, 2 ярим оролни бир-биридан ажратиб турувчи бўғозни айтинг.

4. Фақат битта жавобдан иборат бўлган тестлар. Масалан: энг баланд тоғ, энг узун дарёни айтинг ва ҳ. к.

5. Тўғри ёки нотўғри бўлган саволлардан иборат бўлган тестлар. Масалан: кўмир, олтин, нефть, темир, мис, қўрғошин.

6. Тушириб қолдирилган сўзларни тўлдиришга мўлжалланган тестлар. Масалан: Ўзбекистоннинг чекка шимолий нуқтаси , чекка жанубий нуқтаси , яқинида жойлашган, Ғарбий қисмида орқали чегараланиб туради ва ҳ. к.

7. Тушириб қолдирилган ҳарфларни тўлдиришга мўлжалланган тестлар. Масалан: Ўзбекистондаги қуйидаги тоғ тизмаларининг номларини ўқинг. Терилар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйсангиз уларнинг номлари келиб чиқади.———А—А—А—А———, О—О—, —О—, —О—О—О—О—, —О———О———О—.

8. Берилган саволлар тўғрисида жавоб ёзиладиган тарздаги тестлар. Масалан: Қуйидаги шаҳарлар тўғрисига уларни энг муҳим саноат тармоғини ёзинг.

1. Чирчиқ ....
2. Зарафшон ....
3. Гурлан ....
4. Асака ....
5. Олмалиқ ....
9. Навоий .... ва ҳ. к.

10. Расмли ёки чизмали тестлар. Бундай тестларда бир неча расм ёки чизма ичида тегишли объектни ёки улар ичидаги тўғри жавобни топиш талаб этиладиган тестлар. Масалан: қуйидаги контурлар ичидан Қуйи Амударё иқтисодий районини ёки Фарғона вилоятини топинг.

11. Жадвал тарзидаги тестлар. Жадвалли тестлар одатда 3 та устундан иборат бўлади. Биринчи устунда улар жойлашган шаҳар ва объектлар, учинчи устунда эса жавоблар рақамларда берилади.

12. Аввал жавоблар бериладиган тестлар. Бундай тестларда аввал жавоблар рўйхати берилади, кейин ўқувчилар ўша жавобларга саволни ўзлари тузадилар.

М: Эратосфен, Колумб, Беруний, Магеллан, Ал-Хоразмий, Страбон, Бобур ва ҳ. к.

1. Биринчи бўлиб география сўзини қўллаган олим ким?
2. Америка қитъасини биринчи бўлиб ким кашф этган?
3. Дунёда биринчи бўлиб глобусни ясаган олим ким?
4. Ернинг шар шаклида эканлигини исботлаган сайёҳ ким?
5. Ўрта Осиё географиясини биринчи бўлиб ким ёзган?
6. 17 томли географил асарини ким ёзган?
7. Ҳиндистон ҳақида бой географик маълумотларни ёзган ким? ва ҳ. к.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, тест саволлари у ёки бу ерда нима ўсади, у шаҳар аҳолиси қанча, у ёки бу тоғнинг баландлиги неча метр каби тарздаги тест саволлари самарали натижалар бермайди. Энг муҳими ўқувчиларда тест саволлари маълум географик кўникмаларни шакллантиришга ёрдам бериши керак.

Тест асосида текшириладиган билим ва кўникмаларни мазмунига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин.

1. Ҳар хил географик билим ва кўникмаларни ўзида мужассамлаштирган тестлар.
2. Фактли билимларни ўзида мужассамлаштирадиган тестлар.
3. Географик тушунчаларни шакллантиришга қаратилган тестлар.
4. Географик воқеа ва ҳодисаларни, сабаб оқибатларини, текширишга мўлжалланган тестлар.

Табиий ва иқтисодий география предметларида қўлланиладиган тестларни нафақат мазмунан балки, билим ва кўникмаларни шакллантириш хусусиятлари билан фарқ қилади. Демак география таълимида ўқувчилар билимини аниқлашнинг шакллари хилма-хил бўлиб, фан тараққиёти туфайли улар ҳам доимо ривожланишда бўлади ва билимларни текширишнинг янги-янги замонавий методлари пайдо бўлаверади. Тестларни уюштириш шакли якка ҳолда ва гуруҳ тарзида амалга оширилиши мумкин.

Аммо айнан битта тестни бир киши ёки гуруҳ билан 2 марта уюштириш мақсадга мувофиқ эмас. Тестлар ёрдамида олинган натижалар рейтинг билан тартибга келтирилади ва тасдиқланади. **Рейтинг сўзининг маъноси баҳо, тартиб ёки классификация маъносини англатади.** Агар тестлар ўқувчиларнинг бугунги кундаги эгалланган билим даражаси бўйича таққослаш, уларни гуруҳларга аж-

ратиш ва ушбу гуруҳда ўқувчининг эгаллаган ўрнини аниқлаш имкониятини ҳам беради. Ўз натижаларини бошқа ўқувчилар эришган натижалар билан доимий қиёслаб бориш, ўқувчида нафақат мусобақа ҳиссини уйғотади, балки лозим бўлганда ўқувчини ўз натижаларини янада яхшилаш учун рағбатлантиради. Тўғри ташкил этилган рейтинг тизими қуйидагиларни бажариш имконини яратади.

1. Ўқувчиларни чуқур билим олишлари учун барча шарт-шароитларини яратади.

2. Ўқувчининг дарсга мунтазам тайёргарлик кўриб келишини (сўров навбати келганда эмас) таъминлайди.

3. Ўқувчиларнинг мустақил билим олишлари учун замин яратади.

4. Ўқувчиларни ўз фикрини тўғри дадиллик билан қилишга ўргатади.

5. Ўқувчилар дунёқарашини ҳар томонлама ривожлантиради. уларнинг рейтинг балларини ошириш учун қўшимча адабиётлардан ҳам фойдаланиш имкониятларини яратади.

6. Ўқувчиларни хилма-хил ахборот воситалари билан ишлашни ўргатади. Бу ўз навбатида ўртоқлари, ўқитувчиси билан ахборот алмашишга мажбур.

7. Ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатишга, айрим ҳоллардаги баҳодаги адолатсизлик каби иллатнинг йўқолишига имкон яратади.

8. Ўқитувчиларни ҳам ўз устида тинимсиз ишлашга мажбур қилади. Ўқитувчининг иш фаолиятини шакл ва мазмун жиҳатдан доимо янгилаб ва бойитиб боришга ўргатади.

Рейтинг тизими ўқув жараёнини ахборот жиҳатидан таъминлашга юқори талаблар қўяди. Бунда ўқувчи билан ўқитувчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳақиқий ҳамкорлик асосида қурилиши лозим. Ҳозирги кунда географияда рейтинг тизимини қўллаш бўйича турлича ёндошувлар мавжуд.

Айрим ўқитувчилар рейтинг тизимини қўллашда ўқитувчи ўқувчининг оғзаки жавоби, картани билиши, контур карталарни чизиши, уй вазифасини бажариши, ёзма ишларни бажарилиш кабиларни маълум баллар орқали баҳолаш билан бирга унинг озодалиги, интизоми, мактаб ички интизомига бўйсуниши, ўқитувчи билан муносабати, дарсдан ташқари ишлардаги интизоми каби билимдонликка алоқаси бўлмаган ўнлаб сифатларига ҳам баллар бериб, ўқувчининг эгаллаган билимлари даражасини аниқлашга ҳаракат қилмоқдалар. Айрим ўқитувчилар рейтинг тизимининг фақат таъ-

лим тизимига жорий қилинганлигини унутиб қўймоқдалар. Ўқувчининг тарбияланганлик даражасини рейтинг билан аниқлаш ва уни билимлар тизими билан аралаштириб юбориш талай қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бу борадаги (яъни таълим ва тарбия билан биргаликдаги) рейтингни аниқлаш ҳам етимини топганича йўқ. Ўқитувчиларнинг баҳолаш мезонлари эски «5» балли баҳолаш мезонлари билан бир хилгинча қолмоқда. Бу ҳолдан қутулиш учун рейтинг тизимидаги афзалликларни, оддий баҳолашдан фарқини чуқур англаши мақсадга мувофиқ.

Рейтинг тизимини қўллаш «5» балли баҳолаш тизимига нисбатан қуйидаги афзалликларга эга.

— Ўқувчиларнинг билим кўникма малакалари даражасини объектив баҳолайди.

— Ўқувчининг фақат бугунги дарсга тайёргарлик даражасини эмас, балки ушбу фан олдинги эгалланган билимларни ҳам эътиборга олади.

— 5 балли баҳолашда ўқувчи билимини «аъло», «яхши», «ўрта», «қониқарсиз» мезонлари ўрганса, рейтинг тизимида бу мезонлар янча кенг кўламда намоён бўлади ва аниқ балларда ўз ифодасини топади.

География таълимида ўқувчилар билимини баҳолашда муҳим ўринни тестлар ва картани билиш эгаллайди.

Бундан ташқари контур карталарни чизиш, рефератлар ёзиш, ёзма ишлар, синовлар, семинар, лаборатория ишлари ва бошқалар ҳисобга олиниши мумкин. Ўқитувчи дарс жараёнида ўқув фаолиятининг турли-туман шаклларидан фойдаланилади.

Барча фанлар қатори географияда ҳам асосий эътибор ўқувчининг мантиқий фикрлаши, воқеа ва ҳодисалар ўртасидаги сабаб оқибатдорликни ўрната олишга, мустақил хулосалар чиқара олишга, карталар асосида у ёки бу объектларни таърифлай олиши зарур.

Буларнинг барчаси балларда бажарилади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўқитувчи ўз фани бўйича қайси иш турига неча балл белгилаб чиққанлиги ва балларни белгилаш мезонлари ҳақида ўқувчиларни хабардор қилиши лозим.

Ана шундай қилгандагина ўқувчиларда ушбу фан бўйича белгиланган иш турларини бажаришга қизиқиш ва мойиллик бўлади.

Баҳолашнинг кўп баллик рейтинг тизимини қўллашда ўқув дастури асосий мезон бўлиши керак. Дастурдан келиб чиққан ҳолда, баҳолаш мезонлари аниқланади. География курсларининг хусусиятларидан келиб чиқиб ўқув фаолиятининг ёзма, тест, оғзаки, амалий

ва бошқа иш турлари белгиланади ҳамда бу иш турлари баҳолаш мезонлари сифатида қабул қилинади.

Бу мезонларга қўшимча ўқувчининг рефератлар ёзиши, семинар ва зачёт дарсларидаги фаоллиги, фикрлаши, нутқи, картадан билим манбаи сифатида фойдалана олиши кабиларга ҳам баллар қўйиши мумкин. Ҳар бир чорак якунида ва йил охирида ўқувчиларнинг билимларини қанчалик ўзлаштирганлик даражасини тест ёрдамида аниқлаш имкони тиғилади ёки тавсия этилади.

Ўқувчининг ўзлаштириши юқоридаги мезонлар, асосида 100 балли тизимда баҳоланади. Бунинг учун ҳар бир баҳолаш турининг бир ўқув чораги ёки йил давомида неча марта қўлланиш сони ва нисбий мавқеига кўра 100 балгача бўлган қийматини аниқлаб чиқилади.

Баҳолаш мавқеининг нисбий мезони дейилганда айнан бир хил иш турининг баҳолаш тизимираги турлича хил қилувчилик даражасига тушинилади. Масалан, Ўзбекистон иқтисодий географиясидан у ёки бу худуд ёки иқтисодий районга карта асосида таъриф ёзиш бўйича назорат иши мавзу ёки бўлим ўтилгандан кейин жорий ёзма иш сифатида, ёки ўқув чораги, ярим йиллик ва ўқув йили охирида якуний ёзма иш сифатида ўтказилиши мумкин.

Бу ҳолда ўқувчининг мазкур фан бўйича ўзлаштириш даражасини аниқлашда жорий ёзма ишга нисбатан якуний ёзма ишнинг ҳал қилувчилик (белгиловчилик) даражаси юқори бўлади. Демак, бу ерда якунловчи ёзма ишнинг мавқеи жорий ёзма ишга нисбатан юқори бўлади. Шу туфайли 100 балли баҳолаш тизимида якуний ёзма назорат ишининг баллардаги қиймати жорий назорат ишлари қийматига нисбатан юқорироқ бўлади. Масалан: бир ўқув чорак давомида ўтказилган 3 та жорий ишларнинг ҳар бири 100 балли тизимида 20 баллгача баҳоланса, битта якуний иш 40 баллгача белгиланиши мумкин бунда 1ж 20 балл+2ж 20 балл + 3ж 20 балл+якуний 40 балл = 100 балл.

Шу тарзда ўқув чораги (ёки ярим йиллик, йиллик) давомида ўтказилган барча назорат ишлари белгиланган мезонлар асосида 100 балл баҳолаш меёрини чорак, ярим йиллик якунида айрим ҳолларда йил якунида ҳам қўллаши мумкин.

География таълимида ўрганиладиган объектларнинг хилма-хиллиги географик билим ва тушунчаларнинг, номларининг серназмунлигини эътиборга олиб ҳар чоракда 100 балли баҳолаш меёрини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Кейинчалик балларнинг ўртача арифметик қиймати ҳисоблаб чиқилади. Ўқув чорагидаги ёки ярим йилликдаги ёзма назорат баҳоси + картани билиши + оғзаки назорат ишлар баҳоси + уй вазифасини бажариши + тест натижасида +реферат ёзиши + картага қараб худудга географик таъриф ёза олиши ёки картани ўқий олиши ҳоказо. Ўтказиладиган жамий назорат турларининг сони ёки ўқув чораги давомида баҳолаш мезонлари бўйича тўпланган балларининг миқдори қуйидагича бўлади.

1. Ёзма назорат ишлар баҳоси 70 балл
2. Картани ва ундаги шартли белгиларни билиш 50 балл
3. Оғзаки назорат ишлари баҳоси 50 балл
4. Уй вазифаларини бажариш 90 балл
5. Тест натижалари 90 балл
6. Реферат баҳоси 80 балл
7. Картага қараб худудга географик таъриф ёза олиш ёки уни ўқий олиши 80 балл

Демак, бу ҳолда ўқувчининг билиш даражаси 7 та мезон орқали баҳоланади. Ўқувчининг мазкур фан бўйича ўқув чорагидаги якуний баҳоси.
(рейтинг кўрсаткичи) қуйидагича аниқланади.

(70+50+50+90+90+80+80):7 = 510 : 7 = 72,8%

Рейтинг кўрсаткичи «5» балли баҳолаш тизимига айлантирилганда, 72,8 «4» баҳога тенг бўлади. Илғор тажрибалар шуни кўрсатадики, рейтинг тизимида ўқувчилар билимни баҳолаш 3 босқичда амалга оширилмоқда.

Булар: кундалик назорат, (жорий) оралиқ назорат ва якуний назоратлардан иборат.

Аммо кундалик назорат ўқувчидан кўп вақт талаб қилади. Чунки бир дарсда барча ўқувчиларнинг билимларини аниқлаш имконияти чегараланган. Бу вазифани бажариш учун ўқитувчи ҳар бир дарс учун тарқатма материаллар тайёрлаши зарур.

Ўқувчининг рейтинги маълум фандан билимларни ўзлаштириш даражаси бўйича гуруҳда тутган ўрни ҳар чоракда ярим йиллик якунида ҳар бир фан бўйича фақат бир марта аниқланади. Ўқув йилининг якунида эса фанлар цикли бўйича ўқувчининг умумий рейтингини аниқлаш мақсадга мувофиқ.

Ўрта таълим мактабларида фанлар цикли қуйидагича бўлиши мумкин.

1. Аниқ фанлар (физика, математика, информатика)
2. Гуманитар фанлар цикли (тарих, тиллар, адабиёт, иқтисодий география курслари)

3. Табиий фанлар цикли (химия, биология, табиий география)

Фанлар цикли бўйича ўқувчи умумий рейтингини аниқлаш мазкур ўқувчининг йўналиши бўйича лаёқатли эканлигини аниқлаш имконини беради.

Ўқувчининг кўп балли-рейтинг тизимида тўплаган баллари якуний хулосада (чорак ва ярим, йиллик якунида) «5» балли баҳо тизимига айлантирилади. Бу қуйидагича амалга оширилади.

85 баллдан 100 баллгача—«5» (аъло)

65 баллдан 84 баллгача—«4» (яхши)

45 баллдан 64 баллгача—«3» (ўрта)

30 баллдан 44 баллгача —«2» (шартли, қониқарли)

0 баллдан 29 баллгача—«1» (қониқарсиз деб баҳолаш тавсия этилган)

Эски баҳолаш тизимида «1» баҳо ўқитувчилар томонидан жуда кам ҳоллардагина ишлатилган ва бу баҳо ўз аҳамиятини йўқотган. Баҳолашнинг кўп балли тизимида «2» баҳо ўзида умумий билим ларни 30 дан 44% гача бўлган қисмини эгаллашини эътиборга олиб, уни «шартли, қониқарли» деган мақоми берилди.

Юқоридагиларни хулоса қилиб, рейтинг тизимини амалга оширишда қуйидагиларга эътибор бериш тавсия этилади.

1. Назорат турларини аниқбўлиши олдиндан белгиланиши
2. Ҳар бир назорат тури учун баллар миқдори олдиндан белгиланиши
3. Ҳар бир чорак ёки ярим йилликда ҳар бир назорат тури неча марта уюштирилиши
4. Ўқувчининг назорат турлари ва уларга берилган баллар билан олдиндан таниш бўлишлари
5. Чорак ярим йиллик якунида ҳар бир ўқувчининг тўплаган баллари ҳисоблаб чиқилади ва балларга асосланган ўқувчилар рейтинги аниқлаб чиқилади.
6. Рейтинг баллари «5» балли баҳолаш тизимига айлантирилади.

Билимларни текшириш шартли равишда бўлиб, улар доимий равишда ўзгариб туриши мумкин. Назорат турлари география таълими мазмунига мос равишда янгиланиб туради. Вақт ўтиши билан рейтинг тизими ҳам такомиллашиб боради ва х. к.

ТУШУНЧАЛАР

Синов, ёзма текшириш, географик диктант, ўйинлар, якка текшириш. Амалий иш орқали текшириш, ёшасига текшириш, тест, рейтинг, стандарт тест тирлари, замонавий текшириш методлари, жорий назорат, орналиқ назорат, якуний назорат.

АДАБИЁТЛАР

1. География дастури (стандарт) 1999
2. Қурбанниёзов Р Ўқувчилар билими, кўникма ва малакаларини текшириш шакл ва методлари. Тошкент 1993
3. Маърифат газетаси 1999—2000 йилдаги сонлари

ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИДА ЎҚУВ ЭКСКУРСИЯЛАРИ
ГЕОГРАФИЯ ТАЬЛИМИДА ЭКСКУРСИЯНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

РЕЖА:

1. География таълимида экскурсия аҳамияти
2. Экскурсияга тайёргарлик босқичлари
3. Экскурсия материалларини қайта ишлаш
4. Табиий географиядан экскурсияни уюштириш
5. Иқтисодий географиядан экскурсия уюштириш

Таълимни ташкил қилишнинг хилма- хил шаклари ичида экскурсиянинг аҳамияти катта. Экскурсия лотинча —excursio— (экскурро) сўзидан олинган бўлиб, югуриб чиқаман деган маънони билдиради. Экскурсия таълим—тарбия ишларининг бир тури бўлиб, ўрганилаётган объектни унинг турган жойида бевосита кўриб, идрок этиш асосида ўтказилади.

Экскурсия қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради.

1. Обьектни бевосита кўз билан кўриб ўрганилади ва ўзлаштирилади.
2. Мактаб худудидан чиқиб кетиш талаб қилинади.
3. Ўрганилаётган буюм ёки обьектни унинг турган жойида текшириш талаб қилинади.
4. Бирорта фан географиядек экскурсияга мухтож эмас.
5. Экскурсияларга олиб бориш географик тасаввур ва тушунчалар ҳосил қилишда энг муҳим восита ҳиссбланади.

Мактабда экскурсия уюштиришда талай муаммолар мавжуд. Булар:

1. Мактаб қатъий ўқув жадвали асосида ишлайди. Шу туфайли 40 минутлик дарс жараёнида ўқувчиларнинг экскурсияга олиб чиқишга анча мураккаб. Шу туфайли экскурсия уюштирилишни олдиндан режалаштирилади.
2. Экскурсия дарсга қараганда мураккаб бўлиб, уни уюштириш учун ўқитувчида малака етишмайди. Ўқитувчи дастлаб экскурсия йўрнги бўйича адабиётларни кўзда кечириши керак.
3. Экскурсия уюштириш учун зарур асбоб—ускуналар етишмайди.
4. Экскурсия жараёнида тартиб интизом сақлаш синфдагидан кўра қийинроқ бўлади.

5. Экскурсияга бориш учун ҳаво очиқ кунларини танлаш талаб этилади ва х. к.

Экскурсиянинг қуруқ китобхонлик ва расмиятчиликни бартараф қилишда аҳамияти чексиз. Экскурсия ўқувчиларни фаолиятини кучайтиради, уларни тетик ва хушчақчақ қилади.. Экскурсия

бир—бирига яқинлаштиради, дўстликни мустаҳкамлайди.

Экскурсия ўқувчиларни турмушга яқинлаштиради. Реал дунёни, обьектив ҳодисаларни алоқаси ва ўзаро боғликликни илмий равишда текширишга ўргатиб кўникма ва малакалар ҳосил қилади. Энг муҳими экскурсия ўқувчиларни турмуш китобини ўқишга ўргатади. Экскурсия ўқувчиларда меҳнат, экологик ва иқтисодий тарбияни ҳам шакллантиради. Экскурсия мазмунан қуйидаги турларга бўлинади.

1. Кўрсатиб боришни мақсад қилиб бориладиган экскурсия. Бунда обьект ўқувчиларга тушунтирилади. Масалан, оҳак конига, ғишт заводига экскурсия ва х. к.

2. Тасвирий экскурсия. Экскурсияга борилган жойдаги обьект тасвирланади. Масалан: дарёлар, кўллар, ботқоқликлар ва х. к.

3. Текшириш ёки тадқиқот экскурсияси. Бунда ўқувчилар текшириш билан боғлиқ масалаларни ўқувчилар кучлари етгунча мустақил равишда бажарадилар. Масалан, экологик муаммолар, ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги, таннарх, масалалари ва ҳакозо.

Ўқув экскурсияси учун танланган обьект қуйидаги мезонларга жавоб бериши керак.

1. Ўқув мавзуларига ҳамда ўлкашунослик мақсади ва вазифаларига жавоб бериши.

2. Обьектни кўз билан кўра олиш хусусиятларига эга бўлиши .

3. Тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши. (Шу жойда йўқолиши хавфи бўлган ўсимлик ва ҳайвон турлари борми, ёдгорликлар аҳволи қандай, иқтисодий ва маданий алоқалар қандай)

4. Экскурсиянинг ўқувчилар ёш хусусиятларига тўгри қилиши.

5. Ўқувчиларда эстетик ҳис уйғота олиши.

6. Амалий ишларини уюштириш учун зарур талабларга жавоб бўриши ва х. к.

Экскурсияга тайёрланишда ўқитувчи қуйидагиларга эътибор бериши керак.

а) Экскурсия уюштириладиган обьектни танлаш б) Экскурсия мазмуни ва маршрутини белгилаш

в) Экскурсияга ўқувчиларни тайёрлаш

Табиий ва итисодий географияда экскурсия уюштириш бир—бирига ўхшайди. Ҳар иккала экскурсияда ҳам уюштириш режаси қуйидагича бўлиши мумкин.

1. Ой, кун, синф 2. Экскурсия мавзуси
3. Экскурсия мақсади
4. Маршрут экскурсия ўтказиладиган жой ва кўздан кечириладиган обьектлар.
5. Экскурсия учун зарур асбобл ар
6. Экскурсияни ўтказилиши (бориш, келиш кўздан кечирилади)
7. Экскурсияга йиғилган материалларни тартибга солиш.
8. Ўлкани ўрганиш экспозициясини йиғилган материаллар билан бойитиш

9. Деворий газета учун экскурсия ҳақида мақола ёзиш.

Экскурсия уюштириш мавзуни ўрганишдан олдин ҳэм. мавзуни ўтиб бўлгандан кейин ҳам уюштирилиши мумкин. Агар экскурсия мавзуни ўрганишдан олдин амалга оширилса унинг асосий мақсади олдида географик тушунчаларни шакллантириш учун зарур бўладиган тасаввурларни ҳосил қилишдан иборат бўлади. Мавзу ўрганиб бўлгандан кейинги экскурсияларнинг мақсади эса ўқувчиларда эгаллаган билимларни янада ойдинлаштириш, мустаҳкамлаш ва зарур кўникма ва малакаларни шакллантириш учун хизмат қилади.

Аммо тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, география таьлимида кўпроқ аралаш шаклдаги экскурсиялар қўлланилади. Бундай экскурсияларда такрорлаш, мустаҳкамлаш, тадқиқот ишларини ўтказиш, кўникма ва малакаларни шакллантириш зарур холларда янги билимларга эга бўладилар.

Экскурсияларни уюштириш бир неча босқичлардан иборат бўлади. Булар: Тайёргарлик, экскурсияни уюштириш, экскурсия якунлаш, йиғилган материалларни қайта ишлаш, материаллардан дарсларда фойдаланиш ва ҳ. к.

ЭКСКУРСИЯГА ТАЙЁРГАРЛИК БОСҚИЧИ

Бунда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги тайёргарлиги асосий ўринни эгаллайди. Ўқитувчи тайёргарлик жараёнида экскурсияга бориладиган обьект учун зарур бўладиган адабиётларни, карталарни ва бошқа материалларни тайёрлайди.

География ўқитувчиси аввало экскурсия обьектини карта ва адабиётлар, ҳамда маҳаллий, аҳоли ёрдамида атрофлича ўрганади.

Кейинчалик экскурсия маршрути (йўналиши) белгиланади. Тайёргарлик жараёнида экскурсияда қандай масалаларни ўрганиш зарурлигига эътибор қаратилади. Экскурсияга бориладиган маршрутни аввало ўзи кўриб чиқиши ўқувчиларни нималарни кўриши, нималарни ёзиши, чизиши, қайси обьектни расмга тушириши, қандай амалий ишларни бажариши кераклиги аниқлаб олади.

Ўқитувчи экскурсия обьектини кўриб бўлганидан кейин уни уюштириш режасини тузиб чиқади. Экскурсия ишлаб чиқариш корхонасига мўлжалланган бўлса, аввало унинг технологик жараёнини ўзи кўздан кечириши, корхона мутахасислари, ишчилар, билаб учрашиши керак. Энг муҳими корхона маьмурияти билан экскурсияни уюштириш вақтини, экскурсияни ўтказувчи мутахассисни аниқлаб қўйиш керак. Экскурсия ўтказувчини ўқувчилар диққатини нималарга қаратиш кераклиги, ҳамда экскурсияни мақсади вазифалари, маршрути, режаси, тўхташ жойларига боришда мутахассисни огоҳлантирилади. Ўқувчиларга мустақил равишда корхонанинг қисқача тарихи билан танишиши вазифаларини мустақил аниқлаш топширилади.

Ишлаб чиқариш корхоналарига экскурсия уюштирилганда ўқувчиларни албатта техника хавфсизлиги масалалари билан олдиндан таништириш мақсадга мувофиқ. Бундай корхоналарга экскурсия уюштиришда қанча ўқувчини олиб бориш ҳам олдиндан белгилаб олиниши керак. Кўпчилик тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, ишлаб чиқариш корхоналарига экскурсия уюштирилганда ўқувчилар сони 20—25 тадан ошмаслиги мақсадга мувофиқ. Шунда таълим самарадорлиги юқори бўлади.

Ўқувчиларни экскурсияга тайёрлаш ҳам энг маьсулиятли вазифалардан бири саналади. Экскурсиянинг мақсади, вазифаларини ўқувчилар мустаҳкам эгаллаши зарур. Энг муҳим географик билимлар тушунчалар билан уларни таништириш керак. Карталар ёрдамида экскурсия маршрути, обьектнинг географик ўрни унинг қулай ёки ноқулай томонлари атрофлича ўрганилиши мақсадга мувофиқ. Агар экскурсия қишлоқдаги машина трактор паркига мўлжалланган бўлса, ўқитувчи ўқувчиларнинг бу обьект ҳақидаги билимларини аниқлайди. Айрим ўқувчиларнинг бу обьект ҳақидаги бутун синф ўқувчиларига ҳикоя қилиб бериши уюштирилади. Бундай тадбирларни барчаси ўқувчиларнинг экскурсияга бўлган ҳаваслариии оширади.

Экскурсия уюштиришдан олдин синф ўқувчилари гуруҳларга

бўлинади, ҳар бир гуруҳга фаол ўқувчилардан раҳбарлар белгиланади. Ҳар бир гуруҳга топшириқларни тақсимлаб чиқилади. Экскурсия уюштирриш учун зарур бўлган асбоб ускуна ва воситалар аниқланади. Гуруҳдаги барча ўқувчилар экскурсия жараёнида қандай вазифаларни бажаришлари нималарни йиғишлари ҳам аниқлаб олинади. Ўқувчилар йиғилган материалларни қай тартибда жойлаштирилишига ҳам эътибор бериш керак. Маълумки барча экскурсияларнинг мақсади жамият ва табиат ҳақидаги географик тушунчаларни шакллантиришдан иборат. Масалан иқтисодий географик экскурсияларда ҳозирги замон саноати ва қишлоқ хўжалиги, уларнинг иқтисодий географик ўрни ихтисослашиши кооперацияси, меҳнат унумдорлиги тойифаси бозор иқтисодига мослашиши, бозор билан боғлиқ бўлган ўнлаб тушунчалар ва боғқаларни шакллантиришдан иборат бўлади. Экскурсия жараёнида ўқувчилар хилма-хил касблар билан ҳам танишадилар, уларда меҳнатга нисбатан муҳаббат хислатлари шаклланади ва тарбияланади. Ҳар бир экскурсияда экскурсиянинг маршрут давомидаги тўхташ жойлари (масалан рельф шакллари, жарлар, дарё ўзани, жинсларнинг ётиши) ва х. к. албатта экскурсия режасида ўз аксини топиши керак

Экскурсия пайтида ўқувчилар фаоллигини ошириш масалалари ҳам ўқитувчининг диққат марказида бўлиши лозим. Айниқса ёш ўқитувчилар экскурсия давомида ўқувчиларга бериладиган саволларни олдиндан тайёрлаб қўйишлари мақсадга мувофиқ.

Экскурсияда ўқувчиларнинг мустақил ишларига ҳам алоҳида эътибор бериш зарур. Агар экскурсия обьекти унчалик катта бўлмаса, ўқитувчи олдиндан бўлинган звеноларни корхона бўлимларига тақсимлайди ва юборади. Уларнинг бажарадиган мустақил ишларига раҳбарлик қилади. Ўқувчилар диққатини нималарга эътибор қаратишлари ўқитувчи томонидан огоҳлантирилади.

Агар экскурсия обьекти катта бўлса ўқувчиларни звеноларга тақсимламасдан экскурсия уюштирилади. Чунки бундай обьектларда ўқувчиларни бошқариш анча мушкил бўлиб қолади.

Табиий ва иқтисодий экскурсиялар мазмуни бир-биридан фарқ қилади.

ТАБИИЙ ГЕОГРАФИЯ ФАНИДАН ЭКСКУРСИЯ УЮШТИРИШ

1. Кириш суҳбати. Атроф—муҳит умумий тавсифи. Экскурсиянинг мақсади, вазифаларини тушунтириш.

2. Танланган табиат обьектида рельеф, тоғ жинслари, ўсимлик, тупроқ қатлами, дарё, сой кўллар, эркин намоён бўлиши керак.
3. Табиий худудий комплексни (ТХК) қандай ажратиш кераклиги, уни таърифлаш методикаси. ТХК элементларини кундаликка тушириш, табиатда ўқувчилар ўзларини қандай тутишлари кераклигини (ҳос қилиш зарурлигини) уқтириш.

4. Табиатни ўрганиш бўйича тузилган звено, бригадаларнинг мустақил ишлари нималардан иборат бўлишлиги.
5. Экскурсия худуди юриш учун яроқли бўлиши.
6. Якуний суҳбат уюштириш, кузатиш ва текшириш натижалари, уларнинг тўғрилиги йиғилган материалларни ҳамда ҳисоботларни тартибга солиш.

Қуйида экскурсияда маҳаллий дарёларни ўрганиш режасини келтирамиз:
1. Кўприк орқали ёки қишда музлаган пайтида дарёнинг энини ўлчанг.
2. Дарёнинг чуқурлигини ўлчаш, дарё узани тахминий профилини чизиш.
3. Оқим тезлигини аниқлаш.
4. Бурилиб оққан жойлардаги оқим тезлигини аниқлаш.
5. Дарёнинг қирғоғида тўпланадиган жойларни топиш, қайирларни аниқлаш.

7. Қандай ирмоқлари бор.
8. Дарёнинг тошадиган пайтларини аниқлаш.
9. Нивелир ёрдамида сувнинг энг кўтарилган ва энг пасайган даврларини аниқлаш.

10. Аҳоли пунктлари дарё ёқасидан қанча узоқликда жойлашганлиги.
11. Қирғоқларида қандай қишлоқ хўжалик экинлари экилади, ўтлоқлар мавжудлилиги.

12. Аҳолининг сув билан таъминланиши қандай йўлга қўйилган.
13. Музлаш қалинлиги.
14. Чўмиладиган жойлар борми, қаерлари чўмилиш учун хавфлилиги.
15. Қандай балиқ турлари яшашлиги.
16. Юк ташиш аҳамияти қандайлиги.
17. Паромлар, кўприклар борлиги.

18. Дарё ёқасида қандай тупроқ, ўсимлик турлари ва ҳайвонлар учрашлиги ва ҳоказолар ўрганилиши мумкин.

ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯДАН ЭКСКУРСИЯ УЮШТИРИШ.

1. Кириш суҳбати. Корхона маъмурияти ходимлари билан суҳбат.
2. Экскурсия учун танланган корхона маҳаллий иқтисодий район тармоқларга кириши, ундаги технологик жараён ўқувчиларга тушунарли бўлишикерак.
3. Ўқувчиларни корхона структураси билан таништириш. Ишлаб чиқаришни ташкил этилишининг корхона муҳити орқали ўқувчиларга етказиш (ўқувчилар корхона таркиби тузилишларини чизишлари керак).
4. Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш (ишлаб чиқариш технологияси, тайёр маҳсулотлар, статистик маълумотлар билан танишиши).
5. Якуний суҳбат: кўрган ва эшитганларини ҳамда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳақида ўқувчиларнинг фикрлари, ишлаб чиқаришнинг атроф муҳитга таъсири ҳақида ўқувчилар мулоҳазалари. Қуйида иссиқлик электр маркази (ИЭС) га экскурсия режасини келтирамиз.
1. ИЭС нинг шу жойда вужудга келиш тарихи ва ривожланиши.
2. ИЭС нинг халқ хўжалигидаги аҳамияти (маҳаллий республика аҳамиятига эгалиги).
3. ИЭС нинг транспорт алоқалари.
4. ИЭС нинг технология хусус«иятлари ва унинг корхоналарга нисбатан география жойлашишининг таъсири.
5. Электро энергия ишлаб чиқаришдаги жараён.
6. ИЭС нинг қуввати ва иссиқлик бериш радиуси.
7. ИЭС қандай корхоналарнинг электр энергия билан таъминлайди?
8. ИЭС да меҳнат жараёнининг аҳволи.
9. ИЭС нинг истиқболи.
10. ИЭС нинг илғор ишчилари ва ҳакозалари.

Ўқув экскурсияларига ўқувчиларнинг тайёргарлиги дарсда амалга ошириладиган бўлиши керак. Ўқувчилар экскурсияга илмий, амалий ва ташкилий жиҳатдан тайёргарлик кўриши керак. Илмий жиҳатдан тайёргарликда табиий—географик тушунчаларини такрорлашдан иборат бўлиши керак. Ўша билимлар экскурсияда такрорланиши лозим. Чунки ўша билимларсиз дала шароитида ёки корхонада янги билимларни ўзлаштириш мумкин эмас.

Амалий тайёргарлик—экскурсия жараёнида бажариладиган ишларга кўникмалар ҳосил қилиш, кўникма ва малакалар экскурсия мазмуни билан боғланган бўлиши керак. Экскурсия якуни шу йиғилган материаллар (тоғ жинслари, гербарийлар, коллекциялар,

ишлаб чиқариш алоқалари бўйича схемалар, корхонанинг тузилиши, графиклар, диаграммалар, кундаликлар, расмлар ва бошқалар) системага солинади.

География ўқитувчиси бу материаллардан дарсда ва синфдан ташқари пайтларда фойдаланиш мумкин.

Экскурсияда йиғилган материаллар ўқувчилар билан биргаликда умумлаштирилади. Энг муҳим билимлар, тушунчалар такрорланиши зарур. Айтайлик маҳаллий дарсга уюштирилган экскурсияда қуйидаги саволлар такрорланиши мақсадга мувофиқ. Бу дарё қайси ҳавзага қарайди? Унинг режаси қандай? Қандай типда тўйинади? Хўжаликдаги роли қандай? Ундан келажакда фойдаланиш истиқболлари. Дарё сувини ифлослаш манбалари нималардан иборат эканлиги ва ҳакозалар.

Геоирафия таьлимида предмет экскурсиялардан ташқари, дастурдан ташқари (хохловчи ўқувчилар билан) уюштириладиган экскурсиялар ҳам мавжуд. Бундай экскурсия мазмунида мактаб географиясидан ташқари билимлар ҳам учрайди.

Мактабларда комплекс экскурсиялар ҳам уюштириш мумкин. Бундай экскурсияда биология, физика, химия, тарих, иқтисод ўқитувчилари ҳам қатнашадилар. Комплекс экскурсияларда бир неча синф ўқувчилари иштирок қиладилар. Ҳар фан ўқитувчиси экскурсия жараёнида ўқувчиларга бериладиган саволларни олдиндан тузиб қўйишлари зарур. Комплекс экскурсияларда йиғилган материаллар қайта ишланади ва конференция билан якунланади.

ЕТАКЧИ ТУШУНЧАЛАР

Экскурсия, экскурсия объекти, экскурсия маршрути, кузатув экскурсияси, тасвирий экскурсия, ТТК, кириш суҳбати, комплекс экскурсия.

ЎЗ—ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР.

1. География таьлимида экскурсиянинг қандай аҳамияти бор?
2. ТХК ни экскурция жараёнида ўрганиш методларини ёритинг.
3. Табиий географик экскурсияларда ўқувчиларда қандай илмий дунёқараш шакллантириш мумкин?
4. Иқтисодий географиядан экскурсиялар уюштиришда қандай иқтисодий географик тушунчаларни шакллантириш мумкин?
5. 6—7—8 синфларда ҳар хил табиат объектларига экскурсия уюштириш методини ёритинг (тузинг)

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Я. К. Чернихова Учебные экскурсии по географии. М. Просвещение 1980.
2. Методика обучения географии в средней школе под. ред. И. С. Матрусова М. Просвещение 1985.
3. Методика обучения географии в средней школе под. ред. А. Е. Бибики др. Москва «Просвещение» 1968.
4. Р. Қурбонниёзов География таълими методикаси Тошкент «Университет» 1993

МАКТАБДА ГЕОГРАФИЯ ДАРСИ. ГЕОГРАФИЯ ДАРСИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ. ДАРС ТУРЛАРИ. ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ ШАКЛЛАРИ.

Р Е Ж А:

1. География таълими шаклларига умумий тавсиф
2. География дарсига қўйиладиган талаблар
3. Ўқитувчининг дарсга тайёрланиш босқичлари
4. География дарсига тайёргарлик
5. География дарсларини режалаштириш
6. Йиллик иш режаси мазмуни
7. География дарсларининг турлари, тузилиши
8. География дарсини таҳлил этиш ва қузатиш тартиби

Мактабда география таълими хилма—хил шаклларда амалга оширилади. География таълимини ташкил этишнинг амалда қўлланилаётган қуйидаги турлари мавжуд.

1. География дарси.
2. Географиядан факультатив машғулотлар.
3. Ўқув экскурсиялари. 4. Ўқувчиларнинг уй ишлари.
5. Табиатни мунтазам қузатиш.
6. Жойда амалий ишларни уюштириш.
7. Такрорлашни уюштириш.
8. Қўшимча машғулотлар ташкил қилиш.
9. Ўқув топшириқларини мактабда мустақил бажариш.

Ҳар бир таълим шакли бир—биридан ўқитувчи, ўқувчи фаолияти, ўқувчилар тажрибаси, таълимнинг ташкил қилиш жараёни, вақт режими каби кўпгина хусусиятлари билан фарқ қилади. География таълимида ўқув ишларини ташкил қилишнинг энг асосий ва етакчи шакли дарсдир.

ГЕОГРАФИЯ ДАРСИ.

Дарс ўқувчиларнинг доимий таркиби билан қатъий ўқув жадвали асосида ўқитувчи раҳбарлигида уюштириладиган жараён бўлиб, унинг ўрнини юқоридагиларнинг бирортаси ҳам боса олмайди. Йирик дидакт, олим М. Н. Скаткин дарсни—педагогик жараённинг **ҳўжайраси деб атаган эди.**

Ҳар бир дарс ўзга хос мазмунига эга бўлиб, бошқа дарслардан фарқ қилади. Дарс жараёнида таълим—тарбия ва ўқувчиларни ривожлантирувчи функциялар амалга ошади. **Дарснинг энг асосий вазифаси—ўқувчиларда зарур билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.**

Дарс қуйидаги педагогик талабларга жавоб бериши керак:

1. Дарс таълим, тарбия ва ривожлантириш вазифаларини ҳар тарафлама амалга оширилишини назарда тутиши.

2. Дарс ўтиш шаклига кўра қатъий бир тартиб бўйича олиб борилади: У муайян бошланишдан, дарснинг мақсадлари ва вазифаларини белгилашдан, материални тушунтириш, мустаҳкамлаш ва такрорлашдан, уй вазифаси беришдан иборат бўлади. Дарснинг қисмлари ўзаро бир—бири билан узвий боғланган бўлиши, биридан кейин иккинчисига ўтиши.

3. Дарс мазмуни ўқув дастурига мувофиқ бўлишини аниқлаш.

4. Дарсга тайёргарлик кўриш ва уни ўтиш чоғида ўқитиш ва тарбиялашга нисбатан замонавий педагогик, технологик ва услубий ёндошиш ҳисобга олиниши керак.

5. Дарс учун керакли таълим воситаларини белгилаш, зарур услуб ва методларини аниқлаш.

6. Дарснинг турли босқичларида ўқувчилар фаолияти нималардан ташкил топишлигини белгилаш.

7. Таълим ва тарбия натижаларини аниқлаб бериш мақсадида ўқувчилар билимини ҳисобга олиб бориш.

8. Дарсда ҳар бир ўқувчининг шахсий қобилияти эътиборга олиниши керак ва х. к. Дарсни ташкил этишнинг муҳим масалаларидан бири—ўқитувчи ўқувчи фаолияти ҳисобланади. Ўқучиларнинг дарс таркибидаги унумли иш, унинг самарали бўлиши фақат ўқитувчининг энг асосий вазифаси ўқувчиларда билим олишга бўлган эҳтиёжини сездиришдан иборат.

ЎҚИТУВЧИНИНГ ДАРСГА ТАЙЁРГАРЛИГИ.

География дарсларининг асосий мақсади ўқувчиларда янги географик тасаввур ва тушунчалар, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

География ўқитувчисининг энг асосий вазифаси—дарснинг мақсадини тўғри аниқлашдан иборат. Бунинг учун ўқитувчи аввало, қуйидагиларга доимо эътибор қилиши лозим:

1. Дарсда ўқувчилар қандай билимлар, тушунчалар, қонуниятлар тоялларни эгаллашлари;

2. Илгари ўқувчилар эгаллаган қандай кўникма ва малакалар, бу дарсда такомиллаштириш ҳамда, қандай кўникмалар биринчи марта берилиши лозимлиги;

3. Дарс давомида ўқувчиларни тарбиялай оладиган қандай ишлар бажарилиши лозимлиги.

4. Дарснинг мақсадига педагогика назариясидан илғор ўқитувчилар ва ўзининг шахсий тажрибасига асосланган ижодий якун деб қараш мумкинлиги;

Дарснинг мақсадига кўра, унинг мазмуни белгиланади. Демак, дарс мақсади қанчалик пухта белгиланса, мазмун шунчалик самарадор бўлади. Қуйида VI синфда «Атмосфера ҳақида тушунча» мавзусида дарс мақсади қандай бўлиши кераклигини келтирамиз;

1. Атмосфера ва унинг тузилиши ҳақида тушунча ҳосил қилиш, атмосферанинг аҳамияти, уни ўрганиш, атмосферани қўриқлаш ҳақида билим бериш;

2. Дарсликдаги расмларни билим манбаси сифатида, қўллаб ўқувчиларда зарур кўникмалар ҳосил қилиш;

3. Атмосферани қўриқлаш инсон соғлиги учун катта аҳамиятга эгалигини кўрсатиб, ўқувчиларга экологик тарбия бериш;

Дарс мазмуни белгилайдиган асосий ҳужжат—географик дастурдир.

Унда ҳар бир курс бўйича ўқувчилар қандай билимлар ва кўникмалар эгаллаши лозимлиги аниқ кўрсатилган. Дарс мазмуни дарсликда берилган маълумотларга ҳам боғлиқ. Имкони борича, дарсликдаги маълумотлардан ташқари ва янги маълумот ҳам берилиши керак.

Ўқитувчи дарслик ва дастур асосида дарсга тайёрланишда уни диққат билан кўздан кечириши, қандай саволлар дарсда ўрганилади, қайсилари уйга вазифа қилиб берилишини аниқлаб олиниши керак.

Дарс мазмунидан келиб чиққан ҳолда унинг вазифалари белгиланади. Дарс вазифалари ўқувчиларга аниқ етказилиши лозим. Улар

дарсда нималарни эгаллашларини тасаввур қила олсагина, кўзлаган мақсадга эришиши мумкин. Дарс вазифалари ўқувчиларга қисқа ва аниқ ҳолда берилиши керак. Масалан: VII-синфда «Ўзбекистон географик ўрни, рельефи, геологияси, фойдали қазилмалари» мавзусида дарс вазифалари нималардан иборатлигини қуйида кўриб чиқамиз;

ЭГАЛЛАНАДИГАН БИЛИМЛАР, КЎНИКМАЛАР

1. Ўзбекистоннинг географик ўрнидаги хусусиятлар	Ўзбекистоннинг географик ўрнини аниқлай олиши
2. Релъефи ва геологик тузилишининг асосий хусусиятлари	Ўзбекистоннинг геологик ва тектоник картасини ўқий олиши
3. Релъеф ва фойдали қазилмаларнинг геологик тузилиши билан боғлиқлиги.	Ўзбекстон релъеф картасини геологик ва тектоник карталар билан қиёслай олиш.

Дарснинг мақсади ва ўқув материали мазмуни, ўқувчиларнинг тайёргарлиги (мавжуд таянч билим ва кўникмалар; ўқувчиларнинг билиш қобилиятлари) зарур таълим методлари ва воситаларини танлашни тақозо этади.

Агар ўқувчиларда таянч билим ва кўникмалар бўлмаса тасвирли тушунтириш ёки муаммоли баён методини қўллаш яхши натижа беради. Қачонки, ўқувчиларда олдинги ўрганилган курслардан нагарий билим ва кўникмалар бўлса, биринчи ўринда репродуктив ва қисман изланувчан муаммоли методларни танлаш мумкин. Агар ўқув материали ижодий ва муаммоли топшириқларни шакллантиришни талаб этса, бундай пайтда таълимнинг тадқиқот методини қўллаган маъқул.

Таълим методларини танлаш ҳар бир дарс учун ўзига хос характерга эга. Ҳар дарсда бир неча хилма-хил методлар қўлланилади.

География ўқитувчиси ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда, метод танлайди. Демак, таълим методлари ва воситаларини белгилаш— дарснинг мақсади ва мазмунига, ўқувчиларнинг билим даражаларига, уларнинг ўзлаштириш қобилиятларига, шунингдек, ўқув қуролларининг мавжудлигига боғлиқ. Энг муҳими танлаб олинган таълим воситалари ва методлари билимларни тўғри, илмий асосда ўзлаштирилишини таъминлаш керак.

География дарсларида фанлараро алоқалар ўрнатиш экологик— иқтисодий тарбия йўналишларни амалга ошириш дарс—самарадорлигини юқори поғонага кўтаришда катта аҳамиятга эга бўлади.

ДАРС УЧУН МАТЕРИАЛ ТАНЛАШ.

Дарсда ўрганиладиган материаллар мазмуни ўқув дастурига мос бўлиши керак. Дастурда ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган тушунчалар ва уларни ўзлаштириш йўллари кўрсатилган бўлса, дарсликда эса тушунчалар мазмуни очиб берилади.

Ўқитувчининг ўқувчиларга берадган билимлари мазмуни мактаб дарсликдан келиб чиққан ҳолда, амалга оширилади. Айрим қўшимча билимлар ўқувчиларни географик фанига қизиқтиришни эътиборга олган ҳолда, берилиши ҳам мумкин.

Ҳар бир дарс нафақат ўқувчилар билимини оширишни, балки уларнинг географик маданиятини ҳар томонлама ривожлантиришга керак. Бир муҳими—ўқувчиларни тарбияловчи функцияларга эга бўлиши зарур. Тажрибалар ва кузатувлар шуни кўрсатадики, фақат географик обьектларни тасвирловчи ва уларни санаб ўтувчи дарслар, ўқувчиларда ҳеч қандай чуқур, сабаб-оқибат боғланишларини очиб берувчи дарсларни ўқувчилар катта қизиқиш билан эшитадилар ва қатнашадилар.

Айтайлик. Токио шаҳрига тавсиф берилганда, фақат ундаги саноат тармоқлари айтилиб, унинг географик ўрнига таъриф бериш билан чегараланса, ўқувчиларнинг бугунги дарсга фаоллиги, деб бўлади. Қачонки, Токионинг жаҳонда тутган ўрни, шаҳарсозликдаги ўзига хос хусусиятлари, аҳолини миллий таомлари, йўллари, маданий ҳаётидан мисоллар келтирилса, дарсларга ўқувчилар жуда катта қизиқиш билан иштирок қиладилар. Бундай пайтларда дарс мазмуни дарсликдан бирмунча фарқ қилади. Ўқитувчи материалларни дарсликка қараганда, бирмунча чуқурроқ ва мазмунан бой ёритаётган дарснинг таълим ва тарбиявий аҳамияти ошади.

Ҳар бир дарсда асосий етакчи масала, яъни дарснинг асосий ғояси ажратиб олиниши керак. Қолган барча иккинчи даражали билимлар ана шу ўқ атрофида айланиши ва асосий ғояни (билимни) эгаллашга хизмат қилиши керак. Бундай танлов нафақат билимларни балки ўқувчилар билимини текширишда ҳам етакчи ўринни эгаллаши зарур. Чунки дарсликдаги бутун материални қисқа вақт ичида текшириш имконияти йўқ. Фақат энг муҳим асосий билимни ғояни) текшириш самарали натижалар бериши тажрибаларда исботланган. Бундай текшириш дарс учун ажратилган вақтни тиклаш имконини беради. Аксарият ҳолларда, амалиётда ўқувчилар билимини текширишга кўп вақт сарфланади.

Дарс учун материал танлашда «Ўзбекистон табиий географияси» курсида «Ўзбекистон дарёлари» мавзуси мисолида кўриб чиқамиз.

Нафақат, Ўзбекистон балки. Туркистондаги йирик дарёлардан бири— Амударё ҳисобланади.

Амударё мисолида энг муҳим географик қонуниятларни очиб бериш имконияти мавжуд. Айниқса, дарё режимининг релъеф ва иқлимга, тўйиниш каби жараёнларнинг иқлимга боғлиқлигини, Амударё мисолида аниқ тушунтириш имконияти мавжуд. Амударё хилма-хил релъефга эга бўлган худудлардан оқиб ўтади ва картада яққол намоён бўлган дельтага ҳам эга. Юқоридаги барча амаллар ўқувчиларнинг карталарни ўқиб олиш имкониятини ҳам яратади. Ўқитувчи Амударёга хос бўлган хусусиятларни батафсил ёритиши ва ўқувчиларда мавжуд билимларга ҳам таяниши мақсадга мувофиқ. Амударё ҳақида дарсликда келтирилган билимларни ҳам ўқитувчининг баён этиши ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишларини оширади. Ўзбекистоннинг қолган дарёлари (Сирдарё, Зарафшон, Чирчиқ ва бошқалар) дарслик ва ўқитувчининг бошқа манбалардан олган билимлари ҳақида ўқувчиларгаетказилиши мақсадга мувофиқ.

ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ.

Ҳар бир синфда ўқитиладиган география курслари бир қанча мавзулардан иборат. Улар мазмунини ва ўрганиш тартибини ўқув дастури белгилайди. Ўқув ишларини режалаштириш мавзу ва алоҳида дарсларни режалаштиришдан иборат.

География таълимида режалаштиришдаги ўқитувчиларнинг вазифаси қуйидагилардан иборат:

1. Ҳар бир синф ўқув дастуридаги мавзуларни чоракларга ёки 2 та ярим йилга тақсимлаш (йиллик иш режаси);
2. Мавзуларни дарсларда бўлиб чиқиш ва уларнинг ўтиш муддатини аниқлаш. (мавзуларни режалаштириш);
3. Ҳар бир дарсни ўтишнинг бажариш режасини (дарс-режа конспекти) тузиш;

ЙИЛЛИК ИШ РЕЖАСИ.

Ҳар бир дарсда ўқитиладиган предмет учун алоҳида иш режаси тузилади. Буни бажаришдан олдин география ўқитувчиси предметнинг мақсад ва вазифаларини аниқ тасаввур қилиши зарур. Дастурдаги мавзуларни чоракларга тақсимлашда ўқитувчи ижодий ёндошиши зарур. Дастур асосида йиллик иш режасининг қуйидаги тахминий тизимини тавсия қилиш мумкин:

Мавзули режалар кўп соатлик мавзуларни сунъий бўлиб ташлашни эмас балки, уларни маълум тартиб, мазмун асосида таълим

методларини танлашни эътиборга олган ҳолда тақсимлашни тақозо этади; Ўқитувчи дастур ва дарслик асосида ҳар бир дарснинг таълим—тарбиявий мақсадини, мазмунини, таянч билимларини, амалий ва мустақил ишларни, таълим воситаларини аниқлайди; Ўқитувчи ўқув ишларини режалаштиришнинг турли шаклларини қўллаши мумкин; Бундай режалаштиришлар журналларда, методик адабиётларда кенг ёритилган. Кўп йиллик тажрибага эга бўлган география ўқитувчилари дарс режаларини тузишда ижодий ёндошадилар.

Масалан: ҳар бир дарс учун катта лопа (конверт) тутадилар. Унда дарс режаси билан дидактик материаллар, топшириқлар, газета журналлардан қирқилган материаллар ҳам бўлади. Келгуси ўқув йилида лопа кўздан кечирилиб, унга зарур қўшимча ва ўзгартиришлар киритилади. Барча лопалар синфлар бўйича алоҳида сақланади. Амалиётда дарс ўтувчи юқори курс талабалари ва ёш ўқитувчилар жуда оз тажрибага эга бўлганлари учун дарс кўчирмалари (конспектлари) тайёрлаганлари маъқул.

Чунки уларда ҳали старли педагогик кўникмалар шаклланмаган. Уларга режалаштиришнинг қуйидаги энг оддий шаклини тавсия қилиш мумкин:

1. Дарс режаси; 2. Ўқитувчи фаолияти; 3. Ўқувчи фаолияти;

Биринчи устунга дарснинг бориши босқичма—босқич ёзилади. Иккинчи устунга ўқитувчи баёнининг мазмуни, суҳбат саволлари ва ўқувчилар учун мустақил топшириқлар акс эттирилади. Учинчи устунга ўқувчилардан кутиладиган жавоблар, мустақил иш натижалари, жадваллар, чизгилар ёзилади.

Дарсни бу методда кўчирма (конспект) қилиш ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини назорат қилишда катта роль ўйнайди.

Мактабларда география дарсларини режалаштиришда ягона тизим йўқ. Чунки, ўқув жараёни мазмуни ва шаклларини танлаш қилиш ҳамма ўқитувчида ҳам бир хил эмас.

География таълимида турли хил режалар кенг тарқалган. Айниқса курслар бўйича бутун ўқув жараёнини йирик билим ва мавзулар бўйича режалаштириш кўп ишлатилади.

География дарсларига тайёрланиш жараёнида мавзули (тематик) режа кенг ишлатилади. Бундай режа ўқитувчига билимларини тадрижий шакллантиришни, мавзулар ўртасида алоқадорликни ўрнатишда, тушунчаларни босқичма—босқич шакллантиришда, таянч билимлар ва кўникмаларни белгилашда, амалий ишлар тизимини аниқлашда қандай кўргазмали қуролларни ишлатиш зарурлигини олдиндан белгилаб олиш имконини беради. Мавзули режанинг у ёки бу курс бўйича дарсларнинг тури, мақсади, методлари, воси-

талари, ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг қандай бўлишлигини олдиндан белгилаб олишда ҳам роли катта.

Ҳар бир дарс мутлақо бир—бирига ўхшамайди. Чунки бу ўқув материали мазмуни билимларни ўзлаштириш даражаси ўқув ишлари методлари, ўқувчилар дунёқараши, дарслар ғоялари меҳнат, экологик, иқтисодий, касб тарбиялари кабиларни режалаштиришда эътиборга олмасдан илож йўқ. Дарслар тизимини режалаштиришда биринчи навбатда, ҳар бир дарснинг дидактик мақсади, таълим-тарбиявий вазифалари, дарс таркиби, дарсдаги боғлиқлик эътиборга олиниши керак.

Дарслар тизимини режалаштиришда тахминан қуйидаги бандларни эътиборга олиш лозим.

Дарс №:
Дарс мавзуси;
Дидактик мақсад ёки таълим тарбиявий вазифалар
Таянч билимлар:
Таълим воситалари
Таълим методлари ва методик тавсиялар
Фанлараро алоқалар
Мустақил ва амалий ишлар
Уйга вазифа

Мазкур режалаштиришга ижодий ёндошиш ва ўзгартиришлар киритиш мумкин.

Дарслар тизими режаси асосида, алоҳида дарслар режаси тузилади. Бу режада ўқитувчи фаолиятини ташкил қилишнинг аниқ дастури берилади. Дарсларни анъанавий тарзда, яъни билим текшириш—янги билим бериш—мустаҳкамлаш—уйга вазифа тарзида ташкил қилавериш таълим сифатини пасайтиради. Ўқувчилар фаоллиги, фикрлашни сусайтиради. Шунинг учун ҳам дарсларни режалаштиришда унинг услубий тузилишини доимо ўзгартириб туриш керак. Дарсларни режалаштиришга қараб ўқитувчилар ижодига баҳо ҳам бериши мумкин. Бу ерда ўқитувчининг илмий—услубий маҳорати, топқирлиги, ўз фанини қанчалик пухта билишлигини аниқлаб олиш имконияти туғилади.

Демак дарсларни режалаштириш тартиби бўйича ягона метод бўлиши мумкин эмас экан. Битта курс бўйича айнан шу ўқитувчи ҳар йили турлича дарслар таркибини тузиши мумкин. Тахминий дарс режаси қуйидаги бандлардан иборат бўлиши мумкин.

—Синф
—Кун

—Дарснинг тартиб рақами ва дарс мавзуси.

—Дарс жиҳозлари

—Дарснинг бориши (мазмуни, танланган методлар, ҳар бир қисмга кетган вақт, қайси ўқувчилардан сўралиши, якка ва ялпи сўраш учун саволлар, доскага чизилиши керак бўлган расм ва чизгилар.

—Уйга вазифа.

Қуйидаги дарс режасининг тахминий матн қисмини келтирамиз Урганч шаҳридаги 18—мактаб VII «Б» синфи дарс Р. 12

Дарс мавзуси Африканинг географик ўрни. Материкни кашф қилиш ва тадқиқот тарзи.

Жиҳозлаш 1. Африка табиий картаси; 2.Яримшарлар картаси; 3. Ўқувчиларнинг атласлари; 4. Контур карталар; 5. Сайёҳ ва тадқиқотчиларнинг портретлари.

Дарснинг бориши.

1. Материкнинг даража тўрида тутган ўрни (экваторга ва бош меридианга нисбатан (3мин)
2. Материкнинг шимолдан жанубга узунлиги (3мин)
3. Материкнинг ғарбдан шарққа узунлиги (3мин)
4. Материкнинг бошқа объектларга нисбатан тутган ўрни (3 мин);
5. Мустақил ва амалий ишлар:

а) Чекка шимолий ва жанубий нуқталарни картадан топинг, улар ўртасидаги масофани км ва даража ҳисобида аниқлаб (3мин)

б) Ғарбий ва Шарқий чекка нуқталарни картадан топинг, улар ўртасидаги масофани даража ва км ларда аниқланг. (3 мин)

в) Африкага яқин бўлган материкларни айтинг, улар қанча масофада жойлашган (3мин)

г) Материкни ювиб турган океанлар, денгизлар, бўғозлар, кўлтиқларни картадан топинг (2мин)

6. Д. Ливингстон текширишлари, картадан унинг саёҳат қилган жойларини кўрсатинг.
7. В. Юнкер, Н. Вавилов, тадқиқотлари (2 минут)
8. Янги материални мустаҳкамлаш (10 минут)

Ўқувчиларга саволлар

а) ЭльАбёд ва Игольний бурунларининг географик координатала рини аниқланг.

б) Альмади ва Рас, Хафун бурунларининг географик координаталарини аниқланг.

в) Материкнинг шимолдан-жанубга ва ғарбдан-шарққа узунлиги унинг табиатига қандай таъсир кўрсатади.

9. Материкнинг географик ўрнига асосланиб унинг табиий шароити ҳақида бирон нарса дейиш мумкинми? а) Д. Ливингстон тадқиқотларининг аҳамияти нимадан иборат?

10. Уйга вазифа (3 минут)

Дарс режаси бўйича қабул қилинган аниқ шакл йўқ. Унинг турлари кўп бўлиб, улар таълимнинг конкрет шароитини эътиборга олган ҳолда келиб чиқади.

ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ.

Дарсларнинг тури кўп, ҳар бир дарс ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, аниқ вазифаси мазмунига кўра бир—биридан фарқ қилади. Ўқитиш жараёни бир неча босқичга бўлинади: янги материални ўрганиш; мустаҳкамлаш; такрорлаш; текшириш ва назорат қилиш уй вазифалари бериш;
умумлаштириш ва якун ясаш ва х. к.

Дидактикада дарсларни турли белгиларига кўра тасниф қилинади. География таълимида дарслар дидактик вазифасига кўра қуйидагиларга бўлинади:

Аралаш дарс, янги билимлар бериш дарси, мустаҳкамлаш дарси, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш дарси, билим ва кўникмаларни умумлаштирувчи дарс, кириш дарси, такрорлаш дарси, билим ва кўникмаларни қўллаш дарси ва ҳоказа.

Қуйида география ўқитишда кўп қўлланиб келаётган айрим дарс турларини кўриб чиқамиз.

АРАЛАШ ДАРС.

Мактабларда оммавий тус олган дарс тури бўлиб, бунда иш олиб боришнинг ҳар хил турлари, тушунтириш, мустаҳкамлаш, текшириш, якун ясаш уйғунлашган бўлади.

Аралаш дарс бир неча таркибий қисмлардан: кириш (дарс вазифаларини белгилаш), ўқувчиларнинг дарсга тайёр эканлигини текшириш, ўтилган материал билан янги материални боғлаш, уй вазифасини текшириш ва уни умумлаштириш, дарсда иш натижаларини мустаҳкамлаш ва текшириш, уйга вазифа ва уни бажариш учун кўрсатмалар беришдан иборат бўлади. Аралаш дарснинг ҳар бир қисми ўзига хос метод ва иш усулларини қўллашни талаб қилади.

Аралаш дарс тузилиши хилма—хил бўлиб, дарсни таянч билимларни текширишдан бошлаш ҳам мумкин. Баъзи ҳолларда ўрганилиши лозим бўлган янги материал қисмларга ажратилиб, ҳар бир қисм бўйича босқичма—босқич янги билимлар берилади, улар мустаҳкамланади ва текширилади, кейин қолган қисмлар ҳам шу тарзда ўрганилади. Кўпчилик ўқитувчилар дарсни ўтилган мавзу бўйича ўқувчилар билимини текширишдан бошлайди. Бунда ўтилган мавзу материали янги мавзу учун асос бўлиб хизмат қилса, шундагина самара бериши мумкин.

Аралаш дарсларни кўп соатли мавзуларни ўрганишда ва дарс олдинги мавзулар билан боғланиши лозим бўлган мавзуларда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

ЯНГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЎРГАНИШ ДАРСИ.

Бундай дарс таркибий қисмида билимларни текшириш аломати учрамайди, дарснинг асосий мақсади ўқувчиларга янги билимлар беришдан иборат бўлади.

Ўрганиладиган материал ҳажми катта бўлиб, уни ўзлаштириш ўқувчилар учун бирмунча қийинчилик тугдирса, ҳамда турли кўрсатмали қуроллар ва воситалар талаб этиладиган бўлса, шу хил дарсдан фойдаланилади.

Чорак бошида, йирик ва мураккаб мавзуларни ўрганишда бутун дарс янги билимларни эгаллашга қаратилиши мумкин. Бу дарс ўқитувчидан билим, маҳорат, ижод талаб қилади. Янги билимларни бериш дарси ўқитувчидан ўқувчилар диққатини узоқ вақт ўзига жалб қилиб туришини талаб қилади. Бундай дарслар иқтисодий география дарсларида кўп қўлланилади.

МАЛАКА ВА КЎНИКМАЛАРНИ ҲОСИЛ ҚИЛИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ ДАРСИ.

Бундай дарсларда эгаллаган билимларни амалда синаш кўпроқ ўқувчиларни амалий фаолиятга тайёрлаш ҳар хил машқларни бажаришга эътибор берилади.

Бу дарсларнинг асосий мақсади географияга хос бўлган ҳамда назарий билимлар билан мустаҳкам алоқада бўлган кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат. Ўқувчилар фаолияти амалий ишларни бажаришга кўпроқ жалб қилинади. Кўникма ва малакалар бевосита билимларни эгаллаш жараёнида бажариладиган амалий ишларда шакллантирилади. Масалан: географик координаталарни аниқлаш, тоқисликларга, тоғларга таъриф бериш маҳаллий ва минтақа вақтига оид масалалар ечиш, карта ва глобус асосида хилма-хил машқларни бажариш ва бошқалар.

Амалий ишларнинг баъзиларини янги материални ўрганиб уни мустаҳкамлаш қисмида, айримларини сўраш жараёнида ҳам уюштириш мумкин. сўраш жараёнида уюштирилган амалий ишларни олдиндан тузилган тайёр режа асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Масалан: текисликларни таърифлаш, дарёларни таққослаш, географик координатларни аниқлаш ва ҳакозолар.

Кўникма ва малакаларни шакллантириш, амалий ишларни машқ қилиш ва якуний гуруҳларга ажратиш мумкин. Машқ қилиш тарзидаги амалий ишлар ўқув ишларининг бирон-бир методида ўргатишни, масалан, объектнинг географик ўрнини аниқлаш, карта бўйича профил тузишни ўргатиш ва ҳокозаларни мақсад қилиб қўяди.

Якуний тарзда амалий ишлар географик объектларга таъриф беришни масалан, табиий худудий комплекслар, табиий ройонлар, халқ хўжалиги тармоқлари каби масалаларни ўрганишда кенг қўлланилади. Уларни бажариш учун махсус дарслар ажратилган бўлиб, бундай дарсларнинг асосий мақсади географияга хос бўлган кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат. Кўникма ва малакалар шакллантирувчи дарслар қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади: 1) таълим тарбиявий вазифаларининг қўйилиши; 2) ўқувчиларни амалий топшириқларни бажариш учун зарур бўлган ўқув воситалари билан таништириш; 3) амалий топшириқлар натижаларини якунлаш учун кўрсатмалар бериш; ишга якун ясаш ва уйга топшириқ.

Якуний тарздаги амалий ишларнинг аслини ўқувчиларнинг мустақил ишлари ташкил қилади. Масалан, океан, материклар табиий комплекслар ёки бирон мамлакат оғир саноати, қишлоқ хўжалигига таъриф ёзиш бунга мисол бўлади.

ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ДАРСИ.

Ўқувчилар билимини баҳолаш педагогик жараёнларни таркибий қисмидир. Бу дарс ўқувчиларнинг дарсда билим олишга бўлган ҳаваснни оширишга ёрдам бўради. Чунки ўқувчиларга қўйилган баҳо уларни қизиқтиради, фаоллаштиради. Бундай дарслар бир неча соатга мўлжалланган мавзулардан кейин ўтказилади. Юқори синфларда бундай дарслар дарс синов тарзида ҳам уюштирилиши мумкин. Дарс синовни уюштириш учун синфдаги кучли ўқувчилардан ижодий гуруҳ тузилади. Бу гуруҳ ўқитувчи билан ҳамкорликда тарқатма сўров материаллари тайёрлайди. Тарқатма саволлар ўқувчиларнинг кўникмаларини текширин мақсадида қилиниши керак. Синов жараёнида билимларни текширувчилардан бир неча назоратчи

тузилади. Ҳар бир назорат текширувчиси махсус саволларни текширишлари мумкин. Масалан:

1. Назарий билимларни текшириш.
2. География номлардан иборат билимларни текшириш.
3. Статистик материалларни текшириш, жадвал ва диаграммаларга асосланган билимларни текшириш.
4. Дафтар ва контур карталардаги мустақил ва амалий ишларни текшириш.

Ўқувчилар ҳар бир назорат текширувчилардан баҳоларини олгач, ўқитувчи баҳоларини умумлаштириб, ўқувчилар билан биргаликда қўйилган баҳоларни таҳлил қилади. Ҳар бир ўқувчи эгаллаган билими ва кўникмаларига тегишли баҳо олгач, уларнинг нималарни қайта кўриб чиқишлари уқтирилади. Бўлим ёки боб бўйича ҳар бир ўқувчи шу тариқа баҳоланади. Синов уюштиришдан олдин ижобий гуруҳдан иборат ўқувчилар махсус консультациялар уюштиришлари ва зарур ҳолларда алоҳида ўқувчилар шуғулланишлари ҳам мумкин.

Илғор ўқитувчилар тажрибалари шуни кўрсатяптики, дарс—синов уюштиришнинг тахминий тузилиши қуйидагича бўлиши мумкин:

а) дарс вазифасини аниқлаш;

б) ўқувчилар билимини текшириш ҳамда ҳисобга олишнинг шакл ва методларини белгилаш;

в) билимларга нисбатан талаблар ишлаб чиқиш;

г) баҳо нормаларини ишлаб чиқиш;

д) билим манбалари билан ишлаш йўлларини белгилаш;

е) топшириқлар тайёрлаш ва бажариш;

ж) ўқувчилар жавобларини мантиқийлиги ва тўлалигини таҳлил қилиб, якун ясаш.

Ўқувчилар билимини ҳисобга олиш дарс 40 минут давомида ўтказилади.

ТАКРОРЛАШ ДАРСИ.

Бундай турдаги дарсни ўтказишнинг ўзига хос хусусияти ва мураккаблиги ўқув материали чегарасини аниқ белгилаб олишда, асосий ғояларни, тушунчаларни, воқеликларни, объектларни ўринли таъкидлашдан иборат. Такрорлаш дарси структураси тахминан қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Дарснинг бошланишини ташкил этиш.
2. Дарснинг мақсади ва вазифаларини белгилаш.

3. Ўқув материалларни умумлаштириш ва тартибга солиш.

4. Дарсга якун ясаш ва уйга вазифа бериш.

Такрорлаш дарслари йирик мавзулар ўтиб бўлингандан кейин уюштирилади ва география таълимида кам қўлланилади. Такрорлаш дарсларида тегишли бўлимдаги ҳамма материаллар такрорланмай, асосий эътибор мавзусидаги энг муҳим масалаларни чуқурлаштириш, якунлаш ва янги билим билан бойитишга қаратилиши лозим.

Такрорлаш вақтида дарснинг тарбиявий томонига кўпроқ эътибор бериш керак. Бунда ўқув материали қизиқарли далиллар, воқеалар, таассуротлар билан боғланиши лозим.

КИРИШ ДАРСИ.

Бундай дарс тури йил бошида уюштирилади. Кириш дарсининг асосий вазифаси ўрганишга киришётган курснинг мақсад ва вазифаларини очиб беришдан иборат.

Кириш дарси орқали ўқувчилар келажакдаги дарсларга руҳий жиҳатдан тайёрланадилар. Кириш дарси қанчалик пухта, ўйлаб уюштирилса, келажакда ўқувчилар шу фанга қизиқиб қатнашишлари учун замин тайёрланади.

Келажакдаги дарсларнинг муваффақиятли чиқиши кўп жиҳатдан кириш дарсига боғлиқ.

ЎҚУВЧИЛАР ЎҚУВ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ БОШҚА ШАКЛЛАРИ.

География таълимини (дарс, кузатиш, экскурсиядан ташқари) ташкил қилишнинг янги шакллари кейинги пайтларда кенг қўлланилмоқда. Дарс ўз аҳамияти, таълим—тарбиявий вазифаларини бажариши бўйича таълимни ташкил қилиш шакллари ичида етакчи ўринни эгаллайди. Аммо у камчиликлардан ҳам холи эмас. Дарсда, аввало ўрта ўқувчи қобилияти эътиборга олинади. Бунда кучли ва кучсиз ўқувчилар ютқазадилар.

Дарснинг ташкил қилиниши деярли бир хил қолипда бўлиб, унда ўқувчилардаги ижодий хислатларни тўла намоён қилиш имконияти бўлмайди. Ҳозирги кунда таълимни ташкил қилишнинг энг кенг қўлланилаётган шакллардан бири—семинардир.

Семинар бир неча лекция машғулотларидан кейин уюштирилади. Унинг асосий вазифаси ўқувчиларда ижодий қобилиятларни ҳамда мустақиллик ҳислатларини тарбиялашдан иборат. Семинар машғулотларини умумлаштирувчи такрорлашдан кейин, яъни йирик мавзу ёки бўлим ўрганиб бўлингандан кейин уюштирилиши мумкин. Се-

минар машғулотини ташкил қилишга тайёргарлик мавзуни ўрганишга қадар бошланиши керак. Ўқувчиларга алоҳида—алоҳида топшириқлар берилади, билим манбалари аниқланади, мустақил ишлаш учун зарур бўлган материаллар тизими белгиланади. Семинар уюштирилиши лозим бўлган мавзу ўқувчилар ўртасида тақсимланади. Бунда бир неча ўқувчи ўқитувчи тавсия қилган қўшимча географик адабиётлардан ўрганилаётган саволларга қисқача жавоблар тайёрлайдилар. Иккинчи гуруҳ ўқувчилар эса кундалик матбуотдан (журнал ва газеталардан) мавзуга оид материалларни тўплайди, учинчи гуруҳдаги ўқувчилар эса тасвирли ва картографик материалларини йиғадилар ва ҳакоза.

Бутун синф ўқувчилари семинар уюштириладиган мавзу бўйича топшириқлар олади, ўқитувчи муҳокама қилиниши керак бўлган мавзу саволларини эълон қилади. Семинар машғулотига ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда мавзуга оид қўшимча география адабиётларини ҳам тўплайди. Семинарда вақтнинг кўп қисмини мунозара, ўқувчиларнинг қўшимча хабарлари эгаллаши керак.
Семинарда мавзу бўйича ҳар бир ўқувчи ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириши керак. Синфдошларининг чиқишларини таҳлил қилишга ўргатишлари лозим. Семинарда ўқувчиларнинг маърузалари 5—7 минутдан ошмаслиги керак. Маърузаларнинг режасини ўқувчилар мустақил туза олишлари лозим.

Семинарда ўқувчиларнинг нутқ маданиятига, ўз фикрини образли, қисқа ва аниқ баён қила олишига катта аҳамият берилади. Ўқитувчи ўқувчиларга ўз маърузасини маълум хулосалар билан якунлашга ўргатиши керак. Ўқувчиларнинг қилган маърузасини обсуждениеда режанинг аниқлиги, мавзуни мантиқан очиб бера олиш, тил ўзгалиги, нутқ маданияти, далилларнинг ва умумий хулосаларнинг қанчалик тўғрилиги ҳисобга олинади.

Маърузачиларга саволлар беришни ўқитувчи рағбатлантириб туриши керак. Чунки кўпчилик ўқувчиларда бундай маҳорат йўқ. Семинар якунида синфдаги ҳар бир ўқувчи баҳоланиши керак. Юқоридагиларга асосланиб география таълимида маъруза ва семинар машғулотларининг қуйидаги ижобий томонларини ажратиш мумкин.

1. Қисқа вақт ичида кўп ҳажмда билим олиш имконияти туғилади.
2. Уй вазифаси енгиллашади, унга вақт кам сарфланади.
3. Замонавий, иқтисодий, экологик, сиёсий, демографик маълумотларни қўллаш имконияти туғилади.
4. Ўқувчиларда турли билим манбалари билан ишлаш кўникмалари шаклланади.

5. Ўқувчилар ижодий топшириқларни бажаришга ўрганади, мантиқан фикрлаш, ўз фикрини исботлаш хислатлари шаклланади, география билимларига бўлган ҳаваси ошади.

6. Ўқувчиларда мустақил ишлашга интилиш кучаяди.

7. Янги техника воситаларидан —компьютерлар, видеотехникадан фойдаланиш имконияти туғилади.

8. Ўқувчиларда махсус кўникма ва малакалар шакллантириш имконияти туғилади ва ҳоказо.

ЕТАКЧИ ТУШУНЧАЛАР:

Дарс, факультатив машғулот, уй иши, табиатни кузатиш, такрорлаш, қўшимча машғулотлар, дарс режаси, дарс—режа конспекти, йиллик иш режаси, таянч билим, фанлараро алоқалар, мустақил иш, амалий иш, кириш дарси, янги материални ўрганиш дарси, мустаҳкамлаш, такрорлаш, текшириш ва назорат дарси, аралаш дарси, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш дарси, дарс кузатиш, дарс таҳлили, педогогик технология, педагогик маҳорат, уйга вазифа.

ЎЗ—ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР.

1. География таълимини ташкил қилишнинг қандай шаклларини биласиз?
2. Дарс нима ва унга қандай педагогик, дидактик талаблар қўйилади?
3. Ўқитувчининг дарсга тайёрлиги қандай компонентлардан иборат бўлади.
4. Дарснинг мақсади ва вазифалари деганда нимани тушунасиз?
5. Дарс методларини танлаш деганда нимаси тушунасиз?
6. География дарсларини режалаштиришнинг қандай турларини биласиз?
7. Евросиё материги бўйича дарслар тизими режасини тузинг.

А Д А Б И Ё Т Л А Р.

1. Л. М. Панчешникова Методика обучения географии в средней школе М, 1997
2. Р. Қурбонниёзов «География таълими методикаси» Тошкент 1993 й.
3. Бабанский «Оптимизация учебного процесс» М. 1989
4. «Уроки географии» М. 1985
5. География в школе журналлар 1990—1999 йиллардаги сонлар

ГЕОГРАФИЯ ДАРСИНИНГ ТАҲЛИЛИ.

(тахминий тартиби)

1. Мактаб, синф, фан ўқитувчисининг фамилияси исми.
2. Дарс мавзуси, унинг мақсади ва вазифалари.
3. Дарсдаги ўқув материалининг мазмуни, илмийлиги, дастурга мувофиқлиги, тарбиявий йўналиши, дарс мазмунида назария билан амалиётнинг алоқадорлиги.
4. Дарснинг бориши, изчиллиги, ўзаро боғлиқлиги ва унинг қисмлари ўртасидаги боғлиқлик, ўқувчилар билимини текшириш, таълим методларининг танланиши. Дарс самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлар. Ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш, ўқувчилар улгурмовчилигининг олдини олиш учун кўриладиган тадбирлар.
5. Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил қилишда ўқитувчининг раҳбарлиги:

а) ўқитувчининг иш методи, мақсадга эришишда қатъиятлиги, ўқувчиларга нисбатан талабчанлиги, уларни назорат қилиб туриши, ўқитувчининг нутқи, маданияти, педагогик маҳорати ва ҳоказо.

б) дарсда ўқувчиларнинг мустақил ишлашлари, дарсга қизиқиши, улар билиш фаолиятининг фаоллиги, ўқувчиларни билим олишга жалб этиш методлари.

6. Дарс натижаси. Ижобий томони ва камчиликлари. Дарс бўйича умумий хулоса. Шу дарс мавзуси бўйича ўқитувчининг ишини яхшилаш, ўқувчилар фаоллигини ошириш бўйича таклиф ва мулоҳазалар.

ЎҚИТУВЧИ ДАРСИНИ КУЗАТИШ ТАРТИБИ.

1. Дарсга тайёрланиш: дарснинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти, дарснинг режа—кўчирмаси, ўқув қўлланмалари, синф хонасини тайёрлаш, ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги.
2. Дарснинг бошланиши ва унинг ташкилий қисми: синф дарсга тайёрми? Зарур карталар осилганми? Синф доскаси тайёрми? Техника воситалари, картиналар тайёрми? дарсга нисбатан синф ўқувчиларининг кайфияти қандай?

3. Уй вазифаларини текшириш: текшириш методи, текшириш жараёнида ўқувчилар ҳолати, уй вазифасини бажармаган ўқувчилар ҳолати.
4. Текширилаётган билимнинг янги мавзу билан боғлиқлиги, билимларни токширишда карта ва воситалардан фойдаланиш аҳволи.

ўқитувчи баҳосини объектив қўйилганлиги, кўникмаларни эгаллаш аҳволи.

5. Янги материални ўрганиш: ўқувчиларни дарс мавзуси билан таништириш. Янги материални мақсади очиб бериладими? Янги материални ўрганиш ва тушунтириш тартиби? Янги материални таълимий ва тарбиявий аҳамияти. Ўрганиладиган тушунчалар, атамалар ва номлар.

6. Ўрганилган дарсни мустаҳкамлаш, янги мавзуни қайси саволлари мустаҳкамланади. Мустаҳкамлашда қандай методлар қўлланилади. Мустаҳкамлашда мақсадга эришиладими?

7. Дарс давомида бажарилган амалий ва мустақил ишлар.

8. Уй вазифаси топшириқнинг мазмуни, дарслик ва карталардан фойдаланиш кўринишлари мавжудми? Уй вазифасини бажариш бўйича кўрсатмалар берилдими?

ДАРС ТАҲЛИЛИНИНГ ТАХМИНИЙ НАМУНАСИ.

I. ДАРСГА ТАЙЁРГАРЛИК.

а) дарснинг мавзуси; б) дарснинг мақсади;
в) дарсга оид ўқув қуроллари; г) дарсга ўқувчилар тайёрлиги.

2. ДАРСНИНГ БОШЛАНИШИ.

а) ўқувчилар интизоми;
б) дарс мазмунининг ҳозирги замон география фани билан боғлиқлиги;
в) янги мавзу билан ўтилган мавзунинг боғланиши.

III ўқувчиларнинг билим, кўникма, ва малакаларини текшириш:
а) ўқувчилар билимини текшириш учун саволлар қўйилиши;
б) ўқувчилар кўникмасини текшириш учун саволлар қўйилиши;
в) ўқувчилар малакасини текшириш учун саволлар;
г) қўйилган саволларнинг ўқувчилар савиясига мослиги;
д) саволларни ечишда ўқувчилар фаоллиги ва бу борада кўрилган гадбирлар;
ж)сўраш шакли ,ялпи, якка)

IV. ЯНГИ МАТЕРИАЛНИ ЎРГАНИШ.

1. Ўқувчиларнинг янги билимларини ўрганишни ташкил қилиш бўйича ўқитувчи иш методларини ўрганиш.

2. Ўқитувчининг янги билимлар мазмунини баён қилишини баҳолаш;

а) таълим—тарбиявий; б) дарснинг илмийлиги;
в) фанлараро алоқалар ўрнатиш;
г) ўрганилаётган материалнинг амалий аҳамияти;
д) таянч билимларни ишлата олиш;
ж) янги материалнинг баён этиш услуб ва методлари;
к) амалий ишларни ташкил этиш;
й) кўргазмалиликдан фойдаланиш;
л) мустақил ишлар ташкил этиш;
м) материалнинг ўқувчилар ёшига мослиги;
н) ўқувчилар билан якка тартибда ишлаш;
о) яхши ва бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан ишлаш;
я) техника воситаларидан фойдаланиш;

V. ДАРСНИНГ БАРЧА БОСҚИЧЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАР ИШЛАРИНИ БАҲОЛАШ.

а) ўқувчлар диққати, фаоллиги;
б) ўқитувчи саволларига жавоб бериш тезлиги;
в) ўқитувчининг ўтириб жавоб беришдаги ҳолати билан тахта олдида жавоб беришни қиёслаши;
г) жавобни карта билан боғлай олиши;
д) материални тартиб билан ёрита олиши;

VI. ЯНГИ МАТЕРИАЛНИ МУСТАҲКАМЛАШ.

а) дарс режасини янги материални мустаҳкамлашнинг ўрни;
б) материални мустаҳкамлаш методи (суҳбат, ўқувчиларнинг мустақил ишлари ва ҳакоза)

VII. УЙГА ВАЗИФА.

а) дарсда уй вазифасининг ўрни;
б) уй вазифасининг ўқувчиларга тушунарли бўлиши;
г) уй вазифасини бажаришнинг янги йўллари;
д) уй вазифасини бажариш учун ўқитувчининг йўл—йўриқлари ва кўрсатмалари;
е) уйга вазифани бажариш жуда кўп вақтни олмайдими?
и) уй вазифасини бажаришда қандай кўникмалар эгаллаш мумкин?

VIII. ЎҚИТУВЧИНИНГ ПАДАГОГИК МАҲОРАТИ:

а) ўқитувчи қиёфаси, дарс беришдаги мустақиллиги, фикрининг тўлиқлиги, билим даражаси.

б) ўзини ва синфни бошқара олиш интизомни йўлга қўйиши.
в) ўқувчилар билан муомаласи, педагогик такт;
г) ўқитувчи нутқи равонлиги;

IX. ДАРСГА УМУМИЙ БАҲО БЕРИШ ВА ХУЛОСАЛАШ:

а) қўйилган мақсад ва таълим тарбиявий вазифани амалга ошириш;
б) ўқувчилар қандай янгиликка эришдилар;
в) қандай билимлар тизимланди;
г) дарсда қўйилган вазифаларнинг (таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи) бажарилиши;
д) ўқитувчи фаолияти (таълимий ва ташкилий таълим мақсади, вазифалари) методларига жавоб бера оладими?
е) ўқитувчининг қайси хислатлари ижобий;
ж) ўқитувчининг сизга ёқмаган томонлари;
и) дарсни ташкил этишдаги таклифлар;
к) дарснинг баҳоси;

ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИДА СИНФДАН ТАШҚАРИ ИШЛАР.

РЕЖА:

1. География таълимида синфдан ташқари ишларнинг аҳамияти;
2. Синфдан ташқари ишларни режалаштириш;
3. География таълимида дарсдан ташқари ишлар ва уларнинг шакллари;
4. География тўгараги;
5. География клублари;
6. География фани бўйича олимпиадалар уюштириш;
7. География конференциялари, ўйинлар уюштириш;

География ўқитишнинг илмий даражасини кўтаришда таълим методлари ва воситалари билан биргаликда синфдан ташқари ишларнинг аҳамияти ҳам катта.

Илғор ўқитувчилар тажрибалари шу нарсани кўрсатмоқдаки, фанга турли касбларга бўлган қизиқиш кўпчилик ҳолларда синфдан ташқари ишларни қанчалик самарали ташкил этиши билан боғлиқ. География бўйича дарсдан ташқари ишлар ниҳоятда хилма - хил. Дастур талаб этган кўлгина билимларни синфдан ташқари вақтларда олиш мумкин.

Синфдан ташқари ишларнинг асосий мақсади ўқувчиларни ҳар

томонлама баркамол ривожлантиришдан иборат бўлиб, фан бўйича олган билимларни чуқурлаштириш, уларда билишни фаоллаштиришдан иборат.

Синфдан ташқари ишларнинг таълим—тарбиявий вазифалари, фаннинг умумий мақсади ва вазифаларидан келиб чиқади. Дарсдан ташқари ишлар ўқувчиларда ҳамкорлик, дўстлик, меҳнатга муҳаббат, касбларга қизиқиш хислатларини тарбиялайди. Ўқувчиларни табиат ва жамият ҳаётига оид бўлган қизиқарли фактлар, тушунчалар, кўникмалар билан қуроллантирилади. Энг муҳими ўқувчиларни география фанига бўлган қизиқишларини оширади. Айниқса, табиатга, ишлаб чиқаришга экскурсиялар уюштириш ўқувчиларнинг синфдан ташқари ишларича бўлган ҳаваслариии янада оширади. Ўқувчиларнинг дарсда қондирилмаган эҳтиёжлари синфдан ташқари ишларда амалга оширилиш керак.

Географиянинг серқирра томонлари аксарият ҳолларда дарсдан ташқари пайтларда ўрганилади. Синфдан ташқари ишларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири унинг ўйинлар ва қизиқарли саволлардан фойдаланиши тарзидан уюштирилишидир.

Синфдан ташқари ишларнинг муваффақияти уларни тўғри ривожлантиришдан бошланади. География ўқитувчиси бу ишларни режалаштиришда алоҳида ўқувчилар, ҳамда ўқувчилар гуруҳи билан ишларни ташкил қилишни имкониялини беради. Унга йил давмоида уюштириш лозим бўлган муҳим тадбирлар критилади. Режа қуйидаги талабларга жавоб бериши керак;

—жамият тараққиёти мақсадлари ва талаблари асосида бўлиши;

—ўқувчиларни келажак ҳаётга тайёрлаши;

—мамлакатнинг ҳозирги ҳаёти билан боғланган бўлиши. Ўзбекистоннинг энг муҳим саналари, воқеаларини ўзида мужассамлаштириши;

—мактабнинг умумий ўқув—режаси тадбирлари билан боғланган бўлиши;

—Ўқувчиларнинг шахсий қобилиятларини ва ёш хусусиятларини эътиборга олиши, ҳамда турли метод ва шаклларни ўзида мужассамлаштириши.

Режада ишнинг қисқача мазмуни берилиши лозим. Унинг тахминий шакли қуйидагича бўлиши мумкин.

—Мактабда географиядан синфдан ташқари ишларни уюштириш тадбирлари режаси;

Режани қуйи ва юқори синф ўқувчилари учун алоҳида, ҳам тузиш мумкин. Дарсдан ташқари ишларнинг асосий маркази география хонаси ҳисобланади. Дарсдан ташқари ишлар ўқувчиларнинг бўш пайтларида уюштирилади ва у қуйидаги талабларга:

Ғоявий—сиёсий, жамият учун фойдали йўналишларга, ўқувчи зиёи ва шахсий қобилиятларига жавоб бериши керак. География бўйича дарсдан ташқари ишлар назарий ва илмий йўналишларга эга. Чунки ўқувчилар турли хил табиий ва иқтисодий топшириқларни ҳам дарсдан ташқари вақтларда ҳам бажариши мумкин.

Дарсдан ташқари ишлар, уларда қатнашадиган ўқувчилар сони ва уюштириш шаклларига кўра хилма—хил бўлиши мумкин.

География бўйича дарсдан тишқари ишларни ёппасига ва алоҳида тарзда уюштириш мумкин. Илғор география ўқитувчилари тажрибаларида ва кўпчилик мактабларда дарсдан ташқари ишларнинг қуйидаги турлари кенг тарқалган.

ГЕОГРАФИЯДАН ЎТКАЗИЛАДИГАН ДАРСДАН ТАШҚАРИ ИШЛАР ШАКЛЛАРИ.

Синфдан ташқари ишлар ичида география—ўлкашунослик тўгараклари кенг тарқалган. Ўқувчиларнинг ўз ўлкаларини ўрганиш жараёнида нафақат география балки тарих, биология, адабиёт, иқтисод фанларига онд бўлган билимларни ҳам эгаллайдилар.

Агар бир мактабда бундай тўгараклар фаолияти яхши йўлга қўйилган бўлса ва ундаги ишлар изчил амалга оширилса 8—9 синфларда ягона мақсад асосида иш юритадиган ўлкашунослик тўгаракларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Бундай тўгараклардаги ўқувчилар қизиқишига кўра секцияларга ажратиш зарур. Умуман олганда географиядан синфдан ташқари ишлар турн ниҳолтда хилма—хил бўлиб, уларни қуйидаги шакллари кенг тарқалган:

ГЕОГРАФИЯ ТАЬЛИМИДА ДАРСДАН ТАШҚАРИ ИШЛАРНИНГ БАЪЗИ ШАКЛЛАРИГА ТАЬРИФ.

ГЕОГРАФИЯ ТЎГАРАГИ:

Кенг тарқалган дарсдан ташқари ишлар шакли бўлиб унга барча синф ўқувчилари ихтиёрий равишда аъзо бўлишлари мумкин. Тўгарак иши мавзуси тор мазмунга эга бўлиши ҳам мумкин. Масалан: «Мустақил Ўзбекистон», «Бизнинг қишлоғимиз», «Географ сайёҳлар», «Ўзбекистондаги қўшма корхоналар». Тўгарак ўз ишига

эга бўлиши лозим. Масалан, «Ёш табиий географлар», Ёш иқтисодий географлар», «Ёш геоморфологлар», «Ёш гляциологлар», «Ёш сайёҳатчилар», «Ёш экологлар», «Ёш демографлар», ва х. п

География тўгарагида олиб бориладиган ишлар тематикаси фақат географияга оид бўлмаслиги ҳам мумкин. Булар, астрономияга оид инсоннинг космоса учиши, биринчи ўзбек космонавти ҳақида каби ўнлаб мавзуларда бўлиши ҳам ўқувчиларнинг географияга оид билимларини оширишга ёрдам беради.

Аксарият мавзулар комплекс мазмунга эга бўлиши мумкин. Уларни ўқувчилар мустақил ўрганишлари учун тавсия этилади. Масалан, «Ўзбекистоннинг янги қурилишлари», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида», «Оролни қутқариш мумкинми», «Океаниядаги давлатлар» ва ҳ. к. Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, 5-6-7 синф ўқувчиларини табиат мўъжизалари, сайёҳатчилар саргузаштлари, Ж.Кусто тадқиқотлари каби масалалар қизиқтирса, 8-9синф ўқувчиларини эса мамлакатлар ҳаётида бўлаётган воқеалар, дунё сиёсий картасидаги ўзгаришлар, жаҳондаги мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёт масалалари қизиқтиради.

Демак, география тўгараги тематикаси мавзуларини ўқувчилар қизиқишларини эътиборга олиб режалаштириш мақсадга мувофиқ.

Тўгарак фаолияти қуйидагича режалаштирилиши мақсадга мувофиқ.

Тўгарак ишининг самарадорлиги кўп жиҳатдан режанинг қандай тузилишига боғлиқ. Тўгарак ўз журналига ёки кундалигига эга бўлиши керак. Тўгарак аъзолари алоҳида кундаликка ҳам эга бўлганлари маъқул. Ўқитувчи кундаликка ўқувчилар қизиқиши, уни ўтказиш шакли ва методлари, ўқувчилар мустақиллиги, қийин саволларни акс эттириб беради. Кундаликда адабиётлар рўйхати ҳам акс эттирилади. Тўгарак ҳар ойда ёки ҳар 15 кунда бир марта ўтказилиши мумкин. Тўгарак шуъбалардан иборат бўлади. Шуъба деганда катта тўгаракнинг бир қисмига тушунилади. Масалан: тўгарак таркибида геология шуъбаси, ўз ўлкасини ўрганиш ва сайёҳат билан шуғулланиш шуъбаси бўлиши мумкин. (у пиёда, велосипед, сув орқали уюштирилиши ҳам мумкин).

Туризм - ўлкашунослик шуъбасида гуруҳ командири, сайланиши керак ва гуруҳ аъзолари ўртасида қилинадиган ишлар тақсимланиш лозим. Гуруҳда картограф, гдролог, геолог, геоморфологлар ажратилиши зарур. Бундан ташқари фотограф, рассом бўлса янада яхши шуъба хилма—хил мавзуга эга бўлиши ҳам мумкин.

Тўгараклар раҳбари унинг аъзолари билан биргаликда тўгарак

низомини ишлаб чиқади. Низом мазмуни тахминан қуйидаги бўлимларидан иборат.

1. Тўгарак ишининг мақсади ва вазифалари.
2. Тўгарак ишининг мазмуни ва методлари.
3. Тўгаракка раҳбарлик ва унинг таркиби.
4. Тўгарак аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари.

Тўгарак фаолиятига ўқув йили якунида ҳисоб берилади. Ҳисоботни қуйидагича мазмунда тайёрлаган маъқул:

1. Тўгарак фаолларининг бир йиллик ҳисоботи.
2. Тўгаракнинг энг яхши аъзоларини тақдирлаш.
3. Келгуси ўқув йилига янги фаоллар сайлаш.

4. Турли хил географик ўйинлар уюштириш ва ҳоказо.

География Жамияти бу шакл бўлиб, яқинда пайдо бўлди. География тўгараги билан география жамияти ўртасида қандай фарқ мавжуд? Бу аввало, синфдан ташқари ишлар ҳажми билан боғлиқ бўлиб, география жамияти тўгаракка қарағанда анча катта бўлади; унинг фаолияти бир мунча кўп қиррали ва ранг—баранглиги билан ажралиб туради.

География жамияти ҳам ўз низоми ва нишонига эга бўлиши мумкин. География жамиятининг мақсади мактаб ўқувчилари ва аҳоли ўртасида географик билимларни тавсия қилишдан иборат, жамиятнинг асосий вазифаси излаш ва тадқиқот ишларини кўпроқ амалга оширишдан иборат бўлиши лозим. Географик изланишда ўқувчилар архив материаллар билан танишадилар, кутубхоналари илмий оммабоп адабиётлар, географик картиналар, расмлар гравюралар билан ишлайдилар. География тадқиқотларида ўқувчилар математик методлар картография, элементлари, асбоблар билан ҳам ишлай олишлари керак.

Ўқувчиларнинг илмий жамиятлари қалъий топшириқлар асосида фаолият кўрсатганлари маъқул Топшириқлар тахминан қуйидагича бўлиши мумкин: (намунавий)

1. Ўзбекистон табиатини ўрганиш.

2. Атроф-муҳитни қўриқлаш.
3. Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурсларини ўрганиш.

4. Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни жойлаштириш муаммолари ва х. к.

ГЕОГРАФИЯ КЛУБЛАРИ.

Дарсдан ташқари ишларнинг бу тури география ўқитувчилари ва ўқувчиларининг энг қизиқарли фаолиятларидан бири ҳисобланади. Клублар ўқувчиларнинг дам олиш чоғида уларнинг илмий билимларини тўлдириш учун тузилади. География клубларига турли ёшдаги ўқувчиларни жалб қилиш мумкин. Унинг фаолиятига турли соҳа мутахассисларини таклиф қилиш мақсадга мувофиқ. География клубларига ўқувчилардан ташқари аҳолини ҳам жалб қилиш мумкин. География клубларини мактабдан ташқари ташкилотларда ҳам ташкил қилса бўлади. Клубнинг ташкилий таркиби қуйидагича бўлиши мумкин: клуб раиси, клуб совети (секциялар раҳбарлари) клуб аъзолари.

Клуб учун низом ва нишон шарт эмас. Клубларда тахминан қуйидаги йўналишлардаги ишлар олиб борилиши мумкин:

—табиатни севувчилар клуби —сиёсий клублар.
—дўстлик клублари. —қизиқарли учрашувлар клуби.
—кино сайёҳатчилар клуби. —сайёҳат ўлкашунослик клуби.

Табиатни севувчилар клубига табиий географияга қизиқувчилар, табиатни қўриқловчи жонкуярлар, ўсимлик ва ҳайвонларни севувчилар аъзо бўлишлари мумкин. Сиёсий ва дўстлик клубларига чет эллар географиясига қизиқувчи ўқувчилар, жаҳон тоолати, мамлакатлари масалалари билан шуғулланувчилар, чет тилларини биладиган ва унга қизиқадиганлар бирлашадилар. Қизиқарли учрашувлар клубида илғор ишчилар, олимлар, нодир касб эгалари билан мулоқатда бўлинади. Юқоридаги барча клублар фаолиятига ота—оналарни ҳам жалб қилиш лозим. Уларни клубларнинг фахрий аъзолари қилиб сайлаш ҳам мумкин.

ГЕОГРАФИЯ ОЛИМПИАДАЛАРИНИ УЮШТИРИШ.

Олимпиада дарсдан ташқари ишларнинг энг муҳим турларидан саналади. У ўқувчиларнинг география фанига бўлган қизиқишларини ва билиш фаолиятларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. География бўйича уюштириладиган олимпиадалар ўқувчиларнинг энг кенг тарқалган оммавий мусобақаларидан бири ҳисобланади. География олимпиадаларини уюштиришдан асосий мақсад:

1. Ўқувчиларнинг географик картани билиши ва контур карта билан ишлай олишини, карта бўйлаб саёҳат қила олиш, карталарнинг контурини таний олишга ўргатиш.

2. Турли карталар асосида табиий---географик ва иқтисодий географик таъриф ёза олишга тайёрлаш.

3. Турли табиий ва иқтисодий ҳудудларни қиёслай билишларига эришиш.

4. Ер шари табиатининг ривожланиш қонуниятлари, турли жойлар табиатининг хилма—хиллиги сабабларини аниқлай олишга ўргатиш.

5. Амалий кўникма (контур картадан ишлай олиш; мўлжал олиш типографик, картографик, иқтисодий ҳисоб—китоблар қилиш вах.к.) ларни эгаллашларига кўмаклашиш.

6. Ўз тумани, вилояти, республика, жаҳон географиясини билиш бўйича саволларга ўқувчиларнинг қанчалик жавоб беришларини синаш ва х. к.

География олимпиадалари ўқувчиларнинг келгусида қандай касб эгаси бўлишини танлашда ҳам катта аҳамиятга эга.

Олимпиадаларни илмий текшириш илмгоҳлари, олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда уюштириш керак. Олимпиадаларда натижалар саволларга қўйилган очколарни якунлаш билан аниқланади. Топшириққа пухта, тўғри жавоб берган ўқувчилар ғолиб деб топилади. География фани бўйича олимпиадалар 4 турда уюштирилади; биринчи тур мактаб олимпиадаси, иккинчи тур туман олимпиадаси, учунчи тур вилоят олимпиадаси, тўртинчи тур республика олимпиадаси. Уларни ўтказиш муддатлари алоҳида белгиланади.

Саволлар турдан—турга мураккаблашиб боради.

Биринчи тур ғолиблари, иккинчи турга қўйилади ва ҳоказо. Олимпиадага тайёргарлик ўқув йили бошланишидан бошланмоғи керак. Бунда ўқувчиларга зарур адабиётлар тавсия қилиниши лозм. Энг аввало, география тўгараги деворий газетаси орқали қизиқарли материаллар,географик ўйинлар, бошқотиргичлар эълон қилиниши мақсадга мувофиқ. Агар имкони бўлса, ўқувчилар билан география фани соҳасидаги олимлар билан учрашувларини ўтказиш лозим.

Айниқса биринчи тур, яъни мактаб олимпиадасини қизиқарли ташкил қилиш керак. Уни ўтказиш куни ёзма ва оғзаки равишда эълон қилиниши ва ҳакамлар ҳайъати педогогик кенгашда тасдиқланиши керак. Ҳакамлар ҳайъати таркибига географич ўқитувчиси ота— оналар, аълочи ўқувчилар киритилса янада яхши.

Олимпиадани тайёрлашнинг энг муҳим қисмларидан бири савол ва топшириқларни тузишдан иборат. Тузиладиган саволлар дастур талабаларига мос бўлиши лозим. Олимпиада саволлари мазмунан бой, ўқувчиларни қизиқтира оладиган, ўқувчилар ўз билимларини

янги шароитларда қўллайдиган даражада бўлиши, энг муҳими саволлар ўқувчиларни ўйлашга, фикрлашга ундайдиган бўлиши керак. Олимпиадани уюштиришда барча ўқувчиларга бир хил шароит яратилиши керак. Тавсия қилинадиган саволларни жуда мураккаб, чигал қилиб тузиш ҳам ярамайди. Энг муҳими, қўйиладиган саволлар барча ўқувчилар учун тушунарли бўлгани маъқул.

Саволлар имкони борича муаммоли қилиб тузилиши ва таққослаш характерига эга бўлиши керак. Айниқса, у ёки бу ҳодисанинг қонуниятларини очиб бериш, статистик маълумотлардан фойдалана олиш оддий схема, диаграммалар чиза олиш, хилма—хил карталардан билим манбаи сифатида фойдалана олиш тарзида бўлиши лозим. Табиий комплексларнинг экологик аҳволини таҳлил қилиш, космик фотосуратлар билан ишлай олиш айниқса муҳим аҳамиятга эга. Қуйида республика олимпиадасида ўқувчиларга ҳавола қилинган саволлардан намуналар келтирамиз. Саволлар назарий ва тест усулларидан иборат бўлиши мумкин:

8—синф. 1. Нефтни қайта ишлайдиган заводни қаерга қуришни тавсия этасиз?

2. Бизнинг республикада ёғинли булутлар нега уфқнинг асосан ғарб томонидан келади?

3. Қуйидаги қишлоқ хўжалик ўсимликлари собиқ СССРнинг қаерида етиштирилади; шоли, пахта, соя, узум, қанд лавлаги, чой, картошка, буғдой, цитрус, хурмо, дўлана.

4. Тошкент—Токио шаҳарлари орасидаги масофа 40° кенглик бўйлаб неча кмга тенг?

9—синф. 1. Ўзбекистонда экологик инқирозниг пайдо бўлиш омилларини ва уни бартараф этиш чораларини тушунтиринг.

2. Мактабингизга яқин жойлашган саноат корхонасини иқтисодий—географик жиҳатдан таърифлаш режасини беринг.

3. Жаҳонда номлари ўзгарган давлатлардан 10 тасини ёзинг.

4. Ўзбекистон чекка нуқталарининг географик координаталарини аниқланг.

5. Зилзила ҳақида билганларингизни ёзинг. Зилзилани вужудга келтирувчи омиллар, унинг кучини аниқлаш методлари ва воситалари, ўлчамлари, ҳалокатли зилзилаларга мисоллар келтиринг.

6. АҚШ иқтисодий жиҳатдан ривожланишини таъминловчи омилларни айтинг.

7. Маркетинг, менежмент, бозор, кредит тушунчаларини таърифланг ва х. к.

ГЕОГРАФИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИНИ УЮШТИРИШ.

География конференциялари синфдан ташқари ишларнинг энг муҳим шаклларидан бири бўлиб, ўқувчиларни шу фанга оид адабиётлар билан таништиришда муҳим аҳамиятга эга. Конференция бирон—бир географик муаммога бағишлаб ўтказилиши мумкин. Унга бағишлаб стендлар, докладлар, географик адабиётлар кўргазмаси ташкил қилиниши лозим. Конференция мазмунан қуйидагича бўлиши мумкин.

1. Дастур материалларини умумлаштиришга, тартибга келтиришга бағишланади.

2. Билимларни амалда қўллашга оид, масалан: «Карталарнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти» ёки «Космик суратлардан халқ хўжалигида фойдаланиш» мавзуида.

3. Фанлараро муаммоларга оид: «Инсон ва атроф—муҳит», Табиат—бизнинг уйимиз» ва т. к.

География конференцияга тайёргарлик 3—4 ҳафта олдин бошланиши керак. Унинг ўтказилиши ўқувчиларга эълон қилиниши лозим. Конференция мавзусига оид адабиётлар рўйхати ҳамда викторина саволлари тавсия қилиниши янада яхши. Конференция мавзусига оид маърузалар ихтиёрий бўлиши лозим. География ўқитувчиси маърузачиларга консультациялар уюштириш уларга маъруза матни қандай бўлишини, зарур адабиётлар рўйхатини ҳамда кўргазмали қуролларни танлаш ҳақида кўрсатмалар бериши керак.

Тажрибалар шуни кўрсатаяптики, 6—8 синф ўқувчиларини географияга оид адабиётларга бағишланган конференциялар қизиқтирса, юқори синфларда иқтисодий—сиёсий ва экологик муаммоларга бағишланган конференцияларга ўқувчилар анча қизиқадилар Кейинги вақтларда конференцияларга ўқувчилар анча қизиқадилар. Кейинги вақтларда «конференцияларни» амалий ўйинлар «ўтказиш тарзида уюштириш кенг ёйилмоқда. Бунда конференция қатнашчиларига журналист, элчи, корхона раҳбари, брокер, илмий ходим, каби ролларда чиқиш тавсия қилинади. Бундай вақтларда ўқитувчи раҳбарлигида ўртача ташланадиган саволлар олдиндан тузиб ва кўриб чиқилиши лозим. Ўлкашунослик мавзусига бағишланган конференцияларда ҳам ўқувчилар фаол қатнашадилар. Улар хилма—хил мавзу ва муаммоларга бағишланиши мумкин. Ўқувчилар ўзлари яшаб турган қишлоқ, аҳоли пункти ёки шаҳарга бағишлаб ҳам конференциялар уюштириш мумкин. Қуйида «Биз яшаб турган шаҳар» мавзуси бўйича уюш-

тириш мумкин бўлган конференция режасини келтирамиз. Мавжуд адабиётлар асосида конференция режаси олдиндан тузилиши лозим.

1. Шаҳарнинг географик ўрни ва табиий шаронти.
2. Шаҳарнинг шу ерда вужудга келиши сабаблари.
3. Шаҳарнинг қисқача тарихи ва тарихий жойлари.
4. Шаҳар саноатига умумий таъриф.
5. Корхоналар. а) оғир саноат корхоналари
б) енгил саноат корхоналари.
в) озиқ—овқат саноат корхоналари.
6. Алоҳида саноат корхоналарига тавсиф.
а. тўқимачилик фабрикаси. в. тикувчилик фабрикаси.
с. оёқ—кийим фабрикаси. д. иссиқлик электрстанцияси.
5. УЗДЭУ автомобил заводи ва х. к.
7. Шаҳарларнинг маданий марказлари ва ўқув юртлари.
8. Шаҳарнинг келажакдаги ривожи.

Ўқувчилар мавзуга бағишлаб шаҳар паспортини тузадилар шаҳарнинг ишлаб чиқариш алоқалари карта—схемасини ишлайдилар. Конференция жараёнида кинофильмлар намойиш қилиниши шарт ўқилиши, меҳмонларнинг чиқишлари бўлиши керак. Конференциядан кейин ҳар хил ўқувчи фаолияти баҳоланиши керак. Шундагина дарсдан ташқари ишларга уларнинг қизиқишлари ортади.

География ҳафталиклари синфдан ташқари ишларнинг янги шаклларидан ҳисобланади. География ҳафталиклари комплекс тадбирларидан иборат бўлиб, унинг таркибига географик кечалар, конференциялар, географик билимлар, кўрик танловлар, газета, рефератлар танлови ва ҳоказалар кириши мумкин. Ҳафталик дарсдан кейин, ҳафтанинг олти куни жараёнида ўтказилади. Унинг асосий мақсади географик билимларни тавсия қилишдан, оммалаштиришдан иборат. Ҳафталикни уюштиришдан асосий мақсад мактабда география таълими ва синфдан ташқарининг қандай ташкил этилишини аниқлашдан иборат. География ҳафталиги одатда мактабнинг ўқув тарбия режаси асосида уюштирилади.

Ҳафта жараёнида қуйидаги тадбирлар уюштирилиши мумкин:
—география ҳафталигига тайёргарлик ва уни ўтказиш режасини тайёрлаш;
—ҳар бир синфда география кунини ўтказишга тайёргарлик;
—география бўйича рефератлар танлови;

—деворий газсталар чиқариш;
—энг яхши газета танлови;
—корхоналарга, илмий муассасалар ва музейларга экскурсия;
—кинофильмлар намойиш қилиш;
—географик кечалар, ўйинлар ўтказиш;
—географик конференциялар уюштириш;
—географ—олимлар ва чет элларда бўлганлар билан учрашувлар ўтказиш;

География ҳафталиги тадбирлари қаторига мунозараларни ҳам киритиш мумкин. Унда табиат, жамиятдаги энг долзарб муаммолари бўйича масалаларни киритиш мумкин.

Бундай муаммолар бўйича мунозара ўтказишдан мақсад ўқувчиларга география билимларнинг аҳамияти ва зарурлигини кўрсатишдан иборат. Мунозаралар ўқувчиларда ўз фикр мулоҳазаларини исботлай олиш, ҳимоя қила олиш каби ҳислатларни тарбиялайди. Географияга оид китоб мақола ва бошқалар мунозара манбаи бўлиши мумкин.

Мунозараларда қўйилган муаммони исботлай олиш, мантиқ, синфдош ва мактабдошларнинг фикрларини ҳурмат қилиш каби ҳислатлар асосий ўринни эгаллаш керак.

ГЕОГРАФИК КЕЧАЛАР.

География кечалар дарсдан ташқари ишларнинг энг кенг тарқалган турларидан бири саналади. География кечалар ўқувчиларни зарур географик билимлар билан қуроллантирибгина қолмай, балки уларнинг яхши ҳордиқ чиқаришларига ҳам ёрдам беради.

География кечалар синфдан ташқари ишларнинг кўпгина турларини ўзида мужассамлаштиради, бўларга: маърузалар, деворий газеталар чиқариш, викторина, КВН, бадиий исм атоқли кишилар билан учрашувларни мисол қилиш мумкин.

География кечаларни мавзуи ранг—баранг бўлиб улар турли воқеаларга бағишланиши мумкин.

Жумладан иқтисодий географик обьектлар, аҳолининг турмуши ва маданияти, мамлакатлар, ўлкашуносликка, буюк географ—саёҳатлар, қизиқарли географияга ва ҳоказоларга бағишланган бўлиши мумкин.

География кечаларни тайёрлашда қуйидаги тавсияларга эътибор бериш керак:

—кеча мавзусини белгилаш;
—кеча учун зарур адабиётларни аниқлаш ва тўплаш;

—кечага тайёрларлик ва уни безаш;

—кеча учун тартиб тузиш (сценарий ёзиш)

Кечалар мавзуини танлашга ўқувчиларни ҳам жалб қилиш лозим. Кеча ўқувчиларга 1,5—2 ой олдин эълон қилиниш керак. Кечани ўтказишда ўқувчиларни 2 гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқ. (Кечани ташкилий қисмига масъул гуруҳ ва кеча масъул гуруҳ) География кечалари катта таълим—тарбиявий аҳамиятга эга. Ўқувчиларда бирон—бир касбга, фанга бўлган қизиқишларини янада оширишда уларни ўз юртини севишга ўргатишда кечалар таъсирчан омилдир.

Географя кечаларни викториналарсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

ВИКТОРИНАЛАР—ўқувчиларнинг энг қизиқиб қатнашадиган машғулотларидан биридир.. Викториналар бу аввало, ўйиндир. Мабодо ўйинларда қизиқарлик аломати бўлмаса, у ўйин бўла олмайди. География викториналарни икки гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Мавзули викториналар.
2. Аралаш викториналар.

Мавзули викториналар битта мавзуга бағишланади. Ўлкашунослик викторинаси бунга мисол бўлиши мумкин..

Масалан: «Бизнинг қишлоқ» мавзусидаги викторина:

1. Қишлоқ номи нима учун шундай аталади?
2. Қишлоқ қайси узунлик ва кенгликда жойлашган?
3. Қишлоқда қанча аҳоли яшайди?
4. Қишлоқдаги ерлар тури қандай?
5. Қишлоқда ўсувчи 10 та ўсимликни айтинг?
6. Қишлоқ хайвонот дунёсидаги 5 тасининг номини тез айтинг?
7. Қишлоқ кенгашининг биринчи раиси ким бўлган?
8. Қишлақда табиатни қўриқлаш бўйича қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?
9. Қишлоқдаги уддабурон кишилардан кимларни биласиз?
10. Қишлоқ денгиз сатҳидан неча метр баландда жойлашган? ва х. к.

Аралаш викториналар география билимларнинг турли соҳаларига бағишланиши мумкин. Бундай викториналар тўгаракларда, поход ва экскурсияларда ўтказилиши мумкин.

1. АҚШ қачон ташкил топган?
2. Европадаги энг кўп миллатли давлатни айтинг?
3. Ер шаридан энг иссиқ жойни айтинг?
4. Ер шаридаги ёғин кам тушадиган жойни айтинг?
5. Аҳоли жон бошига балиқ овлашда, дунёда биринчи ўринда турадиган давлатни айтинг?

6. Жаҳонда нефтга энг бой давлатни айтинг?
7. Ернинг магнит қутбларини картадан топинг.
8. Жанубий Америкада ўсувчи энг катта барғли дарахтни айтинг?
9. Қайси материкда фақат битта табиат зонаси бор ва ҳаказо.

Викториналар уюштиришдаги муҳим қийинчиликлардан бири саволлар тузиш ҳисобланади. Саволлар мазмунан хилма—хил бўлиб, уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин.

1. Доимий материалларни билишни талаб қилувчи саволлар, биринчи гуруҳга киради, масалан:

Ер марказига Мариана ботиғи яқинми ёки экватор? Ўсимликларга қараб шимол ва жанубни қандай қилиб аниқлаш мумкин?

2. Иккинчи гуруҳ саволлари ўқувчиларда тушунчаларни қанчалик эгаллаганларини текшириш учун берилади. Масалан; Бриз бу шаҳар эмас, у нима? Саванна денгиз эмас у нима?

Учинчи гуруҳ саволлар географик номларни билишга онд бўлиш мумкин. Масалан, Дунёдаги энг узун тоғ тизмасини айтинг. Ер шаридаги энг паст ботиқни айтинг ва х. к. Тўртинчи гуруҳ саволлари ўқувчилар дунёқарашини, топқирлигини текшириб кўришга мўлжалланган бўлиши мумкин. Масалан; қайси кўлнинг бир қисми шўр сув, иккинчи қисми шўр сабабини айтинг ва х.к.

Нима сабабдан кўҳна тоғларда ўткир қиррали чўққилар бўлмайди?

Ер шаридаги қайси денгизнинг қирғоғи йўқ. Викториналар ўқувчиларнинг билимларини мустаҳкамлайди, эсда сақлаб қолиш ҳислатларини тарбиялайди ва х. к.

ЕТАКЧИ ТУШУНЧАЛАР.

Синфдан ташқари ишлар, ҳафлаликлар. Дарсдан ташқари ишлар, географик кеча география жамияти, экспедиция, география клуби, музей, тўгарак, экскурсия, илмий жамият, конференция; олимпиада; ўйинлар.

ЎЗ—ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР.

1. Дарсдан ташқари ишларга қандай талаблар қўйилади?
2. Географиядан дарсдан ташқари ишларни қандай турларини биласиз?
3. География тўгарагининг география таълимида тутган ўрнини ёритинг.
4. Географик кеча ва конференцияларининг ўтшаш ва фарқли томонларини қиёсланг?

5. Географиядан дарсдан ташқари ишларнинг таснифини тузинг ва улардан ҳар бирига қискача таъриф беринг.

6. Табиий ва иқтисодий географиядаги синфдан ташқари ишлар қандай фарқланади?

7. Қишлоқ мактабларида синфдан ташқари ишлар қандай хусусиятларга эга?

8. География олимпиадалари ва викторинялардаги қўйиладиган саволларнинг мазмунан қиёслинг.

9. География клублари нима?

10. Викториналар нима? ва х. к.

АДАБИЁТЛАР.

1. В. И. Середа Система внеклассной работы по географии в средней школе. Просвещение 1972.

2. И. И. Баринова Елховская Л. Внеурочная работа по географии М. Просвещение 1990

3. Н. Мусаев Р. Қурбониёзов «География ўйинлар» Тошкент ўқитувчи 1990

4. А. Ф. Прохорчиқ Организации внеклассной работы географии, Минск. «Народная асвета» 1980

5. О. А. Мўминов «Турфа олам» Тошкент «Ўзбекистон» 1982 й.

6. Р. Қурбониёзов «Ўзбекистон географияси (ёрдамчи қўлланма ва топшириқлар) Тошкент «Ўзбекистон» 1998

ГЕОГРАФИЯ ТАЬЛИМИДА ГЕОГРАФИК МАДАНИЯТ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ.

РЕЖА.

1. Маданият тушунчаси нима?

2. Ҳар бир фуқарога географик маданиятнинг зарурлиги.

3. Географик маданият шакллантиришнинг назарий ва методик асослари.

4. География дарслиги ва маданият.

5. Географик маданият шакллантиришда замонавий дарсларнинг роли.

Инсониятнинг маданият масалалари, хусусан унинг маълумоти, ўникма ва малакалари жамият тараққиётини белгиловчи омиллардан саналади.

Буюк педагоглар, дидактикларнинг аксарияти асарларида ёш авлоднинг умуммаданият масалаларини янги поғоналарга кўтариш,

ўларни ҳар томонлама билимли кишилар қилиб тайёрлаш халқ маорифи олдига кўндаланг вазифа қилиб қўйилди.

Шахсни ҳар томонлама етук қилиб тайёрламасдан турб, республикамиз эришган мустақилликни мустаҳкамлаб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

Ёш авлодни чуқур билимли қилиб тарбиялаш муаммоси билан инсон маданияти тушунчаси чамбарчас боғлиқ.

Юқори маданиятли кишиларни тарбиялаш энг аввало мактабдан бошланиши кундалик турмушимиздан билса бўлади. Бунинг учун даставвал аниқ мақсадга йўналтирилган тарбия тизимини ишлаб чиқиш давримизнинг энг асосий масалаларидан биридир. Мактаб географияси ҳар томонлама юқори маданиятли кишиларни тарбиялаш ва шакллантиришда катта имкониятларга эга. Шу кунгача география таълимида географик маданиятни шакллантириш билан боғлиқ бўлган тадқиқотлар изланишлар деярли олиб борилмади.

Дастлаб мактаб географиясида географик маданият масалалари билан рус географ методисти Н. Н. Баранский шуғулланади. У мактаб географиясини мамлакат маданияти учун хизмат қилувчи фан тармоғи деб ҳисоблайди. Кейинчалик ёш авлоднинг географик маданияти масалалари билан рус географ методистлари Г. Ю. Саушкин, А. В. Даринский, Б: П: Максаковский, И. И, Бариновалар шуғулландилар. Ўзбек географ методистлари З. Акрамов, П. Мусаев, А. Мўминов, П. Ғуломов, Р. Қурбонниёзов тадқиқотларида ҳам география таълими сифатини оширишнинг муҳим йўналишлари бўйича илмий ишлари олиб борилди.

Умумгеографик маданиятга оид билим ва кўникмаларини шакллантириш иккита йўналиш бўйича олиб борилиш мумкин.

1. Географик маданият тушунчасини география ва у билан боғлиқ фанлар ёрдамида шакллантириш.

2. Фақат географиянинг ўзига хос бўлган билим ва кўникмаларини шакллантириш. Бу гуруҳда географиянинг шахсий роли етакчи ҳисобланади. Биринчи гуруҳ география фани бўйича ўқувчиларнинг илмий билимлари ва улар дунёқарашларини шакллантиришга хизмат қилса, иккинчи гуруҳ бевосита мактаб географиясини ўзи билан боғлиқ фанлар, иқтисод, тарих, социология каби фанлар бўйича билим беришга хизмат қилади. Демак, мактаб географияси нафақат географ билим кўникма ва малакалар шакллантириш билан, балки ўқувчиларда геологик, картографик, иқтисодий, экологик билим ва кўникмаларини шакллантиришга ҳам хизмат қилади.

Экологик маданият, экологик онг, экологик тарбия, иқтисодий фикрлаш каби бир қанча тушунчалар борки, улар ҳам география таълими жараёнида тез—тез учраб туради. Аксарият географ—методистлар географик маданият тушунчасини зарур географик билим ва кўникмаларни эгаллаш деб тушунадилар. Ҳанузгача бу тушунчанинг аниқ таърифи йўқ. Демак ҳозиргача мактаб ўқувчиларида географик маданият шакллантиришнинг аниқ мақсадга йўналтирилган тизими ишлаб чиқарилмаган. Бу муаммонинг тадқиқот объекти сифатида қўйилмаганлиги аксарият география дарсларини тингловчи бўлиб қолишига олиб келинади.

Хорижий мамлакатлар АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Канада ва бошқа ўнлаб илғор давлатларнинг географ методистлари тадқиқотларида географик билимларни инсон умуммаданиятига ижодий таъсирлар ҳақида энг тадқиқотлар қилинди. Жаҳон мамлакатларнинг кўпчилигида географик маданият даражасини бир хил деб бўлмайди. Уларнинг баъзиларида география мустақил фан сифатида ўқитилса, баъзиларида эса бирикма фан сифатида ўрганилади. Бунда билим элементлари турли предметлар биргаликда ягона дастурни ташкил қилади. Булар «Ижтимоий фанлар», «Табиий фанлар» ер ҳақидаги фанлар каби номлар билан аталади. Аксарият мамлакатларда ўқувчиларнинг географик маданиятини шакллантиришда география ўқитишга танлов асосида ёндошилади. Бунда ўқувчиларнинг ўзлари қайси предметларни ўқиши ёки ўқимасликларини билдирадилар ва ҳатто шу фанлар бўйича дастурларни (Германия, Финландия, Швеция, Япония, АҚШ)

Танлов асосида тузилган дастурларда мавзулар ўқувчини ўзига жалб қила оладиган тарзда тузилади ва шу йўл орқали ўқувчиларга пухта билим беришга ҳаракат қилади. Масалан, «Япония юқори даражада ривожланган давлат» ёки «Япония дунёда табиий ресурсларга энг камбағал давлат бўлиши билан бирга у жаҳонда энг тараққий этган давлат», «Миср Нил инъоми», «Буюк Британия ва Индонезия ороллар мамлакат» ва ҳаказо тарзда тузилади. Мавзуларнинг бундай тузилиши ўқувчини географик билимларни пухта эгаллашга ва қизиқиб ўрганишга жалб қилади. Демак, жаҳон миқёсидаги мамлакатларда ўқувчиларда географик маданият шакллантиришнинг ўзига хос услубларини излашга мажбур бўлади.

Аксарият методистлар географик маданият шакллантиришда география таълимининг психологик асослари етакчи бўлиши керак деб ҳисоблайдилар. Бунда улар география асосларини пухта эгаллашда турли ёшдаги ўқувчиларнинг фикрлай олиш қобилияти,

воқеа ва ҳодисаларнинг ўқувчи ёши, хотирасига қай даражада таъсир қилиши, уларнинг фазовий тасаввурларининг шаклланиш жараёнига нималар таъсир қилиниши аниқлаш каби муаммоларни илгари сурадилар. Юқоридагилар асосида географик маданиятни шакллантиришда таълим етакчи ролни ўйнашлигига шак—шубҳа қолмайди.

Таълим аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув вазифаларини ҳал қилувчи, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги фаолиятни мужассамлаштирган жараён бўлиб, таълим мазмуни ўзлаштириш натижалари ҳам киради. География таълими ўз ичига қуйидаги элементларини олади.

1. Таълим мақсади, бунда асосий ўринни шахсан ҳар томонлама ривожлантириш ва унинг ижтимоий фаоллигини ошириш эгаллайди.
2. Таълим мазмуни мақсад орқали амалга оширилади.
3. Ўқитувчи ва ўқувчининг биргалигидаги фаолияти бунда таълим методлари вужудга келади ва ишга солинади.
4. Ўқитувчининг дарс беришга, ўқувчининг дарс эшитишга қизиқиши. Қизиқишсиз уларнинг фаолияти мавжуд бўла олмайди.
5. Билимни эгаллаш механизми. У ўқитувчи ва ўқувчининг қизиқишлари фаоллиги ва фаолияти натижасидир.
6. Ташкилий шакллар. Бунда таълим босқичлари ўқитувчи ва ўқувчи функцияси вақт бюджети ва ҳакоза жараёнлар киради.
7. Таълим натижалари. Бунда ўқувчида қанчалик географик маданият шаклланганлиги уни янада такомиллаштириш натижалари назланади.

Агар юқоридаги элементларнинг биронтаси бўлмаса, таълим жараёни мавжуд бўла олмайди ёки бузилади.

Ўқув жараёнини режалаштириш ҳам географик маданият шакллантиришдаги муҳим омиллардан саналади. Бунда ҳар бир дарс, ҳар бир мавзу бўйича аниқ мақсад, таълим мазмунига мос келувчи методларни танлаш мақсадга мувофиқ.

Таълимнинг ҳар бир қисми дарс ёки мавзу мазмунидан келиб чиққан ҳолда уни эгаллашнинг механизми ишлаб чиқилиши керак. Бунда ўқувчи руҳияти атрофлича эътиборга олиниши зарур.

Дарснинг ташкилий шакллари пухта танланиши, ҳар бир шаклнинг қўлланилиши, ўрни аниқланиши керак. Ҳозир методист олимларимиз дарснинг замонавий шаклларини такомиллаштириш борасида тадқиқотлар олиб боришлари мақсадга мувофиқ. Ҳар бир шаклда ўқувчининг фаоллик масалалари етарлича ва атрофлича ўрганилиши керак.

Буларни география таълимида тўртта йўналиши бўйича олиб борилиши мақсадга мувофиқ.

1. Ўқувчиларни дунёвий билимлар билан қуроллантириш.
2. Географик кўникма ва малакаларни шакллантириш.
3. Ўқувчида ижодий фаолият хислатларини шакллантириш.
4. Воқеа ва ҳодисаларга бефарқ қарамасдан уларга бевосита ўзи қатнашаётгандек ҳис қила олиш қобилиятларини тарбиялаш.

Агар юқоридаги элементлардан бирортаси тушиб қолса, ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялаш қийин бўлади. Бу элементлар бир бири билан объектив боғланган бўлиб, бири иккинчисига ва ҳоказа, таянади ва тўлдириб туради. Масалан; билимни эгалламасдан туриб кўникма ва малака ҳосил бўлмайди. Ижодий фаолият эгалланган билимларнинг чуқур бўлишини таъминлайди. Таълим мазмунининг ҳар бир элементи ўзига хос бўлган географик маданиятнинг шаклланишига ёрдам беради. Юқоридаги элементлар бир-бирининг ўрнини боса олмайди. Чунки таълим мазмунининг ҳар бир қисми ўзига хос йўл ва метод билан эгалланади. Бунда идрок, эсда сақлаш, таниш объектларни кўз олдига келтира олиш, жадвалларни тўлдира олиш, муаммоли масала ва топшириқларни ечиш кабилар ўзига ҳос бўлган методларни танлашни талаб қилади. Таълим мазмунини эгаллаш жараёнидаги ўқувчи ҳис-ҳаяжони, унинг билим олишга жон дили билан қизиқиши, ўрганилаётган воқеа ва ҳодисалар, объектлар уни қанчалик қизиқтиришини, қониқтира олиши ёки қониқтира олмаслиги билан белгиланади.

Ўқувчилардаги ижодий фаолият эса ўқувчиларни муаммоли саволларни ечишга ўргатади. Ижодкорларсиз ўқувчининг билимга қизиқиши деярлик мавжуд бўла олмайди. Демак, ижодкорлик географик маданият шакллантиришдаги муҳим омиллардан саналади. Юқоридаги барча омилларни қўллаш жараёнида билим эгаллашнинг 3 та даражаси ҳосил бўлади.

1. Билим ва кўникмаларни онгли равишда идрок қилиш ва эсда сақлаб қолиш.
2. Билимни таниш вазиятларда қўллай олиш.
3. Эгалланган билим ва кўникмаларни амалда ижодий қўллай олиш.

Билим эгаллаш методларининг ҳар бир элементини пухта эгаллаган ҳолдагина, уларнинг ҳар бирига мос таълим методларини қўллагандагина у пухта эгалланади. Илк билимларни эгаллаш жараёни тушунтириш ва иллюстрация (кўргазмали, намойиш қилиш) методини қўллашни тақозо этади. Бу методда асосий ўринни

ўқитувчининг ўқувчига билимни тайёр ҳолда беришни эгаллайди.

Географик кўникма ва малакалар эса кўпроқ репродуктив методлар ёрдамида шаклланади. Масалан, Ўзбекистон табиат зоналари мавзусини ўтишда даастлаб чўл минтақаси маълум режа асосида таъриф берилади. Чўлдан кейин адир минтақасини ўтишда ўқувчилар олдинги дарсда эгалланган режани бу минтақани ўрганишда қўллайдилар ва зарур билим ва кўникмаларни мустақил эгаллайдилар. Кейинчалик тоғ ва яйлов минтақаларини дарслик асосида мустақил ўрганиш имкониятига эга бўладилар. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳанузга қадар таълим мазмунини тўла эгаллаш учун ягона услуб (метод) яратилганича йўқ ва уни амалга оширишнинг ўзи амримаҳол. Шу туфайли ҳам география ўқитувчисининг асосий вазифаси ҳар бир мавзуга ва ўқувчиларнинг қизиқишларига мос келадиган методларни, таълим шакллари ва воситаларини излаб топиш ва уларни тўғри танлаши талаб этилади. Шундагина ўқувчиларда тўлақонли географик маданиятни шакллантириш имконияти туғилади. Таълим жараёнини изчил таҳлил қилиш ҳар бир методнинг ўзига хос белгиларини ажратишга имконият яратади.

Ҳар бир методда қуйидаги белгилар ажратилади. Булар, мақсад, билимни эгаллашнинг ташкилий услублари, таълим субъектининг ўзаро боғлиқлиги ва ҳоказо. Ҳар бир ўқув материалини ўқувчидан метод танлашдан ташқари педагогик маҳорат, санъат талаб қилади.

Географик маданиятни шакллантиришда ўқитувчининг тайёргарлиги, ўқитувчининг обрўси, ўқувчилар жамоаси, ўқувчилар фаоллиги ва мактабдаги муҳит кабилар ҳам катта роль ўйнайди. Демак, таълим жараёни бир бутун тизимга эга. Унинг муваффақиятли чиқиши ҳар хил омилларга боғлиқ. Буни олимлар турлича талқин қиладилар.

Баъзи олимлар якка, гуруҳ, ёппасига таълим бериш муваффақиятли десалар айримлар таълим воситалари, материални ўзлаштириш вақт, ўқувчи ва ўқитувчи фаолият кўрсатадиган муҳитда нормал аҳлоқий-руҳий муҳит бўлиши керак деб ҳисоблайдилар. Айримлари эса ўқитувчи фаолияти юқори бўлиши, ҳар бир дарсни ўтишдан олдин унинг лойиҳасини тузиб чиқишни тавсия қиладилар. лойиҳа тематик ва алоҳида дарсларни режалаштиришга қараганда кенг маънога эга бўлиб бутун фаолиятни олдиндан билиш зарур бўлади. Юқоридаги қарашлар ва тадқиқотларнинг ҳар бири ўзига хос бўлган географик маданиятларни шакллантиришга ёрдам беради. Дарсликдаги материалнинг чуқур ўзлаштирилиши кўп жиҳатдан унинг савияси ва ўқувчи томонидан ўзлаштиришга ҳам боғлиқ.

ДАРСЛИКНИНГ ГЕОГРАФИК МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ.

География дарслиги ҳам ўқувчиларда географик маданиятни шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Янги-янги ўқув воситаларининг пайдо бўлишига қарамасдан география дарслиги ўз аҳамиятини йўқотмади, у ҳамон ўқувчи учун географик маданиятини оширишда билим манбаи ҳисобланади. Дарслик ўрганилаётган мазмунини кетма-кет мантиқий изчилликда ёритади. Мавзулар якунидаги савол ва топшириқлар ўқувчиларни хулосалар ясашга ундайди.

Одатда аксарият дарсликларида мавзу учун қўшимча материаллар илова тарзида берилади. Улардан амалий ва мустақил ишлар учун зарур материалларни олиш мумкин. Ўқувчининг дарслик билан ишлай олиши, қобилияти унинг география фанига бўлган қизиқишининг исботидир.

География фани бўйича нашр этилган илмий методик манбалар дарсликдаги материални тўлдириш учун хизмат қилади. Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда яратилаётган аксарият дарсликларида ўқувчининг география фанига қизиқишини чуқур таъминлай оладиган даражада бўлмайди. Улар ўқувчида юқори савиядаги географик маданиятни шакллантиришга заифлик қилади.

Бу борада жаҳон стандартида ёзилган қўлланмаларни яратишда қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ.

1. Дарсликнинг ҳар бир фуқарога географик маданият элементларини сингдира олиши.
2. Дунёнинг хилма-хил географик манзарасини воқеа ва ҳодисаларини эсда сақлаб қола оладиган даражада ёрита олиши.
3. Дарсликдаги фундаментал билимнинг асосий ўрнини эгаллаши ва назарий билимларнинг етакчи бўлиши.

4. Дарсликда комплекс, ўлкашунослик ва якка ёндошувларда етакчи. Унда ўйин тарзида материалларнинг кўп бўлиши.
5. Ўқувчиларнинг мустақил билим олишга ундаши, ижодий фикрлашга ва фаол ўқув меҳнат қилишга ўргатиши.
6. Эгалланган билим ва кўникмаларни амалда қўллай олишга ўргатиши.

7. Муаммоли таълим методларини кенг қўллашга киритилган бўлиши.

8. Атроф муҳитни онгли равишда қўриқлаш, унда эстетик завқ олишга ўргатиш.

9. Дарслик материалнинг хилма-хил услублар ва дарсни ташкил этишнинг замонавий шаклларини қўллаш учун қулай тарзда ёритилиши.

10. Мазмун ва шакл бирлигини таъминлаш, илмийлик ҳаммага бирдек тушунарли бўлишини таъминлаш.

11. Географиянинг ҳозирги замон модулини ўзида акс эттира олиши.

Дарсликда географик билимлар қуйидаги тартибда берилиши, географик маданият шакллантиришдаги муҳим омиллардан саналади. Булар илмий қонуниятлар, илмий назариялар, илмий концепциялар, илмий фаразлар, илмий тушунча ва тасаввурлар, илмий фактлар алоҳида бўрттириб кўрсатилиши мақсадга мувофиқ.

ГЕОГРАФИК МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ДАРСЛАРНИНГ РОЛИ

Ўқувчиларда географик маданиятни шакллантириш учун энг аввало дарснинг замонавий шаклларини кенг миқёсда қўллаш зарур. Ҳозирги замон дарси ўз навбатида ўнлаб хусусиятларга эга. Булар қуйидагилар.

1. Ўқув жараёни энг аввало ўқувчи шахсини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши керак. (Анъанавий дарсда асосий эътибор билим ва кўникмаларни эгаллашга йўналтирилган бўлиб, ўқувчи тарбияси, унинг ривожланиши, ўқувчининг бевосита раҳбарлигидан четда қолиб кетади).

2. Ўқитувчи билимларини фаолиятини ташкил этишда асосий ташкилотчи, зарур ҳолларда уларнинг ёрдамчиси, маслаҳатчиси бўлиши керак. (Анъанавий дарсда ўқитувчининг асосий вазифаси ўқувчига зарур информацияни бериш ва уларни эгаллаш учун қулай шароит яратишдан иборат бўлади).

3. Ўқувчининг ўқув фаолиятида ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорлиги етакчи бўлади. (Анъанавий дарсда ўқитувчи ўқувчи билан якка ҳоким «Авторитар» тарзда иш олиб боради).

4. Ўқув вазифаларини бажаришда билим ва кўникмаларни қўллаш марказий ўринни эгаллайди. Бу янги материални эгаллаш учун уни мустаҳкамлаш, билим ва кўникмаларни текшириш каби жараёнларга ҳам тааллуқлидир.

Бу жараён узвий боғланган ҳолда ташкил қилинади. Натижада дарснинг турли босқичларида ўқувчининг фаоллиги сақланади (анъанавий дарсларда эса билимни текшириш, янги материални

ўрганиш, мустаҳкамлаш каби жараёнлар алоҳида-алоҳида намоён бўлади. Билимларни қўллаш таълим жараёнининг ядроси ҳисобланади).

5. Ўқув жараёни пайтида ўқувчилар ўртасида ўзаро мулоқотлар, зарур бўлганда ўзаро алоқалар, суҳбатлар, тортишувлар бўлиши (анъанавий дарсларда билимларни эгаллаш жараёнида ўқувчилар ўртасида мулоқат деярли уюштирилмайди. Асосий мулоқот ўқитувчи-ўқувчи тарзида намоён бўлади).

6. Дарсда бевосита ўз региони, мамлакати, жаҳонда бўлаётган воқеалар билан уйғунлашган ҳолда ташкил қилинади.

7. Замонавий дарсларда дарс-семинар, дарс-синов, дарс-ўйин, дарс-конференция каби таълимни ташкил қилиш шаклларидан кенг фойдаланилади. Агар биз замонавий дарслардан унумли фойдалансак, ўқувчиларда географик маданиятни бирмунча ривожлантирган бўламиз.

Ўқувчиларда ижодий фаолиятларни ривожлантириш ҳам уларда географик маданият шакллантиришда катта роль ўйнайди. Ижодий фаолиятни энг аввало муаммоли саволлар ва топшириқлар, ҳар хил мураккаблик даражасидаги тест саволлари орқали амалга ошириш мумкин.

География таълимини ривожлантиришда мавзулар бўйича қандай муаммоли дарслар таркиби муаммоли вазият ҳосил қилиш, қўйилган муаммонинг ўқувчилар томонидан англанилиши муаммонинг қўйилиши, маълум воситаларни қўллаш зарурлигини олдиндан белгилаб олиш мақсадга мувофиқ. Муаммоли дарслар таркиби муаммоли вазият ҳосил қилиш, қўйилган муаммонинг ўқувчилар томонидан англаниши муаммонинг қўйилиши, маълум воситаларни қўллаш, фараз яратиш, фаразни текшириш, умумий хулоса каби қисмлардан иборат бўлади. Муаммоли саволнинг энг муҳим томони шундаки, бунда ўқитувчи томонидан қўйилган савол ўқувчини ўйлашга, фикрлашга ундаши керак. Саволни ечиш ўқувчида қийинчилик ҳосил қилиши, яъни улар муаммоли саволни ечиш ўқувчида муаммоли вазиятга тушишлари керак. Акс ҳолда қўйилган савол ўқувчида қийинчилик ҳосил қилмаса ва унга осонликча жавоб топиб қўйса, бундай топшириқлар муаммоли савол бўла олмайди.

ЕТАКЧИ ТУШУНЧАЛАР

Маданият, маданиятни шакллантириш, географик маданият, дарслик, замонавий дарс, анъанавий дарс, ноанъанавий дарс, дарс семинар, репродуктив, дарс-синов, муаммоли, дарс-ўйин, педагогик маҳорат, дарс-конференция, картографик маданият.

АДАБИЁТЛАР

1. Қурбонниёзов Р. Эшчонов Г. Географик маданият шаклантириш Урганч 1998.
2. Баринова И. И. Внекласная работа по географии М. 1998.
3. Таълим стандарти ва дастурлари 2000.
4. География дарсликлари 1996-2000.
5. Кундалик матбуот материаллари.

ГЕОГРАФИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИ БЎЙИЧА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. И. А. Каримов Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида Тошкент 1997 й.
2. «Таълим тизими» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонунлари.
3. Н. Н. Баранский Методика обучения Экономической географии Москва 1964 г.
4. Методика обучения географии в средней школе под. ред. И. С. Матрусова М. Просвещение 1984.
5. Методика обучения географии в средней школе под. ред. Л. М. Панчешникова М. Просвещение 1998.
6. О. Мўминов География таълими методикаси Тошкент «Ўқитувчи» 1986.
7. П. Мусаев Ўзбекистон иқтисодий географиясини ўқитиш Тошкент «Ўқитувчи» 1987. й.
8. Р. Қурбонниёзов География таълими методикаси Тошкент ўқитувчи 1993 й.
9. Мактаб география дарсликлари 5-6-7-8-9 синфлар Ташкент «Ўқитувчи» 1996-1999 йиллар.
10. География дастури стандарт 1999 й.

ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР

1. О. Г. Крылова Уроки географии 7 классе М. Просвещение 1987 г.
2. О. Войлошникова Географии в 9 классе М. 1990 г.
3. В. П. Максаковский «Научные основы школьной географии» М. Просвещение 1987 г.
4. Р. Қурбонниёзов «Ўзбекистон географияси» қизиқарли савол ва топшириқлар «Ўқитувчи» Тошкент 1997 й.
5. Р. Қурбонниёзов Географиядан ўқувчилар билимини текширишнинг шакли ва методлари Тошкент 1993 й.
6. О. Абдуғаниев География дарсларида техника воситаларидан фойдаланиш Тошкент ўқитувчи 1995 й.

Ўзбек тилида

Рустам ҚУРБОННИЁЗОВ.

ГЕОГРАФИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ.

Урганч «Хоразм» нашриёти—2001 йил.

Тақризчи: МАТСАИДОВА С.

Масъул муҳаррир: ЭШЧОНОВ Р.

Тех. муҳаррир: ЯНГИБОЕВ Ф.

Босмахонага берилди 22.02.2001 й. Босишга рухсат этилди. 18.05.2001 й. Формати 60X84. 1/16 б/к. Рўзнома қоғозига юқори босма усулида босилди. «Новая гаветная» гарнитураси. Ҳажми: 13 б/т. Нусхаси 400. Буюртма № 473. Баҳоси шартнома асосида.

Гурлан туманлараро босмахонаси. 741000. Гурлан посёлкаси, П. Махмуд кўчаси—82 уй.

4,1,8,5,12,9,16,13,20,17,24,21,28,25,32,29,36,33,40,37,44,41,48,45,52,49,56,53,60,57,64,61,68,65,72,69,76,73,80,77,84,81,88,85,92,89,96,93,100,97,104,101,108,105,112,109,116,113,120,117,124,121,128,125,132,129,136,133,140,137,144,141,148,145,152,149,156,153,160,157,164,161,168,165
172,169,176,173,180,177,184,181,188,185,192,189,196,193,200,197,204,201,208,205,212,209

2,3,6,7,10,11,14,15,18,19,22,23,26,27,30,31,34,35,38,39,42,43,46,47,50,51,54,55,58,59,62,63,66,67,70,71,74,75,78,79,82,83,86,87,90,91,94,95,98,99,102,103,106, 107,110,111,

~~,116,113,120,117,124,121,128,125,132,129,136,133,140,137,144,141,148,145,152,149,156,153,160,157,164,161,168,165~~4,1,2,3,8,5,6,7,12,9,10,11,16,13,14,15,20,17,18,19,24,21,22,23,28,25,26,27,32,29,30,31,36,33,34,35,40,37,38,39,44,41,42,43,48,45,46,47,52,49,50,51,56,53,54,55,60,57,58,59,64,61,62,63,68,65,66,67,72,69,70,71,76,73,74,75,80,77,78,79,84,81,82,83,88,85,86,87,92,89,90,91,96,93,94,95,100,97,98,99,104,101,102,103,108,105,106,107,112,109,110,111,116,113,114,115,120,117,118,119,124,121,122,123,128,125,126,127,132,129,130,131,136,133,134,135,140,137,138,139

~~2,3,6,7,10,11,14,15,18,19,22,23,26,27,30,31,34,35,38,39,42,43,46,47,50,51,54,55,58,59,62,63,66,67,70,71,74,75,78,79,82,83,86,87,90,91,94,95,98,99,102,103,106,107,110,111,~~114,115,118,119,122,123,126,127,130,131,134,135,138,139,142,143,146,147,150,151,154,155,158,159,162,163,166,167

~~172,169,176,173,180,177,184,181,188,185,192,189,196,193,200,197,204,201,208,205,212,209,216,213,~~
~~220,217,224,221,228,225,232,229,236,233,240,237,244,241,248,245,252,249,256,253,260,257,264,261,268,265,272,269,276,273,280,277,284,281,288,285,292,289,296,293,300,297,304,301,308,305,312,309,316,313,320,317,324,321,328,325, 332,329~~

170,171,174,175,178,179,182,183,186,187,190,191,194,195,198,199,202,203,206,207,210,211~~,214,215,~~
~~218,219,222,223,226,227,230,231,234,235,238,239,242,243,246,247,250,251,254,255,258,259,262,263,266,267,270,271,274,275,278,279,282,283,286,287,290,291,294,295,298,299,302,303,306,307,310,311,314,315,318,319,322,323,326,327, 330,331~~

Отформатировано: По ширине

Отформатировано: По ширине

Отформатировано: По ширине, Отступ: Первая строка: 0 см

Отформатировано: узбекский (кириллица)

Отформатировано: По ширине

Отформатировано: По ширине, Отступ: Первая строка: 0 см

Отформатировано: По ширине